


566


# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2019

Эта  
№ 1





## НИЪАТИ УЛУГ' ХАЛҚНИНГ – НАЙОТИ ЙОРУГ'

● Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция бу – иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

● Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак.

● Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққийётга етаклайди.

● Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

● Ислоҳот бу – янгилаш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради.

● Биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз.

● Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномасидан олинди.

312  
№ 1



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Таҳририят*

Собиржон ЕҚУБОВ  
(бош муҳаррир Уринбосари)

Султонмурод ОЛИМ  
(бўлим мудир)

Номира ОФОҚ  
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бўлим мудир)

Насрулло ЭРГАШ  
(мухбир-муҳаррир)

Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)

*Жамоат кенгаши*

Ўрозбой АБДУРАХМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Алишер ҚОДИРОВ

Дилмурод ҚУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайди этилиши шарт.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино



215-57-30

215-57-36



tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2019 йил 5 март куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма табоқ. 486-буюртма. Нашр адади 1025 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Шояд, тафаккур қилсак. *Шоир ва файласуф олим Абдулла ШЕР билан суҳбат*.....4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Фахриддин Мусаев. Имкониятлар палласи.....22

### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Виктор АЛИМАСОВ. Илмий инқилобга тайёрмизми?.....26

### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Дилмурод ҚУРОНОВ. Пойтахт ва музофот: яқинми, йироқ?...33

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдулла АЪЗАМ. Миллий алифбо: тафсил ва таҳлил.....38

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Дилоромнинг кўзлари. *Мусаввир Дилором Мамедова ижодидан намуналар*.....50

# SAHIŒALARIDA

## саҳифаларида

### ЕТТИ ИҚЛИМ МУЖДАСИ

Нодира ОФОҚ. Дунё одами.....52

### НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Кнут ҲАМСУН. Воиз. *Ҳикоя*.....62

### ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Йўлдош СОЛИЖОНОВ. Камю, абсурд,  
Сизиф ва ўзбек адабиёти.....78

### АСЛИМИЗ – НАСЛИМИЗ

ОТАУЛИ. Билгамишлик.....84

### БОҶИЙ САРЧАШМАЛАР

Соатмурод ПИРИМОВ. Ақл ва нақл.....90

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Султонмурод ОЛИМ. Бир байт балогати.....96

### МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Заҳириддин МАНСУР. Тошни тешган  
томчилар.....100



Дилором МАМЕДОВА. “Рангин қорлар”



Дайсаку Икеда

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА. Гоҳ завқ,  
гоҳ изтироб.....104

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Рауф САЛОХЎЖАЕВ. Дунёни ўзгартира-  
ётган гоялар.....112

Саодат АҚБАРОВА. Илм – холислик  
дегани.....113

Мансур МУСАЕВ. Замонавий истило.....115

Насиба АБДУЛЛАЕВА. “Гўзаллик –  
манглайни терлатиш”.....117

Дилноза ЯНГИБОЕВА. Садр Зиё махзани...118

Раҳматилла ҲАЙДАРОВ. “Оҳимдин жа-  
ҳонға тушти ўт”.....119

Рустам ЖАББОРОВ. Навоийнинг озар-  
бойжонлик шогирди.....120

Жаҳонгир ҚОСИМОВ, Сардор МАҲМУДОВ.  
Мозий ва киноталқин.....121

Беҳзод ҚОДИРОВ. Сўнмас ёғду.....123

Нурилло РЕЖАББОЕВ. Қопчи савдогарлар  
қисмати.....124

Журналнинг инглизча мухтасар  
мазмуни.....127



## SHOYAD, TAFAKKUR QILSAK

*Шоир ва файласуф олим Абдулла ШЕР  
билан суҳбат*

– Абдулла ака, фалсафа – ҳикматдир, деймиз-у, лекин миллатимиз ҳикматни аксар дин ва адабиётдан излаган. Фалсафа шу икки “рақиби”га тенглашолган давр – IX-X асрлар – Форобий ва Ибн Сино замони, холос, назаримда. Бошқа даврларда эса бизда фалсафанинг боши ҳеч таназзулдан чиқмагандек. Тўғри, дин ҳам совет давридагидек тушкунликка юз тутган замонлар бўлган. Аммо у ҳар гал таъқибдан қутулди дегунча аввалги мавқеини қайта тиклаб олган. Адабиёт ривожини эса, ўзингизга аён, хийла барқарор кечган. Фалсафанинг бундай қисматига боқиб, у халқимиз табиатига ётмикан-а, деган хаёлга ҳам борасан киши. Сизни ҳам шундай иштибоҳ қийнаган пайтлар бўлганми?

– Даставвал мен “фалсафа” ва “ҳикмат” тушунчаларига тўхталмоқчиман. Юзаки қараганда, ҳикмат фалсафага ўхшаб кўринади. Аслида эса, ундай эмас. Ҳикмат – дидактик-авторитар табиатга эга бўлган, ҳеч ким рад этолмайдиган, умумэтирофга ноил, фақат тасдиқни талаб қиладиган фикр ёки фикрлар йиғиндиси. У кўпроқ адабиёт, халқ мақолларига хос маънавий ҳодиса бўлиб, бизга ҳаётини аъмоллардан

чиқарилган муайян умумлашма хулосани ҳукм, қатъий қоида тарзида, тажрибалар орқали эришилган ўзгармас ҳақиқат сифатида тақдим этади. Фалсафа эса, демократик табиатга эга, эркинликка асосланган маънавий ҳодиса, унда муайян фикр ёки дунёқараш бошқалар томонидан баъзан тасдиқланади, баъзан инкор этилади ва кези келганда, бу инкор ҳам инкор қилиниши мумкин. Фалсафа бизга тайёр ҳақиқатлар рецептини бермайди, балки ҳақиқатни илмий муаммо сифатида ўртага ташлаб, унинг ечимини излаш йўлларини кўрсатади. Бу йўллар эса ҳар хил бўлиши табиий. Шу хусусияти билан у бирор ҳодиса ёки фикр ҳақида ўзимиз хулоса чиқаришимизга, яъни “мен”имизга таяниб фаолият юритишимизга имкон яратади, бизни изланишга, тафаккур қилишга ундайди.

Дарвоқе, “фикр” ва “тафаккур” сўзларининг ўзаги бир бўлса-да, атамага айлангач, улар икки мустақил маънони англатади. Тафаккур – фикрдан фарқли ўлароқ, инсоннинг моддий қизиқишлари билан эмас, маънавий изланишлари билан боғлиқ руҳий воқелиқдир, унда ақл ва қалб, онгланганлик ва онгланмаганлик баравар иштирок этади. Фикр – ҳодиса, тафаккур – моҳият. Фикр индивидга хос, тафаккур фақат шахсга хос ва илмийлик билан боғлиқ ақлий фаолият. Фикр – аниқлик, тафаккур – мавҳумлик; фикр – хусусийлик, тафаккур – умумийлик; фикр – қисм, тафаккур – яхлитлик; фикр – қузатув самараси, тафаккур – мушоҳада маҳсули. Тафаккур бугунги воқелиқнигина эмас, келгусида бўладиган ҳодисаларни ҳам қамраб олади. Шу боис унинг бир томони тасаввурга бориб тақалади: тасаввур дастлаб ғояга, сўнг тафаккурга айланади. Тафаккур ҳатто бутун-бутун даврларни бир-бири билан боғлайдиган маънавий занжир вазифасини ўташи мумкин. Фикр эса бундай қудратга эга эмас.

Тафаккур борасидаги бу мулоҳазаларим менга ўзимнинг кичик бир топилмамни эслатди. Мен анча вақт нима учун Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари ёнимиздаги – Ҳиндистон ва Хитойдаги упанишадлар, даочилик ва буддавийликка мурожаат қилмасдан, олис Юнонистон фалсафасига эргашганининг сабабини тополмай юрдим. Кунлардан бирида кўп йиллар олдин ўқиганим – Арастунинг “Метафизика”сини яна бир карра жиддий мутолаа қилишга киришдим ва “Воҳ!” деб юбордим. Қай кўз билан кўрайки, Арасту ўз китобида муқаддас динимизнинг асоси бўлган тавҳидни назарий исботлаб берган экан. У Худонинг яккалиги, ўзи яратилмаган, лекин Яратувчи, биров томонидан ҳаракатга келтирилмайдиган, аксинча, илк ҳаракатга келтирувчи қудрат эканини қайд этади. Уни “Олий шакл” деб атайди ва барча шакллар Ундан эканини таъкидлайди. Арасту талқинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади. У – Олий Ақл, Олий Тафаккурдир. Шу боис ҳам бизнинг машшоиййун (перипа-

тетик) файласуфлар Арастуни “Биринчи муаллим” деб улуғлаганлар ва ўз фалсафий қарашларида унга иқтидо қилганлар. Ана энди Куръони карим “Бақара” сурасининг 242-оятини эсланг: “Шу тариқа Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади, шояд, **ақлни** ишлатсангизлар”. Бу эса ана шу суранинг 266-оятидан: “**Тафаккур** қилурсизлар деб, Оллоҳ ўз оятларини сизларга шундай баён қилади”. Мен икки сўзни атайин таъкид билан келтирдим. Зотан, тафаккур ҳиссиётлар орқали эмас, айнан ақл воситасида намоён бўлади.

Фалсафа ўрганадиган объект хусусида хилма-хил фикрлар мавжуд. Мен фалсафа ўрганадиган объектни тафаккур деб ҳисобловчи мутахассислар сирасиданман. Шунга кўра, мусулмон минтақаси учун фалсафани Оллоҳ ризолиги йўлида ўрганиладиган маънавий соҳа деб тавсифлаш мумкин. Зеро, буюк файласуфимиз Ибн Сино Оллоҳни бежиз Асл ал-Ҳаким – Мутлоқ (Олий) тафаккур эгаси, фалсафани эса илми ҳикмат деб атамаган. Табиийки, бу ўринда “ҳикмат” сўзи илм маъносида, фалсафий истилоҳ сифатида келяпти. Қолаверса, у даврларда “файласуф” сўзини истифода этиш хатарли бўлган, у кўпхудолилик таълимоти вакилига нисбатан қўлланган. Ана шу тарзда бизда фалсафа – илми ҳикмат, тафаккур ҳақидаги илм деб аталган.

Бизда “илми ҳикмат” атамаси қўлланишига яна бошқа бир муҳим сабаб ҳам бор. Арастугача Қадимги Юнонистонда фалсафа ўз ичига физика, ахлоқшунослик (этика) ва мантиқ (логика) фанларини олган, холос. Арасту “Қалб ҳақида” асари билан руҳшунослик (психология), “Поэтика” ва “Риторика” асарлари билан нафосатшунослик (эстетика), “Сиёсат” китоби билан сиёсатшунослик фанларига асос солади. У билиш (эпистемология), борлиқ (онтология) ва услубият (методология) масалаларига бағишланган катта тадқиқотга ҳам қўл урадики, бу фалсафа соҳасидаги инқилоб эди. “Метафизика”ни – физикадан кейин келадиган ва ундан юксак турадиган фанни бобокалонларимиз “Илми ҳикмат” деб таржима қилдилар. Асрлар мобайнида Арасту қўлланган метафизик услуб (диалектика билан ёнма-ён) фалсафий тадқиқ учун асосий илмий-методологик ёндашув бўлиб қолади. Янги даврда моддиюнлик қарашларининг кучайиши ва олмон мумтоз фалсафасининг таъсирида диалектик услуб метафизик ёндашувни бир оз сиқиб чиқаргандек бўлади. Лекин Шеллинг илгари сурган фалсафий трансценденция, каромат фалсафаси ва Овруро экзистенциализмининг вужудга келиши билан метафизик ёндашув тагин қад тиклайди. Шу тариқа жаҳон фалсафасида метафизик тадқиқот услуби диалектика билан ёнма-ён яшаб келаётир.

Фалсафанинг таназзули ҳақидаги фикрингизга келсак, унга фақат қисман қўшилиш мумкин. Аввало, XX асргача бўлган мусулмон Шарқи фалсафасига миллийлик сифатини бериш ноҳолис ва ноилмий ёнда-

шув бўларди. Чунки у даврларда бизда фалсафа минтақавий хусусиятга эга бўлган. Таназзул деганда сиз мусулмон оламидаги фалсафа тараққиётининг жуда қисқа даврини назарда тутяпсиз. Ибн Синодан кейин Ибн Туфайл, Имом Ғаззолий, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий, Ибн Рушд каби ҳозирда ҳам дунёни ҳайратга солиб келаётган буюк файласуфлар ижод қилади. Ғаззолийнинг Дэвид Хјум билан Иммануил Кантга таъсирини олиб қараймизми, илк куртаклари Ибн Синода кўзга ташланган, сўнг Хайём ривожлантирган ва Ибн Рушдда такомилга етган Шарқ экзистенциализмига назар сола- мизми ёки Ғарб фалсафасида Ибн Рушд таълимоти асосида вужудга келган аверроизм оқими ҳақида гапирамизми – ҳаммасида минтақа- миз файласуфлари Х асрдан кейин ҳам “бўш келмагани”ни кўрамиз. Аммо Чингиз босқини минтақа халқларини икки аср тараққиётдан тўхтатди. Буюк Амир Темур ва темурийлар даврида яна фалсафий та- факкурга қайтиш рўй берди. Бироқ фалсафа доираси энди торайган, машшоййунликдан бир қадар четланиш оқибатида у назарий жиҳат- дан заифлашган ва кўпроқ ахлоқшунослик ҳамда нафосатшунослик билан чегараланиб қолган. Шу тор доирада ҳам буюк асарлар яратил- ганини эътироф этиш керак. Хусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийнинг ахлоқ фалсафаси, Навоий, Жомий, Атоуллоҳ Хусайний, Қози Аҳмад каби алломаларнинг нафосатшуносликка доир асарлари фикримизга далил бўлади. Афсуски, хонликлар даврида дин пешво- ларининг эътиқод борасидаги маҳдудлиги салбий оқибатларга олиб келди: табиий фанлар ва фалсафа маънавий ҳаётдан чиқариб ташлан- ди. Бундан нафақат фан ва фалсафа, балки диннинг ўзи ҳам зарар кўр- ди: қолоқ ўлкага айланган Туркистон Русия империясига қарам бўлди, насроний ҳукмдорларга тобе минтақага айланди.

Николай Иккинчининг юмшоқроқ сиёсати, Русия империясида демократия шабадаларининг андак эсиши натижасида Туркистонда жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Ҳар қандай ижтимоий ҳаракат ўз фалсафасини тақозо этиши табиий. Шу сабабли ХХ аср бошларида Фитратнинг “Нажот йўли”, “Оила”, Анбар Отиннинг “Қаролар фалса- фаси”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари юзага келади. Ана энди миллий фалсафа ҳақида гапириш мумкин бўл- ган. Бироқ Ленин амалга оширган давлат тўнтариши оқибатида ҳо- кимиятни большевиклар эгаллаб олиши Россия ва унга тобе халқлар бошига мисли кўрилмаган фалокатлар ёғдирди. 1922 йили “Файла- суфлар кемаси”да 250 нафар атоқли рус файласуф ва шоир-ёзувчи- лари Россия худудидан чиқариб юборилади, қолганларининг аксари кейинчалик қатағон қилинади. СССРда марксизм жаҳоний фалсафий таълимот сифатида ўқитилди ва мафкурага айлантирилди, диалек- тик материализм деган ярим сохта метод эса фалсафанинг ягона

тадқиқот услуби сифатида қонунлаштириб қўйилди. Бошқа барча фалсафий йўналишлар инкор этилди. Фақат эстетикани тадқиқ этиш шарти билан қамоқдан озод қилинган Алексей Лосевни, кейинчалик Хрущёв демократияси туфайли майдонга чиққан Михаил Бахтин ва Мераб Мамардашвилини ҳисобга олмаганда, етмиш йил мобайнида жаҳонни ҳайратлантирадиган файласуф деярли чиққани йўқ. Бизда эса аҳвол бундан бешбаттар бўлди: фалсафий янгиликлар яратилмади, бирёқлама марксча фалсафашуносликка ружу қўйилди, холос. Мустақилликдан кейинги чорак асрда ҳам аҳвол ўзгармади. Фалсафий фанлар мафкурага бўйсундирилди, уларда танқидий ёндашув ўрнини мадҳиябозлик ва иқтибосбозлик эгаллади. Ҳозирги аҳволни-да қониқарли дейиш камчиликни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Шунинг баробарида, таъкидлаш керакки, фалсафа ҳеч қачон бадий адабиёт, санъат ёки дин каби оммавий хусусиятга эга бўлган эмас. Унда илмийлик – назариялар, фаразлар, таҳлилий ёндашув доимо устувор мавқе эгаллайди.

Мана, сиз айтган “фалсафа таназзули”нинг асосий сабаблари. Саволингизнинг охириги жумлаларига келсак, шуни айтишим мумкинки, фалсафа – миллатимиз табиатига мос. Биринчидан, умумлашма тафаккур қилишга иштиёқ қонимизда, ирсиятимизда бор: тарихимиздаги қомусий алломаларимизни эсланг. Иккинчидан, биз мусулмон миллат ўлароқ, тафаккур қилишни Оллоҳнинг амр-фармони деб биламиз. Шуларга кўра, сизнинг гумонингизга қўшилолмаيمان.

*– Демак, сизнингча, маърифатга ташна барча миллатлар каби ўзбек халқига ҳам фалсафа ниҳоятда зарур. Бироқ фалсафий тафаккуримизу фалсафа таълимининг ҳозирги аҳволдан рози эмаслигингиз ҳам кўриниб турибди. Жамиятимизнинг барча соҳаларида янгилашиш жараёни кечаётганидек, фалсафий тафаккуримизу фалсафа таълимида ҳам ислохотлар қилиниши лозим экан-да? Хўш, бу ислохот қай тарзда амалга оширилгани маъқул?*

– Яна “Фалсафа нима?” деган саволга қайтишимизга тўғри келади. Фалсафа, менимча, бизга кўп йиллар мобайнида тушунтириб келганларидек, мавжуд реалликка, моддий дунёвийликка асосланган тафаккур маҳсулигина эмас, у метафизик-трансцендентал ҳодисалар хусусида ҳам тафаккур юритишга ундайдиган, фан ва кундалик дунёқараш даражасидан юксак мақомдаги маънавий изланишлар йўлидир. У фан эмас, маънавий соҳадаги фанлар тизими. Мен фалсафа деганда ана шуни назарда тутаман ва уни тизимли ўқитиш тарафдориман. Арастудан кейин, янги даврда метафизикага яна бир неча фан қўшилди. Ҳозирги кунда фалсафа соҳаси метафизика, мантик, ахлоқшунослик,

эстетика, рухшунослик, диншунослик, маданиятшунослик, социология каби саккизта фанни ўз ичига олади. Арасту инсонни “ижтимоий ҳайвон” деб атаган. Бу атамани нафақат мусулмон Шарқи машшойийун файласуфлари, балки тасаввуф фалсафасининг Азизиддин Насафий каби улуг намояндалари ҳам тасдиқлаган. Бунда инсоннинг насаби, ижтимоий мулкка муносабати, муайян тузум доирасидаги ҳаёти каби омиллар билан бирга воқеликка ижтимоий муносабати ҳам назарда тутилади. Айнан ижтимоий муносабат инсонни шахсга айлантиради; у фалсафий қарашлар асосида шаклланади. Акс ҳолда инсон индивид бўлиб қолаверади. Арастуча айтсак, у – “ижтимоийлиги йўқ ҳайвон”, икки оёқли оддий биологик жонзот: тил бор, ақл бор, жайдари фикрлаш бор, лекин тафаккур йўқ. Демак, ўзлигини танишни мақсад қилган ҳар бир миллатга, жумладан, бизга ҳам фалсафа сув билан ҳаводек зарур.

Фалсафий тафаккуримиз аҳволига келсак, у ғоятда ачинарли. Ўша ўша қуюшқондамиз. Фалсафа фанларининг оёқости қилиниши давом этмоқда. Улар аввал моддиятчилик мафкурасига хизмат қиларди, энди “маънавиятчилик” мафкурасининг югурдаги. “Маънавиятчилик” дегани бизда кейинги чорак асрда моҳиятан фалсафий идеализмни эмас, балки сиёсий етакчининг китоб, суҳбат ва нутқлари мажмуини англадиган ҳодиса бўлиб қолди – раҳбарнинг гаплари илмга айлантирилди. ОАК талабларига кўра, номзодлик ва докторлик диссертацияси ҳимоя қилинганда ҳам бу “илм”дан алоҳида имтиҳон топширилиши керак эди. Диссертациялар эса ўша китоблардан ким кўп иқтибос келтириш бўйича мусобақага ўхшарди. Ҳозир айтсам, ишонмайсиз. Миллий университетда ишлаётган кезларим эстетика бўйича бир тадқиқотчининг номзодлик диссертациясига, у сўнгги семинардан ўтаётганида, оппонент бўлдим. Мен ўшанда расмона абсурдга дуч келганман: 120 саҳифали диссертациянинг қарийб ярми сиёсий асарлардан олинган кўчирмалардан иборат эди. Диссертация, барибир, муҳокамадан ўтди. Баъзилар ҳатто иқтибослар ҳажмини эринмай санаб чиққанамга “Шу шартмиди?” дегандек истехзоли кулиб қўйдилар.

Фалсафа соҳасидаги илмий асарларнинг аҳволи ҳам бундан қолишмайди. Бу борада Эркин Юсупов (раҳматли), Виктор Алимасов, Саидмурод Мамашокиров, Абдураҳим Эркаев, Ҳайдар Алиқулов (раҳматли), ёшлардан Хуршид Йўлдошев каби саноқли олимлар ёзган китоблар ҳамда мақолалардан, Шаҳноза Қаҳҳорованинг интернетдаги битикларидан, Қиёмиддин Назаров тузган луғат ва қомуслардан, журналингиздаги фалсафий суҳбатлардан, Нитше қаламига мансуб машхур “Also sprach Zarathustra” (“Зардушт шунақа деди”) фалсафий достонининг шоир Абдуҳамид Парда томонидан ўзбекчага қилинган шеърый таржимасидан (“Зардушт ноласи”) бўлак пичоққа илина-

диган нарса йўқ ҳисоби. Билимсиз талабанинг ҳам савиясидан паст “илмий адабиётлар” вужудга келяпти. Айниқса, бу борада Шавкат Ҳайтовнинг “Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш” китоби “муҳим аҳамият”га эга. Жаноб Ҳайтов бу китоби билан “фалсафий алжираш” деган янги оқимга асос солгандек. Эътибор қилинг: “Ўзбекистоннинг ташаббус фалсафаси”, “ўзбек халқи фарзанди фалсафаси”, “эътироф фалсафаси”, “ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод фалсафаси”, “шаҳар фалсафаси”... Бу ёғи янада антиқа: хивавийлар (аслида “хевақий”), жиззахийлар фалсафаси ва ҳоказо. Ё алҳазар! XIX асрдаёқ буюк олмон файласуфи Фридрих Шеллинг илмийликдан узоқ “фалсафа”нинг илдиз отаётганидан нолиб: “Яқин орада наслдор отлар етиштириш фалсафаси ҳам пайдо бўлса ажаб эмас”, деб киноя қилган экан. Қарангки, Шеллингнинг киноявий башорати у хаёлига ҳам келтирмаган ўлкада – бизда рўёб топди. Таниқли файласуф Виктор Алимасов журналингизда чоп этилган суҳбатда мазкур китоб муаллифи ва шунга ўхшаган “эждокор”лар хусусида гапириб, билмаганини ёзиш бугунги файласуфлар “аъмол”ига айланиб қолди, деган эди.

Ўқув адабиётлари ҳам ночор. Улар, одатда, русча адабиётлар ва сайтлардан олиниб, ғализ тилда таржима қилинади ва китоб муқовасига ўзбекчалаштирган мардумнинг фамилияси битиб қўйилади. Ўқув адабиётини тузган одам гўёки уни ёзган ҳисобланади. Кейинги йилларда киритган “янгилик”ларимиздан бири шу. Фақат биргина “Билиш фалсафаси” китобида инсофни кўрдим: Қиёмиддин Назаров ўзини муаллиф эмас, тузувчи деб атаган. “Ёзувчи” ва “тузувчи” масаласи қишлоғимиздаги уч-тўрт эрга тегиб чиққан бир шаддод аёлдан болалик кезларим эшитган қизиқ гапни эслатади. Ундан бу болангиз қайси отадан, у болангиз-чи, деб сўраганларида, ҳазил билан “Отаси – ундан-бундан, онаси – қизил гулдан!” деб хахолаб куларди.

Фалсафа фанлари бир тизимда бўлгани билан мухторлик табиати-га эга. Лекин бу уларни бир-биридан бутунлай ажратиш олиш керак дегани эмас. Афсуски, бизда ана шундай ажратиш жараёни бошланиб кетди. Бу ҳол “ажралиб чиққан” фанларнинг охир-оқибат фалсафийликдан маҳрум бўлишига олиб келиши муқаррар. Ҳозир “психология фанлари доктори”, “социология фанлари доктори”, “сиёсий фанлар доктори” деган илмий даражалар расман ишлатиляпти. Булар нимага керак ўзи? Ахир, руҳшуносликдан фалсафани чиқариб ташласак, Зигмунд Фройд, Карл Густав Юнг, Дмитрий Узнадзе, Жан Пиаже, Мераб Мамардашвилиларнинг психологиясидан нима қолади? XX аср жаҳон фалсафасида инқилоб ясаган “руҳий таҳлил” деган оқимни қаерга қўямиз? Социологиядан фалсафани суғуриб олсак, Огюст Конт, Макс Вебер, Питирим Сорокин каби олимларнинг жамиятшунослик бора-сидаги таълимотлари қай аҳволга тушади? Бу кетишда социология

оддий реалликдаги воқеа-ҳодисаларни “ҳисоб-китоб” қилишдан на- рига ўтолмайдиган энгил-елпи машғулотга, мустақил фан эмас, балки ахлоқшунослик югурдагига айланиб қолишини Олий таълим вазир- лиги ва ОАҚдагилар, наҳотки, тушунмаса?! Ёки сиёсатшуносликдан “-шунослик” олиб ташланса, у бирдан “муҳим” фан бўлиб қоладими?! Фалсафани бундай торайтиришга қандай зарурат бор? Ахир, Ғарбда- ги замонавий илм даргоҳларида гуманитар фанларнинг қай биридан диссертация ёқласангиз ҳам фақат бир хил – фалсафа доктори деган илмий даража берилади-ку! Биз тараққий топган мамлакатлар тажри- басини ҳисобга олиб иш тутсак, яхши эмасми?

Тўғри, биз фалсафани мустақилликдан кейин кенгайтирдик ҳам, лекин бу “кенгайтириш” уни торайтиришдан-да ачинарли ҳодиса бў- либ туюлади. Фалсафага “Маънавият асослари”, “Миллий ғоя”, “Ўзбе- кистонда демократик жамият қуриш асослари” каби сохта фанлар қў- шилди. Домла “Маънавият асослари”да нимани ўқитади? Метафизика, ахлоқшунослик, эстетика, маданиятшунослик, тарих каби яна бир неча фанни битта қилиб, қўшиб дарс ўтадимиз? Миллий ғоя фан бўли- ши мумкинми? Ахир, уни ўқитиб, ҳатто сингдириб ҳам бўлмайди-ку! У фақат шакллантирилади-ку! Ахлоқшуносликдаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат, бурч, эзгулик сингари тушунча ва тамойилларни юлиб олиб, улардан миллий ғоя деган “янги фан” ясаш шартми? Ундан кўра ахлоқшунослик фанини чуқурроқ ўқитган маъқул эмасми?!

Бу гапларнинг ҳаммаси мамлакатимизда кенг қўламда олиб бори- лаётган ислохотлар таълим тизимида ҳам жорий этилиши лозимли- гини тасдиқлайди. Хусусан, олий таълимга фалсафий фанларни қай- тариш масаласи ниҳоятда муҳим. Ҳозир уларга ўқув режаларида ажра- тилган соат шу қадар камки, бир неча фан битта “фалсафа” деган қоп- га тиқиб қўйилган. Ҳатто Миллий университетдаги мамлакатда ягона бўлган фалсафа факультетига “Ижтимоий фанлар факультети” деган ном берилди. Ваҳоланки, хориждаги аксар университетларда алоҳида фалсафа факультети бор. Агар халқимиз жаҳон ҳамжамиятида бошқа халқлар билан тенглашиш, эркин тафаккур қилиш имконига эга бўли- ши керак, деб билсак, биз ҳам вилоятларимиздаги йирик олий таълим муассасаларида фалсафа факультетларини очмоғимиз лозим. Қола- верса, фалсафий фанларни кўпроқ соат билан алоҳида-алоҳида қилиб ўқув режасига киритиш керак. Мен бир вақтлар олий ва ўрта махсус таълим тизимида фалсафий фанлар дастурларини узвийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ишчи гуруҳининг раҳбари сифатида дунёнинг машҳур университетлари дастурини ўрганиб чиққанман. Ўшанда Оксфорд, Эдинбург, Лайден университетлари дастурида фал- сафий фанларга ҳайратланарли даражада кўп соатлар ажратилганини

кўрдим. Шунингдек, уларда биз ҳозир “Фалсафа” номи билан ўқитаётган фан “Метафизика” деб аталганига гувоҳ бўлдим. Менимча, ана шу тўғри йўл: уларда бир неча фанлар тизимини – “фалсафа”; билиш, борлиқ ва услубиятни ўз ичига олган фанни “метафизика” деб аташ орқали муайян чалкашликнинг олди олинган. Аммо биз уларни ҳамон чалкаштирмоқдамиз. Бу эса ўқув дастурларимизда такрорни юзага келтирмоқда. Бу ҳол, айниқса, фалсафа тарихида яққол кўзга ташланади. Фалсафий фанларни ўқитиш борасида ҳам, илмий фалсафани номлаш масаласида ҳам Оврупонинг пешқадам университетларидан намуна олсак эди.

Яна бир гап. Эндиликда шўро давридан бошлаб ҳозиргача давом этиб келаётган фалсафани мафкурага тобе қилиш йўлидан воз кечишимиз керак. Тўғри, фалсафий фанлар мафкуравийлик хусусиятига эга. Лекин бу хусусият фаннинг ўзагига айланмаслиги лозим. Афсуски, сўнгги йилларда аксар ўқув дастури ва адабиёт муаллифлари сохта миллийлик ва мафкурабозликка зўр бериб келди. Масалан, ўзим ишлаган Миллий университетда тузилган фалсафа ўқув дастурини кўриб ҳайратда қолган ва уни Олий таълим вазири ўринбосари иштирокидаги мажлисда кескин танқид қилган эдим. Дастурда на Афлотун, на Арасту, на Кант, на Дэкарт, на Спиноза, на Ҳегел, на Шопэнхауэр бор. Уларнинг ўрнига Бобур, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат каби “миллий файласуфларимиз” киритилган эди. Ажабо, уни тузган илмий даража ва унвонли домлаларимиз шунчалик саводсизмики, илмий фалсафа билан фалсафий қарашнинг фарқига бормаса!

Бундай “илмий” масхарабозликларга чек қўйиш вақти етди. Холислик тамойили ва олимлик виждонининг оёқости қилиниши оқибатида фалсафа ҳалокат ёқасига келиб қолди, уни қутқариш керак. Ахир, бутун бошли фанлар тизимидан сўнгги чорак асрда бирорта академик чиқмагани, замонавий жаҳон фалсафасида ўзбек файласуфлари номининг ўрин олмагани, Фалсафа ва ҳуқуқ илмий текшириш институти ёпилгани, иккита Фалсафа жамияти қоғозда мавжуд бўлгани ҳолда амалда ишламаётгани, фалсафий фанларнинг миллатимиз учун тобора “тушунарсиз бошқотирма” бўлиб бораётганини кўриб, бошқа нима дейиш мумкин?!

Бу ҳолнинг асосий сабабларидан бири шуки, биз фикрлаётганимизда эркин эмасмиз, кўрсатмалар асосида ишлашга ўрганганмиз: иккала кўзимиз “юқори”га қаратилган, билатуриб сохта “илмий ҳақиқатлар”-ни тарғиб қиламиз, илмий янгиликлар яратишни жаҳон файласуфлари зиммасига юклаб, вақтимизнинг ўн-ўн беш фоизинигина илмга сарфлаймиз-у, асосан қора қозон қайнатиш билан банд бўламиз. Иккинчи сабаб биринчиси билан боғлиқ: ўзини мутахассис деб санайдиган доценту профессорларимизнинг аксари фалсафий адабиётлар

мутолааси билан шуғулланмайди, илмий даража ва унвонга эга бўлиб олишнинг ўзини етуклик, олимлик деб ҳисоблайди. Уларнинг илмий-педагогик ҳаёти ўқув дастуридан нарига ўтмайди, илмий мақолалари аксар ҳолларда ўта саёз, режадаги шахсий мажбуриятини бажариш учун эълон қилинган “публикация” бўлади, холос. Фалсафашунос домлаларимиз ва тадқиқотчиларимизнинг аксари шўро даврида ҳам манбаларни мутолаа қилишга эрингани сир эмас. Улар Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Клод Адриан Ҳелветус, Рене Дэкарт, Спиноза, Дэвид Ҳюм, Жон Локк, Иммануил Кант, Георг Ҳегел, Фридрих Шеллинг, Людвиг Фойербах асарларини ўқиб, мустақил таҳлил қилиб, бош қотиришдан кўра, рус фалсафашуносларининг китобларида, қолаверса, Иброҳим Мўминов, Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Саид Шермухамедов каби йирик олимларимиз тадқиқотларида илгари сурилган фикр, таҳлил ва талқинлардан, яъни “авторитет”лар хулосаларидан фойдаланиб қўяқолишни афзал билган. Бундай “дангасалик” ҳозир аввалгидан ҳам кенг ёйилган. Айни чоқда, мутолаадан бешиш, фалсафий асарга илмий ижод маҳсули деб қарамаслик каби иллатларнинг оммалашувида фақат соҳа вакилларининггина айблаш тўғри эмас. Бунда миллатнинг асрлар давомида фалсафа билан шуғулланмагани, бир ярим асрлик мустамлака даврида вужудга келган куллик психологияси, айниқса, шўро даврида марксча фалсафанинг мафкуравий догмага айлантирилиб, танқидий ёндашувсиз “тайёр” таълимот тарзида қабул этилгани каби салбий омилларнинг хизмати катта.

Дарслар ва домлалар савиясининг пасайиб кетиши сабабларидан яна бири – ўқитувчининг психологик жиҳатдан эркин эмаслиги. У жувозкашнинг бир кўзи боғлаб қўйилган отига ўхшаб, боя айтганим – ишчи дастур, тақвимий режа ва бошқа қоғозлар атрофида айланаверади. Аудитория эгасидаги бундай психологик қарамлик нафақат дарс руҳи, балки талабаларнинг эркин идрок этишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ёдимда, талабалик кезларимизда домлаларимизнинг аксари ўзига хос услубда машғулот ўтарди: Озод Шарафиддинов ҳеч қандай қоғозсиз минбардан, Очил Тоғаев кафтдек қоғоз билан, минбарга йўламасдан, биринчи стол ёнида туриб, Хайрулла Исматуллаев ҳар замон столдаги қоғозга кўз ташлаб қўйиб, асосан доска олдида бўр билан ишлаб, Мира Саксонова конспектдан мунтазам фойдаланган ҳолда дарс ўтарди. Домлалар услубининг ранг-баранглиги талабаларни дарс куни якунигача зериктирмасди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида ўзим университетда иш бошлаганимда ҳам шундай эркин муҳит мавжуд эди. Кафедра у вақтларда асосий эътиборни турли-туман комиссиялар, молиявий-ҳуқуқ тартибот текширувчилари учун қоғоз тўлдиришга эмас, профессор-ўқитувчининг билимини ошириш ва дарс

савиясини кўтаришга қаратарди. Барча ўқитувчилар йилда бир марта ўқув дастуридаги муайян мавзу юзасидан маъруза матнини кафедра муҳокамасига қўярди. Холислик асосида ва танқидий руҳда ўтадиган бундай илмий-услубий мажлислар ҳозирги диссертация ҳимояси даражасида олиб бориларди десам, муболаға бўлмас. Шу тахлит маърузалар йилма-йил янгиланиб, теранлашиб, мукамаллашиб борарди.

Ривожланган мамлакатларда университет ректорлари, қолаверса, Фанлар академиясининг президенти ҳам сайлаб қўйилади-ку! Ректорни қўятурайлик, вақти келиб, ўзгаришлар бўлар, лекин кафедра мудирининг юқоридан тайинланишини университетлардаги нодемократик, аксилликий ҳодиса деб биламан. Илм демократик, ошкоралик табиатига эга, шундай экан, илм масканлари ҳам демократик мезонлар асосида иш юритиши керак. Ўшандагина биз олий таълим борасида чинакам муваффақиятга эришишимиз, бюрократия, кўзбўямачилик, ёлғон каби иллатлардан қутулишимиз мумкин.

Сирасини айтганда, олий таълимда ҳам халқ таълими тизимидагидек миқёсли ислохотлар йўлга қўйилиши керак. Бу борада 2018 йил октябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон – Россия таълим форуми ташкил этилгани ҳамда махсус мажлисда олий таълимнинг ҳозирги аҳволи танқидий баҳолангани, жойларда ҳар бир олий таълим муассасаси ҳолати жиддий ўрганилгани, уларга амалий ёрдам кўрсатила бошланганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

*– Эндиги саволни ғаройиб бир воқеадан бошласам. Олий таълим муассасаларида талабалар билими жорий, оралиқ ва якуний назорат орқали баҳоланади, биласиз. Қайсидир институтдаги гуруҳ сардори ҳар гал якуний назоратни домлалар билан пулга гаплашар, талабалар ҳам ўша таксани миқ этмай йиғиб берар экан. Фақат битта қайсар талаба нуқул қўпчиликка қарши чиқар, ўз кучим билан ўтаман, деб оёқ тираб туриб оларкан. Оқибат шу бўлибдики, бутун гуруҳ ўша талабани ёмон кўриб, яккалаб қўйибди. Боёқишнинг бошқа гуруҳга ўтиб ўқишдан ўзга иложи қолмабди. Шу воқеани сўзлаб беряпман-у, бир савол дилимни ўртаяпти: ахир, бунинг тамоман акси бўлиши керак эмасми?! Бутун гуруҳ якуний назоратни ўз кучи билан топшириши, битта-яримтаси домлага пул қистириб баҳо олишга интилса, уни ёмон кўриб, яккалаб қўйиш лозим эди-ку! Бугун юксак минбарлардан “Ҳақиқий кадрлар йўқ, топилмаяпти!” деган аламли сўзлар янграмоқда. Аввалига “Ўттиз уч миллионли катта бир халқнинг ичидан-а?” дея ҳайронлар қоласиз. Сўнг эса дурустроқ ўйлаб қўриб, “Ҳалолнинг кунни анавинақа бўлгач...” дея маъюс тортасиз. Ахир, ҳақиқий кадрнинг зуваласи “ҳалоллик ун”идан қорилмай-*

*дими?! Сиз узоқ йиллар университетда дарс бериб, кўплаб мутахассисларни етиштиргансиз. Айтинг-чи, қандай қилсак, ҳалол кадрлар етишадую жамиятни олға силжитади?*

– Иккинчи босқич талабаларига ахлоқ фалсафаси фанидан икки семестр дарс ўтиб, якуний назоратдан кейин: “Мана, бир йил ўқитдим, дарсларимдан нима ўргандингиз?” деб сўрадим. Ҳамма ҳар хил фикр билдирди. Бир талаба эса мени анграйтириб кўйган гапни айтди: “Мен олган билимимдан ташқари, бирор ишни бажариб бергани учун қайсидир амалдорга миннатдорлик маъносида, масалан, юз минг сўм беришнинг ахлоқсизлик эканини тушундим”. Шу биргина мисол поранинг, умуман, коррупциянинг зеҳниятимизга сингиб кетганидан далолат бермайдими?!

Мен кўп йиллик мутолаа ва кузатувларимдан шундай хулосага келганман: биз умумий тарзда “халқ” деб атайдиган турли табақага мансуб аҳоли ахлоқий жиҳатдан уч тоифага бўлинади. Биринчиси – эзгулик билан иш кўрувчи юксак ва мустаҳкам ахлоқ эгалари, улар аҳоли ичида тахминан 15 фоизни; иккинчиси – эзгуликнинг устидан куладиган, ёвузликка мойил одамлар, улар ўртача 25 фоизни; учинчиси – аҳолининг катта қисми, кам деганда 60 фоизни ташкил этади. Ана шу учинчи тоифа ахлоқийлик билан ахлоқсизлик ўртасидаги симобга ўхшаш ўйнамоли феълли одамлар бўлиб, уларнинг қайси томонга ўтиши мамлакату миллат тақдирини ҳал қилади. Агар улар эзгулик томонига ўтса, мамлакат юксалади; агар ёвузлик томонидагиларга кўшилса, юрт хароб бўлади.

Ўқув юртларидаги пора масаласига келсак, бизда ҳозир коррупцияга қарши курашда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари кучидан, балки энг янги техникадан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига сўнгги қабулнинг ҳарҳолда адолатли ўтгани бунга мисол бўла олади. Хуллас, мамлакатда ҳалоллик учун кураш қизғин кетяпти. Ҳа, тўғон ёпилди, бироқ ҳаром-ҳаришнинг оқаваси маълум муддатгача оқиб туриши ҳам бор гап. Эски кадрларнинг “ўрганган кўнгил ўртанса кўймас” қабилдаги хатти-ҳаракати, янгича фикрлайдиган, қўли тоза мутахассисларнинг етишмаслиги мамлакат тараққиёти йўлида каттагина тўсиқ бўлиб турибди. Иллатга барҳам бериш учун ҳуқуқий муассасалар қанча фаоллик кўрсатмасин, қанча жазо чоралари кўрилмасин, қанча профилактик ишлар олиб борилмасин – бари камлик қилади. “Ҳуқуқий онг”, “ҳуқуқий билим”, “ҳуқуқий давлат” деган тушунчалар, агар уларнинг замирида ахлоқ ётмаса, ҳаётда тўлиқ намоён бўлмайди. Дейлик, мамлакатимизнинг собиқ бош прокурори пора олиш қонунан жиноят эканини билмасмиди? Унинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билими шу қадар пастмиди? Йўқ, у қонун-

ни жуда яхши биларди, лекин ахлоқдан йироқ эди. Инсон қонундан қўрққанидан вақтинча жиноятга қўл урмаслиги мумкин, қулай пайт келиши билан эса қонунни айланиб ўтиб ёки ундан туйнук – тирқиш топиб, ўз жинойи режасини амалга оширади. Ахлоқли инсонгина ўзини жиноятдан тияди, у қонундан қўрққанидан эмас, балки уни самимий ҳурмат қилганидан шундай йўл тутади. Чунки қонуннинг замирида ахлоқийлик ётади. Конституция, қонун, кодекс ва ҳуқуқий меъёрлар муайян мамлакатда тарихан яшаб келган, миллат деб аталадиган ўзак этник гуруҳнинг ахлоқий анъаналари, тамойиллари ва меъёрлари асосида тузилади. Яъни ҳуқуқ ахлоқдан ташқарида, алоҳида мавжуд бўла олмайди, унинг асосий вазифаси – жамиятни ахлоқийлаштириш. Шу сабаб жазо ўташ жойлари “ахлоқ тузатиш масканлари” деб аталади. Шунга қўра, мен ёзган дарслигимда ахлоқ – “жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ”, ҳуқуқ – “қонунийлаштирилган ахлоқ” деган таърифни илгари сурганман. Тўғри, улар жамиятда маълум бир мухторликка эга, аммо бу мухторлик муайян ҳодисага ёндашувдаги фарқ туфайлигина мавжуд. Бу фарқ таъсир чоралари билан боғлиқ: ахлоқ танбеҳ беради, ҳуқуқ жазолайди. Хуллас, ҳуқуқнинг илдизи ахлоқ: ахлоқ – базис, ҳуқуқ – устқурма; ахлоқ – моҳият, ҳуқуқ – ҳодиса. Буюк Ҳегел таъкидлаганидек, ахлоқ – ҳуқуқнинг фалсафаси. Лекин, ҳайҳотки, ҳуқуқшунослик ўқув юртларида ахлоқ деярли ўқитилмайди. Ҳуқуқ посбонларининг ўзи жиноятга қўл уриши сабабларидан бири шу эмасмикан? Уларга ахлоқ фалсафаси, меъёрий ахлоқ, ахлоқий тафаккур тарихи, ахлоқ назарияси, ҳуқуқшунос одоби деган фанлар камида уч семестр ўқитилганида, эҳтимол, улар қонунни “айланиб ўтиш”дан тийилармиди? Негаки, виждон, бурч, ҳалоллик, инсофлик каби ахлоқий тушунча, тамойил ва меъёрларни жиддий ўрганиш, узоқ вақт, дейлик, уч-тўрт семестр уларнинг “ичида яшаш”, юрфакни битириб, пулга қўмилиб умр кечираман, деб ўйлаганларнинг ҳам фикрини кўп ҳолларда ўзгартириши мумкин. Бинобарин, ахлоқийликка интилиш инсоний ибтидода мавжуд бўлса-да, ахлоқ бутунисича туғма ҳодиса эмас, у гўё данакка ўхшайди – тарбия ва тажриба заминидагина ундан юксак фазилат дарахти униб-ўсади.

Биз ҳозир ҳуқуқий давлат қуриш учун ҳаракат қиляпмиз. Лекин жамият ахлоқийлашмас экан, бу ҳаракатларимиз етарли самара бермайди. Биз намуна деб қараётган ривожланган Ғарб мамлакатлари миллатни ахлоқийлаштириш туфайли ҳуқуқий давлат қуришга эришди. Чунончи, салкам ярим асрдан буён АҚШнинг аксар университетларида ахлоқшунослик ва нафосатшунослик кафедралари мавжуд бўлгани ҳолда яна алоҳида ахлоқшунослик олий ўқув муассасаси бор. Хўш, бир давлатга ҳар йили ахлоқшунослик фанидан ўн минглаб мутахассис тайёрлаш шартми? Улар қаердан иш топади? Гап шундаки, улар му-

тахассис бўлиш учун эмас, одамийликни пухта ўрганиш учун ўқийди. Бошқа илғор ўлкаларда ҳам кадрлар шундай тайёрланади, натижада улар ахлоқ қонун-қоидаларига амал қилиб яшайдиган инсонлар бўлиб етишади. Лекин америкаликлар бунга бирданига эришгани йўқ. Дастлаб улар ҳам техникавий фанларга катта ўрин бериб, яхши кадрлар етиштирамиз деб ўйлашди, бироқ ўтган асрнинг эллигинчи йилларига келиб, “мутахассис”дан ҳам бурун “одам” тайёрлаш кераклигини англаб етишди ва зудлик билан таълимни гуманитарлаштириш – инсонийликни ўргатадиган фанларга ҳамма ўқув муассасаларида катта ўрин бериш тамойили билан иш кўришди. Орадан ўн-ўн беш йил ўтгач, Шўро Иттифоқида ҳам таълимни гуманитарлаштириш шиори ўртага ташланди ҳамда амалий фалсафа деб аталадиган ахлоқшунослик ва эстетика фанлари аста-секин салмоқли ўрин эгаллай бошлади.

Таассуфки, мамлакатимизда бу фанларга ажратилган ўқув соатлари йилма-йил камайтириб борилди. Бўлғуси математик, физик, геологларга, умуман табиийёт ва техника фанлари билан шуғулланадиганларга вақт билан маблағ сарфлаб ахлоқни ўқитишнинг нима кераги бор, деган технократик қарашга кўра иш юритилди. Натижа – йиғлагудек: бизда ҳозир зўр мутахассислар бор, лекин кадр йўқ ҳисоби. Шу боис кўли тоза, виждонли, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчиликдан йироқ ахлоқий кадр излаб, ўзимизни ҳар томонга уриб ётибмиз.

Албатта, жамиятни ахлоқийлаштириш борасида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Чунончи, Президент Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларидаёқ миллатни китобга қайтаришни энг долзарб вазифалардан бири сифатида ўртага ташлаган эди. Кейин бу ғоя расмий ҳужжатларда акс этди. Ёзувчилар уюшмаси ва шоир-адибларга алоҳида эътибор қаратилди, давлат ташкилотлари ва маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этилди, кейинчалик кутубхоначилар маоши оширилди. Бу борадаги хайрли чора-тадбирларни давом эттириш, хусусан, ахлоқшунослик фанини кенг миқёсда, мактаб ва олий таълим муассасаларида узвий дастурлар асосида ўқитиш ниҳоятда муҳим.

*– Дарҳақиқат, биз мудом юксак ривожланган мамлакатлар сафига кўшилсак, деб орзу қиламиз. Мутараққий мамлакатлар эса фуқароларига тўлақонли эркинлик бергани учун шу даражага етган. Ахир, чинакамига эркин инсонгина ўз имкониятларини тўлиқ юзага чиқара олади-да. Бизда эса, фуқароларга кўпроқ эркинлик берилса, улар буни кўтара олмайди, ҳовлиқиб кетади, деган қараш шаклланиб қолган. Бироқ “тепа”дагилар ҳам, “наст”дагилар ҳам “Ҳозирча ундай эркинликка тайёр эмасмиз-ов...” дея қўл қовуштириб ўтираверса-да бўлмас. Файласуф, куюнчак бир зиёли сифатида айтинг-чи, бу борада давлат ва жамият баҳамжиҳат қандай йўл тутгани маъқул?*

– Бизда жамоатчилик бор, лекин ҳали том маънодаги фуқаролик жамияти вужудга келганича йўқ. Жамоатчиликнинг фуқаролик жамиятидан фарқи шундаки, унда жамоавий манфаатлар устун бўлади ва шахс – инсон манфаати унга бўйсундирилади. Фуқаролик жамиятида эса шахснинг манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади. Ҳар бир фуқаронинг муносиб яшаш учун интилиши натижасида эса бутун жамият тараққий этади.

Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ҳамда жамоат тузилмалари ҳуқуқи ва мавқеини оширишни кўзда тутди. Бошқарув эса эркин танлов ва сайлов асосида, ҳокимият идоралари тазйиқидан қонун билан ҳимояланган ихтиёрий тузилмалар кўмагида олиб борилади. Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг яшаш шарти – эркинлик. Шахс қонун доирасидаги сўз эркинлиги, фикр эркинлиги ва фаолият эркинлигидан тўлиқ истифода этмас экан, фуқаролик жамияти амалда мавжуд бўла олмайди.

Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, аслида, инсоният тарихи ҳам, алоҳида инсон ҳаёти ҳам эркинлик учун курашдан иборат. Инсон эркинлиги ҳеч қачон алоҳида ҳолда мавжуд бўлолмайди. Менинг эркинлигим ўзга эркинликлар учун, ўзга эркинликлар менинг эркинлигим учун зарурият вазифасини бажаради. Бошқача айтганда, эркинлик ҳеч қачон мутлоқлик касб этолмайди, уни доим замон, макон, инсон ва нарсалар эркинлиги, яъни – бошқа эркинликлар чеклаб туради. Демак, бир томондан, эркинлик – заруриятсиз, зарурият эса эркинликсиз мавжуд эмас. Иккинчи томондан, шу боис ҳам, ҳар қандай эркинлик чекланган ҳолдагина воқе бўлади. Бироқ эркинлик, олмон файласуфи Вилхелм Виндельбанд айтганидек, эрксизликни барқарор қилиш учун ниқоб вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Эркин инсон қандай бўлиши керак? Қадимги Румо файласуфи, озод қилинган қул Эпиктет ўз виждони даъватига монанд яшайдиган, ҳар бир қадамини ҳақиқат ва эзгулик қонунларига мос ташлайдиган, бу йўлда ҳар қандай таъқибу тазйиқлардан, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмайдиган кишини ҳақиқий эркин одам деб атайтиди. Демак, инсон юксак ахлоқ эгаси даражасига кўтарилгандагина, Кант айтганидек, ўзини – мақсад, бошқаларни – восита деб қарашдан воз кечгандагина ҳақиқий эркинликка эришади. Хўш, бу борада бизнинг аҳволимиз қандай? Афсуски, ҳали-ҳамон мутелик психологиясидан халос бўла олмаяпмиз. Ҳозир ҳам айрим ватандошларимиз онгидаги маҳдудлик панжараси ичида яшамоқда, уларнинг расмона қулдан фарқи шундаки, тўғри келган-келмаган жойда эркинман деб

айюҳаннос солади ва шу бақириқнинг ўзини эркинлик деб ўйлайди. Бу, айниқса, фикрлашимиз ва қай даражада сўз эркинлигига эгаллигимизда яққол кўринади.

Эркинликнинг яшаши учун яна бир муҳим асос лозим. Гап шундаки, иқтисодий пойдевори мўрт эркинлик расмона эркинлик бўлмайди, унинг анархияга айланиб кетиш эҳтимоли жуда кучли. Оч-яланғоч одам чуқур фикрлаш ўрнига баландроқ овозда бақиришга ҳаракат қилади. Демак, аввал иқтисодий асос яратилиши керак. Эркинлик ва унинг иқтисодий пойдевори ўртасидаги алоқа давлат билан фуқаролик жамияти муносабатларига ўхшаш: аввал иқтисодий асос яратилди ва у кейин бирламчи ўринни эркинликка бериб, ўзи иккинчи ўринга ўтади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар айнан ана шу мақсадга йўналтирилгани – жамиятимизда анархияга айланиш хавфидан йироқ бўлган ҳақиқий, мустақкам эркинлик ва демократияни барқарор этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

*– Абдулла ака, сиз миллий эстетикамизда “қизиқарлилик” ва “зерикарлилик” тушунчаларини илк бор шарҳлаган, уларнинг янги қирраларини кашф этган олимсиз. Дастлаб “ЎзАС”да ўқиганимиз, шу мавзудаги мақолангиз навбатдаги китобингиз – “Гўзаллик ёғдуси”га ҳам киритилибди. Мақоладаги бир фикр менга, айниқса, ёққан эди: бадий асарда қизиқарлилик – восита, гўзаллик эса – мақсаддир. Агар қизиқарлилик меъёрдан ошса, унинг ўзи мақсадга айланиб, гўзалликни четга суриб қўяди. Эстетикага доир бу фикрингизни ҳаётга татбиқ этароқ бир савол бермоқчиман: бугунги кўплаб ёшларимиз, айниқса, бой оила фарзандлари ҳаётида шу ҳолат кўзга ташланмаяптими? Уларга нима билан банд бўлиш муҳим эмас, фақат кунини қизиқарли ўтказса, ўз жаргонлари билан айтганда, кайф қилишса бас! Ахир, ҳар бир кун, сиз кўп тилга оладиган учлик – ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликка хизмат қилиш билан ўтиши лозим эмасми?!*

– Менимча, ҳамма табақадаги ёшларимизнинг ҳам аҳволи шу. Бунинг асосий сабабларини аввалги жавобларимда айтиб ўтдим, шекилли. Шу боис энди нима қилишимиз керак, деган масалада мулоҳаза билдирмоқчиман. Сёрэн Киркэгаард ўз экзистенциал фалсафасида мавжудликнинг уч хил даражаси ёки босқичи ҳақида фикр юритади. Булар – эстетик, ахлоқий ва диний босқичлар. Биринчи босқичнинг тамойили – лаззат, иккинчисиники – бурч, учинчисиники – изтироб. Даниялик бу файласуфнинг фикрига кўра, эстетик босқичда инсон ўзини ташқи дунёга бахш этади, ҳиссиётлар оламига шўнғиб кетади. Уни эротик, ишқибозлик босқичи ҳам дейиш мумкин. Бу босқичда инсон ҳамма нарсани билгиси, барча лаззат турларидан баҳраманд

бўлгиси келади. Лекин у ҳиссиётга қанчалик берила борса, шунчалик лаззатдан тўйиб, кўнгли қолиб, қоникмайдиган ҳолатга тушади. Зеро такрорланмас ҳолатларнинг такрорланавериши кишида ҳафсаласизлик, лоқайдликни туғдиради. Инсонда бундай ҳаёт тарзидан юз ўгириб, ундан юксакроқ даражадаги ҳаётни танлаш эҳтиёжи пайдо бўлади ва у иккинчи – ахлоқий босқичга ўтади. Бу босқичда инсон эркин лаззатланишдан кечиб, ўзини ахлоқий тартиб-қонунларга бўйсундиради. Инсон ўзига нисбатан бамисли устозга, қаттиққўл отага айланади. Энди унинг танлови эзгулик билан ёвузликни фарқлайдиган, ўзини гуноҳкор деб биладиган, айна чоқда, онгли равишда ҳақ йўлга юз бурган кишининг танлови сифатида намоён бўлади. Унинг ечими – эстетик ишқибозликка қарама-қарши қўйиладиган никоҳ. Никоҳ муқаддас, дея сифатланади. Лекин ахлоқий босқич ҳам сўнги пилла-поя эмас, у – ўтиш ҳолати; энг юксак даража эса – диний босқич. Бинобарин, ахлоқий босқичда инсон бахтга, чунончи, оилавий, никоҳдаги бахтга интилади ҳамда умумий қонунга бўйсуниб яшайди. Демак, бу босқичда у ўз эркини, ихтиёр эркинлигини тўлиқ намоён қилолмайди. Диний босқичда эса инсон умумий ахлоқий қонун-қоидалар доирасидан чиқиб, баландроқ даражага кўтарилади, Худо билан тўғридан-тўғри муносабатга ўтади. Мен Киркэгаарднинг фикрларини буткул инкор қилмаганим баробарида уларни тўлиқ эътироф ҳам этмаман. Чунки инсон маънавий ҳаётида ахлоқийлик бирламчи ва миқёсли хусусият экани ҳеч кимга сир эмас. Тўғри, ахлоқийлик эстетик ҳиссиёт каби туғма табиатга эга эмас. Масалан, гўдакнинг хатти-ҳаракатини олиб кўрайлик. У силлиқ, юмшоқ нарсаларни силашни, ранглар товганишини, товушлар жарангини хуш кўради, лекин истаган пайти ва хоҳлаган жойида табиий эҳтиёжини қондиради, яланғоч юришдан уялмайди. Демак, ахлоқийлик – эзгулик, асосан, тарбия воситасида вужудга келади. Бола ёши каттариб, фикрлаш ва муайян фикрни қабул қилиш босқичига етгандагина ахлоқий қонун-қоидаларга риоя қила бошлайди ва шу тахлит аста-секин ахлоқийлик сифати унинг етакчи маънавий хусусиятига айланади. Энди эзгулик унинг гўзаллик ва ҳақиқатга муносабатини белгиловчи асосий мезон саналади. У ҳаётий тажриба ва билим билан бойиган ҳолда яна эстетикага қайтади ҳамда уни эзгуликка йўғириб, ҳақиқатга хизмат қилади. Акс ҳолда, инсон хунукликни ниқоблаб турган чиройлиликни гўзаллик деб, устомонлик билан бўяб-бежалган ёлғонни ҳақиқат деб қабул қилиб, қалтис хатоларга йўл қўйиши мумкин. Шу боис ҳам олий таълим муассасаларида фалсафий фанларни ўқитиш тартибли-тизимли тарзда олиб борилиши лозим: ахлоқшунослик, эстетика, мантиқ, метафизика ва ҳоказо.

Эстетик тарбиянинг жамиятда ниҳоятда муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки эстетиканинг соҳалари жуда кўп

ва улар инсоннинг маънавий такомили учун сув билан ҳаводек зарур. Мухтасар айтганда, эстетика – инсон ҳаётининг завқли, гўзал ва улуғвор кечишига йўл очадиган, бизни “Оллоҳ гўзалдир ва У гўзалликни севади” деган ҳадиси шарифдан фалсафий маъно чақиб яшашга даъват этадиган маънавий соҳа. Ана шундай миқёсли тарбиявийликка эга бўлгани учун ҳам мутараққий мамлакатларда эстетика фанига эътибор катта. Масалан, Оксфорд университетиде мазкур фан бошқа фалсафий фанлардан мухтор ҳолда ўқитилади ва унга жуда кўп ҳажмдаги ўқув соати ажратилган. Ёки Копэнхагэн университетиде кўп минг талабали эстетика факультети бор. Ҳайратланарлиси шундаки, мазкур факультетнинг биргина санъатшунослик бўлимида икки минг чоғли талаба таҳсил олади. Бу рақам, кўриб турибсизки, бизнинг баъзи университетларимиздаги умумий талабалар сонига яқин. Хўш, Дания қироллигидек аҳолиси 5 ярим миллиондан сал ортиқ мамлакатга эстетика соҳасида бунча мутахассиснинг нима кераги бор? Бу ерда ҳам худди АҚШдагидек ҳолатни кўрамиз: бутунлай бошқа касб-корни танлаган, лекин чуқур ахлоқий-эстетик маълумотга эга бўлишни истаган фуқаролар ўқитилади, яъни жамиятга эзгулик, гўзаллик ва ҳақиқат нима эканини англаб етган, комил инсонликка ихлосманд одамлар тайёрлаб берилади.

Келинг, энди қиссадан ҳиссага ўтайлик. Жамиятимизда фалсафий фанларга, хусусан, қадимдан *амалий фалсафа* деб атаб келинган ахлоқшунослик ва эстетика фанларига алоҳида эътибор кўрсатилса, замон талаби ва халқимиз эҳтиёжига мос иш бўлур эди. Бунда барча фалсафий фанларни “битта қопга тиқиш”дек эски усулдан воз кечиш баробарида, илмга эскирган шўро кўзойнаги орқали қараб, моддийчиликка ортиқча урғу бериш ҳолларига йўл қўймаслик, фалсафага кириш курсига эса янгича ёндашиб, уни тайёрлашда фақат метафизикани эмас, балки барча фалсафий фанларни қамраб олиш лозим. Метафизиканинг ўзини фалсафа деб аташга барҳам бериш ва уни қадимда қабул қилинган, ҳозирда ҳам ривожланган мамлакатлар олий илм даргоҳларида қўлланаётган усулда – дин билан санъатни уйғунлаштирган ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқ. Зеро, фалсафа, дин ва санъат бир илдиздан – асотирдан униб чиққан ям-яшил дарахт. Расман даҳрийлик тузуми бўлган шўро давридан буён метафизиканинг икки илдиздан маҳрум этилган ҳолда, қуриган дарахт каби тақдим қилиниши унинг марксча-ленинча қобикда қолиб кетишига сабаб бўлаётир. Эндиликда умумбашарий қадриятлар ва миллий руҳ билан суғорилган фалсафий таълимга ўтиш вақти келди.

**Муҳиддин РАҲИМ суҳбатлашди.**

# IMKONIYATLAR PALLASI

Мамлакатимиз бугун миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўймоқда. Тарих тажрибасидан маълумки, жамиятдаги сиёсий-ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, уларга янгича маъно-мазмун бағишлаш – пухта тайёргарликни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Энг муҳими, бундай ўзгаришларга халқнинг ўзи тайёр бўлиши, ислохот ва янгиланишларда фаол иштирок этиши лозим. Акс ҳолда, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ана шу омилларнинг ҳисобга олинаётгани диққатга сазовор. Аввало, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, миллий тараққиётимизнинг янги босқичида амалга ошириладиган ўзгаришларнинг илмий-назарий асослари ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинди. Биз учун ривожланиш дастурига айланган ушбу ҳужжатда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ишларга ҳаққоний баҳо берилиб, истиқболдаги вазифалар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Албатта, бугун сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида юз бераётган ўзгаришларни кўриб, Ҳаракатлар стратегияси икки йил ичида доғоздаги ҳужжатдан амалдаги воқеликка айлана бошланганига ишонч ҳосил қиламиз. Ушбу ҳужжатда ўз ифодасини топган “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ билан мулоқот”, “Одамлар бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” каби ҳаётий тамойиллар демократик руҳи ва мазмуни билан жаҳон давлатчилиқ тажрибасида самарали натижа бераётган янги институтлар сифатида эътироф этилмоқда. Ана шу асосда ижтимоий тафаккур, унинг демократик амалиёт билан боғлиқ шакллари, тизим ва қадриятлари ҳам янги билим ва тажрибалар билан бойиб, такомиллашиб бораётганини таъкидлаш лозим. Шу тариқа Ўзбекистон демократик тафаккур ривожига, унинг амалий қадриятлар тизимига ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Биз – ижтимоий фанлар соҳасида фаолият кўрсатаётган олимлар ушбу воқелик ва унинг аҳамияти ҳақида жиддий тадқиқотлар олиб боришимиз, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг нафақат миллий,

айни дамда умумбашарий жиҳатлари, устувор хусусиятларини очиб беришимиз керак.

Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар серқирра ҳодисадир. Бинобарин, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини илмий-назарий асосда чуқур очиб бериш учун изчил ёндашув, теран тафаккур ва систем хулосалар зарур (кейинги вақтларда тилимизга сунъий равишда киритилган “тизим” сўзини қўллашдан атай тийилаётганимизни сезаётган бўлсангиз керак).

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз ҳаётига, айтиш мумкинки, давлат ва жамият миқёсидаги бошқарув соҳасига ўзига хос янгилик, халқчил механизм олиб кирди. Бу, аввало, халқ билан мулоқот давлат бошқарувида етакчи тамойил даражасига кўтарилганида намоён бўлди. “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик, уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди”, деб вазиятга холис баҳо берган эди давлатимиз раҳбари (*Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 114-бет*).

Дарҳақиқат, бошқарув тизимида диалог эмас, монолог асосий ўринга чиққани, оғизда ҳамма огоҳлик ва ҳушёрликка чақирилгани ҳолда, жамиятда кўриб кўрмасликка олиш, оммавий бепарволик, оломончилик кайфиятини қарор топтиришга зўр берилгани, икки хил стандарт асосида иш юритилгани, натижада оддий одамларнинг арзу додига бепишандлик, тўрачилик, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш, қоғозбозлик, сансалорлик каби иллатлар илдиз отгани ҳаётимизда кўплаб муаммолар йиғилиб, газак олишига сабаб бўлди. Юқори идораларга юборилган ариза

ва мурожаатлар ўрганилмасдан, ҳал этилмасдан қолаверди, оммавий ахборот воситаларида мадҳиябозлик, “бутун дунё бизга тан бермоқда” қабилидаги гаплар авж олди. Келажак учун амалий иш қилиш эмас, балки



чиroyли рангларда унинг суратию шаклини чизиш асосий машғулотга айланди.

Шавкат Мирзиёев оддий одамлар ичидан чиққан, доимо уларнинг ташвишлари билан яшаган раҳбар сифатида давлатни, жамиятни боши берк кўчага киритиб қўядиган сохта тарғибот муҳитидан қутулиш учун аввало халқнинг қалбига, унинг дардларига қулоқ тутиш зарурлигини чуқур англаб, Президент виртуал қабулхонасини ташкил этди. Бу эса халқ билан бевосита мулоқот механизмини яратиш йўлида дадил қадам бўлди.

Президент ана шу қабулхоналарга келиб тушган мурожаатлар билан шахсан ўзи танишиб, уларни таҳлил қилгани давлат раҳбарининг Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини сўзда эмас, амалда таъминлаш борасидаги азму шижоати қатъий эканини кўрсатди.

Дунё тажрибасидан маълумки, давлат бошқарув институтларида ишлаш фуқаро учун шарафли юмуш ҳисобланади. Давлат томонидан чиқарилган қонун ва қарорлар сўзсиз бажарилиши, моддий ресурслардан, зарур ахборот манбаларидан фойдаланиш, кадрларга таъсир ўтказиш имконияти давлат ходимлари учун муайян даражада устунлик, мавқе-мартаба бериши табиий, албатта. Лекин бундай имкониятларни ҳамма ҳам тўғри қабул қилолмайди. Бунинг учун ҳам етарлича билим ва тажриба, сиёсий ва ҳуқуқий маданият лозим бўлади. Акс ҳолда, давлат бошқарув институтлари ходимларида “Э, мен зўр эканман-ку” деган кайфият кучайиб, ка-

лондимоғлик, бошқаларга ҳукм ўтказишга интилиш, манманлик каби салбий иллатлар илдиз отади. Бошқарув тизимида, айниқса, бизнинг шароитимизда бот-бот кўзга ташланадиган бундай салбий ҳолатни тезда бартираф этиш, ходимларни ошкоралик муҳотида ишлашга ўргатиш осон эмас. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўз вазифасини фақат хўжайиннинг кўнглини овлаш, у билан бирга наҳорги ошга қўлтиқлашиб бориш, унинг майда-чуйда ташвишларини ҳал этишдан иборат деб биладиган ходимлар ҳам, аслида жамият манфаати йўлида бирор иш қилмаётган бўлса-да, ўзининг яроқсиз фаолият усулини "хўжайин"нинг мезони билан баҳолаб, "мана, бошқалар қилолмаган ишни мен қилдим" деган кайфиятда яшайди. Шу тариқа вақт ўтиши билан унда танқидни ёқтирмаслик, бир жумлани тўғри ёзолмаса-да, ўзини билимдон ва ҳамма ишга қодир деб ҳисоблаш, ўжарлик ва кўрслик каби иллатлар пайдо бўлади. "Ҳеч ким ҳокимиятни биров билан бўлишишни истамайди, ҳамма имкон қадар кўпроқ мавқега эга бўлишни истайди, – деб ёзади америкалик тадқиқотчи Роберт Грин. – Аммо бугунги дунёда ҳокимиятпарастлик, унга очиқ-ойдин интилиш бехатар ҳолат эмас. Биз бундай кимсаларга ёқимли, пок ва камтар бўлиб кўринишимиз зарур. Демак, айёр бўлатуриб эзгу ниятли, носамимий бўлатуриб демократ бўлиб кўринишимизга тўғри келади" (*Грин Р. 48 зақонов власти. Москва, "Рипол-классик", 2000. Стр. 21*).

Бир қарашда бу фикрлар Ғарб кишисига тааллуқлидек бўлиб кўринади. Лекин бизда-чи? Бизда амалпарастлар, атоқли ёзувчимиз таъбири билан айтганда, амалдорпарастлар йўқми?

Бошқарув психологиясидан хабардор бўлган, ўз ҳаёти давомида амалдор ва амалдорпарастлар билан тўқнаш келган киши бу иллат аслида қитъа, миллат, давлат танламаслигига ишонч ҳосил қилади. Ижтимоий ҳаёт, бошқарув жараёнида юзага келадиган турли муносабатлар, тўқнашувлар амалдорларни "моҳир психолог" бўлишга ўргатади. Бундай амалдор сизни кўлини кўксига қўй-

ганча кутиб олади, соғлигингиз, оилавий ҳаётингиз билан қизиқади, гоҳо латифа ҳам айтиб беради, лекин мурожаатингизни секин столи тагига ташлаб, аввалгидек таниш-билишлари ва албатта "шеф"ининг иши билан шуғулланишда давом этади. Чунки унга шундан фойда, сиздан нима фойда?! Сиз эса унинг лўлиларча "ширинсуханлиги" ва "одамшавандалиги"га маҳлиё бўлиб, ҳарқалай, дардимни эшитди-ку, деб, мурожаатингиз ҳақида оғиз очмайсиз. Орийат, истиҳола, андиша йўл қўймайди, миллий менталитет-да... Уйга келиб хотинингиз "Нима бўлди, дадаси?" деб сўраганда ҳам мамнун бўлиб, "Шундай катта одам қабул қилиб гаплашди, хотин, энди бир гап чиқар-да, ўлдими, алдамас" деб ўзингизга ҳам, аҳли аёлингизга ҳам таскин берган бўласиз.

Албатта, асрлар давомида илдиз отиб келаётган бундай иллатлардан бирданига халос бўлиш осон эмас.

Жамиятни ана шу гирдобдан олиб чиқиш мақсадида 2016 йилдан бошлаб ташкил этилган Ўзбекистон Президентининг халқ ва виртуал қабулхоналари бутун миллатни ҳаракатга келтирди, десак, муболага бўлмайди. Бугунги кунгача қарийб 3 миллион мурожаат келиб тушгани ва уларда кўтарилган муаммоларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилгани қанча-қанча ўксик дилларга шодлик ва қувонч бахш этди. Мурожаатлар дастлаб асосан шахсий мазмундаги ариза ва шикоятлардан иборат бўлган эса, кейинги вақтларда давлат идоралари, ижтимоий тармоқлар, таълим-тарбия масканлари, шаҳарсозлик, ёш авлод тарбиясига оид жўяли таклифлар билдириляётгани одамларнинг онгу тафаккури ўзгариб, юксалиб бораётганини кўрсатади.

Ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш борасидаги вазифалар Ҳаракатлар стратегиясида иккинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ўтган даврда Ўзбекистон Президентининг мазкур йўналиш бўйича 60 дан ортиқ фармон ва қарори қабул қилингани бу борада ҳам бир талай муаммолар йиғилиб қолгани ва уларни қисқа муддатда ҳал қилишга тўғри келаётганидан далолат беради.

Ўзимиз кўриб, гувоҳи бўлмоқдамиз, гоҳида бир кунда Президент томонидан турли соҳаларга оид уч-тўрттадан муҳим ҳужжат қабул қилинишига тўғри келмоқда. Шунинг ўзи ҳам мустақиллик йилларида сохта “рейтинг”ларга махлиё бўлиб, кўплаб имкониятларни бой берганимиз, энди уларнинг ўрнини имкон қадар тезроқ тўлдиришимиз зарурлигини кўрсатмоқда. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг “камида икки йил фавқулодда сафарбарлик руҳида қаттиқ ишлашимиз керак” деган сўзлари замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Республика ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилиги марказининг кейинги йилларда ўтказган сўровлари натижаларини кузатиб борган киши ҳуқуқ ва суд тизимида 2017 йилгача сақланиб келган адолатсизликлардан афсусланмай иложи йўқ эди. Адолат ҳимоячиси бўлган идораларда ноҳақлик илдиз отган бўлса, оддий халқ додини кимга айтсин?!

“Ижтимоий фикр” маркази ўтказган социологик тадқиқотлар якунига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, масалан, прокуратура фаолиятидан респондентларнинг 2012 йили 77,1 фоизи, 2013 йили 77,7 фоизи, 2014 йили 77,9 фоизи қониқайтганини билдирган (*Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2014 йил 3-сон. 28-бет*).

Президент Шавкат Мирзиёев эса прокуратура идораларини кескин танқид қилиб, уларнинг ўзини ҳуқуқбузарликда айблади. Нафақат туман, шаҳар прокуратуралари ичида, ҳатто Бош прокуратурада шаклланган поракўрликни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни очиқ қоралади. Давлатимиз раҳбарининг “...прокуратура тизимидаги бундай нохуш вазият бугун пайдо бўлгани йўқ”, деган гапида чуқур маъно ва ҳақиқат бор (*“Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”, 214-бет*).

Президентнинг суд тизими хусусида билдирган куйидаги фикри ҳам муҳим аҳамиятга эга: “Охириги уч йилда 18 мингдан ортиқ шахснинг 34 фоизига қонунда белгиланган

жазога нисбатан енгил жазо ёки шартли жазо тайинланган. Қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, номусга тегиш каби оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича 6600 дан ортиқ ишнинг 1532 таси юзасидан ана шундай ёндашув қўлланган. Агар бу қарорлар қонуний бўлганида, ҳеч шубҳасиз, буни гуманизм, инсонпарварлик намунаси сифатида қўллаб-қувватлаш мумкин эди. Бироқ таҳлиллар бунинг мутлақо тескарисини кўрсатмоқда” (*ўша асар, 435-436-бетлар*).

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикри билан юқоридаги социологик сўровнома натижалари ўртасида кескин фарқ мавжудлиги кўриниб турибди.

Давлат ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар учун масъуллик ва ислоҳотларни самарали ўтказишни ўз назоратига олган. Бу вазифани ундан бошқа бирор ижтимоий институт ёки ташкилот зиммасига ололмайди, бажариш имкониятига эга ҳам эмас. Давлатнинг уюшган сиёсий куч экани ҳам аввало шунда кўринади.

Яна бир ўта муҳим жиҳат – давлатга халқни ўйлайдиган, унинг дарду ташвишларини ўзининг дарду ташвишлари деб биладиган, ҳавойи гаплар билан эмас, реал мақсадлар билан жамиятни олға бошлайдиган етакчининг раҳбар бўлишидир. Шу нуқтаи назардан, халқимиз 2016 йил 4 декабрда ўтган Президент сайловида келажак йўлини аниқ белгилаб олди. Ўтган икки йил давомида миллий тараққиётимизнинг янги даврига хос мақсад ва вазифалар белгиланди, уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Эндиги долзарб вазифа шуки, ана шу жараёнда барчамиз ўз ўрнимиз ва вазифамизни чуқур англаб, фаол иштирок этишимиз керак. Шундагина кўзлаган эзгу мақсадларимизга эришамиз. Ана ўшанда халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиб, жаҳон рейтингларига бир қур назар ташлаб қўйсақ, арзийди. Акс ҳолда, қорнимиз оч, устимиз юпун бўлиб турганида, рейтинглар кўнгилга сиғадими! Сиз бу фикрга нима дейсиз, азиз ватандош?



## ILMIY INQILOBGA TAYYORMIZMI?

Биринчи илмий-техникавий инқилоб (ИТИ) XVI асрда, яъни схоластика ва диний мутаассиблик ўрнига рационал билим ҳамда ақлу идрок кучига ишонч шаклланган даврда бошланган. Компас ва порохнинг ихтиро қилиниши, босма дастгоҳнинг яратилиши, ишлаб чиқариш мануфактураларининг пайдо бўлиши ана шу даврга хос ҳодисалар бўлган.

Иккинчи ИТИ XVIII асрда рўй беради. Бу босқичда инсон фаолияти турлари кенгайди, оғир қўл меҳнатига асосланган корхоналарда дастлабки техника пайдо бўлади. Уайт ихтиро қилган буғ машинаси шаҳарлар ва давлатларни яқинлаштиради, халқаро алоқаларни кенгайтириб, кенг интеграцияга йўл очади.

ИТИнинг учинчи босқичи, асосан, XX асрга тўғри келади. Бу даврда радиоэлектроника, синтетик материаллар кимёси, атом энергетикаси, робототехника, электрон ҳисоблаш машинаси, телеалоқалар, космонавтика каби

соҳалар пайдо бўлди, илм-фан ва техника ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи омилга айланди. “Куч – билимда!” (Фрэнсис Бэкон) деган шиор таълим-тарбия ва илм даргоҳлари пештоқиға ёзиб қўйилди.

Тўртинчи илмий-техникавий инқилоб (ТИТИ) эса – ҳозирги даврга, яъни XXI асрга тааллуқли.

Хўш, ТИТИ ижтимоий борлиғимизга қай тариқа таъсир қилмоқда? У ҳаётимизга қандай янгиликлар олиб кирмоқда? Нега баъзи халқлар уни “Ғарб экспанцияси” дея талқин этмоқда? ТИТИ инсон ҳаётини эъзозлайдими, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қиладими? Ёки янги экофожиаларга олиб келадими? Тафаккур, интеллект, этноанъаналар ва этномаданиятлар тақдири нима бўлади, улар глобал рақамли технология таъсирида қандай ўзгаришларга учрайди? Умуман, биз ТИТИга тайёрмизми?

Авалло, шуни эътироф этишим керакки, биз биринчи, иккинчи ва учинчи илмий-техник инқилоб ютуқларидан имкониятимиз доирасида бахраманд бўлдик. Ўзбекистонда замонавий илм-фан шаклланди, илмий-техник ривожланишга замин яратилди, инчунин, олтишдан зиёд олий таълим муассасаси ва юздан ошиқ илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Аммо биз, афсуски, объектив ва субъектив сабабларга кўра ўша инқилоблар бошида туролмадик ёки уларнинг ташаббускори бўлолмадик. Миллий тараққиётимизнинг бугунги, янги босқичи ТИТИга улкан ҳисса қўшиш имконини бермоқда. Бу гал ана шу имкониятдан самарали фойдалана оламизми?

\*\*\*

“Инновация” истилоҳи лотинча “новация” сўзидан ясалган бўлиб, янгилик, ўзгариш олиб кириш маъносини англатади. Ғарб мутахассислари уни ижтимоий ҳаётнинг, бадий ижоддан ташқари, барча соҳаларида туб ўзгаришларга етакловчи янгилик сифатида талқин этадилар. Бадий ижодда мудом янгилик бўлиши шартлиги сабаб унга нисбатан “инновация” сўзи қўлланмайди.

Бизда эса гоҳида янги қурилган мўъжаз бекат, ҳатто мактаб ўқувчисининг илк шеърий машқи ҳам “инновация” деб аталмоқда. Бу инновациянинг туб моҳиятини англамаслик, арзимас нарсани ҳам янгилик ҳисоблаб, оламга жар солишу санохонликка берилишдан бошқа нарса эмас. Агар биз шу тарзда фикрлашда ва арзимас нарсаларни ҳам “инновация” деб аташда давом этсак, илмий-техникавий салоҳиятимизни чегаралаган бўламиз, ўзгариш ва янгиланишлар ташаббускорига айланиш имкониятини тағин бой берамиз.

Бир мисол келтирай. Мамлакатимизда ҳар йили илмий-техникавий билимларга эга ўн мингга яқин мутахассис тайёрланади, аммо бизга маиший техника воситаларининг – 85, автотехникаларнинг эса қарийб 100 фоизи четдан келтирилади. Демак, мутахассисларимиз хориж илмий-

техникавий ишланма ва воситаларини ўзлаштириш билангина банд экан-да. Хўш, ўзбекининг илмий-техникавий кашфиётлари қани?!

Сирасини айтганда, ҳар қандай янгилик инновация бўлавермайди. Инновация илмий-техникавий кашфиётлар орқали соҳалар, фаолият турлари, тафаккур тарзи ва кишилараро алоқани тубдан ўзгартиришга қаратилган, том маънодаги ижодий изланишлардан иборат бўлмоғи лозим. Бу изланиш шу вақтгача инсон шуғулланиб келган ижод турларидан кескин фарқ қилади – у интеллектуал салоҳият маҳсули бўлмиш интернет, смартфон, сунъий интеллект, робот, 3D принтер, нанотехнология, блокчейн, биткоин каби рақамли технологиялар воситасида ижтимоий борлиқни қисқа фурсатда янгилашга қодир. Бугун замонавий ахборот тизимлари, технологиялар бошқарув, иқтисодиёт, таълим-тарбия ишлари, тиббиёт, халқаро алоқалар, моддий неъматлар ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, транспорт-логистика, ҳатто экстремал муаммоларни ечишда ҳам қўл келмоқда.

ТИТИ – айрим соҳа ёки шахсга тааллуқли эмас, балки ижтимоий борлиқнинг барча жабҳаларига баб-баробар ва тез сингиб кетадиган, ҳатто ақл бовар қилмас ҳодисотни ҳам реал воқеликка айлантира оладиган куч. У анъана ва қатъий тасаввурлардан кечиб, мудом олдинга интилиб яшашни тақозо этади. Бундай янгиликда нигилизмга, ҳатто радикализмга мойиллик учраши табиий ҳол. Шу боис у айрим замондошларимизда, хусусан, янгиликка тез кўниқолмайдиган, анъанавий ҳаёт тарзини ёқлайдиган кекса авлодда “Ғарб экспансияси” деган салбий тасаввур уйғотмоқда.



ТИТИ турли ихтирою ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан боғлиқ. Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, номдор компаниялар, аввало, янги-янги илмий-техникавий ишланмаларни амалиётга жорий этгани учун жаҳон бозорида етакчи ўрин эгаллаётир. Масалан, Digital Equipment Corporation мейн-фрейм компьютерларига рақобатдош мини-компьютерлар ишлаб чиқаришга киришгани боис йилига 7,6 миллиард доллар даромад топган. Бу ўша вақтда бизнес оламида улкан муваффақият эди. Бироқ компания ТИТИ янги-янги илмий-техникавий ишланмаларни тақозо этишини ўз вақтида сезмайди, бу тўғрида бош қотирмайди ҳам. Натижада жаҳон бозорини Apple Computer компанияси шахсий компьютерлари билан забт этади (*Кристенсен К. Дилемма инноватора: как из-за новых технологий погибают сильные компании. Москва, "Альпина Паблишер", 2018. Стр. 11*).

Бундай мисолларни деярли барча соҳалардан келтириш мумкин. Плёнкали фотосурат ўрнига рақамли сурат, симли телефон ўрнига уяли телефон, ноутбук ўрнига чўнтак суперкомпьютери ва планшет, савдо дўконлари ўрнига интернет савдо тизими, кундузги таълим ёнида масофадан ўқитиш, ўқув қўланмалари ёнида электрон дарсликлар, ҳайдовчисиз автомобиллар, самолётлар, ҳатто одам геномини яратиш технологияси пайдо бўлдики, улар ижтимоий борлиқни мутлоқ янгилаб, ўзгартириб юбормоқда.

Давос бутунжаҳон иқтисодий форум асосчиси ва доимий президенти Клаус Шваб 800 га яқин давлат арбоби ва йирик тадбиркорга "2025 йилгача ижтимоий борлиқни тубдан ўзгартирувчи қандай илмий-техникавий янгиликлар рўй беради?" деган савол билан мурожаат қилган. У олган жавобларидан энг муҳимларини 21 йўналиш бўйича тасниф этган. Мана, ўша башоратларнинг айримлари:

1) аҳолининг 10 фоизи интернетга уланган кийимлар кияди;

2) 90 фоиз киши чексиз ва бепул ахборотлар сақлаш имконига эга бўлади;

3) интернетга уланган датчиклар сони 1 триллионга етади;

4) АҚШда биринчи робот-фармацевт иш бошлайди;

5) 3D принтер ёрдамида илк автомобиль ишлаб чиқарилади;

6) аҳолини рўйхатга олувчи рақамли ҳукумат тузилади;

7) инсон организмга имплантация қилинадиган илк мобил телефон яратилади;

8) истеъмол молларининг 5 фоизи 3D принтер ёрдамида ишлаб чиқарилади;

9) одамларнинг 90 фоизи смартфон ва интернетдан фойдаланади;

10) 3D принтер технологияси ёрдамида яратилган жигар имплантация қилинади;

11) корпоратив аудиторлик текширувларининг 30 фоизини сунъий интеллект бажаради;

12) аҳолиси 50 минг кишилик, светофорсиз биринчи шаҳар курилади;

13) жаҳон ялли ички маҳсулотининг 10 фоизи блокчейн технологиясига мувофиқ сақланади;

14) корпорация директорлар кенгашида илк сунъий интеллект – робот қатнашади (*Шваб К. Четвёртая промышленная революция. Москва, "Эксмо", 2018. Стр. 48-50*).

Мазкур янгиликларнинг баъзилари бугундаёқ реал воқеликка айланган. Масалан, замонавий тиббиётга кардиостимулятор ва кохлеар имплантлари бегона эмас. Мутахассисларнинг қайд этишича, соч толасидан минг баробар кичик интернет-имплантларни кийимларга, ҳатто танага ўрнатиш мумкин, улар танада рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида мониторинг марказига ахборот етказиб туради, натижада беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкони кенгайди. Ўн йил ичида кишилар умрини узайтириш, саломатлигини муҳофаза этиш, фавқуллодда вазиятларда ёрдам уюштириш, тифсиз жаррохлик одатий ҳолга айланади, Proteus Biomedical, Novartis каби компаниялар ишлаб чиқараётган "ақлли таблетка"лар эса одамларни нафақат даволайди, шу билан бирга тана ичида нималар рўй бераётгани ҳақида маълумот етказилади. Бугун синовдан ўтган робот-врач келгуси ўн йилликда энг тажрибали

шифокордан кўра аниқроқ ташхис қўядиган мутахассисга айланади. Биомухандислик соҳаси вакиллари эса эмбрионда исталган сифатларни шакллантириш муаммо эмаслигини таъкидламоқда.

Кўриниб турибдики, ТИТИ – рисоладагидек хислатларга эга янги инсонни шакллантиришга қодир, интернет эса дунёнинг очиқлигини таъминламоқда. Энди жаҳонда рўй бераётган воқеалар безътибор қолмайди. Агар интернет сайёрамизнинг икки юзга яқин давлатига кириб борганини инобатга олсак, биз глобал очиқ фуқаролик жамиятини яратиш томон бораётганимизни тахмин қилсак бўлади.

Кийим ва кўзойнакка ўрнатиладиган интернет-имплантлар дунё ахборот тизимига уланишни соддалаштиради ва оммалаштиради. Бугун Google Glass, Apple Watch, Mimo Baby каби компаниялар бу борада изланишлар олиб бормоқда. Қўл соати, қалам ва ручкалар, уйингиздаги маиший техника воситалари, ҳатто дераза ва эшиклар ҳам бемалол ахборот-алоқа манбаларига айланиши мумкин. Масалан, 2010-2015 йилларда 514 миллиондан ортиқ интернет-соат савдога чиқарилган, демак, бугун уларнинг миқдори 1 миллиардга яқин. Спортчилар ва гўдакларнинг ҳолати, саломатлиги ҳақида ахборот берувчи ички кийимлар яратилгани бахсу мунозара уйғотганига қарамай, уларни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

К.Швабнинг қайд этишича, Ер юзи аҳолисининг 42 фоизи интернетга уланган, 2025 йилга бориб эса бу кўрсаткич 90 фоизга етади. Келгусида интернетга уланиш иқтисоди ривожланган давлатларга хос ноёб воқелик бўлиб қолмай, у инсоннинг нафас олиш каби оддий ҳуқуқига айланади (*Ўша асар, 204-205-бетлар*).

\*\*\*

Ўзбекистонда интернетдан 20 миллионга яқин киши фойдаланади. Тўғри, бу кўрсаткичга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев танқидий ёндашди. "Интернетдан 20 миллион аҳоли фойдаланади, деб ҳисобот

бергансизлар, – деди у соҳа мутасаддилари билан учрашувда. – Бироқ миллий интернет орқали таклиф этиладиган хизматлар доираси жуда чеклангани сабабли аҳолининг аксарият қисми интернетдан фақат "Телеграм"да ёзишда фойдаланади, холос" (<http://uza.uz/oz/programs/26-years/akhborot-kommunikatsiya-tekhnologiyalari-so-asi-rivozhiga-ba-09-01-2018/>).

Ахборот-технологиялар соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши Жанубий Кореяда – 9, Японияда – 5,5, Хитой ва Ҳиндистонда – 4,7, Ўзбекистонда эса – атиги 2,2 фоиз. Ахборот-коммуникация ривожини бўйича рейтингда Ўзбекистон 176 мамлакат орасида 95-уринни эгаллаган (*"Халқ сўзи", 2018 йил 10 январь*). Миллионлаб аҳоли интернетдан фойдаланса-ю, оламшумул илмий-техник янгилик, фикр ёки тавсия учрамаслиги гоят ажабланарли ҳол эмасми? Тўғри, айрим соҳаларда инновацион изланишлар кетаётганини сезмаслик мумкин эмас. Масалан, Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлари инновацион ишланмалар ёрдамида сунъий жигарни имплантация қилишга муваффақ бўлди. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ипак куртини плёнка остида парваришлаб, тут барги сарфини 30 фоизга камайтириш технологиясини яратди. Уюшма келгусида ипак куртини бир йилда уч-тўрт марта парваришлаб, ҳосилни ҳам шунча ошириш мумкин, деб ҳисоблайди (*"Ишонч", 2018 йил 29 май*).

Ёки "Yangi Angren IES" акциядорлик жамиятидаги инновацион изланишларни таҳлил қилиб кўрайлик. Бизда иссиқлик энергияси 91 фоиз табиий газ, 8 фоиз кўмир ва 1 фоиз мазутдан олинади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 20 фоизи Ангрен ИЭСга тўғри келади. Ангрен кўмир қонида қазиб олинadиган маъданиннг 85 фоизи ушбу корхонага сарфланади. Бу – ИЭСда ҳар куни мавсумга қараб 5 мингдан 15 минг тоннагача кўмир ишлатилади, дегани. Бундан ташқари, ИЭСда йилига жуда катта миқдорда сув сарфланади. Буларнинг экологик зарарини тасаввур қилиш унчалар қийин эмас. Шу боис ИЭС кўмирини

интеграл газлаштириш инновацион технологиясини жорий этишни режалаштирган. Бу илмий-техникавий янгилик туфайли, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, корхонанинг рентабеллиги 48 фоизга, электр энергияси ишлаб чиқариш соатига 10 минг 965 *ГВт*га етказилади, атроф-муҳитга тарқалаётган зарарли газ миқдори ҳамда ёқилғи сарфи кескин камаяди (*"Халқ сўзи", 2018 йил 20 июнь*).

Шу ўринда юртимиздаги атом энергетикасига оид инновацион изланишларни ҳам эшлаш жоиз. Бугун мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи 69 миллиард киловатт соатни ташкил этади. Ушбу қувватни яратиш учун йилига 16,5 миллиард куб метр газ, 86 минг тонна мазут, 2,3 миллион тонна кўмир ёқилади. Ҳисоб-китобга кўра, электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилда ҳозиргига қараганда икки баробар ошади. Демак, табиий хомашёни нафақат қазиб олиш, шунингдек, уни етказиб бериш, ишлатиш, унинг экологик зарарсизлигини таъминлаш каби талай муаммолар ҳам туғилади. Бутун дунёда қайта тикланмайдиган ёқилғини асраш, уни тежаб ишлатиш борасида замонавий усуллар қўлланаётган бир паллада биз эски тартиб ва самараси кам технологиялардан фойдаланиш билан чекланиб қололмаймиз. Бу жиҳатдан, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш Марказий Осиёда янгилик бўлса ажаб эмас.

\* \* \*

Инновацион изланишлар иқтисодиёт ва бизнес билан чамбарчас боғлиқ. Қолоқ ҳамда эндигина ривожланаётган давлатларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш асосий вазифа бўлгани боис уларда илмий-техникавий тафаккурнинг ушбу вазифага йўналтирилиши табиий ҳол. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг навбатдаги босқичларида қолган соҳаларда ҳам инновацион ишланмаларни жорийлаштириш талаб этилади. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария каби мутараққий давлатлар бугун тиббиёт, туризм, интеллектни

ривожлантириш, маданий дам олиш каби ноишлаб чиқариш соҳаларига ҳам инновацияларни жорий этишга эътибор қаратмоқда.

"Кўп нарсани билиш, кўп жойларни кўриш, ҳаётдан кўпроқ завқ олиш" – бу борадаги изланишларнинг асосий шиори шу. Қолоқ ҳамда эндигина ривожланаётган давлатларда эса инновация кўпроқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва кишиларнинг хизмат турларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Демак, давлатларнинг ривожланиш даражасини ТИТИ ютуқларини муайян соҳаларга татбиқ этиш ҳолатига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бироқ, эсда тутиш керакки, рақамли технологияларнинг, айниқса, смартфон ва интернетнинг кенг тарқалгани ҳали ижтимоий-иқтисодий ривожланганликнинг ягона кўрсаткичи эмас. Ривожланиш индексини белгилашда ижтимоий тузум ва ҳаётдан мамнунлик, уй-жой ва иш билан таъминланганлик, шахсий пул жамғармалари, маданий бойликлардан фойдаланиш, ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига тақсимооти, инфратузилмалар даражаси каби кўпгина омиллар ҳам ҳисобга олинади.

ТИТИ ахборот тарқатиш ва асрашни катта бизнесга айлантирмоқда. Бу соҳадаги компаниялар сони йилдан-йилга ошиб, ахборот сақлаш хизмати ҳақи арзонлашмоқда. Масалан, 1980 йилда ўн минглаб долларга баҳоланган компьютер диски 2010 йилга келиб 1 центга тушиб қолди. К.Шваб хулосасига кўра, дунёдаги ахборотнинг тахминан 90 фоизи кейинги икки йилда яратилган, улар шиддат билан кўпаймоқда. Бу борада Amazon Web Services ва Dropbox компаниялари етакчи ўринда туради.

Энди одамлар яшайдиган уй ва истеъмол қиладиган озиқ-овқат, уларнинг организмга таъсири хусусидаги, шунингдек, турли қизиқишларга оид ахбороту манбалар интернет-архивда сақланади, улардан истаган шахс фойдалана олади. Шубҳасиз, бу имкониятлар инсоннинг тафаккурини кенгайтиради, ижодий фаоллигини оширади, умрини узайтиради, ҳаётдан мамнун яшашига хизмат қилади. Интернет тизимида ҳар ким ўз

қобилияти ва қизиқишларига мувофиқ келадиган машғулот, иш топиши, шу тарзда ўз салохиятини намоён этиб, жамият ва инсониятга хизмат қилиши мумкин.

Айни чоқда илмий-техникавий инқилоб инсон ҳаётига оид мураккаб муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганини рад этиб бўлмайди. ТИТИ интеллектуал меҳнат тарафдори бўлиб, у одамларни жисмоний меҳнатдан озод этишни ёқлайди. Кечаю кундуз компьютерда ишлайдиган кишида жисмоний меҳнатга мойиллик сўнади, у ҳатто куйган лампочкани шунчаки янгисига алмаштиришни ҳам оғир жисмоний меҳнат деб билади. Ушбу мақола муаллифи ўтказган социологик сўров натижаси шуни кўрсатдики, кунига икки соат интернетда ўтирадиган киши ундан фойдаланмайдиган шахсга нисбатан дунёдаги воқеалардан 75-80 фоиз кўпроқ хабардор, қолаверса, у рақамли технологияларни уч баробар кўпроқ ишлатади, дам олаётганида асосан инглиз тилидаги фильмларни кўради ва чет эл куй-муסיқаларини эшитади. Маълум бўлишича, бундай кишиларнинг 82 фоизи спорт билан деярли шуғулланмайди, 11 фоизи онда-сонда сузишга боради, 4 фоизи эса футбол ёки бокс ўйинларини телевизорда томоша қилади. Уларнинг деярли 84 фоизи охири марта қачон қўлига белкурак олиб ҳовлисида ишлаганини эслай олмайди, 8 фоизи жисмоний меҳнатни унча хушламайди. Бундай шахсларда букрилик, камқонлик, мушак ва бўғинлар заифлиги, семизлик каби физиологик камчиликлар кузатилади.

ТИТИнинг инсонни оғир жисмоний меҳнатдан халос этиши ижобий ҳол, албатта. Аммо у инсоннинг психофизиологик ривожланишига акс таъсир этиши мумкин. Масалан, интернет-имплантлар хусусий ҳаётга ташқи хавфни оширади, бу эса кишиларда асабийлик, агрессивлик, ён-атрофдаги воқеаларга бефарқликни авж олдиради, улардаги қон-қардошлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини, алоқаларини сусайтиради. Ахборотнинг очиқлиги, интернетдан фойдаланиш эркинлиги ҳурфикрлиликни реал воқеликка айлантиради, айни пайтда ундан ай-

рим деструктив кучларнинг ўз мақсадларида фойдаланишига имкон яратади, оқибатда шахсий, гуруҳий, ижтимоий манфаатлар тўқнашуви юзага келади. Айниқса, манфаатлар асосига қурилган бозор иқтисодиётида бу тўқнашувларнинг кескин ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариш хавфи мавжуд.

Шахснинг глобал алоқаларга киришиши беиз кетмайди. Инновацион технологиялар, айниқса, интернет орқали робита шахсни анъанавий тасаввурлари ва турмуш тарзини янгилашга ундайди, маънавий қадриятларнинг байналмилаллашувини тезлаштиради. Бу ўринда шахснинг миллий ўзлигини асраши масаласи кун тартибига чиқади. Шу тариқа Самуэль Хантингтон башорат қилган “маданиятлар тўқнашуви” юзага келади.

ТИТИ миллий хусусиятларни ҳисобга олмайди. У трансмиллий воқелик сифатида шахс онги ва ҳаётига таъсир ўтказади. Илмий-техник инқилоб – космополитизмга мойил ҳодиса. Космополит одамга эса ватан ва миллат қайғуси бегона.

\*\*\*

Янги тараққиёт даврига қадам қўйган давлатимиз ватанпарвар ва миллатсевар шахслар ёрдамидагина олға юриши мумкин. ТИТИ имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда шундай жонкуяр шахсларни тарбиялаш, шакллантириш мамлакатимиз учун долзарб масала бўлиб турибди. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 сентябрда имзолаган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонда барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш; илмфан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш каби вазифалар белгиланган. Шу мақсадда ўтган икки йил ичида Ўзбекистонда бир нечта илғор хориж олий таълим муассасаси филиаллари очилди.

Минг афсуски, миллий зеҳниятимизнинг илмий-техникавий таълимга, кашфиёту ихтироларга унча мойил эмаслиги ҳам бор гап. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларига ажратилаётган квота – ўринларнинг тўлмаётгани ҳам шундан далолат. Масалан, 2018/19 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги техникаси йўналишига ажратилган 5 минг 807 ўринга тушган аризалар 3 минг 624 тани, ирригация ва мелиорация йўналишига ажратилган 10 минг 299 ўринга тушган аризалар 6 минг 742 тани, ишлаб чиқариш технологияси йўналишидаги 78 минг 120 ўринга тушган аризалар 56 минг 323 тани ташкил қилган. Шу тарзда республикамиз бўйича 13 мингдан ортиқ квота ўрни бўш қолган (*“Даракчи”, 2018 йил 6 сентябрь*).


ТИТИ мамлакатда мутлоқ янги, инновацион ва фаол тадбиркорлик муҳитини яратишни тақозо этади. Буни давлатимиз раҳбарияти яхши англайди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон Президентининг иқтисодиёт, саноат, тиббиёт, маданият ва санъат, ахборот, транспорт логистикаси, таълим-тарбия соҳаларига инновация киритишга қаратилган ўнлаб фармони қабул қилинди, Инновация вазирлиги, унинг жойлардаги тажриба-конструкторлик марказлари ташкил этилди. Бугун илмий-техникавий ишланмаларга ялпи ички маҳсулотнинг 0,21 фоизи ажратилаётган бўлса, 2021 йилга бориб бу кўрсаткич тўрт баробарга ошади. Инновацион илмий-техникавий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш билан махсус шуғулланувчи технология трансферининг миллий ва минтақавий офислари, технопарклар, эркин иқтисодий зоналар, кластерлар очишга киришилди. Ўзбекистонни 2021 йилга қадар глобал инновацион ривожланиш рейтингда 50 та илғор мамлакат қаторига олиб чиқишдек ўта мураккаб вазифа белгиланди.

Бу чора-тадбирлар сув билан ҳаводек зарур, албатта. Бироқ бизда ҳанузгача инно-


вация хориждаги илмий-техникавий кашфиётларни олиб киришдангина иборат, деган янглиш қараш устуворлик қиляпти. Бунинг кусурли томони йўқ. Лекин биз чет эл технологиясига қарам бўлиб қолмаслик чора-тадбирларини ҳам кўришимиз керак-да! Фарб бизга ўзининг энг илғор илмий-техник ишланмаларини беради, деб ўйлаш ўта соддалик бўлади. Йирик ишланмалар, ноёб кашфиёт ва ихтиролар жуда катта маблағ талаб этиши маълум. Шу боис хорижлик ҳамкор кези келганда эскирган технологияни “энг замонавий” дея тақдим этиши ҳам табиий ҳол. Демак, ўзимиз ҳам кўп-кўп илмий-техникавий кашфиётлар қилишимиз лозим.

Кейинги йилларда биз ижтимоий ҳаётимизни, бутун бошқарув тизимини қайта қуриш, такомиллаштириш, модернизациялашга диққат қаратдик. Янги-янги институтлар, кластерлар, корпорациялар ташкил қилинди. Уларнинг деярли барчаси, давлатимиз раҳбари талаб этаётгандек, инновацияларни, замонавий технологияларни ўз фаолиятига жорий қилишни асосий вазифа деб билмоқда. Аммо ёлғон ваъдалардан эҳтиёт бўлишимиз шарт. Узоқ-яқин даврдаги тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, биз ваъдабозликка, йўқ нарсани бордек кўрсатиб, мақтанишга одатланиб қолдик. Ўзимизга танқидий кўз билан қарашни деярли унутдик. Аслида ўша берган ваъдаларимизни амалга оширганимизда анча илдамлаб кетган бўлардик.

Демак, мамлакатнинг инновацион ривож учун қуруқ ваъдалар ва ваъдабозлар эмас, балки юксак илмий-техникавий тафаккурни шакллантирувчи инновацион муҳит, чин ижодкор, фидойи кадрлар ва улус манфаатларини ифодаловчи умумий ирода зарур. Жамият Президентнинг ташаббус ва фаоллигини ушбу умумий ироданинг ибтидоси деб билиб, бу йўлда фаол ҳаракат бошламоғи керак.



Дилмурод ҚУРОНОВ



## ПОЙТАХТ va MUZOFOT: YAQINMI, YIROQ?

Фаранг адиби Мопассан халқда машхур нақлни бир оз ўзгартириб, “Даҳо – Парижда ўлмоқ учун музофотда туғилган одамдир” деган эди. Бу гапнинг асли “Шоирлар Провансда туғилиб, Парижда ўладилар” шаклида экани ҳам маълум. Бунда умуман музофот эмас, балки Франциянинг табиати гўзал вилояти назарда тутилган. Нима бўлганда ҳам, “марказ – музофот” қолипида гап кетсаёқ беихтиёр шу нақл ёдга келади. Ҳолбуки, ўзимизда ҳам шунга маънодош талай маталлар тўқилган. Масалан, “Барака – ўн, тўққизи шаҳарда” дейдилар. Негаки, шаҳар яқин қишлоғу қасаба учун ҳамиша марказ саналади: чор атрофда неки етиштирилса, бари шаҳар томон оқади, шаҳар бозорлари эса ана шу ҳудуд иқтисодий ҳаётини тартибга солади. Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Андижон ҳақидаги “Тўққуз тарнов сув кирар, бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас” деган андак муболағали таърифи ёдга тушади-да, беихтиёр “Иқтисодий ариқлар ҳам шундоқ эрур” дегингиз келади.

Ҳай, майли, боя эсланган фикрга биноан ўндан бири чиқсин – шуниси ҳақиқатга яқин келади, а? Шундай экан, ободлигу фаровонлик марказда бўлмай, чеккада бўлсинми?! Разм солиб боқинг: маҳалла маркази бўладими ё туман-вилоят марказими – чекка ҳудудларига қадар ободу фаровон эканини кўрасиз, марказга тортувчи кучнинг манбаи шунда. Пойтахт хусусида сўз борса, айтилганларнинг ҳеч бир муболаға жойи қолмайди. Вилоятда умргузаронлик қилаётган аҳолининг Тошкентда яшамоқни орзу қилиши шунга шафе: газ, чироқ ўчмаса, иссиқ сув муҳайё... уйинг катакакдек бўлса ҳам – жаннатнинг ўзи эмасми?!

Кўп билан гаплашганидан бўлса керак, киракашлар, айниқса, узоққа қатнайдиғанлари тездаёқ жайдари файласуф бўлиб етишади-қолади. Йўлни қисқартиш учун суҳбатлашиб борарканмиз, ҳайдовчи йигит сўраб қолди: “Ака, ҳамма нарса пастга оқади, биласиз, тепага қараб оқадиган нима бор?” Бунақа матални эшитмаган эканман, жавобига

шошиб қолдим, ҳадеганда жўялироқ бир ўй келавермади. “Пул-да, ака! – деди киракаш йигит қониқиш билан салмоқлаб. – Ҳамма нарса пастга оқади, фақат пул тепага оқади. Мана, сиз, иш билан кетяпсиз, сўппайибгинами?! Сиздақалар қанча, эҳ-ҳэ!.. Кимдир ҳисобот деб боряпти, кимдир тендер деб, кимдир суҳбатга, ким малака оширгани... бари “қутлуғ жойга қуруқ бормай” дейди-да. Хуллас, пойтахтга кирганки одам бир нима ташлаб келади. Тошкентда нарх қимматроғу, аммо пул топиш ҳам жўнроқ, ака. Эпли бўлса, ҳаракат қилса – бўлди... Одамлар бекорга Тошкентга оқяпти дейсизми?!” Нима ҳам дердим, жайдари файласуф кунда кўриб-билиб турганларидан хулоса ясаяпти...

Ёш кезларимиз, йўлимиз Қўқон тарафларга тушиб, шаҳар кезиб сайр қиларканмиз, кузатувчан ва шунга яраша сермулоҳаза дўстим “Қўқоннинг қизлари чиройли келади, пойтахт бўлган-да!” деб қолди. Камина ҳе йўқ-бе йўқ айтилган гапнинг шайини қай томон кетганини дафъатан англаёлмай қолганимни фаҳмлади шекилли, ўзи изоҳлашга тушди: “Аввало, илгарилари қай бир соҳага иқтидори борлар давлат ё амал, хунар ё илм излаб чор атрофдан пойтахтга келган, яъни табиий танланиш юз берган. У ёки бу жиҳати билан бошқалардан устун кишиларнинг шароиту имкони ҳам, табиийки, чандон баланд бўлади – хотинни ҳам, келинни ҳам чертиб-чертиб олади: чор атрофнинг таърифи дoston гўзаллари пойтахтга тушади. Ниҳоят, парвариш яхши: емоқ-ичмоғи, маишати жойида, атроф-жавонибдаги заифалардек тиним билмай ишламагач, пойтахт қизлари кўркам бўлмай, ким бўлсин?!” Дўстимнинг бу гапларига ўшанда кулибгина кўйган эсам-да, эндиликда уларнинг замирида ҳақиқат борлигини ҳам инкор қилмайман...

Ҳеч кимга сирлиги йўқ, эплаб-сеплаб Тошкент вилоятига қилиб олган “прописка”си билан елкасида йиғма каравоту кўлида жомадони, ортидан хотинию бир этак боласини эргаштириб йиллаб квартирама-квартира кўчиб юрганлар қанча?! Агар буларнинг ҳаммаси ўзи танлаган соҳага меҳрию садоқати

туфайлигина деб ўйланса – хато, бир нима қилиб пойтахтда қолишга интилиш кўпчилик учун ўз қишлоғидаги оғир ва туссиз турмуш шароитидан қочиш, эртанги истиқболини мутлақо кўра олмагандан кўра, хира бўлса-да кўриш эҳтиёжидан ҳам эмасми? Шу маънода дўстимнинг жайдари фалсафасида хато бор: пойтахтга фақат энг иқтидорлиларгина келмайди. Иқтидордан кўра сабр, тиришқоқлик, уддабуронлик, муомалага қобиллик, тортими борлик каби жиҳатлар кўпроқ аҳамият касб этиб қолганига хийла бўлди...

Қаранки, “марказ – провинция” масаласи беихтиёр “шаҳар – қишлоқ” масаласи билан боғланиб, чатишиб кетади. Назаримда, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Зеро, биринчиси иккинчисининг юқори даражаси, холос. Ўйлаб қарасам, эс танигандан бери “Шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутни йўқотамиз!” қабилдаги шиору даъватларни эшитиб келар эканмиз. Тагинам билмадим-у, улар ҳали яна кўп замонлар шиор сифатидаги қимматини йўқотмай, кўпдан-кўп кишиларни умидлантиришу эргаштиришга хизмат қилаверадиган кўринади. Негаки, фарқнинг йўқолиши душвор – ҳар не силлиқлашга уринмайлик, барибир, марказнинг жозиб томонлари сақланиб қолаверади. Йўқ, бу гапларимни пессимистликка йўйманг, атроф-жавонибдан эшитиб, кўриб турганларимдан хулоса ясамоқчи бўляпман, холос. Эшитиб-кўриб билганларимдан бир шингили шуки, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, ривожланган давлатларда чекка ҳудудларга бориб яшашга чорлаб кўпдан-кўп имтиёзлар, салмоқлигина тўловлар ваъда қилинаркан. XXI асрда бутун дунёда шаҳарлашув жараёнининг бениҳоя тезлашгани, хусусан, мегаполисларнинг кўпаяётгани ҳам ташвиқий шиорлар шиорлигича – қуруқ гап бўлиб қолишига далолатдир.

\*\*\*

90-йилларда Тошкентда қолиш ё юртга қайтиш масаласи хийла вақт қаршимда кўндаланг турди. Докторлик ҳимояси арафасига келиб эса масала анча кескин тус олди.

Шукри, ишончу меҳрларига сазовор бўлган эканман, устозлар ўртага олиб, “Шунда қолиб бизнинг ишимизни давом эттирсанг, кўнглимиз тўқ бўларди”, дейишди. Авваллари масала “қолсанг яхши бўлади, иқтидорингни тўлиқ рўёбга чиқарасан, олим сифатида ўсасан” тарзида кўйилган бўлса, энди ўзгача мазмун касб этган, кишига бурчдорлик, ички мажбурият юклайдиган кўриниш олган эди. Ахир, “Устоз отангдек улуг”, дейдилар... Аммо қолишга ҳеч кўнгли чопмади. Аввали, қирққа борсам-да, мудом ўқиш-илмий иш деб ота-она хизматини қилолмадим, орада онамни бериб кўйдик – алҳол, кексайиб қолган ота дуосини олиб қолиш нияти кўнглида пайдор эди. Аслида-ку, дадам раҳматли устозларим билан гаплашган, Тошкентга кетишимга рози бўлгандек ҳам эдилар. Ўшанда, иккилашиб юрган вақтим, камина ўзига берилган белги деб англаган воқеа юз берди. Бир танишим оиласи билан Тошкентга кўчди – кекса онасининг ҳеч кўнгли бўлмади, хонадон чироғини ёқиб ўтиради деб Андижонда қолди. Тўғри, кампирнинг ҳолидан қизи хабар олиб турди, гоҳ-гоҳ биз ҳам ҳол сўраган бўлдик... Бироқ ўғлининг кўчишига ўзи оқ фотиҳа берган онанинг кўзидаги мунг сира кетмади, худди мўъжаз сўрида ўтирганча йўл қараган мушдек кампир менинг кўз ўнгимдан кетмагани каби...

Тошкентга ўттизимда – аспирантура таҳсили сабаб боғланганман, шу боис у мен учун аввало қайноқ адабий ва илмий муҳит, бой кутубхонаю архивлар, ёзганларингни чоп этадиган кўплаб нашрлар мавжуд макон сифатида қимматли эди. Ётоқхонадан жой берилган – саҳар чиқиб кетганча шомлатиб қайтганим учун ишим яхши унар, бир ҳафта-икки ҳафта шу тариқа пойтахт билан боғлиқ юмушларни битказиб, Андижонга қайтиб, икки ойлаб уйда ёзардим. Сираси, уч йил аспирантура, уч йил докторантура давомида кўнгли мудом қишлоққа талпиниб турди, ҳеч пойтахтга боғланмади, боғланмади... Мухтасар айтганда, пойтахт ҳавосидан ўпкани тўлдириб нафас олдим-у, вилоят ҳаётига шўнғидим.

Ҳа, пойтахтда ўзингизни тўлиқроқ намоён этасиз – унда жонли илмий-ижодий муҳит ҳукмрон. Масалан, марказда бўлсангиз, чор тарафдан илм излаган иқтидорли ёшлар кела-



ди – устоз-шогирдлик ришталари боғланади. Вилоятда эса ишланиши зарур мавзуларни чамалаб, хаёлда ишнинг тарҳини чизиб юраверасиз, аммо уни амалга оширишга қодир талабгор танқис, танлов имкони кам – мамлакатнинг шарқий чеккасига ким ҳам борарди! Бунинг устига, ҳимоя билан боғлиқ нимаки иш бўлса бари пойтахтда битса, раҳбар шу ердан бўлгани маъқул-да... Марказдаги ҳамкасбингиз шогирдлари кўпайиб, ҳадемай мамлакат бўйлаб тарқалади, бу эса унинг қарашлари оммалашади деганидир. Сизнинг илмий қарашларингиз эса вилоят доирасида қолади, алалоқибат у – ўзбек адабиётшунослигининг вакили, сиз эса музофотдаги адабиётшунослардан бири бўлиб қолаверасиз. Энг муҳими, пойтахтдаги ҳамкасбингиз муттасил ўсади, чунки у мудом адабий-илмий муҳит ичида қайнайди. У кунда-кунора турли илмий анжуман, адабий-маданий тадбир ва учрашувларда иштирок этади, шу вазҳдан нутқ сўзлайди, мақола ёзади – узлуксиз чархланиб боради. Сизга эса вилоятда айни шу нарса – илмий-адабий муҳит ҳавоси етишмайди. Илмдан, адабиётдан йироқ давраларда айланасиз, кичик ҳовузчага сиғмаётган катта балиқ мисоли тинмай оғзингизни очиб-ёпиб энтикасиз – ўлик-тириги номаълум ҳолдасиз гўё. Тамсиллим кўполроқ чиққан бўлса, узр, лекин илмий ижоддан тўхташ олим учун ўлим билан баробар! Ҳа-да, бир замонлар Тошкенти азимда диссертация ишига қадар тўрт-бешта мақола эълон қилган, сўнг яна бир-иккита мақола чиқариб

доцентликни олибоқ бадар кетганлар олим сифатида ўлган, ахир. Ана энди шундайлардан бир сиқими йиғилган торгина маконни кўз олдингизга келтиринг-да, муҳит ҳавосини тасаввур қилаверинг...

Шу боис, балиқлар нафас олмоқ учун вақти-вақти билан сув юзасига чиққанидек, биз ҳам вилоятда пойтахт муҳитига талпиниб, унга ташна бўлиб яшаймиз. Бироқ минг чиранган билан, ундан пойтахтда яшовчилар каби баҳраманд бўлолмайсиз-да! Масалан, камина ойнинг 16-санасига илмий конференция, 21-кунига илмий кенгаш йиғилиши, 29-30-кунларига тагин бир анжуманга таклиф қилиндим. Аслида-ку, бу учови ўша ойда пойтахтда ўтган илмий-адабий тадбирларнинг бир қисми, холос, бироқ шуларнинг-да ҳаммасида қатнашишнинг иложи йўқ. Зеро, йўлни ҳам кўшиб ҳисобласангиз, бир тадбирга уч кун керак бўлади. Яъни қатнашмоқ учун ё 15 кунда уч бор Тошкентга бориб-келиб 9 кунни сарфлашим, ё 15-санада борган кўйи ойни пойтахтда тугатишим талаб этилади. Ишдаги одам бўлгач, табиийки, иккала йўл ҳам мақбул эмас: илмий кенгаш йиғинида қатнашиш билан кифояландим. Ҳолбуки, пойтахтлик ҳамкасбим уларнинг учаласида ҳам иштирок этиш, демакки, фикрини бойитиш, ўсиш имконига эга.

Шу кунга қадар ҳўл-қуруғи билан бирга йигирмадан зиёд китобим чоп этилибди. Малака оширишга борганимизда танаффус чоғи биздан ёшроқ ҳамкасблардан бири билан гаплашиб қолгандик, “Домла, ўша Чўлпон ҳақидаги китобингиз анча яхши чиққан эди, сиз ҳам кейин ёзмай кўйдингиз-да!” деди у афсус-ла. Чамаси, ҳамкасбим 1997 йилда Чўлпоннинг 100 йиллик таваллуд тўйи арафасида чоп этилган мўъжазгина рисола-ни назарда тутаетган эди. Ўйлаб қарасам, давлат йўли билан чоп қилинган ва нисбатан кўпроқ тиражда тарқалган ягона китобим шу экан. Китобларим аксар ўз ҳисобимдан чоп қилингани учун адади 500 дан ортмаган, шу орада иккитагина китобим университет буюртмаси билан 1000 ададда нашр этилган. Агар бу китобларнинг 20-25 донаси пойтахт-

лик дўстларга туҳфа этилганини айтмасак, асосан, Водийда тарқалган. Шундай экан, ҳамкасбимнинг гапи ҳеч ажабланарли эмас. Бундан чиқди, ҳатто мутахассисларга ҳам шунчаки номигина таниш адабиётшунос эканмиз-да?! Яхшики, йилда бир-икки бор матбуотда кўриниб тураемиз, шу боис борлигимиз билинади, йўқса...

Пойтахтдаги ҳамкасб дўстларимизнинг китоби давлат нашриётларида чоп этилади, мамлакат бўйлаб тарқалади. Камина ҳам давлат ҳисобидан китоб чиқартирай деб икки бора уриндим, нашрга тайёргарлик ишлари қилинди, бироқ иккала китоб ҳам дунё юзини кўрмади. Бундай қараганда, тартиблаб нашриётга топширган қўлёмаларим савияси ўша ҳамкасбларникига етмаса ҳам, яқинлашгудек эди. Унда нима гап – билмадим. Гоҳида ўйлаб қолам: Тошкентда бўлганимда, қўлёмани топширгандан кейин тез-тез хабар олиб, суриштириб турганимда, одамнинг юзи иссиқ дейдилар-ку, уялганларидан ҳам китобни чоп қилган бўлармидилар?! Яна билмадим-у, кўнглимга бир гумон келади: мабодо режадаги китоблардан айримлари қолдириладиган бўлиб қолса, биринчи навбатга “вилоятлик домланинг китоби” кўйиладими... Бу гапни майдакашликка йўйманг. Мана, яқинда ёш бир тадқиқотчи вилоятлик адиб ижоди хусусида диссертация ёқлаш ниятини билдирди. Камина буни маъқулладим. Кейин билсам, ҳар тарафдан эътирозли-таънали фикрлар билдирилавергач, тадқиқотчи ўша адиб ёнига марказда яшаб ижод қилаётган бошқа бир ёзувчини ҳам кўшибди. Ҳолбуки, ўша вилоятлик адиб ҳам олтмишга бориб қолди, бир неча роману қисса, ўнлаб ҳикоялар муаллифи, асарларини адабий танқидчилик яхши баҳолаган. Қизик, у ҳолда эътирозга сабаб бўлган адибнинг биргина “айби” – пойтахтда яшамаганими?..

\* \* \*

Ҳар қанча нолимайлик, ҳозирги замонда зиёлилар, санъат аҳли, ижтимоий-гуманитар фан соҳалари вакиллари учун “марказ – провинция” фарқини, гарчи батамом йўқотиб

бўлмаса ҳам, камайтириш имкони бор. Бу, аввало, ахборот технологиялари ривожига билан боғлиқ. Масалан, бундан йигирма йил илгари илмий иш олиб борадиган тадқиқотчи марказда бўлиши, катта кутубхона ва архивларда ишлаб материаллар йиғиши лозим эди. Ҳозир бу зарурат анча камайган: изланувчи интернет орқали ўзига зарур адабиётларни ишхонасидан чиқмаёқ топиши мумкин. Ҳатто ана шу усул самаралироқ ҳам. Ўз вақтида марказий кутубхоналардан топа олмаган (ахир, сир эмас, картотекада бор китобга буюртма бериб қўйиб, белгиланган муддатда келиб сўрасак, кўпинча “йўқолган”, “қўлда” каби важлар кўрсатиларди-да) китобларни ҳозир интернетдан исталган форматда “юклар” олиш мумкин. Қолаверса, архив фондлари электрон кўринишга ўтказилганга, яқин орада бу жиҳатдан ҳам енгиллик бўлади. Ёки илгари мақола ёзсак, кўл ёзма, одатда, таҳририятга элтиб берилар, камдан-кам ҳолларда почтадан юборилар эди. Ҳозир эса мақолани кўз очиб-юмгунча электрон почта орқали етказиш мумкин. Агар илгари мақоланинг “тақдири”ни билиш учун таҳририятга учраш ё сим қоқиш керак бўлган эса, ҳозир кабинетда ўтирганча муҳаррир билан мулоқот қилиш, у билан турли таҳрир вариантлари устида ишлаш имкони бор.

Боя ижодий-илмий муҳит ҳақида сўз юритдик. Хўш, нима дегани ўзи у? Содда қилиб айтганда, муҳит – илмий-ижодий қизиқишлари, тадқиқот йўналишлари ўзаро кесишадиган кишилар гуруҳи. Интернет эса шундай одамларни бирлаштиришнинг ғоят қулай воситаси. Ҳозир халқаро тармоқда кенг оммалашган турли-туман гуруҳлар, форумлар бунинг далили. Зеро, “фалон кўшиқчини севувчилар”, “фистон клуб фанатлари” каби гуруҳларни тузишга имкон берган халқаро тармоқда илмий қизиқишлар асосида ҳам турли-туман жамоалар ташкил қилиш мумкин – хоҳиш бўлса кифоя. Муайян соҳа вакиллари яқин ижодий мулоқоти эса

алалоқибат илмий изланишлар самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз. Дунё тажрибасида кенг қўлланаётган онлайн конференция, семинар ва мунозаралар яқин йилларда бизда ҳам оммалашishi муқаррарки, ўшанда мен боя айтиб ўтган каби ҳолатлар барҳам топади – қулай вақтга белгиланган илмий анжуманда республиканинг исталган бурчагида туриб ҳам иштирок этиш мумкин бўлади. Шунингдек, ҳозирда ижодий изланиш натижаларини эълон қилиш имкони ҳам кенгайган: тадқиқотчи кабинетидан чиқмаёқ юзлаб журналлар сайтига кириши, таҳририят мақолаларга қўядиган талаблар билан танишиши, уларни бажарган тақдирда мақоласини чоп этириши мумкин...

Дарвоқе, юқорида тўхталганим – шогирдлар масаласидаги йўқотишларни ҳам интернет қисман бўлса-да тўлатадиган кўринади: камини бу йил тажриба тариқасида термизлик тўрт талабанинг битирув ишига раҳбарлик қилмоқдаман. Ҳозирча талабаларга Телеграм орқали йўл-йўриқ ва топшириқлар бериб турибман, эҳтимол, кейинроқ интернетнинг бошқа имконлари, масалан, видеоалоқадан ҳам фойдаланармиз...

\*\*\*

Анчагина пессимистик бошлаган мулоҳазаларимни умидбахш руҳда тугатаётганим “марказ – провинция” муаммоси буткул ечилишини аңлатмайди. Йўқ, ўртадаги тафовут мудом сақланиб қолади. Зеро, провинция марказга етишга нечоғли алп қадамлар билан интилимасин, марказ ўрнида қотиб турмайди-да – у ҳам олдинлайди. Техник тараққиёт сабаб орадаги масофа қисқариб борар, лекин тамом йўқолиши амримаҳол. Мамлакатнинг у ёки бу бурчагида яшаб ҳам илмий-ижодий муҳит ичида бўлиш вилоят ҳамда марказдаги зиёлиларнинг бошланғич имкониятларини бир-бирига сезиларли яқинлаштиради. Демак, ҳозирча ана шу имкондан самарали фойдаланмоқ даркор, у ёғига эса худо пошшо...

Абдулла АЪЗАМ



АЛИФБО

Aa Bb Dd Ee Ff Gg Hh  
 Ii Jj Kk Ll Mm Nn Oo  
 Pp Qq Rr Ss Tt Uu Vv  
 Xx Yy Zz Q'g' G'g' SH  
 CHch NG ng 'tuu

Alifboda harflar tartib bilan joy

## MILLIY ALIFBO: *tafsil va tahlil*

*Журналимизнинг ўтган йилги сонларида чоп этилган давра суҳбати ва мақолада миллий алифбо муаммоси устида баҳс юритилган эди. Академик Абдулла Аъзамнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган салмоқли тадқиқоти ҳам ана шу мавзуга бағишланган.*

Таҳририят

Лотин алифбосига асосланган ҳозирги ёзувимиз 1993 йил 2 сентябрда тасдиқланган. Ўтган чорак аср давомида янги алифбо борасида турли фикрлар билдирилди. Бугун ҳам ушбу мавзудаги муҳокамалар оммавий ахборот воситалари, хусусан, интернетда бир кўтарилиб, бир пасайиб турибди. Биз бу борада математик ёндашувга асосланган мулоҳазаларимизни баён қилишга жазм этдик. Зотан, халқ дейдики, маслаҳатли тўй тарқамас.

**Б**ир замонлар аждодларимиз ўз алифболарига эга бўлиб, олис ўтмишга оид ёзув намуналари анча-мунча сақланиб қолган. Қадимги туркий алифбо қачон ихтиро қилингани – ҳозирча номаълум. Археологлар уни “Ўрхун-Енисей ёзуви” деб ҳам атайдилар. Унинг яратилиш даври эса 500-йиллар атрофи деб белгиланади. Ундан ҳам қадимийроқ даврларда хоразмийлар ва сўғдлар (улар ҳам ўзбекларнинг аждоди) ўз ёзувига эга бўлган.

Ўрта Осиёда ислом дини тарқалгач, араб алифбоси жорий бўлди ва IX-X асрларга келиб, у барча маҳаллий ёзувлар ўрнини деярли эгаллади.

Табиийки, араб алифбоси араб тили фонетикасига асосланган ва араб тили грамматикаси билан мувофиқлашган. Чунончи, бу алифбода ўзбек тилида “з” деб ўқиладиган тўртта, “с” деб ўқиладиган учта, “м” ва “ҳ” деб ўқиладиган иккитадан ҳарф бор. Бу ўзбек тили учун ортиқча бўлса, айна чоқда, тилимизга хос бўлган бир неча товуш учун араб алифбосида махсус ҳарфлар мавжуд эмас.

Демак, араб алифбоси ўзбек тилига мувофиқ эмас. Шунга қарамасдан, салкам бир ярим минг йил (!) давомида ота-боболаримиз бу алифбодан бемалол фойдаланиб келган, ҳужжатлар, ёзишмалар битилган. Алишер Навоий айнан шу алифбода ўзбек тилининг бутун бойлиги ва нафосатини дунёга кўз-кўз қилган.

Қизиқ ҳолат: араб алифбоси ўзбек тили фонетикасига мос бўлмаса ҳам, то XIX асргача бирор ёзарман унинг ноқислигидан шикоят қилмаган. Бу бежиз эмас. Жаҳон тажрибаси кузатилса, алифбонинг тилга номувофиқлиги кенг тарқалган ҳодиса эканига гувоҳ бўлаемиз. Айниқса, лотин алифбосида атиги 26 та ҳарф бўлиб, у бугун шу ёзувни қўллаётган дунёдаги бирор халқ тилига тўла мос эмас. Мисол учун, инглиз тилида расман 44 та, олмон тилида 43 та, француз тилида 50 дан зиёд товуш бор ва уларни атиги 26 та лотин ҳарфи воситасида ифодалашга тўғри келади (24 та деса ҳам бўлади: “х” ва “с” ортиқча ҳарфлардир). Ҳатто лотин тилининг вориси бўлган итальян тили алифбоси ҳам лотинча билан устма-уст тушмайди.

**Хулоса: алифбо тилга қай даражада мувофиқ ё номувофиқлиги ундан воз кечиш ёки кўшимча ҳарф кўшиш, ортиқчалари бўлса, чиқариш, яъни алифбони албатта ислоҳ қилиш керак, деган ҳукмга асос бўла олмайди.**

Агар биз VIII асрдан буён ажодларимиз қўллаб келган араб алифбосига асосланган

ёзувни сақлаганимизда, саводхонлик даражасига таъсир қилмас эди. Араб алифбосида ўқиб-ёзишни ўрганган киши учун хорижий тилни ўрганиш мақсадида лотин ва кирилл алифболарини ўзлаштириш машаққат туғдирмас ҳам эди.

Ушбу мулоҳазалар муштарийда “Араб алифбосига қайтишни тарғиб қилмоқчимисиз? Бу алифбонинг лотин ёки кириллга нисбатан ноқулайлиги очиқ-ойдин факт эмасми?” қабилида эътироз уйғотиши мумкин. Йўқ, мақсадимиз араб ёзувига тарғиб эмас, балки алифбо масаласида атрофлича мулоҳаза юритиш. Аслида “араб алифбоси – қийин, ноқулай” деган иддао тўғри эмас. Ҳозиргача нафақат араб мамлакатлари, балки Покистон, Эрон, Афғонистон, ХХРнинг Синцзянь-Уйғур автоном райони ва қисман Ҳиндистонда араб алифбосидан фойдаланиб келинмоқда.

Сўзсиз, араб ёзуви миллий алифбомиз нуқтаи назаридан бугун ўз долзарблигини йўқотган. Ҳали араб алифбосида саводхонлик кенг тарқалган бир даврдаки лотинчага ўтилган экан, бугун энди бу ҳақда сўз юртишнинг маъноси йўқ.

**С**ираси, XX аср ўзбек алифбоси учун ислохотлар асрига айланди – бир аср давомида алифбомиз уч марта алмаштирилди, ундан ҳам кўпроқ марта “тузатилди”! Мана, ўша ислохотлар:

I. Ўзбек тилида газета ва журналлар босила бошлаши билан араб алифбосини ислоҳ қилишга киришилди. Маърифатпарварлардан бири Элбек алифбодан араб тилига хос бўлган 9 ҳарфни чиқариб, 24 ҳарфли алифбодан фойдаланишни тақлиф этган (қолаверса, араб алифбосида йўқ, аммо Навоий



даврида қўлланган “ч”, “п”, “г” қаторида “нг” учун алоҳида ҳарф қўшилган (қ.: *Жамолхонов Ҳ., Умаров А. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи. Тошкент, Алишер Навоий номидаги ЎЗМК нашриёти, 2017. 29-бет. Бундан кейинги ўринларда шу манбадан олинган ҳаволаларнинг фақат саҳифаси кўрсатилади*).

Шундан сўнг матбуотда алифбо ва имло масаласида жанги жадални эслатадиган қизғин муҳокама бошланган. 1920 йили алифбо ва имло ислоҳотини амалга ошириш учун махсус кенгаш тузилган. Кенгаш 1921 йил 5 январда 6 та унли ва 23 та ундошдан иборат алифбога ўтиш тўғрисида қарор қабул қилади (68-бет). Ўзбек алифбосидан “ф” ҳарфи чиқариб ташланади.

**II.** Аммо алифбо устидаги баҳс тўхтамаган. Шу боис 1921 йил январда махсус қурултой чақирилган. Машварат аҳли Фитрат таклифини ёқлаб, “ўзбек тилида 23 ундош ва 6 унли бор” деган тўхтамага келган. Бу алифбода энди “ф” ва “нг” товушлари алоҳида ҳарфлар билан акс этган (100-101-бетлар). Айни ислоҳотнинг сабаби иккита эди: биринчиси – мактабларда алифбони ўрганиш муддатини қисқартириш, савод чиқаришни енгиллаштириш; иккинчиси – босма ёзувни осонлаштириш, яъни матбаада литографиядан типографияга ўтиш. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи айнан шу алифбода босилган эди. Қурултой қароридан сўнг баҳслар бирмунча сусайган, аммо барибир тўхтамаган.

**III.** Туркий халқлар тили ва адабиёти, жумладан, алифбо масаласи 1926 йил апрелда Бокуда чақирилган туркология қурултойининг кун тартибига “Турк миллатлари алифбосининг ислоҳоти” мавзуси билан киритилган. Бу даврга келиб араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш тарафдорлари тўлиқ устунликка эришган эди. Шунинг учун баҳс алифбо қандай ҳарфлардан ташкил топиши масаласи устида борган. Қурултойда барча туркий халқлар учун ягона алифбо тавсия этилган. Унда сингармонизм тўлиқ акс этган, жумладан, кенг (йўғон, тилолди, олдинги қатор) ва тор (ингичка, тилорқа, кейинги қатор) “у” ва “ў” товушлари учун алоҳида ҳарфлар кўзда тутилган. Тавсия 1926 йил

май ойида Самарқандда ўтказилган махсус конференцияда маъқулланган.

Нафсиламрини айтганда, бу конференцияда қабул қилинган ўзбек алифбоси анча мукаммал эди, жумладан, унда барча туркий халқлар лисонида мавжуд ва ўзбек тилига ҳам хос бўлган сингармонизм инобатга олинган. Агар унинг амалиётга татбиқи давом этганда, ўзбек тили имлоси ва уни ўқитиш бутунлай изга тушиб кетган, алифбо устидаги кейинги баҳсларга ўрин қолмаган бўлар эди.

**IV.** Аммо тарих ҳукми ўзгача бўлди. Алифбо устида баҳс давом этди – энди у “ўзбек тилида сингармонизм борми ёки йўқми?” деган мавзуга кўчади. Элбек етакчилик қилган бир тараф “сингармонизм ўзбек тилининг туб сифати, унинг бирдан-бир безаги, демак, у юз фоиз сақланиши керак” деган позицияда туради (210-бет). Элбек ҳатто унлилар сонини 12 тага етказишни ҳам таклиф қилади. Бошқа бир гуруҳ бунга қарши эди. Шоир Боту “ўзбек тилига сингармонизм хос эмас” деган фикрни ёқлайди. Айниқса, ўзбек тили алифбоси, имлоси ва грамматикасини имкон қадар жўнлаштириш тарафдори бўлган тилшунос Евгений Поливанов бу йўналишда қалтис иддаолар билан йўғрилган чиқиш қилади (“*Правда Востока*”, 1928 йил 22 октябрь). Натижада баҳс сиёсий тус олиб, сингармонизм тақдири қарши томон фойдасига ҳал бўлади.

1929 йил майда Самарқандда алифбога бағишланган пленум ўтказилиб, тўққиз унлиқдан олти унлили ёзувга ўтилди, “нг” товуши учун киритилган махсус ҳарф олиб ташланди. Шу даврдан сингармонизм ўзбек алифбосига бегоналашди. Хусусан, ўзбек тилида биттадан “у” ва “ў” товуши бор, деган тезис устувор бўлиб келмоқда. Ваҳоланки, ун (буғдой уни) ва ун (униб-ўс), бўл (эхтиёт бўл) ва бўл (иккига бўл) сўзларида унлилар айнан бир хил эмас. Алишер Навоий “Муҳокама ул-луғатайн” асарида ўзбек тилига унлилар хилма-хиллиги хос эканлигини қайд этган эди: “*Ва туркий алфозда бу маъруф, мажхул ҳаракат (яъни ёзувда акс этиши ҳам, этмаслиги ҳам мумкин бўлган унлилар) тўрт навъ топилур: ҳам “вовий”си, ҳам “ёйий”си (“вов” ва “йо” ҳарфлари билан ёзиладиган,*

аммо турлича талаффуз қилинадиган товушлар тўрт хилдан)... **тўрки** домдур, яна **тўрки**, андин дақиқроқдурки, қуш ўлтурур йиғочдир (яъни, Навоий даврида қуш тутадиган тўр кенг “ў” билан, учаётган қушни уриб туширадиган учи сершоҳ таёқ ўртача кенгликдаги “ў” билан айтилган) ва **тўрки**, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва **тўрки**, барчадин ариқдур (энг ингичкадур): тўрлугни ё эшикни тўрмак уйдур”.

Демак, Алишер Навоий ўзбек тилида тўрттадан “ў” ва “и” товуши бор деб ҳисоблаган. У ўз она тилидаги бундай кўпунлиликни ифтихор билан зикр этган.

Ҳа, ҳазрат таъкидлаганидек, товушларнинг хилма-хиллиги – тил бойлигидир.

Дунёнинг барча тилларида талаффузи бир-бирига яқин товушлар мавжуд бўлиб, бу ҳол ана шу тил фонетикасида қайд этилади. Алифбо ва имлонинг вазифаси – товушларни ёзувда акс эттиришдан иборат. Араб ёзувида бу принцип амалиёти юқорида “з”га ўхшаш товушлар мисолида қайд этилди. Рус тилида ҳар бир ундош икки хил – қаттиқ ва юмшоқ талаффуз этилиши мумкин. Ҳолбуки, шу омил сабабли маъноси фарқланадиган сўзлар (*угол – уголь* каби) кўп эмас. Бошқа ҳолларда юмшоқни қаттиқ айтиш чалкашлик туғдирмайди: *большойни болшой, тень эмас тен* дейилса янглиш тушунилмайди. Шунга қарамай, рус алифбосига юмшоқликни кўрсатувчи махсус белги киритилган.

Булар нисбатан соддароқ мисоллар. Венгер алифбоси 44 та белгили, жумладан “ў” га яқин товушлар учун “о”, “ó”, “ö”, “õ” ҳарфлари қабул қилинган. Тай алифбоси эса 44 та ундош ва 28 та (!) унлидан иборат, унлиларнинг тонини (оҳангини) фарқлаш учун 4 та диакритик белгидан ҳам фойдаланилади.

Бизда алифбо таркиби масаласида акс ёндашув ҳукмрон бўлиб келмоқда: кенг ва тор унлилар ҳар хил фонема эмас, портловчи ва сирғалувчи “ж” учун иккита ҳарф шарт эмас, “нг” товуши учун алоҳида ҳарфга ҳожат йўқ, “ъ”, “һ” деган товушлар йўқ ва ҳоказо. Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовнинг “Навоий асарлари луғати”да, “ўт” сўзининг уч хил талаффузини билдириш учун

транскрипцияга мурожаат этишга мажбур бўлишган. Ҳақиқатан, мумтоз адабиётда қўлланган, аммо ҳозир истифодадан чиққан сўзни бугунги ўқувчи қандай талаффуз қилишни нимага қараб аниқлайди? Хорижлик одам ўзбек тилини ҳозирги алифбо бўйича ўрганса, кенг ва тор “ў” товушларини тўғри талаффуз қилишни қандай ўрганаси? Ахир, тил ўрғанишда ёзувнинг аҳамияти катталиги аён-ку.

Алҳол, 1929 йили амалга оширилган илоҳот соф мафкуравий мақсадга – ўзбек ёзувини камбағаллаштириш ҳамда ўзбек тилини бошқа туркий халқлар ёзуви ва тилидан ҳам, мумтоз адабиёт тилидан ҳам узоқлаштиришга қаратилган эди.

**Хулоса: алифбо қандай бўлишдан қатъи назар, ўзбек тилининг товушлар тизими фонетикада тўлиқ акс этиши лозим.**

**V.** 1940 йили ўзбек алифбосини тўмтоқлаштириш йўлида яна бир қадам қўйилди – кирилл алифбосига асосланган ёзув жорий этилди. Бир томондан, унга ўзбек тилига мутлақо ёт бўлган “ц” ҳарфи, “ь” белгиси, ўзбек тили нуктаи назаридан ортиқча “ё”, “я”, “ю” ҳарфлари, қўлланиши сунъий бўлган “е” ҳарфи киритилди, иккинчи томондан эса, эски ўзбек ёзуви учун зарур ‘ (апостроф) қўшилди.

**VI.** 1956 йили кириллдаги алифбога “тузатиш” киритилди – апостроф ўзбек тилини анча миллийлаштираётгандек туюлган бўлса керак, унинг ўрнига “ъ” ҳарфи киритилди. Бу-ку, майли. Аммо бу ҳарф сўз охирида келса, ёзилмайдиган бўлди. Мисол учун, *манба’* ўрнига *манбаъ* эмас, *манба*. Бунинг оқибатида ўзбек ёзуви мумтоз ўзбек адабиётидан янада узоқлашди. Мисол тариқасида “Лисон ут-тайр” дostonидан қуйидаги байтларни олайлик:

*То фузули ўргатиб ул жамъни,  
Кўзунгиздин ёшуруб ул шамъни...  
Кимсага аввалги ҳам мамнуъдур,  
Одамийдин сўнгги ғам матмуъдур.*

Достон аруз вазнининг 11 ҳижоли рамали мусаддаси маҳзүф вазнида ёзилган (қолипи: фоилотун фоилотун фоилун). Сўз охирида “ъ” ёзилмаса, ҳар бир мисра 10 ҳижоли бўлиб қолади, “ь” товушини (айн) талаффуз

қилмай, байтларни вазнга солиб ўқиб бўлмайди. Шунинг учун ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари асарларининг нашрларида сўз охирида “ъ” ҳарфи ёзилмоқда. Бу ҳол имлога зид, аммо тўғри. Ўз-ўзидан савол туғилади: имло тузганлар ноҳақми ё ноширлар?

Бошқа ҳолларда “ъ”ни қўллаш чекланган. Бугун энди таассуф билан айтишга мажбурмиз: халқимизни мумтоз адабиётдан узоқлаштиришга интилган ислохотчилар деяри лиятига етди.

**VII.** 1993 йили яна лотин ёзувига қайтилди. У қисман 1929 йилги алифбога яқин эди. Хусусан, “нг” товуши учун “ñ”, ҳатто сирғалувчи “ж” учун “j”, “ц” учун “с” ҳарфлари ҳамда диакритик белги (‘) жорий этилган. Шу билан бирга кенг ва тор “ў” товушлари “о” ва “ö” ҳарфлари билан фарқлангани ҳолда, кенг ва тор “у” товушлари учун бир ҳарф олинган.

**VIII.** Орадан ҳеч қанча ўтмай янги алифбони ҳам тузатишга мажбур бўлдик – “қ” товуши учун ҳарфлар “Q”, “q” шаклида бўлиб қолган экан, Q, q тарзида тўғриланди. (Алифбони газетада эълон қилишда босмаҳона ходимлари кичик q ҳарфини қаердан топгани ажабланарли – ҳатто энг замонавий компьютернинг мингдан зиёд ҳарф шакллари захирасида бундай ҳарф йўқ.)

**IX.** 1995 йили лотин алифбоси кескин ўзгартирилди: “с”, “j” ва “ö” ҳарфлари олиб ташланиб, “ç”, “ş”, “ñ” ҳарфлари “ch”, “sh”, “ng” жуфтликлари (диграфлар) билан алмаштирилди. Бу алифбонинг биргина афзаллик томони – у компьютер клавиатурасига тўлиқ мослаштирилган эди. Бугунги гажетлар (қўл телефони, планшет ва ҳоказо) замонида бу афзалликнинг аҳамияти янада кучайди (“ç”, “ş” белгиларига қайтишни таклиф қилаётганлар бу жиҳатни ўйлаб ҳам кўрмаётган бўлса керак).

**Аччиқ, аммо инкор қилиб бўлмас хулоса:** XX асрдаги алифбо ислохотларининг ҳаммаси пухта ва атрофлича ўйланмасдан, айрим ҳолларда ҳатто шоша-шошарлик билан қабул қилинган.

**Яна бир нохушроқ хулоса:** барча талабларга жавоб берадиган бенуқсон алифбо бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун, “алифбони ундай қилиш керак, бундай қилиш керак” дея таклиф ташлайвериш дуруст эмас. Бизнингча, жорий алифбони янгисига алмаштириш, кескин ўзгартириш мутлақо ярамайди, ярашмайди ҳам.

**Б**угун оммавий ахборот воситалари ва турли давраларда яна алифбо хусусида баҳслар юзага чиқа бошлади. Бунинг бир сабаби – янги алифбога ўтиш даври чўзилиб кетгани бўлса, иккинчиси – бу алифбога ҳамон бир қатор камчиликлар хос бўлиб қолаётганидир. Улардан бир нечасини зикр этайлик.

Янги алифбога ҳам ’ (апостроф – тутуқ белгиси), ҳам ‘ (диакритик белги) киритилгани чалкашлик келтириб чиқармоқда. Компьютерда ҳар икки белги кўпинча ‘ ёки ` тарзида ёзиладики, бу имло бузилишини одат тусига айлантиради. Бошқа томондан, апострофнинг икки хил шакли компьютердаги айрим шрифтлардагина мавжуд бўлиб, имлога қатъий амал қилиш лозим ҳолларда бошқа шрифтдан топиб қўйишга тўғри келади.

Шунингдек, бу белгилар бир сўзни бир неча бўлакка бўлиб қўйиши ҳам матн кўришини бузади. Мисол учун кўрғон сўзи “qo`rg`on” тарзида ёзилиши – одатий ҳол. Агар бундай сўз қўштирноққа олинган жумланинг охирида келса, тирноқлар қаторлашади: “Bu tizmaning nomi “Qoratog””.

Соф туркий “ñ” товушининг ҳам “бахти очилмаяпти”. Уни “нг” ва “ng” тарзида ёзиш оқибатида ҳамда рус ва тожик тиллари таъсирида си-нгил, кў-нгил, китоби-нгиз, ўтири-нгиз каби сўзлар син-гил, кўн-гил, китобин-гиз, ўтирин-гиз тарзида хато талаффуз этилмоқда. Ҳолатни қуйидаги байт билан қиёслайлик:

*Мени шайдо қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул.*

Ушбу мисраларни ўқиганда *кўн-гил-дир, кўн-гил* деб талаффуз қилиш Мавлоно Лутфий каби аждодларимиз руҳини чирқиратишига шубҳа йўқ.

**Хулоса:** агар алифбо яна ислох қилинадиган бўлса, бу сафар жуда-жуда пухта

**ўйланиши керак; етарлича мукамал вариант топилмагунча изланиш ва баҳсларни давом эттириш лозим.**

**Х**усусан, “Алифбо қандай ҳарфлардан таркиб топиши керак?” деган масаладан аввал “Миллий алифбомиз қандай принциплар асосига қурилгани маъқул?” деган саволни қўйиш керак. Афсуски, ҳозиргача қилинган ислохотларда масаланинг бу томонига жиддий эътибор берилмаган. Ҳолбуки, принциплар турлича бўлиши мумкин.

**Принциплардан бири** – алифбони имкон қадар соддалаштириш. Биз уни *минимализм* деб атаймиз. Бунда имло ҳам шу қадар соддалашади. Айнан шу принципга мувофиқ кенг “у”, “ў” унлилари ҳам, уларнинг тор вариантлари ҳам бир ҳарф билан ёзилмоқда, “нг” товушига алоҳида ҳарфни қизғаниш тагида ҳам аслида шу принцип ётади. Минимализмнинг яна бир оқибати – портловчи “ж” (*жажжи, жўжа* сўзларидаги) ва сирғалувчи “ж” (*аждар, журнал* сўзларидаги) товушларининг, талаффузида ер билан осмонча фарқ бўлишига қарамай, битта ҳарф билан белгиланиши.

**Минимализм тарафдорлари “х” ва “ҳ” товушлари учун бир ҳарф кифоя, деб ҳисоблайди.**

Бунда бу икки ҳарф имлоси қийин экани рўкач қилинади. Ҳолбуки, кирилл алифбосига ўтилганда бу икки товуш учун ўхшаш ҳарф танлангани оқибатида уларни чалкаштириш ҳолати вужудга келган. Бугунги алифбода “х” ва “h” шакллари қабул қилингани бунинг олдини олишига шубҳа йўқ.

Агар минимализм принципи асос қилиб олинса, алифбомиз учун 20 тача ҳарф ҳам кифоя қилар эди. Араб алифбоси қўлланган даврда шундай бўлган – унлилар атиги уч ҳарф билан, “к” ва “г”, “ж” ва “ч”, “б” ва “п” товуш жуфтликлари биттадан ҳарф билан ёзилган. Шунга қарамай, ота-боболаримиз матнни ўқиганда чалкаштирамаган, чунки саводли одам матнни ҳарфма-ҳарф ўқимайди, контекстга қараб тўғри ўқиб кетаверади.

“Минимализмда ҳам меъёр лозим-да”, дейишингиз мумкин. Тўғри, аммо қаерда ўша

меъёр? Нима учун бир ҳолда минимализм меъёрга мувофиқ бўлади-ю, шунга ўхшаш бошқа ҳолда меъёрга сиғмайди?

Меъёрни ҳам топдик, дейлик. Аммо барибир минимализм алифбога тўғри ёндашув эмас. Бундан икки йилча муқаддам дўстларимдан бири хитойлик меҳмонлар билан учрашувга таклиф қилиб қолди. Уларга бир ўзбек йигити таржимон сифатида ҳамроҳлик қилаётган экан – у хитой тилида равон сўзлашар эди. Мен ўзимча уни синамоқчи бўлиб “Нечта иероглиф ўзлаштирдингиз?” деб сўрадим. Унинг жавоби ҳайратомуз бўлди: “Саккиз мингтага боради”. Ахир, олий маълумотли хитойлик кундалик амалиётида 5000 тача иероглиф қўллайди, холос-да. Жами иероглифлар сони эса 80 000 тадан зиёд. Бу ҳолат минимализм принципини бутунлай инкор қилади – савод чиқариш учун хитойликлар камида мингта иероглифни ўрганиши шарт. Японларда ҳам шундай. Французлар латин алифбосини 10 та қўшимча ҳарф билан кенгайтирганлар, масалан, “е” дан ташқари ё, ё, ё ҳарфлари, сө каби белги ҳам ишлатилади, яна 20 тача “сн”, “um”, “sch” каби бир неча ҳарфли бирикма ҳам алоҳида ҳарф вазифасини ўтайди.

Минимализм тарафдорлари “талаффузи бир-бирига яқин товушларни алоҳида ҳарф ёки ҳарф бирикмалари билан ёзиш имлони мураккаблаштиради” дея иддао қилади.

Минимализм принципи тарафдорларининг катта қисми инглиз тилини яхши биланди, билмаганлари ҳам маълум даражада хабардор. Ахир, бугунги кунда у миллатлараро сўзлашув тилига айланган. Ҳолбуки, инглиз тилида расман 44 та товуш фарқланади. Улар орасида ўзбек тилидаги “а”, “о” товушларига яқин 5 та товуш бор. 44 товушнинг 26 та латин ҳарфи воситасида ёзилиши инглиз тилини ўрганишни ниҳоятда мураккаблаштиради. Аммо шунга қарамай бугун бутун дунё инглиз тилини ўрганмоқда, инглизча сўзламоқда. Аниқ ва табиий фанларда-ку илмий мақола ёзиш 90 фоиз ушбу тилга ўтиб бўлган. Айни вақтда халқаро миқёсда катта-кичик бизнес билан шуғулланаётган кишилар ҳам инглизчани ўрганиб, шартномалар туз-

моқда. Алифбо сабабидан имлоси ва орфоэпияси ўта мураккаб бўлганига қарамай, инглиз тили миллатлараро сўзлашув воситасига айланган ва айнан шу мақсадда ихтиро қилинган эсперанто тилини ерга кўмиб бўлди. Ҳолбуки, эсперанто ўта содда алифбо, ундан ҳам соддароқ имло ва грамматика билан ясалган эди...

**Хулоса: алифбо имкон қадар содда бўлиши керак, деган фикр учун объектив асос йўқ.**

Қолаверса, ҳеч бир саводли одам ҳаёти давомида амалдаги алифбога кирган катта-кичик 60 тача ҳарфни ўрганиш билан чеклана олмайди: бу ҳарфларнинг қўлда ёзиладиган шакллари (турли кишиларда турлича), тиниш белгилари, рақамлар ва бир қанча математик белгилар, йўл ҳаракати белгилари, схема ва диаграммаларда қўлланадиган белгилар ва шу каби минглаб ёзув насурларидан фойдаланади.

Шу ўринда яна бир муҳим мулоҳаза бор. **Соддаликка интилиш ҳар доим ҳам ижобий ҳодиса бўлавермайди.** Хусусан, алифбода минимализмнинг ижобий томони билан бир қаторда салбий жиҳати ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги замон психологияси ва нейрофизиологиясида қийин нарсаларни ўрганишга интилиш мияни чархлаши, айниқса, болаларнинг ақлий қобилияти ва тафаккурини ўстириш воситаси экани исботланган. Бугунги кунда тўрт-беш ёшли болалар бир неча тилда баравар сўзлаш, ўқиш ва ёзишни бемалол ўрганаётгани ҳамда бундай болалар битта тилда сўзлашиб вояга етаётган тенгдошларидан жадалроқ ривожланаётганини кузатиш мумкин.

Одам қанча кўп белгидан фойдаланса, у ўз фикрини шу қадар аниқроқ, инжароқ ифода этиш имкониятига эга бўлади. Бу, ҳеч шубҳасиз, алифбодаги белгилар сонига бевосита тааллуқли. Ҳатто алифбо қанча мураккаб бўлса, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти шунча ошади.

**Хулоса: “Алифбо имкон қадар содда ва қулай бўлиши керак”, деган принцип дуруст эмас, ҳатто зарарлидир.**

**М**инимализмнинг акси – алифбо оғзаки нутқни имкон қадар тўқис акс эттирмоғи лозим, деган ёндашув.

Биз бунини **максимализм** деб атаймиз. Мазкур принципнинг асосий ижобий жиҳатлари: биринчидан, ўқувчиларни адабий тил меъёрларига мувофиқ сўзлашга ўргатиш учун қулай; иккинчидан, бошқа тилда сўзлашувчилар учун ўзбек тилида тўғри сўзлашга ўрганишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мисол учун, инглиз тилидаги товушлар 44 та деб олинмаганида, бу тилда сўзлашни ўрганиш анча қийин бўлар эди.

Табиийки, максимализм имлонинг мураккаблашувини талаб этади. Биз боя бундан чўчимаслик керак, дедик. Араб, инглиз, француз ва олмон алифболари қисман шу принцип асосида тузилган.

Бизда максимализм тарафдорлари кўп эмас, тилшунос олимларнинг бир қисмигина ушбу принципни ёқлайди. Алифбо ислоҳотида бу тоифага мансуб олимларнинг фикри албатта тингланиши керак. Сўнгги даврда максимализм принцигига қарши яна бир омил вужудга келди – информацион технологиялар асри бошланди. Энди ёппасига матнни компьютерда териш, босма маҳсулотларни ҳам компьютерлашган полиграфия ускуналарида чоп этишга ўтилди. Албатта, бугун компьютерга юзлаб ҳарфли алифболар, минглаб турдаги шрифтлар, ўн минглаб иероглифлар, юз минглаб махсус белгилар захираси жойланган. Мана, муаллиф компютеридаги “а” ҳарфи модификацияларининг айримлари:  $\grave{a}$ ,  $\acute{a}$ ,  $\hat{a}$ ,  $\check{a}$ ,  $\ddot{a}$ ,  $\acute{\grave{a}}$ ,  $\text{\ae}$ ,  $\bar{a}$ ,  $\tilde{a}$ ,  $\underset{\sim}{a}$ ,  $\grave{\grave{a}}$ ,  $\acute{\acute{a}}$ ,  $\acute{\grave{a}}$ ,  $\acute{\check{a}}$ ,  $\acute{\grave{a}}$ . Бу ҳарфлар дунёнинг қайсидир бир ўлкасида максимализм принципи асосида тузилган миллий алифболарда қўлландики, компьютерга жойланган. Бир қарашда, максималистлар учун айни муддао – нутқда исталганча товуш, ҳатто товуш товланишлари ҳам алоҳида ҳарф билан ифодаланади.

Муҳтарам ўқувчида “Демак, ўзбек алифбосини ҳам максимализм принцигига мувофиқ тузса бўлар экан-да? Ахир, ўзбек тилида минималистлар ўйлаганидек, товушлар 30 тача эмас, балки 40 дан зиёд – агар чўзиқ

унлилар қисқа унлилардан фарқланса, яна камида 6 та товуш қўшилади”, деган фикр тугилиши мумкин. Шундайликка-шундай-ку, аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор-да – стандарт клавиатуранинг лотинча режими 26 та ҳарф билан ишлайди. Албатта, клавиатурани мураккаб алифбога мослаштириш мумкин, бунинг учун ё ҳозиргига нисбатан тугмалари кўпроқ клавиатура ишлаб чиқариш ёки битта ҳарфни териш учун икки-уч тугмани босиш керак бўлади. Мобиль телефонларда эса бундан ҳам кўпроқ амал бажаришга тўғри келади. Алифбода ҳарф ва белги қанча кўп бўлса, матнни териш шунча кўп вақт талаб этади, тасодифий хатоларнинг кўпайишига сабаб бўлади, клавиатурада ишлаш малакасини ҳосил қилиш муддати сезиларли даражада чўзилади.

**Хулоса: максимализм принципи билан алифбо тузиш – ахборот технологиялари тенденциясига зид.**

**Я**на бир табиий принцип – минимализм ва максимализм ўртасидаги **мўътадил** ёндашувдир. XX асрдаги ислохотлар ана шу ёндашувга асосланган эди, дейиш мумкин: бир томондан, ўзбек тилидаги бир неча товуш учун алоҳида ҳарф қабул қилинмаган, иккинчи томондан, лотин ёки кирилл алифболари билан чекланмай, махсус ҳарфлар киритилган.

Бир қарашда, мўътадил ёндашув энг муқобил бўлиб туюлади. Аммо аввал алифбони қабул қилиб, кўп ўтмай уни тузатишга тўғри келгани мўътадил ёндашув ҳам ушбу муаммони ҳал этолмаслигини кўрсатади. Гап шундаки, мўътадил ёндашув билан тузилган алифбо максимализм ва минимализм принципларининг ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликларини ҳам ўзида жамлайди. Натижада минималистлар алифбони “имлони қийинлаштиради” дея танқид қилса, максималистлар “нутқни тўғри акс эттирмайди” дейди. Бунда ҳар икки томоннинг танқиди учун асос мавжуд бўлади.

**Хулоса: ўзбек алифбоси масаласида бошқа ёндашувларга мурожаат этиш, ҳатто янги принциплар излаш лозим.**

Хўш, алифбо масаласида яна қанақа принцип бўлиши мумкин?

Қарангки, бўлар экан. Масалан, корейс алифбоси. То XV асргача корейслар хитой иероглифларидан фойдаланган. 1446 йилда бир гуруҳ корейс олимлари иероглифга ўхшаш, аммо унга қараганда анча қулай алифбо ишлаб чиқиб, эълон қилишган. Унда товушларни ифодаловчи ҳарфлар 2, 3 ёки 4 тадан 2-2 квадрат катакларга ёзилиб, бўғин ташкил этади. Бўғинлар эса чапдан ўнг томон ёзилиб, сўзлар ҳосил бўлади.

Бу мисол билан биз, ўз алифбомизга шундай принципни асос қилиб олиш керак, демоқчи эмасмиз. Қолаверса, ўзбек тили синтетик тиллар гуруҳига, корейс (хитой, вьетнам) тили эса аналитик тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, бири учун яроқли принцип иккинчисига у қадар тушмайди. Бу мисолни келтиришдан мақсад – оригинал ёндашувлар ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлаш, холос.

**Изланганга толе – ёр, дейдилар-ку, нима қилиб бўлса ҳам, имкон қадар мукамал алифбо яратишимиз шарт.**

**Шунча оғзимиз куйгани етар, ахир!**

Бугун дунёда Ўзбекистонга қизиқиш кучаймоқда, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизнинг хорижий алоқалари жадал суръат билан ўсмоқда. Бу, табиийки, ўзбек тилига бўлган қизиқишни кучайтиради, ўзбек тилини ўрганувчи хорижликлар сони ошади. Энг муҳими, бу жараён йиллар ўтган сайин кучайиб боради. Биз алифбо ислоҳоти тўғрисида ўйлаганимизда, изланганимизда, бу омилни ҳам назарда тутишимиз лозим. Токи тилимиз билан танишган киши унинг бойлигини кўрсин, миллий алифбомиз нақадар пухта ва мукамал тузилганига амин бўлсин.

**Унутмайликки, алифбонинг мукамаллиги – миллат интеллектуал салоҳиятининг кўзгусидир.**

**Б**у борадаги изланишларга туртки бериш мақсадида яна бир принципни илгари сурмоқчимиз. Фикримизча, айнан шу принцип энг муқобил алифбога

асос бўла олади, чунки у минимализмнинг ҳам, максимализмнинг ҳам талабларига жавоб беради.

Бунда кўп сатҳли алифбо назарда тутилмоқда. Аввал бу хил алифбо намуналари билан танишайлик. Бизга жуда яхши таниш мисол – уч сатҳли араб ёзувидир. Биринчи сатҳ – 28 асосий алифбо ва ۴ белгисидан иборат. Бу сатҳ алифбосида газета ва журнал, ёнгил бадий адабиёт чоп этилади, кундалик ёзишмалар ва иш қоғозлари юритилади. Унда қисқа унлилар ёзилмайди.

Иккинчи сатҳда алифбо қисқа унлилар, танвинлар, ташдид, ҳамза белгилари билан кенгайтирилади. Ундан луғат, дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий асарларда истифода қилинади.

Учинчи сатҳ – Қуръони карим нашрларида қўлланаётган алифбодир. Унга оятларни тўғри тиловат қилишга ёрдам берувчи яна 10 дан зиёд тажвид белгиси киритилган.

Иккинчи мисол – рус алифбоси. Уни ҳам уч сатҳли дейиш мумкин. Биринчи сатҳда матн рус алифбосининг 32 ҳарфи билангина ифодаланади. Унда “ё” ҳарфи ўрнига “е” ёзилаверади. Иккинчи сатҳда эса “ё” албатта ёзилади ва зарур ўринларда урғу белгиси қўйилади: *времяное* ва *временное*, *духи* ва *духъ* каби. Бу сатҳ асосан бадий адабиёт нашрларига мўлжалланган. Учинчи сатҳда урғу барча ўринларда қўйилади. Ундан дарслик, қўлланма ва луғатларда фойдаланилади. Тилшуносликка оид илмий тадқиқотларда муаллиф изоҳлари биринчи сатҳ алифбосида ёзилса, таҳлил қилинадиган мисол ва иқтибослар учинчи сатҳда келтирилади.

Алифбоси иероглифдан иборат барча халқларда ҳам алифбо кўп сатҳлидир.

Ёзуви лотинга асосланган халқларнинг аксари икки алифбодан фойдаланади. Биринчи сатҳ – соф лотин алифбосидир. Аммо ҳатто шу тил соҳиблари ҳам айрим сўзларни биринчи сатҳнинг ўзида ўқий олмайди – халқаро транскрипция белгилари воситасида қандай талаффуз қилинишига мурожаат этишга мажбур бўлади. Дарслик ва луғатларда эса иккинчи сатҳ алифбосидан истифода этилади.

Шундай қилиб, кўп сатҳли алифбода кенг оммага мўлжалланган матн қуйи босқич алифбосида ёзилади ва бу минималистлар учун айна муддао. Аммо нутқни ёзувда тўғри акс эттириш муҳим бўлган матнларда юқори сатҳда иш юритилади ва бунда максимализм принципига исталганча эрк бериш мумкин.

Мақтабда, айниқса, бошланғич синфларда ўқувчилар билан юқори сатҳ алифбосида ишланади ва натижада уларда тўғри талаффуз малакаси шаклланади. Хусусан, фарзандларимиз Лутфий ғазалининг радифини “бу кўнгулдур, бу кўнгул”, Бобур қаламига мансуб сатрни “*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиги*” тарзида тўғри ўқишга ўрганишлари лозим. Отабек билан Кумушнинг:

– *Кўнгли-нгиз фаришталар кўнглидек.*

– *Сизнинг ҳам кўнгли-нгиз... –*

деган диалогини “кўн-г-лин-гиз” тарзида ўқиш роман тилига ҳам, руҳига ҳам зид эканини ҳис қилмоғимиз даркор.

Тўғри талаффуз малакаси ҳосил бўлгач, қуйи сатҳ алифбосидаги матн ҳам шунга мувофиқ ўқилади, албатта. Бу эса айна муддаодир.

Ўзбек тилини ўрганаётган бошқа миллат вакиллари “ўзинг ўқи” ва “ўзинг, ўзаверинг”; “қаламнинг учи” ва “икки эмас, уч”; “кийимни илиб қўй” ва “ҳаво илиб қолди” каби жумлалар турлича талаффуз қилинишини юқори сатҳ алифбоси ёрдамида билиб олади.

**А** малдаги лотин алифбоси жузъий тузатишлар билан биринчи сатҳ учун яроқлидир ва у минимализм принципида жавоб беради. Айрим минималистларнинг “х” ўрнига ҳам “х” ёзишни таклиф этаётгани – кирилл алифбосида талаффузи яқин бу икки товуш учун шакли ҳам яқин ҳарфлар қўлланганининг оқибатидир. “*Mehmonxona*” сўзини мактабда кирилл алифбосида ўқиган авлод вакиллари “*texmonhona*” тарзида ёзиши мумкин. Ҳозирги лотин алифбосида “х” ва “h” ҳарфлари танлангани бу икки товушни чалкаштирмаслик учун кифоя.

Юқори сатҳ алифбосига максимализм нуқтаи назаридан ёндашиш ҳар томонлама тўғри бўлади. Хусусан, у ўзбек тилига хос барча товушни ўзида тўлиқ акс эттириши

лозим. Бу нуқтаи назардан ўзбек тилида камида 40 та товуш аниқ-тиниқ фарқланади: а, о, и, ө (тор и), э, иккитадан у ва ў, б–п, в–ф, г–к, д–т, ж–ч, з–с, ғ–ч, ь–ҳ, й, л, м, н, нг, нғ, р, ' (қал'а, сур'ат, мудофа'а сўзлари талаффузидаги тутуқ товуши араб тилидаги ҳамза товушига яқин) ҳамда унлиларнинг чўзиқ вариантлари. (Араб тилида ҳам, инглиз, роман-герман тилларида ҳам чўзиқ унлилар алоҳида товуш ҳисобланади; ўзбек тилида ҳам унлининг чўзиқлиги маънога таъсир қилади: *шеър–шер, даъво–даво, таъна–тана*; ҳозирги алифболарда “ъ” ва тутуқ товуши учун бир хил белги қўлланади, ҳолбуки, бу икки товуш асосан араб тилидан ўзлашган сўзларда учраб, аслида бир-биридан талаффузда ҳам, имлода ҳам кескин фарқ қилади; “ъ” товуши ўзбек тилида ундошлик хусусиятини деярли йўқотган, асосан унлини чўзиш белгисига айланган: *эътибор, эълон, Нўъмон, шуъла, маъқул*. Шу билан бирга, кўплаб сўзларда чўзиқ унлилар ёзувда акс этмаган: *тўфон–тўфон, хоин–хоин, мезон–мезон* ва ҳоказо.) Биз ҳар бир товушни алоҳида қараб чиқмаймиз, бирйўла жадвал кўринишида келтирамиз (яқин йиллар ичида жорий қилиш мақсадида эмас, балки узоқ йиллар давомида муҳокама қилиш учун).

Алифбо сатҳлари борасида сўз борар экан, “фақат икки сатҳ билан чекланиш етарлими ё ўрта сатҳ алифбосига ҳам зарурат борми?” деган масалани-да ечиб олиш керак. Умуман олганда, ўрта сатҳга эҳтиёж мавжуд; у, хусусан, мумтоз шеърят нашри учун зарур. Аруз вазнидаги шеърларни, ҳозирги нашрлардагидек, қуйи сатҳ алифбосида чоп этишни қабул қилиб бўлмайди. Гап фақат “ъ” товушидагина эмас. Навоий ўз асарларида сингармонизм қонунига қатъий амал қилган, жумладан, тор ва кенг унлиларни алоҳида ишлатган:

*Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай*  
(“Ғаройбус-сиғар”, 611-ғазалдан);

*Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали*  
(11-ғазалдан).

Биринчи мисрада “ўлмағай” (*бўлмағай*) сўзидаги учала унли ҳам кенг (*ўлмоғой* тарзидаги талаффузга яқин), иккинчи мисрада

эса барча унли, шу жумладан “ўлмак” сўзида – тор унли. Энди Навоийнинг “Муножот” асаридаги мана бу жумлани олайлик:

*Ҳар неча балоғат лофин урган дам,  
урмаса маъзур бўлур.*

Бугунги ўқувчи “урган” ва “урмаса” сўзларини *урмоқ* (*зарба бермоқ*) маъносига талаффуз қилади, яъни “у” ҳарфини кенг (тилолди) унли тарзида ўқийди ва шундай тушунади. Аммо матн бу тарзда ўқилса, Навоий кўзда тутган маъно чиқмайди. Ҳар икки сўзда ҳам “у” унлиси – тор, акс ҳолда Навоий “урғон” (ёки “урған”) деб ёзган бўлар эди. “Урмак” феъли тор “у” билан “хурмоқ”, “вовулламоқ” маъносига эга бўлади: “Оллоҳга ҳамд айтиш бобида балоғат-мукаммаллик даъво қилиш – ҳуриш билан баробарки, хурмай ўтирган маъқул”.

Сирасини айтганда, мумтоз шеърят нашрларида қуйи сатҳ алифбоси етарли эмас. Шу билан бирга, максимализм принципидаги юқори сатҳ алифбоси ҳам маъқул бўлмайди – кўплаб қўшимча белгилар билан матн оғирлашиб кетади.

Гал келганда яна бир мулоҳаза. Бугун мамлакатимизда кўплаб диний адабиётлар чоп этилмоқда. Хўш, мазкур нашрларда имло қоидаларига амал қилиш керакми ё шарт эмасми? Диний адабиётда ўзига хос имло тўқилаётганига сабаб – оят ва ҳадисларни талаффузда имкон қадар арабчасига яқинлаштириш. Бу интилиш-ку – яхши, аммо, биринчидан, бунинг аслида имкони йўқ – боя айтганимиздек, араб тили фонетикаси ўзбек тили фонетикасидан жуда катта фарқ қилади; иккинчидан, бир тилда икки хил фонетика ва икки хил имло бўлиши ижобий ҳодиса эмас. Бугун энди диний адабиёт нашр қилиш омалашгани, мумтоз адабиётда ҳам оят ва ҳадислар кўп учрашини ҳисобга олиб, миллий алифбомизга яна бир – олий сатҳ киритиш масаласини йўлаб кўриш лозим. Бунда араб тилига хос товушлар учун халқаро транскрипция белгилари қўлланиши мумкин (*қаранг*: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Романизация\\_арабского\\_письма](https://ru.wikipedia.org/wiki/Романизация_арабского_письма); [https://en.wikipedia.org/wiki/Romanization\\_of\\_Arabic](https://en.wikipedia.org/wiki/Romanization_of_Arabic)).

## Уч босқичли миллий алифбо лойиҳаси

Т.р.	Товуш	Мисол	Алифбо сатҳлари			Гажетда	Изоҳ
			қуйи	ўрта	юқори		
<b>Унлилар</b>							
1.	а кенг	қарағат	а	а	а	а	ҳозиргача ажратилмаган
2.	а тор	камалак		а̇	а,	а,	
3.	а чўзиқ	ваъда		ā	ā	а:	мумтоз шеъриятда муҳим <sup>1</sup>
4.	о кенг	оломон	о	о	о	о	ҳозиргача ажратилмаган
5.	о тор	ҳой		о̇	о,	о,	
6.	о чўзиқ	шоҳона		ō	ō	о:	мумтоз шеъриятда муҳим
7.	и кенг	чиниқиш	і	і	і	і	“ҳаво <u>илиб</u> қолди”– “кийимни <u>илиб</u> қўй”
8.	и тор	кийиниш		і̇	і,	і,	
9.	и чўзиқ	имон		ī	ī	і:	мумтоз шеъриятда муҳим
10.	э қисқа	шер;	е	е	е	е	
11.	э чўзиқ	шеър		ē	ē	е:	мумтоз шеъриятда муҳим
12.	у кенг	узун, тур	и	и	и	и	туркий тилларнинг деярли барчасида ажратилган
13.	у тор	узум, тур		и̇	и,	и,	
14.	у чўзиқ	кўзгу, шуъла		ū	ū	и:	мумтоз шеъриятда муҳим
15.	ў кенг	қўл, бўл	о'	о'	о'	о'	туркий тилларнинг деярли барчасида ажратилган
16.	ў тор	қўл, бўл		ō	о"	о"	
17.	ў чўзиқ	тўфон, мўътабар		ō̇	ō̇	о:	мумтоз шеъриятда муҳим
<b>Ундошлар</b>							
18.	б		б	б	б	б	
19.	п		р	р	р	р	
20.	в	аввал	v		v	v	лабланган ва лабланмаган (ҳозирги араб алифбосида фарқланади: و ва ف)
21.	в	кувур, тувак		v̇	v,	v,	
22.	ф		f	f	f	f	
23.	г		g	g	g	g	

<sup>1</sup>Аслида кенг ва тор унлиларнинг чўзиқ вариантлари учун юқори сатҳда алоҳида белги киритилиши мантиқан тўғри бўлар эди. Бунда унлилар сони 18 тага етади! Аммо бундай максимализм меъёрдан зиёд ҳисобланди.

24.	к		k	k	k	k	
25.	д		d	d	d	d	
26.	т		t	t	t	t	
27.	ж	жўжа	j	j	j	j	портловчи
28.	ж	аждар	j	j	j'	j'	сирғалувчи
29.	ч		c	c	c	c	
30.	з		z	z	z	z	
31.	с		s	s	s	s	
32.	ш		w <sup>2</sup>	w	w	w	
33.	ғ		g'	ğ	ğ	g'	
34.	х		x	x	x	x	
35.	ъ		‘	ʌ	ʌ	‘	араб алифбосида айн, мумтоз шеъриятда муҳим <sup>3</sup>
36.	ҳ		h	h	h	h	
37.	л		l	l	l	l	
38.	м		m	m	m	m	
39.	н		n	n	n	n	
40.	нг	си-нгил	ng	ŋ	ŋ	n,	тил софлиги учун муҳим
<b>қўшимча товушлар</b>							
41.	нг	қў-нгиз <sup>4</sup>	ng'	ng'	ŋ	ng'	юқори сатҳда фарқланиши кифоя
42.	‘	ма'во	‘	‘	‘	‘	араб алифбосида "ҳамза" <sup>5</sup>
43.	ц	цех <sup>6</sup>	ts	ts	ts	ts	


<sup>2</sup>Гажектларда "ш" товушини ифодалаш учун кўндан буён "w" ҳарфи қўлланмоқда.

<sup>3</sup>Мумтоз адабиётда тўлақонли ундош ҳатто иккиланади: "Наводир уш-шабоб" девонидаги "Лаълича эмас оғзи қилур вақти тақаллум" мисраси билан бошланадиган газалда қофиядошлар: тақаллум, табассум, тазаллум, таваҳхум, тараннум, танаъъум. Ҳозир икки хил функция баъжаради: унлидан ивавал келса – айирувчи белги, кейин келса – шу унлини чўзиши белгиси.

<sup>4</sup>Қўйи ва ўрта сатҳда ажратилиши шарт эмас, аммо товушлар тизимида қайд этиши мақсадга мувофиқ.

<sup>5</sup>Маъво ва даъво сўзларидаги "ъ" товуши аслан бошқа-бошқа – биринчисида портловчи (ма'мур – буюрилган сўзидаги каби; ўзбек тилида унли билан бошланувчи барча сўз бошида шу товуш талаффуз этилади), иккинчисида сирғалувчи – "х" товушининг жа-ранглиси (маъмур – обод сўзидаги каби). Ҳозирги ўзбек тили фонетикасида бу икки ҳарф функцияси чатишиб кетган. Шунинг учун қўйи сатҳда фарқланиши шарт эмас деб ҳисоблаймиз.

<sup>6</sup>Бу товуш 1993 йилги алифбога киритилган, 1995 йили чиқарилган. Ўзбек тилига хос эмас, аммо байналмилаал сўзларда қўлланади. Алифбонинг юқори сатҳига киритилиши мақсадга мувофиқ, зотан, "ф" ва "х" товушлари ҳам бошқа тиллардан ўзлашган.



## *Diloromning ko'zlari*

Мусаввир Дилором Мамедова юртимиз ва унинг табиати, халқимиз ҳамда урф-одатларимизни бениҳоя севади. Асарларида уларга қайта-қайта мурожаат этади. Аслида, унинг ижоддаги бош мақсади ҳам ўзбек халқи ва илдизлари минглаб йилларга бориб туташган маданиятимизни улуғлашдан иборат.



Рассомнинг картиналарида серкүёш ўлкамиз манзаралари, юртдошларимиз қиёфаси турли ракурсларда намоён бўлади. Пейзажларидан тортиб натюрмортларигача – рамзу тимсоллар қуёшнинг қайноқ нурларига кўмилган ҳолатда тасвирланади. У эски кўчалар, ишқомли ва тандир-ўчоқли ҳовлиларимизни тасвирлашга ишқибоз.



Мусаввир реалистик услубда ижод қилса-да, асарларидаги ҳар бир белги ўзига хос маъно ташиydi. Тасвирий санъатда ҳам миллат қиёфасини акс эттирадиган унсурлар беҳисоб. Жумладан, оддий эшик ва дарвозалар... Буларни ҳали ҳеч ким Дилором Мамедовачалик кўп ва ҳўб чизмаган бўлса керак. Картиналардаги ҳар бир эшик ва дарвозанинг ўз ранги, шаклу шамойили, таъбир жоиз кўрилса, қиёфаси ҳамда характери бор. Улар кўп бўлишига қарамай, бир-бирини такрорламайди. Худди ошиқ-маъшуклар сингари бир-бирига суюнган. Баъзан томошабинга бағрини ланг очган, баъзан эса ичкарида номаҳрам бордек берк... “Бахт эшиги” картинасида ширингина қизалоқ очиқ эшиқдан узоқ-узоқларга термилганча болалик орзулари қанотида парвоз қилаётир. Қизалоқ бир куни худди мана шу эшиқдан келин бўлиб кузатилажagini хаёл қилаётгандек гўё...

Мусаввир ижодида Эскишаҳар мавзуси алоҳида ўрин тутати. У бузилиб, ўрнига осмонўпар бинолар қурилатган Ўқчи маҳалласи кўринишларини асарларида муҳрлаб қолишга ҳаракат қилмоқда; қадимий маҳалла манзаралари акс этган кўргазма ташкил этиш ниятида.

Рассом тасвирий санъатда кам учрайдиган мозаика ва метаморфоза шакллари ҳам фойдаланади. У Ўрол Тансиқбоев, Исфандиёр Ҳайдаров, Поль Сезанн, Винсент ван Гог ва Клод Моне асарларини доим ҳайратланиб томоша қилади. Бу ҳайратлар на-



тижаси ўлароқ, мазкур мўй-қалам усталарини тақорламайдиган бутунлай янги картиналар яратади.



Дилором Мамедованинг бетакрор табиатимиз тасвирланган суратларини томоша қилар экансиз, беихтиёр Рауф Парфининг “Дилоромнинг кўзлари” шеъри хотирга келади:

*Маъюс эди сенинг  
кўзларинг ғоят,  
Гўё йўлсиз ўрмон  
баргларин тўкиб,  
Қора ёрқинликда  
шивирлар оят,  
Кўзларингни тинглаяпман  
энтикиб...*

Ҳа, мусаввир асарларида ҳам қуюқ ўрмонлар бағрини бир лаҳза ёритиб, шивирлаган мисол учиб тушаётган япроқлар рақсини, шоир нигоҳларини порлатган ажиб ёрқинлик – нур ва соялар ўйинини кўрасиз.

Дилором Мамедова борлиқни рангин ва тиниқ идрок этади. У олам манзараларини шаффофлик ортидан кўзатиб чицаётганга ўхшайди. Аслида, бу шаффофлик – муаллифнинг теран нигоҳи, мусаффо юраги ҳамда ҳудудсиз хаёллари тажассумидир...

**Насрулло Эргаш**





Нодира ОФОҚ

あなたは世界を変えることができます

池田大作

DUNYO ODAMI

Ҳар қандай китоб, аслида, муаллифнинг мактуби. Япониялик мутафаккир арбоб Дайсаку Икеданинг “Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин” деб аталган битиклари ҳам жаҳондаги таниш ва нотаниш, оддий ва олиймақом – барча одамларга йўлланган номадир.

“Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин”, яъни дунё сенинг қўлингда...

Бу сўзларнинг жодуси бордек: улар инсонман деганнинг кўксида кучли бир тебраниш кўзғаб, мудроқ одабийликни уйғотади – руҳда илгари сезилмаган қудрат намоён бўлади. Дунё кўрган муаллифнинг ёзганлари ўқувчини бирда ҳайратлантирса, бирда изтиробга солади. Гоҳ эса мунаввар боболар ёдга тушади. Ўзингизча ҳақ деб билганингиз нималардир мувозанатдан чиқиб, улар ўрнини ёруғ-ёруғ бошқа мазмунлар эгаллайди. Бирда эса баҳслашгингиз ҳам келади...

Олис Японияда умргузаронлик қилаётган файласуфнинг олами, руҳи шу қадар юракка яқин туюладики, беихтиёр унга жавоблар

битгингиз келади. Аммо “Дайсаку Икеда каби машхури жаҳон олдида ким бўлибман!” деган андиша қўлингиздан тутади.

Кимсан, дунёдаги уч юздан ортиқ университетнинг фахрий доктори ва профессори; БМТнинг Тинчлик мукофоти совриндори, яна кўплаб халқаро ташкилоту давлатлар таъсис этган юксак унвонлар соҳиби, ахир!

Кимсан, қанчадан-қанча маърифат ўчоқларининг, жумладан, Япония ва бошқа мамлакатлардаги боғчаю мактаблар, университетлар, жамғармалар, музей ва тадқиқот марказларининг асосчиси!..

“Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин” дея хитоб қилган инсон ҳақида кўпроқ билгингиз келадими?

Демак, аввал икки оғиз

### Дайсаку Икеда ҳақида

Мутафаккир, файласуф, ёзувчи ва муаллим. 1928 йил 2 январда Токио шаҳрида туғилган. Оиладаги саккиз фарзанднинг бе-

шинчиси. Иккинчи жаҳон муҳорабаси унинг хотирасига осмондан бомба ёғдираётган мудҳиш учоқлар сувратида, урушдан қайтмаган акасининг маъсум нигоҳи тимсолида муҳрланди. Ҳамиша некбин ва қувноқ бўлган она ўғлини йўқотгач, бирдан чўкиб қолди... Кичкина Дайсаку кўнглида оналарнинг ҳаёт барқ урган сиймосини қовжиратиб юборадиган урушга нисбатан бир умрлик нафрат пайдо бўлди.

Беғуноҳ одамларнинг уйи нега вайрон этилди? Акаси каби не-не йигитлар нима учун навқирон ёшда хокитуробга айланиб кетди? Икеда, эҳтимол, ўша 16-17 ёшида ҳам бу каби саволларга жавоб излаган. Бу ҳол кейинчалик ҳам уни она замин тақдири, одамлар ва давлатлараро муносабатлар, уруш ва тинчлик, инсоният қисмати каби залворли масалалар ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

*“Тушунсангиз-чи! Кўз ўнгида уйини ёқиб юборсалар, отасини ўлдирсалар, онасини зўрласалар – ҳар қандай ўспириннинг қони қайнайди. Янги-янги партизанлар мана шу тарзда пайдо бўлади”.* 1980-йилларда Эль-Сальвадорда аланга олган фуқаролар урушига оид бу ҳайқирик, шубҳасиз, хотира уфқига қонли қуёш каби ботган унинг ўз ёшлиғи ҳақида ҳам эди. Инсониятни ҳалокатга отаётган зиддиятлар унга ўз кечмиши кўзгусида қабариб кўринган бўлса ажаб эмас.

Ҳаёт кўргиликлари, одатда, одамнинг қалбидаги ўч ва нафрат туйғусини кучайтиради. Аммо руҳан кучли инсонлар бундан мустасно. Улар ана шуларда тобланиб, эзгулик тарғиботчиси ва курашчисига айланади. Айнан шулар – Дунё одамларидир. Ёшлиқдаги айрилиқ ва мусибатлар Икедани синдирмади, қасоскорликка ундамади. Нима қилмоқ керакки, ўз бошидан кечирган уруш жафолари бошқа одамлар ҳаётини вайрон этмасин? Ана шу савол уни тинчлик учун, инсон ҳақлари учун курашчига айлантирди. Шундай йўл тутмоқ даркорки, дини, ирқи, дунёқараши, урф-одати, давлат тузуми турлича бўлган халқлар – ҳатто манфа-

атлари тўқнашган чоқда ҳам – инсон ҳаёти ва ҳақларига дахл этмай диган тарзда ягона битимга кела олинлар! У бутун ҳаётини ана шу муаммо ечимига бағишлади.

Икеда Токиодаги Фудзи институтига таҳсил олди. Устози Жосэй Тода билан учрашгач, гуманистик-ахлоқий ғоялар тарғиботига йўналтирилган Сока Гаккай жамиятига кирди. Устозининг вафотидан сўнг дастлаб мазкур жамиятга раҳбарлик қилди. 1975 йилдан эса ўзи ташкил этган Сока Гаккай (SGI) халқаро буддизм маърифий ташкилоти президенти лавозимида ишлаб келмоқда. Ташкилотнинг 192 мамлакатда аъзолари бор.

Икеда “Инсон қалбидаги инқилоб” романи, “Ҳаёт бу – жумбоқ, қимматбаҳо хазина”, “Менинг Буддам” каби асарлар муаллифидир.

Ўтган йили Тошкентда Икеданинг “Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин” китоби бирваракайига япон, ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинди. Китобни япониялик файласуфнинг ўзбекистонлик дўсти, маданиятшунос профессор Турсунали Қўзиёев ўзбекчага ўгирган.

Дарвоқе, “дайсаку” сўзи япончада “буюк мадад” деган маънони англатади.

\*\*\*

...Андиша қўлни ҳар қанча тутмасин, “Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин” деган буюк ишончдан руҳланиб, дунёдаги жамики одамга меҳр кўзи билан қарай олган инсонга нима-лардир ёзгингиз келаверади, келаверади...

Балки, бу мактуб ҳеч қачон жўнатилмас. Эҳтимол, бу ўз-ўзингиз ила мулоқотдир. Ҳа-я, Икеда ҳам “Барини ўз-ўзингиз билан мулоқотдан бошланг” деб сабоқ берган-ку. Алқисса...



## МАКТУБ

*Муҳтарам Дайсаку-сэнсэй!*

Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин, дунё сенинг қўлингда, дебсиз.

Руснинг забардаст адиби Фёдор Достоевский “Дунёни гўзаллик кутқаради”, деган. Ўзбекнинг донишманд шоири Абдулла Ориф эса “Дунёда диёнат ҳали мавжуддир...” дейди (Сиз марҳум шоиримизни яхши биласиз, у киши билан суҳбатдош ҳам бўлган экансиз).

Некбин одам бу ҳикматларни кўтаринкилик ила идрок этадию юраги ёруғ-ёруғ ҳисларга тўлади: қандай гўзал сўзлар! Дунёда некбинлар кўпчиликини ташкил қилса керак. Аммо шулар билан бирга Абдулла Орифнинг “Номалум одам” и-га ўхшаганлар ҳам борки, улар дарҳол савол бермоққа тушади: Дунё **кутқарилиш** даражасига келиб қолганми? Уни нега **ўзгартириш** керак? “**Ҳали**” дегани нимаси?

Инсоният тарихи ва бугунги дунёни ўз билганимизча камтарона таҳлил этсак ҳам бу гаплар беҳудага айтилмаганини англаймиз.

Мозий саҳифаларини варақласак, урушлар тарихи, қатломалар, хурфикрлик таъқиби, инсоний ҳақ-ҳуқуқлар талабидаги исёнлар солномаси каби тасаввур уйғотади. Алоқ-чалоқдек кўринган ана шу тартибот ичида одамзод ҳаётининг расолиги умидида курашган нури сиймолар кўз олдимизда гавдаланади.

Бугунги дунё манзаралари эса шундай: бир тарафда – “энг кичик заррадан Юпитергача” (Ғафур Ғулом) бохабарлик, бир тарафда эса таваллуд ва ўлим каби дахлсиз ҳодисаларга ҳам аралашув қадар сурбетлик; бир тарафда – бедаво касалликларга даво топмоқ учун умрини қурбонликка келтирганлар, иккинчи ёқда – адолат шиори остидаги шафқатсиз қирғинлар; бир тарафда – ўз халқидан кўрқадиган ҳукмдорлар, иккинчисидан – ҳукмдорига тиг кўтарган халқлар... Бир тарафда – номсиз урушлар, бир тарафда – урушдан хатарли тинчлик... Бир элнинг болаларини ўзаро душманга айлантирувчи сиёсат... Худо берган инсоний ҳақини сўрагани учунгина хўрлигу зиндонларга гирифтор бўлганлар ва ўз залолатиға қонун мақомини талаб этаётганлар... Отамаконида қочмоққа маҳкумлар ва уларни бағрига босиб-да ўзгалар юртини талон-торож қилаётганлар... Нимасини айтасиз, жаноб Дайсаку! Қонуниятдек кўринган ана шу телба-тескариликлар оламида, хайриятки, шахсий тинчлиги ва бахтини дунё осойиши ва умуминсоният бахти аро кўра олган, умрини шунга бетама бахшида этаётган Дунё одамлари бор. Ўшалардан бири сифатида, қадри Дайсаку-сэнсэй, мактубингизда шундай савол қўйгансиз:

### **Нима қилмоқ керак?**

Аслида бу саволнинг ёши инсониятнинг ёши билан тенг. Урушлар, ижтимоий тенгсизлик, зулму зўравонлик, залолат ҳаддидан ошганда тафаккур соҳиблари, пешқадам зотлар ана шу саволға жавоб излаб, терандан-теран ўйларға ботганлар. Бу саволға жавоб тариқасида вақти-вақти билан Ер юзига элчилар ва китоблар юборилган. Аммо шулар-да Одам Атонинг болаларини роҳи ростға бошлай олмаган; неча-неча қавмлар ҳалок этилган!

“Нима қилмоқ керак?” Бу савол яна ва яна кун тартибига чиқаверган.

Биз Одам болалари қандай йўл тутмоғи лозимлиги аниқ-равшан баён қилинган Китобга эга умматмиз. Бизга бошқа Элчи юборилмаслигига ҳам имонимиз комил. Аммо одамзод йўлини ҳидоятга бурмоқ учун, инсонийлик арконларини тарғиб қилиб, дунё ҳаётини бардавом этмоқ учун Яратган танлаган шахслар ҳозир ҳам бор. Эътиқод, ирк, миллат, ёш, тил... каби мезон-белгилардан қатъи назар, улар тўғри йўлни кўрсатиш учун танланган. Кишилиқ улар кўрсатган йўлдан юриш-юрмаслиги – бошқа масала.

Бу дунёда тасодиф йўқ. Танланган шахсларнинг туғилиши ҳам тарихий зарурат, асло тасодиф эмас. Одамларни тўғри йўлга бошлаш ўшаларнинг чекига тушган. Сиз шулардан бирисиз, Дайсаку-сэнсэй! Сиз эзгулик тарғиботи ва кураш учун танлангансиз, жибиллий маърифат ва меҳр-муҳаббатга тўлиқ қалб билан туғилгансиз.

Сизнинг хитобингиз инсонман деганни дафъатан қалқитмай қўймайди. Негаки, бояги савол бизнинг асримизда ҳам ўшандоқ кўндаланглигича турибди. Энди у биргина мамлакатга тегишли эмас, глобаллашган дунё муҳитида яшаётган барча элатлар учун ҳаёт-мамот масаласидир.

Сиз-чи, бу борада нима дейсиз, кадрли Дайсаку-сэнсэй, дейман ва Мактубингизни арақлайман:

*“Оловни фақат сув билан ўчириб бўлгани каби газаб ва нафратни ҳам фақат меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик билан енгиш мумкин”.*

*“Одамларнинг овози ва фикрини бўғиш эвазига эришилган тинчлик... ҳаёт ҳиссидан маҳрум ўлик тинчликдир”.*

*“Ер юзиде жаҳолат йўқолмасдан осойишталик барқарор бўлмайди”.*

*“Тинчлик бир-бирини тинглаш истагидан туғилади”.*

*“Зўравонлик воситасида тинчликка эришиб бўлмайди”.*

Мана, Сизнинг жавобларингиз!

## Яна саволлар

Кадрли Дайсаку-сэнсэй, биз кўпинча яшаётган уйимизни бошқаларникидан ҳашаматлироқ қилиш, фарзандимизнинг тўйини дабдабалироқ ўтказиш, машинаимизни қимматроғига алмаштириш, эларо донг таратиш, бир-биримиздан ўзиш қайғусида куйиб-пишамиз. Сиз эса инсоният тақдири ҳақида қайғурасиз. Ер куррасининг у бошидан бу бошига жонсарақ югурасиз, дунё аҳволотиға таъсир эта оладиган қудратли замондошлар билан мулоқотлар қиласиз. Айни чоқда ботинингизда бировлар билан баҳслашасиз. Сизни изтироб ва узлуксиз безовталик вартасига ташлайдиган саволлар мана булар:

- Қандай қилиб газабни шафқатга, қарама-қаршилиқни бирдамликка айлантириш мумкин; умуман, бунинг имкони борми?
- Дунё аҳли терроризмга нуқта қўйиш учун бирлашадиган вақт етди. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Бу офатни алам ва қасосга таяниб, қуроқ кучи билан йўқотиш мумкинми? Ахир, қуроқли кураш газаб ва ўч гулханининг баттар алангаланишига олиб келмайдими?

- XX аср урушлар юз йиллиги бўлди. У юз миллионлаб бегуноҳ одамни ҳаётдан маҳрум қилди. Биз ўша мудҳиш фожиалардан сабоқ чиқардикми?
- Турли маданиятлар учрашганда, диссонанс (мусиқада овозларнинг уйғун келмаслиги) эмас, симфония тугилиши учун қандай йўл тутмоқ керак?
- Ҳар биримиз ўз-ўзимизга савол беришимиз лозим: эҳтимол, мен амал қиладиган стереотиплар юзакидир? Шубҳали маълумотга ишониб қўямасдимми? Нотўғри хулосага келмадимми? Умуман, мен мавжуд вазиятдан қай даражада хабардорман? Ҳаммасини ўзим текшириб билдимми? Ҳойнаҳой, бўлар-бўлмас иғволарга ишонгандирман?

Саволлар, саволлар... Ҳар бир инсоннинг ўз саволлари бор. Уларнинг кўлами эса дунё тақдирини белгилайди.

Назаримда, муҳтарам Икеда, Сизнинг қарашларингиз ва фаолиятингиз жавҳарида қуйидаги асосий мақсадлар ётади:

- урушга, инсонни ҳаёти ва ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум қилишга (ҳеч қандай ижтимоий ёхуд сиёсий мақсад билан буни оқлаб бўлмайди!) йўл қўймаслик;
- одамлар ўртасида ҳам, халқ ва мамлакатлар миқёсида ҳам тенг мулоқотга эришиш;
- маърифат тарқатиш орқали гайрининсоний иллатларга барҳам бериш;
- пировардида сайёраимизни одамзод саодатли ҳаёт кечирадиган осойишта маконга айлантириш.

Дунёда шундай зотлар борки, улар ўзига еттиёт бегона кишиларнинг манфати ва ҳақи учун курашаётир. Шахсий фойда ва шуҳратни ўйламай; ўз вазифаси, бурчини бажараётган каби. Улар қилаётган эзгу ишларни биров билади, биров билмайди... Негадир шу дамда ҳаёлимга ёнғин ичида қолган дунёни кўз ёшлари билан қутқармоққа чоғланган митти қалдирғоч келди...

### Формула

Токио марказида Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилишига шахсан ўзингиз бош-қош бўлгансиз. Шоирнинг ўша ҳайкал пойида Сиз ўқиган “Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг, / Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш” деган байти баайни ўзингизнинг ҳаёт дастурингиздек жаранглайди.

Заҳририддин Муҳаммад Бобур бобомизни ҳам биласиз – ўша, Сиз ихлос қўйган Маҳатма Гандининг ватанида марказлашган давлат қурган, дунёда энг узоқ ҳукм сурган салтанатлардан бирига асос солган шоҳ ва шоир. Сиймонгизни бугунги дунё ва тарих олдида мунаввар этиб турган бетама фидойилик, таъбир жоиз бўлса, жўмардлик гоёсини беш аср аввал Бобур бобомиз формулага солиб кетгандек. “Яхшилиқ” деган бир ғазали бор шоирнинг. Мухтасар мазмуни бундай: жаҳон аҳлидан ҳеч ким яхшилиқ кўрган эмас; барчанинг амали ёмонлик қилмоқдир; ёмонлар-ку ёмонлар, яхшиларнинг кори-бори ҳам ёмонлик бўлиб қолди... Аслида булар шунчаки музайян шоирхаёл эмас, устоз! Мирзо Бобурнинг кундаликларида дунёга келган “Вақоёе”ни кўздан кечирсак, бу аччиқ ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қиламиз. Шунча изтиробли ўйлардан кейин шоир дейдики, ёппасига ҳамма ёмон-

ликни касб қилиб, яхшилиқ урфдан буткул чиқса-да, бу хил тутум ягона қоида бўлиши мумкин эмас. Майли, аҳди олам бир тараф бўлсин, аммо яхшилиқ бир инсон фаолиятида бўлса ҳам давом этиши, яшаб қолиши шарт! Қаранг, Бобур дафъатан олдинги беш байт мазмунига тескари фикрни ўртага ташлайди:

*Бори элга яхшилиқ қилгилки, мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ.*

Сизнинг “*Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин*” деган сўзларингиз менинг хаёлимда мана шу мисралар билан бир ўзанда оқади... Бори элга яхшилиқ қилмоқлик – дунё ҳаёти барқарорлигининг асосий шартидир.

Ҳаёт чидаб бўлмас уқубатларини бошингизга отса-ю, нафрат ва қасосга берилмай, нотавону тубан кимсага айланмай, бори элга – яхшию ёмонга бирдай яхшилиқ қилиш... Вожабо, иложи бормикан бунинг?

Ҳа, бор. Мушкул, аммо мумкин.

Бунинг учун инсонга раббоний муҳаббат ила, оналик севгиси ила боқа билмоқ керак.

### **Раббоний муҳаббат**

Парвардигори олам, кимлигидан қатъи назар, ҳар бир бандасига меҳрибонлик қилади; марҳамати ва раҳмати барчага бир хил Зот у. Раббоний муҳаббат ана шу.

Она ҳам барча боласини баробар яхши кўради. Беғараз, бетама. Ҳақиқий муҳаббат ана шу. Дунё одами – шу хил раббоний муҳаббат соҳиби ва тарғиботчисидир. Унинг қалби ҳам одам боласига, яхши-ёмонлигидан қатъи назар, меҳр ва севги билан тўла.

Қадрли Дайсаку-сэнсэй, “*Зўравонликдан воз кечиш Ганди учун бутун инсониятга чексиз муҳаббат, қалбининг туб-тубларидан силқиб чиққан ҳаёт жавҳари эди. Шу унга яшаиш учун куч берарди, бусиз у бир сония ҳам яшай олмасди*”, деб ёзасиз дунё одамларидан бири ҳақида.

Ҳа, дунё одами деганлари ҳазрати Румий каби ўзини етмиш икки мазҳаб ила уйғунликда кўра оладиган сўфийдир.

Дунё одами ўзини ўлимга ҳукм қилажак прокураторни-да яхши одам санайдиган ва ўша ҳукмфармо кимсанинг “*Нега сен доим “саховатли одам” деб гапирасан? Ҳаммани ҳам шундай атайсанми?*” деган саволига “*Ҳа, ҳаммани шундай атайман, негаки, дунёда ёвуз одам йўқ*” (Михаил Булгаков) деб жавоб берадиган Элчидир.

Биз баъзида ҳатто ўз яқинларимиздан меҳримизни аяймиз, дилларини огри-тамыз, арзимас сабаблар билан юзкўрмас бўлиб кетамиз. Шундай экан, наҳотки, бегона одамларга беғараз меҳру муҳаббат кўрсатмоқ мумкин бўлса? Ўзимиздан сўрайлик-чи, ақалли дуоларимизда бировни бетама эслай оламизми? Мактубингизни ўқийтуриб, шуларни ўйлаб кетдим, устоз.

“Биз барчамиз севмоққа буюрилганмиз. Одамнинг ўзи муҳаббат меваси-ку! Қалби муҳаббатга тўлган инсон нақадар саодатли!.. Меҳр-муҳаббат изҳори дунёни ўзгартириши мумкин!” – Дунё одами шундай деб билади. У ҳатто золим касларни ҳам ёмон кўрмайди, уларга-да инсофу тавфиқ тилайди.

## Ўлдир, ўлдирма...

Уруш ва тинчлик мавзусидаги мушоҳадаларингизни ўқиб, туркий дунёнинг жаҳонгир адаби, Сиз билан суҳбатдош бўлган Чингиз Айтматовнинг “Ўлдир, ўлдирма” деб номланган ҳикояси эсга тушади. Муаллиф кўпгина асарларида уруш мавзусига мурожаат қилгани маълум. Аммо бу ҳикоя гўё адабнинг уруш ҳақидаги сўнги хулосасидек туюлади.

Ҳали йигирма ёшга ҳам кирмаган Сергей исми йигитча урушга отланади. Онаси “Бировни ўлдирма, қон тўкма”, деб уқтиради. Бу насиҳат эса отани лол қилади: “Ўлдирма, деганинг нимаси! Урушда ўлдирмаслик, қон тўкмаслик мумкинми?!”

Ахир, сен ўлдирмасанг – сени ўлдирадилар, урушнинг қондаси-ку бу.

Ўлдир, ўлдирма... Нима қилмоқ керак? Маъсум феъли Сергейнинг боши қотади.

Яна сальвадорлик архиепископ Ромэро билан боғлиқ Сиз ҳикоя қилган воқеа ёдга келади. Биродаркушлик авж олган кунларда руҳоний ўз қавмига бундай дейди: “Дин фақатгина ўлимдан кейинги ҳаётни шарҳласа ва тарғиб қилса етарли бўладими? Йўқ. Шак-шубҳасиз, йўқ. Қандай қилиб боласи очликдан ўлган ота-онага “Фарзандингиз ўлимдан сўнг жаннатга тушади ва бунинг учун шукрона қилишингиз керак” деб таскин-тасалли бериш мумкин?” Воқеан, Ромэро ҳазрат сиёсатдан йироқ мавзуларда жимгина ваъз қилиб юраверса ҳам бўларди. Ўз ҳаёти билан бадал тўлашга тўғри келадиган чиқишнинг нима кераги бор эди унга? Сизнинг жавобингиз эса бундай: “Аслини олганда, черковда оммавий сиёсий чиқишлар қилиш архиепископ Ромэронинг иши эмасди. Аммо у мамлакатдаги мавжуд ҳолатни ҳисобга олиб, индамай туриш мумкин эмас, деган қарорга келади”.

Руҳонийнинг қавми орасида ҳарбийлар, давлат одамлари ҳам бор эди. “Сизга бир кун кимнидир ўлдиришига буйруқ берилса, Худойимнинг “Ўлдирма!” деган амрини эсланг. Негаки, Худонинг қонунлари ҳамма нарсадан устундир. Ана шу қонунларга зид бўлган буйруқларни бажаришига ҳеч бирингиз мажбур эмассиз”, дейди Ромэро уларга қарата. Аммо эртаси кун... ваъз айтаётган ҳазрат отиб ўлдирилади. У “Ўлдирма!” дегани учун, бепарво қараб турмагани учун қатл этилади. Бу эса омманинг қаҳру газаби янаям ошишига, чинакам фуқаролар урушининг бошланишига баҳона бўлади.

Ўлдир, ўлдирма... Яшаш истаги, хизмат бурчи бирини, эътиқод эса иккинчисини талаб этиб турса! Бири бу фоний ҳаётни, иккинчиси абадий роҳатни ваъда этса. Бири яқин, иккинчиси узоқ бўлса... Нима қилмоқ керак?

Сергейнинг отаси хотинига бундай дейди: “Сени бу гапларинг учун халқ душманига чиқариб, Сибирга сургун қилишади. Ҳозир жаҳон уруши кетаётган пайт, ким зўр чиқса, ўша ютади; ё биз, ё улар! Сен бўлсанг “ўлдирма” дейсан. Нима, мен ўз ўғлимга ачинмайманми? Хотин, мен ҳам адои тамом бўлдим. Аммо бошқача бўлиши мумкинми? Аскар ўз ерини ҳимоя қилади, унга шундай буйруқ берилган. Агар аскар душманни гумдон қилса, бурчини адо этган бўлади, бу ҳатто қаҳрамонлик, билсанг!” Отанинг ҳақиқати ана шундай.

Қалбида раббоний муҳаббат ила туғилган она эса, мана, нима дейди: “Кейин бу дунёда қандоқ бош кўтариб яшаймиз – ҳамманинг қўли қонга ботса, дунёда фақат қотиллар қолса...”

Қаҳрамонлик, ўз тупроғини ҳимоя қилиш, бурч, ғалаба... – булар одамийликка хилоф, Яратганнинг буйруқларига зид бўлса, нима кераги бор? Қотиллик эвазига сақлаб қолинган ҳаёт инсонга татийдими? Бу хил тириклик ўлимдан, дўзахдан баттар эмасми?! Наҳотки, кези келганда қотилликнинг номи қаҳрамонлик аталса? Онанинг тушунчаси ана шундай.

Ким ҳақ: отами, онами?

Ўлдир, ўлдирма... Аммо бу қонда фақат урушга тааллуқлими, Дайсаку-сэнсэй? Дунё ҳамон “кучли одам ожизнинг жони эвазига яшайди” қабилидаги ўрмон қонуни асосида кун кечирмаяптими? Дунёвий миқёсда ҳам, ҳатто кундалик ҳаётда ҳам, аяброқ айтганда, сен енгмасанг, сени енгадилар. Ҳозир муваффақият гўё, тўғри-ми-нотўғрими, кимнинг олдинроқ ҳаракат бошлашига боғлиқ бўлиб қолгандек.

“Ён бериш, музокара таклифи бизнинг асримизда урфдан қолди, булар мағлубият деб баҳоланади. “Пичоқни охиригача суқиш шарт!” – қачондир қулоққа чалинган шу истехзоли гаплар замирида ҳам ҳақиқат бордек... Одам иштибоҳлар ичида адашиб кетади...

“Ўлдирма!” Бу ҳукм фақат бир тарафнинг қондаси бўлса – адолатсизлик, бориб турган ҳалокатдир. Ушбу даъватга жавоб ҳар бир шахснинг масалани қай тарзда қўйишига боғлиқ; ҳаёт-мамотми ёхуд эътиқод?

Чингиз Айтматов эса ҳикоя хотимасида саволни очик қолдиради. Зоҳиран шундай. Аслида бу саволга эътиқодли адибнинг аниқ жавоби бор. Бўлмаслиги мумкин эмас. Ким билади, ҳикояни ёзган пайтда у нималарни ўйлаган экан? Юрак-бағри қонга тўлгандир балки? Эҳтимол, ўз жавобининг акс садоси йўқлигини ич-ичдан ҳис этарак, қаҳрамони Филофей каби чексиз фазоларга сингиб кетмоқни истагандир?

Ўлдир, ўлдирма... Инсоният ҳаёти давомийлиги етти миллиарддан зиёд одамнинг қай йўлни танлашига боғлиқ.

“Ўлдирма! XXI асрда биз ана шуни бош тамойил қилиб олишимиз керак”. Бу – Сизнинг танловингиз, Дайсаку-сэнсэй.

### **Иштибоҳ, ишонч...**

Ҳа, оддий одам баъзан сўз ва ҳаёт ўртасидаги номувофиқликлар аро адашиб кетади.

Дунёда бамаъни гаплар кўп. “Инсон ҳаётдан баланд қадрият йўқ. Буни барча динлар, барча замонлар ахлоқи эътироф этади. Инсон бўлмоқ шундайин масъулиятки, унинг бошқа биров тугул, ҳатто ўз ҳаётини маҳв этишга-да ҳаққи йўқ!” Шу хил гапларни китобларда ўқиймиз, ойнаижаҳонда эшитамиз ва ўзимизча такрорлаймиз. Лекин бир қадам қўйиб кўчага чиқишимиз билан у гаплар ҳавога учиб кетгандек бўлади. Ҳаёт бор шафқатсизлиги билан йўлимизга рўбарў чиқади. Устига-устак, ана шу шафқатсизлик узра жозибадор қирмизи пардалар ташлаб қўяди. Гоҳо яшаб қолишдек савқитабий олда энг олийжаноб ғоялар ҳам туссиз каби туюлади. Ҳаёт босимини енгилма маҳқум одам боласи жон-жаҳди ила ўз хатти-ҳаракатини не бир ҳақиқатлар билан оқлашга уринади. Оламда ҳаммага ҳақиқат бўлиб кўринадиган шундай умумқоидалар борки, улар оддий одамлар онгидан “ин-

сондек яшаш ҳуқуқи” деган тушунчани билдирмай-сездирмай ўчириб ташлайди. Ҳаётга муҳаббат туйғусига зид бўлган бу аксилҳақиқатнинг аслиятини билган озчилик уни оғзи очилмас ғорларга кўмиб ташлашга мажбур. Дунёнинг ана шундай ечимсиз савол-жавобларидан гангийди одам.

Мураккаб фалсафалар, руҳиятнинг мияни ғовлатиб юборадиган тафтиши, олам сирларини оддий тушунтириш ўрнига содда нарса-ҳодисани баттар чалкаштириб юборадиган фанлар, одамни одам ўрнида кўрмайдиган сиёсат ўйинлари, ўйлаган ўйингизгача аниқлаб берадиган техникаю технологиялар, бошқотирмага ўхшаган санъатлар... Буларнинг нима кераги бор, дегингиз келади баъзан. Дунёни, яшашни бунча мураккаблаштириб, чигаллаштиришнинг нима лозимати бор? Барчасини ташлаб, сўфий боболар каби даштгами, ғоргами кетиб қолгингиз келади... Ахир, биз оддий одамлармиз! Биз тўйиб-тўйиб нафас олишни, овозимизнинг қушдай озод парвозини, умримиз фарзандларимизда давом этишини, ёмғир томчиларида оламнинг оний сувратларини томоша қилишни, бир-биримизга очиқ нигоҳ билан қарашни хоҳлаймиз, холос! Қуёш йигирма тўрт соат ботмаса... буям қандайдир кўрқинч солади юракка. Оламнинг ўз тартиботи бор. Биз – оддий одамлармиз, олам шу тартиботида бизга тушунарли ва яқиндир.

Одамни баъзан ана шундай иштибоҳлар қийнайди, қадрли Дайсаку-сэнсэй!

Сиз XX асрнинг буюк сиймоларидан бири Маҳатма Гандини алоҳида эътироф этасиз. Ганди айирмачилик, тарафкашлик, зулм-зўравонлик, инсон ҳақларига тажовуз ва истибодга қарши эди. У каттами-кичикми – ҳар қандай миқёсдаги ёмонлик ва зўравонликни тинч йўл билан енгиш тарафдори эди. У ҳатто ўзига суиқасд қилган йигитчани ҳам жазоламасликларини сўраган, аксинча, барча куч ва имкониятларни жинойатга қўл урган ўспириннинг фикр ва хатти-ҳаракатини тўғри йўлга солишга сарфлаш керак, деган. Бу қадар ишонч, бу қадар олийжаноблик! Сиз ёзасизки, зўравонлик фақат зўравонликсиз маҳв этилишига Гандидан кўпроқ ишонган бошқа бирор киши бўлмаса керак...

Аммо... “Ганди ёлғиз эди...” деган жумлани бир неча бор такрорлайсиз. Нега, Дайсаку-сэнсэй? Нега? Эҳтимол, дунёни яхшилик билан ўзгартиришга ҳар қанча ишонманг, елиб-югурманг, одамзод тарихи ва бугунги воқелик Сизнинг ҳам кўнглингизга гоҳ-гоҳ иштибоҳ солиб турар?..

“Ганди ёлғиз эди...” Бу таъкид, Гандига ўхшаганларни ёлғиз қолдирмасликка чорловдир балки? Эҳтимол, матн ва тагматн бир-бирини инкор қилар – Ганди ёлғиз эмас, демоқчидирсиз? Ахир, дунёда одам қонига ташна, инсон эркини овлашга ишқибоз кимсалар билан бирга ёруғ ниятли одамлар ҳам бор-ку! Нисбат, эҳтимол, ҳозирча аввалгилар фойдасигадир. Аммо кейингилар қалбидаги “**Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин**” деган ишонч-чи! Ана шу инонч, шак-шубҳасиз, нисбатни ўзгартиради.

Бизнинг бобо-бувиларимиз дердики, нажот – Имон китобида, ўшандан ибтидо олган даъват ва насиҳатларда. Одам боласининг бош урадиган бошқа меҳроби, уни қутқарадиган бошқа йўлчи юлдуз йўқ...

## Шукран, Дайсаку-сэнсэй!

Қадрли Дайсаку-сэнсэй, Сиз китобингизда япониялик илк арабшунос олим, профессор Торао Кавасакини меҳру муҳаббат билан қаламга оласиз. Муҳтарам Кавасаки бутун умрини гўё сув билан олов каби икки дунё бўлган (йўқ, улар ҳақида шундай янглиш тасаввур шакланган, холос) япон ва араб халқларини бир-бирига яқинлаштиришдек олийжаноб ишга бахш этган. У ўз талабаларига уқтирардики, “Ислом” сўзининг маъноларидан бири – тинчлик демакдир”. Фидойи олим қарз олиб, бутун бошли уй қуришга етадиган маблағини сарфлаб – давлат ёрдам бермагани, босмаҳоналар арабий ҳарф йўқлигини баҳона қилиб, рад этганига қарамасдан – илк япон-араб луғатини тайёрлаб чоп этган.

Дунё сиёсати йўригини хоҳлаган ўзанга буриши мумкин бўлган айрим хато нуқтаи назарларга муносабат билдириб, тўғрироғи, улардан озорланиб ёзасизки, “Наҳотки, 1,2 миллиард мусулмоннинг ҳаммаси террорчи бўлса? Бўлиши мумкин эмас!.. Қўпоровчиликнинг ислом таълимотига алоқаси йўқ”. Дунёнинг турли нуқталарида бирёқлама ёндашув сабаб нораво ишларга умуман дахли бўлмаган мусулмонларнинг ташқи кўринишиёқ гулгула уйғотиб, улар ҳаётига таҳдид тугдираётган бир вақтда бундай ҳақиқатни олийжаноб инсонларгина айта олади!

Кавасаки муаллим ҳақидаги саҳифаларни шундай яқунлайсиз: “Арабчада “шукран” – раҳмат деганидир. Араб тили, профессор Кавасаки доим ифтихор билан таъкидлаганидек, жуда оҳангдор. Мен Қоҳира осмонида ёрқин порлаётган юлдузларга термилганча шивирлайман: “Муҳтарам профессор Кавасаки, шукран! Чин дилдан шукран!..”

Қадрли Дайсаку-сэнсэй, билсангиз, биздаги “Ассалому алайкум” ҳам арабча калима, “Сизга тинчлик, офият тилайман!” демакдир. Биз ўзбеклар ўзаро шундай саломлашамиз. Эрталаб уйгонгач, оила аъзоларимизга ҳам “Ассалому алайкум!” деймиз.

Мана, тонг отди. Еру осмонни қоплаган зулматга дарз кетиб, рўйи заминга ёғду оқиб кела бошлади. Қизик, дарз кетмасдан туриб, нур оқиб қирмайди. Худди куртак ёрилай туриб, дарахт гулламагани каби... Фаришталар Ер хабарини олиб илоҳий маконга қайтиб кетган субҳи содиқ чоғи ҳар бир хужайрам жаранглай бошлайди:

**“Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин!”**


**“Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин!”**

**“Сен дунёни ўзгартиришинг мумкин!”**


Йўқ, бу сўниб бораётган минг-миллион юлдузларнинг биллур косасида узатилган фол эмас. Бу – қуёш каби собит бир ишончдир. Қават-қават осмонлар йиғиб олинадиган Кунни узоқлаштирамакка чорловдир бу!

Шукран, муҳтарам Дайсаку-сэнсэй!

Ассалому алайкум, мавлоно Икеда!



КНУТ ҲАМСУН



## Ҳикоя

Драмменда<sup>1</sup> замонавий адабиёт ҳақида маъруза ўқишим керак эди. Пулдан сиқилиб қолганим учун жонимни койитмай озроқ ақча ишлаб олмоқчи бўлдим. Ёзнинг сўнгги кунларидан бирида шартта поездга ўтирдиму маълуму машҳур шаҳарга йўл олдим. Ўшанда 1886 йил эди.

Драмменда бирор кимсани танимасдим, каминани ҳам ҳеч зоғ билмасди. Маърузам ҳақида газеталарга эълон бермадим; лекин ёз аввалида – унда ҳали чўнтак қуриб битмаганди – беш юзта ташриф қоғози буюртириб қўйгандим, шуларни меҳмонхона, ресторан ва йирик дўконларга тарқатишга киришдим. Қани эди, маърузамга катта издиҳом жам бўлса! Ростини айтганда, ташриф қоғози тарқатишдан кўнгилдагидек натижа чиқмади – исмиمنى нотўғри ёзиб қўйишибди, лекин барибир қизиққан одам гап камина ҳақида кетаётганини билиб олиши мумкин. Устига-устак, мен адабиёт оламида ном чиқарган одам эмасман, демак, исму фамилиямда хато кетганининг сариқ чақалик аҳамияти йўқ.

Поездга чиқиб, жойлашиб олгач, пулларимни ҳисоб-китоб қилдим: ташвишланмасам ҳам бўлади. Аслида ҳар қандай вазиятдаям камроқ ха-

<sup>1</sup> Кнут ҲАМСУН – норвег адиби, Нобель мукофоти соҳиби

<sup>1</sup> Драммен – Норвегиянинг жануби-шарқдаги порт шаҳар (изоҳлар таржимонники).

ражат билан иш битиришнинг ҳадисини олганман. Тўғри, бу сафар драмменликларга мени бу нотаниш шаҳарга бошлаб келган улуғвор эстетик мақсадга лойиғу мос шон-шарафли зот қилиб кўрсатгудек ақчам йўқ. Шунга қарамай, бирмунча тежаб-тергаш эвазига вазифамни уддалашга умид боғладим. Пулни ҳавога совурадиган анойи йўқ! Қоронғи тушганда ими-жи-мида қовоқхоналарга кириб, қорин тўйғазиш мумкин. Тунашга эса мусофирхоналардан жой топишга уриниб кўраман. Тағин қанақа харажат бўлиши мумкин?



Поездда мавзуниям белгилаб олдим – маърузам Александр Хьёлланн<sup>2</sup> ижодига бағишланади.

Христианиядан уйларига қайтаётган ҳамроҳларим – хушчақчақ деҳқон йигитлар давра куриб, қадаҳ айлангиришди; менга ҳам манзират қилишганди, “Ташаккур, ҳожати йўқ”, дедим. Сўнгра улар – барча ичиб олиб кулфи дили очилиб кетадиганлар сингари – каминани гуруннга тортишди, бироқ мен рад этдим. Алалоқибат, ўзимни тутишим, айниқса, мук тушиб қоғоз қоралашимдан рўпараларида фикру зикри илм ва ижод билан банд бўлган олим ўтирганига ишонч ҳосил қилишдию мени тинч қўйишди.

Драмменга етиб келиб поезддан тушдим. Бир ўриндиққа саквояжимни қўйдим. Шаҳарга киришдан аввал фикрларимни бир жойга жамлаб олмоқчи эдим. Айтганча, саквояж менга умуман керак эмас; агар юкинг бўлса, меҳмонхонага жойлашиш ёки чиқиб кетиш осонроқ кўчади, деб эшитган эдим – уни ортмоқлаб юрганимнинг сабаби шу. Гилямбоп ашъдан қилинган кўримсизгина бу матоҳ узоқ вақт ишлатилганидан роса унниқиб кетган, у мендай сайёр воизга мутлақо ярашмасди, уст-бошим – нимчали тўқ кўк костюм-шимим – пўрим кўринарди-да.

Меҳмонхонанинг кизагига ҳарф туширилган фуражка кийган югурдаги чопиб келиб саквояжимга ёпишди, қўлини қайтардим. Ҳали меҳмонхона танлаб улгурмаганимни, даставвал шаҳарда маҳаллий муҳаррирлардан бирортасини излаб топишим кераклигини айтдим; ахир, бу ерда адабиёт ҳақида маъруза ўқишим даркор.

Аммо-лекин қўналғасиз иш битмайди, бирор ерга жойлашим керак-ку. Бу меҳмонхона эса дурустга ўхшайди. Электр қўнғироғи, ғуслхонаси, ҳатто қироатхонаси бор экан. Қўл узатсанг етгудек – манави кўчадан ўтасану шундоққина чап қўлда.

Югурдак саквояжга тағин қўл узатганди, нари итардим.

Наҳотки юкимни меҳмонхонагача ўзим кўтариб бормоқчи бўлсам?

Ҳа-да. Тасодифни қарангки, йўлим ўша томонда; шундоқ экан, чоққина бўҳчамни жимжилоғимда ҳам кўтариб бора оламан.

<sup>2</sup>Александр Ланге Хьёлланн (1849–1906) – норвег ёзувчиси.

Шунда йигитча менга бошдан-оёқ сарасоб солиб, дарров пайқадики, қўп ҳам бообрў зот эмасман. Кейин поезд томон юриб, бошқа йўловчиларни кузата бошлади. Мижоз тополмади шекилли, қайтиб келиб яна менга илакишди. Ахийри, станцияга атайин мен учун келганини айтиб қолди.

Бу энди бошқа гап. Балки ташрифимни эшитган бирор қўмита ёки ишчилар иттифоқи жўнатгандир уни? Афтидан, маданий ҳаёт қайнаб-тошган Драммен аҳли қизиқарли маърузаларни роса соғинган, бутун шаҳар нутқ ирод этишимни орзиқиб кутмоқда. Ким билсин, эҳтимолки, Драммен бу жабҳада Христианиядан ҳам ўзиб кетгандир?

– У ҳолда, марҳамат, юкимни олинг, – дедим йигитчага. – Дарвоқе, меҳмонхонангизда шароб топиладими? Айтмоқчиманки, тамадди вақтида дастурхонга шароб ҳам тортиладими?

– Шароб дейсизми? Бўлмасам-чи, энг аъло навларидан бор.

– Яхши, борақолинг унда. Мен бирпасдан кейин ўтаман. Даставвал таҳририятларга кириб-чиқишим керак.

Йигитча эсли-хушлига ўхшади, шу боис унга маслаҳат солдим:

– Шаҳрингиздаги муҳаррирлардан қай бирига учрашганим маъқул? Ҳаммаси билан рўпара бўлишга тоқатим йўқ.

– Арентсен энг зўри, каттаконлардан. Идорасидан одам қадами узилмайди.

Муҳаррир Арентсенни, кутилгандек, таҳририятдан топиб бўлмади. Азза-базза уйига бордим. Масалани кўндаланг қўйдим – гап адабиёт ҳақида кетяпти-я.

– Биласизми, бу нарсаларга ҳаммаям қизиқавермайди бизда. Баҳорда биттаси боқий дунё ҳақида маъруза кўтариб келибди. Швециядан. Талаба экан. Болафақирнинг чиқим қилгани қолди, холос.

– Мен замонавий адабиёт ҳақида гапирмоқчиман, – дедим гапни чўзмай.

– Тушуниб турибман, – деди муҳаррир. – Лекин сиз ҳам зиёнга кириб қолманг дейман-да.

Зиёнмиш! Бу Арентсен деганлари ғалча экан-ку! Нима бало, мени бирорта фирма топшириғи билан келган деб ўйлаяптими?

Дангалига ўтдим:

– Ишчилар иттифоқининг катта зали бўшмикан, билмайсизми мабодо?

– Йўқ, – дея жавоб қилди муҳаррир. – Ишчилар иттифоқи зали эртанги оқшомга аллақачон ижарага олинган. У ерда аксилспиритик томоша кўрсатилади. Маймун ва бошқа ёввойи ҳайвонлар бўлади. Ҳа-я, шунга ўхшаган бинолардан томошабоғ павильони ҳам бор.

– Ўша зал маъқулми?

– Кенг-ковул бино. Қанча туради, дейсизми? Қайдам, ўйлашимча, арзонгаровга келишсангиз бўлади. Бошқарма билан гаплашиб кўринг.

Томошабоғ павильонини олишга қарор қилдим. Айни менбоп. Ишчилар иттифоқининг заллари эса кўпинча тор, юраксиқма бўлади. Бошқарма аъзолари ким экан-а?

– Адвокат Карлсен, фалон мўйнадўз ва фалон саҳхоф.

Адвокат Карлсенни кига йўл олдим. Шаҳардан ташқарида яшаркан; оёқларим узилиб тушай деганда, охири йўлнинг ўзи манзилга олиб борди. Дардимни айтдим. Томошабоғ павильони адабиётдан маъруза ўқиш учун жудаям боп жой бўлса керак, дедим.

Адвокат ўйланиб қолди, кейин бош чайқаб қўйди.

Нима, йўқми? Тўғри келмайдими? Зал жудаям каттами? Ўйлаб кўрсин-чи, драмменлик адабиётсеварлар жой етмаганидан уйларига қайтиб кетишса, ўзиям афсус чекиб ўтирмайдими кейин?

Адвокат дилидагини тилига чиқарди. У бу хил тадбир ўтказиш фикридан бутунлай воз кечишни маслаҳат берди. Шаҳарда бунақа йиғинларга ҳаммаям қизиқавермас экан; бир сафар швециялик талаба келибди, у ҳам маъруза ўқишмоқчи бўлибди...

– Ҳа, ҳа, лекин у боқий дунё ҳақида фалсафа сўқиган бўлса, – дея эътироз билдирдим, – мен адабиёт ҳақида, бадиий адабиёт ҳақида сўзламоқчиман...

– Ҳозир мавриди эмас-да, – дея ўрлик қилди Карлсен. – Янгитда эълон қилишди, ишчилар иттифоқи залида аксилспиритик томоша бўларкан, яна маймун ва бошқа ёввойи ҳайвонлар кўрсатиларкан.

Мийиғимда кулганча суҳбатдошимга бир қур нигоҳ ташладим. Ўзининг ҳақлигига ортиқ даражада ишонапти-ёв. У билан баҳслашиб ўтирмадим, шунчалик нодон бўлганидан кейин нимаям қилардим.

– Томошабоғ павильонига қанча сўрайсиз? – дея уни саволга тутдим муддаога кўчиб.

– Саккиз крона. Айтганча, томошабоғ ижараси масаласини бошқарма ҳал қилади. Бир-икки кунда аниқ жавоб оласиз, аммо-лекин ҳозирдан оқ ўша зални сизга ваъда қилишим мумкин.

Яшин тезлигида хомчўт қилиб кўрдим: орадаги икки кун менга тахминан уч кронага тушади, ижара ҳақи – саккиз, жами ўн бир крона, чиптачига – бир крона, жами ўн икки крона... Демак, йигирма тўрт киши чиптага ярим кронадан тўласа, ҳамма харажатларим қопланади, бундан чиқди, қолган юз-икки юз нафар тингловчи каминага соф фойда келтиради.

Рози бўлақолдим. Павильон энди меники.

Меҳмонхонани топиб, ичкариладим.

– Қаердан хона олишни истайдилар? Биринчи қаватданми ёки иккинчиданми? – деб сўради оқсоч.

Камтарлик ила вазмин жавоб қилдим:

– Менга арзон хона керак, энг арзони.

Қиз ҳайрон қолиб, менга бошдан-оёқ разм солди. Қаршисидаги ҳазил қилгандек арзонгаров хона сўраётган одам ким ўзи? Боягина шаробни

сўраб-суриштирмаганмиди? Ё меҳмонхона соҳибларини хижолатга қўймаслик андишасида камтарлик қилаётирми?

Ходима бир эшикни ланг очди. Орқага тисландим.

– Хона бўш, – деди у. – Сизга ажратилгани шу. Юкларингиз аллақачон олиб келинган. Марҳамат, кириңг.

Начора, хонага кирдим. Қарангки, мен меҳмонхонадаги энг серҳашам хонада турардим.

– Каравот қани?

– Мана, диван. Бу ерга каравот қўйиш ўнғайсиз. Лекин кечаси диванни ёйиб олсангиз бўлади.

Оқсоч кетди.

Мунғайибгина қолдим. Ана, ҳайҳотдай хонада фақирона саквояжим ҳам шумшайиб турибди! Тупроқ йўлда пойи-пиёда юраверганимдан бошмоқларим чангга беланганини айтмай қўяқолай! Алҳол, бир бўралаб сўкиниб олдим.

Шу аснода қия очилган эшик тирқишидан оқсочнинг боши кўринди:

– Бизга хизмат буюрадиларми?

Ана, холос, ҳатто кўнглимни бўшатишга-да ҳаққим йўқ – дарров бир тўда дастёрлар чошиб келади!

– Йўқ, – дедим жеркиб. – Менга иккита бутерброд келтириңг.

Оқсоч менга тикилиб қолди.

– Бирор иссиқ овқат керакмасми?

– Йўқ.

Менимча, унинг миясига ялт этиб, сурункали касали бор, деган фикр келди – ҳозир айна кўклам, меъда-ичак дарди хуруж қилиб қолгандир.

Оқсоч бутерброд билан бирга шароблар номи ҳам ёзилган таомномани кўтариб келди. Қўноқларга илтифот кўрсатишнинг ҳадисини олган бу хилқат кечаси билан менга тинчлик бермади: “Тўшак қаттиқ ботма-яптими? Уни иситиб берайми?”

Тонг ёришгач, тажанглик билан ирғиб турдим-да, кийинишга тутиндим. Этим увишиб кетганди, лаънати тахлама диван менинг бўйимга калталик қилди – туни билан мижжа қоқмай чиқдим. Қўнғироқ тугмасини босдим. Чақириғимга ҳеч ким жавоб бермади. Афтидан, ҳали жуда эрта эди – кўча ҳам жимжит. Уйқум анча тарқалгач, қарасам, тонг ҳали унча ёришмаган экан.

Хонани кўздан кечирдим. Умрим бино бўлиб бунақанги серҳашам хонани кўрган эмасман. Кўнглимда нохуш шубҳа-гумонлар ғимирлай бошлади. Иккинчи қайта кўнғироқ чалдим, юмшоқ гиламга тўпигимга дову ботиб, тик турганча кутиб турдим. Ҳозир бор-будимни шилиб олишади, пулим етмай қолса-да, ажаб эмас. Чўнтагимда қанча қолганини шоша-пиша ҳисоблашга тушдим-у, даҳлизда қадам товушларини эшитиб, тек қотдим.

Лекин ҳеч ким кирмади. Менга шундай туюлган экан.

Қайтадан ҳисоб-китоб қила бошладим. Номтаълумлик мени ваҳимага солмоқда эди. Кеча ўзининг “лаббай”лари билан ҳиқилдоғимга келган оқсоч қаёққа гумдон бўлдийкан? Тонг отганига қанча бўлди-ю, бу данга-са хонимча ҳали-ҳамон уйқуни уриб ётгандир-да? Ниҳоят, елкасига рў-мол ташлаб олган оқсоч пайдо бўлди.

– Чақирдингизми?

– Марҳамат қилиб ҳисоб-китоб қоғозини келтирсангиз! – дедим им-кон қадар оғир-вазминлик билан.

– Ҳисобни? Бу дарров бўладиган иш эмас, бегойим ҳали уйқудалар, соат ҳали уч, ахир, – оқсоч кўзини лўқ қилиб тураверди. Одамга шунақа бақрайиш одобданми? Саҳармардонда меҳмонхонадан чиқиб кетишга қарор қилганим билан унинг неча пуллик иши бор ўзи?

– Нимаям қилардик, – дедим. – Ҳисоб менга ҳозир керак. Ҳозирнинг ўзида.

Ўзиям юз йил йўқ бўлиб кетди-ёв! Хона тўлови суткалик ёки ҳатто со-атбай ҳисобланса керак, деган кўрқувдан ваҳимама янада ошди: мана, мен бу ерда ночор-ноилож кутиб ўтирибман-у, шу муддат учун ҳам пулларим бекордан-бекорга ҳавога совриляпти. Мен қиммат меҳмонхоналарда-ги тартибни билмасдим, тўловнинг шу йўсинда бўлиши эҳтимолдан холи эмас-да. Устига-устак қўлювгич ёнида меҳмон башарти кечки соат олтига-ча кетиши тўғрисида огоҳлантирмаса, ундан кейинги сутка учун ҳам тўлов ундирилиши ёзилган эслатма осифлик турарди. Атрофимдаги барча нар-са даҳшат ҳиссини уйғотар ва нафис адабиётга бахшида фикру хаёлимга соя соларди. Ниҳоят, эшик тақиллаб, оқсоч кириб келди. Ҳеч қачон, чини билан айтяпман, ҳеч қачон тақдирнинг бу қабиҳ ҳазилини унутолмайман! Икки кронаю етмиш эре<sup>3</sup> – бор-йўқ тўлов шу экан! Оқсочга сочтўғноғич учун ўзим ҳам ҳадя этишим мумкин бўлган чойчақа! Столга бир неча крона ташладим – кейин яна бир крона. “Қайтими ўзингизга! Баҳузур, оймитилла!”

Мулозаматни эплай олишимни кўрсатиб қўйишим керак эди-да. Бу қиз такаллуф кўрсатишга муносиб эканини айтмай қўяқолай. Қисмат Драммен меҳмонхонасига йўллаб, келиб-кетувчиларнинг инжиқликларига чидашга маҳкум этган дилкаш қиз. Бунақалар энди топилмайди, насли тугаб битган. Кўз ўнгида бойвачча пайдо бўлганда, охириги дақиқаларгача мен учун кўнгилийдирар даражада куйиб-пишгани-чи!

– Хизматкор юкларингизни элтиб беради, – деди у.

– Йўқ! Йўқ! – дея рад этдим уни ортиқча оворагарчиликдан халос этиш ниятида. – Саквояж енгилгина. Унниқиб кетганига эътибор қилманг. Сафарга чиққанимда ҳамиша менга ҳамроҳ бўлган. Энди менга бошқаси керак эмас, шунақа инжиқлигим бор, билсангиз!

<sup>3</sup>100 эре – 1 кронага тенг.

Лекин оёқ тираб олишим бекор кетди – югурдак эшик тагида кутиб турган экан. Мени кўрибоқ, саквояжга еб қўйгудай тикилди. Қаранг-а, одам дегани чангаллаб олиш илинжида саквояжга шунчалик қаттиқ тикиларкан-да.

Буёғини сўрасангиз, қолган-қутган пуллар ўзимга керак эмасми? Маърузага қадар бирор-бир даромад қилишимга кўзим етмайди. Шу боис ҳам лаш-лушимни ўзим кўтармоқчи эдим-да.

Бироқ йигитча саквояжни аллақачон қўлига олганди. Бу аломат кунчак одам унинг оғирлигини сезмасди гўё, ҳатто мендан чойчақа ҳам кутмаётгандай эди, бўхчани шунақанги завқ билан кўтариб борардики, гўё унинг эгаси учун жонини беришга-да тайёр дейсиз.

– Ҳой! – дея илкис хитоб қилдим. – Саквояжимни қаёққа олиб кет-япсиз ўзи?

– Ўзингиз билсангиз керак, – деб жавоб қилди у тиржайиб.

– Албатта, ўзим биламан. Сиз қаёқдан ҳам билардингиз?!

Энди нима қилиб бўлса ҳам бу хира пашшадан қутулишим керак. Биз мусофирларга хона бериладиган қовоқхона ёнидан ўтдик, шу ёққа кирмоқчи эдим. Аммо ёнимдаги рақобатчи меҳмонхона югурдагидан хижолат бўлдим, у ерга билдирмайгина кириб олмоқчи эдим-да.

Ярим крона чиқариб йигитчага бердим.

Лекин у қўлини чўзиб тураверди.

– Саквояжингизни кечаям кўтаргандим.

– Манави кечаги хизматингиз учун.

– Ҳозир ҳам кўтариб келдим! – дея суллоҳлик қилди у. Оббо, куппа-кундузи шилияпти-ку бу ноинсоф!

– Мана, бугунги заҳматингиз учун! – деб тагин ярим кронани қўлига отдим. – Энди туёғингизни шиқиллатарсиз?!

Йигитча кетди. Лекин нима қиларкан, деб бир неча марта ортига ўгирилиб қараб қўйди.

Кўчада ўриндиқ топиб, чўқдим. Ҳаво бирмунча салқин эди, лекин куёш кўтарилгач, илиб қолди. Кўзим илинибди. Анча ухлабман шекилли, кўзимни очганимда кўча гавжум, мўрилардан тутун ўрларди. Қовоқхонага кириб, бошпана борасида бека билан келишиб олдим. Бир кечага ярим крона тўлайдиган бўлдим.

Белгиланган икки кун ўтгач, яна шаҳар ташқарисига йўл олдим, адвокат Карлсенга учрашдим. У тагин мени маърузадан воз кечишга қистади, бироқ ниятимдан қайтмадим. Бунинг устига, икки кун ичида Арентсеннинг газетасида маъруза вақти, жойи ва мавзуси борасида эълон беришга ҳам харажат қилиб қўйгандим.

Охирги чақа-тангаларимни бериб бўлса-да, ижара ҳақини тўлаб қўйиш ниятида эдим. Лекин бу Карлсен деганлари ғалати одам чиқиб қолди.

– Ижара ҳақини маърузадан сўнг тўласангиз ҳам бўлади, – деди у.

Унинг сўзларини нотўғри тушундимми, ҳамиятимга тегди.

– Нима, бунча пули йўқ деб ўйлаяпсизми?

– Худо хайрингизни бергур, нималар деяпсиз?! Лекин, очиғини айтганда, зал сизга керак бўладими-йўқми – номаълум, ҳали тўловга ҳожат ҳам бўлмаслиги мумкин.

– Газетага маъруза ҳақида эълон бериб бўлдим, – дедим.

Карлсен бош ирғади.

– Кўрдим, – деди у; бирпас жим туриб, яна саволга тутди: – Агар эллик киши келсаям, маъруза ўқийверасизми?

Ростини айтсам, бу савол менга айил ботди, аммо бир оз фикр қилиб, эллик нафар тингловчи – албатта, кам, дедим; бироқ маъруза қиламан деб ваъда бердимми – устидан чиқаман.

– Лекин ўн нафар тингловчига нутқ сўзламассиз?

Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим.

– Кечириб қўядилар, – дедим, – ҳамма нарсаниям чегараси бор.

Ниҳоят, мушук-сичқон ўйинини бас қилдик ва мен ижара ҳақини олдиндан тўламайдиган бўлдим. Адабиёт ҳақида суҳбатлашдик. Бу сафар адвокат кўпам ташрифимнинг биринчи кундаги каби қолоқ бўлиб туюлмади; кўриниб турибди, у кўп нарсага қизиқади, лекин унинг ақл-заковати, назаримда, меникича эмас.

Хайрлашаётганимизда, эрта оқшом маърузамда жамоат жам бўлишини тилади.

Ёруғ умидлар ила қовоқхонага учиб бордим. Ҳамма нарса жангга шай қилиб қўйилди. Ташриф қоғозимни шаҳар бўйлаб тарқатиши лозим бўлган одамни эрталабдан бир ярим кронага ёллагандим. Демак, бўлажак ҳодисадан бутун шаҳар хабардор.

Руҳим кўтарилиб кетди. Истиқболда мени кутаётган муҳим воқеа ҳаёлимдан ҳеч кетмас, чоғроқ қовоқхонада, фақиру нотавон мижозлар даврасида ўзимни ўнғайсиз сезардим. Кимлигимни, не сабабдан бу ерга келганимни барча билиши шарт – пештахта ортидаги қовоқхона соҳибаси камина олим эканини, эрталабдан кечгача ёзиб-чизишимни, фан билан машғул эканимни, шунинг учун мени сўроқ-савол билан безовта қилавериш керакмаслигини ҳаммага уқтириб қўйди. Бунинг учун ундан бағоят миннатдорман. Қовоқхонага яктагининг енглари ҳимарилган очнаҳор йигитлар, қадоққўл ишчилар келар, бир финжон қайноқ қаҳва ёки сариеғу пишлоқ сурилган бир тишлам нон илинжида ҳар хил қаланғи-қасанғилар бош суқар эди. Қачон қарама, ур-йиқит қилиб, бўлканон қотиб кетганию тухумнинг майдалиги важдан қовоқхона бекасининг гўрига ғишт қалашарди. Томошабоғ павильонида нутқ сўзлашимни эшитиб, чипта нархини сўраб-суриштира бошлашди; битта-яримтаси ҳатто нутқимни жон қулоғи билан тинглашга тайёрлиги, аммо ярим кро-

на – отнинг калласидай пул эканини айтди; шу тариқа улар мен билан нарх борасида савдолаша кетишди. Улардан ранжимасликка ўзимга сўз бердим – ахир, булар ўта содда, адабиётбеҳабар одамлар.

Қўшни хонада ҳам ижарагир турарди. Шевасиям антиқа – норвегчада шведча аралаштириб гапираркан. Қовоқхона бекаси уни “жаноби директор” деб атарди. Ҳар гал қовоқхонага шитоб билан кириб келганда, ҳамманинг эътибори унга қаратиларди – бир жиҳати, ўтиришдан олдин стулнинг чангини дастрўмол билан расмона, эринмай артишиям сабаб эди бу ҳолга. Қилиқлари оқсуякларга хос бўлган хушахлоқ киши эди у; кўнгли тусаб қолса, тап тортмай олий навли саримой суртилган иссиққина нон буюртма қиларди.

– Маъруза ўқимоқчи бўлиб юрган одам сизми? – деб сўраб қолди у мендан.

– Ҳа, худди ўзлари, – дея менинг ўрнимга жавоб қилди бека.

– Ишларингиз чатоқ, – менга юзланди жаноби директор. – Маърузангизни ҳеч тарғиб-ташвиқ қилмаяпсиз-ку. Мен ўз спектаклимни қандай овоза қилаётганимдан хабарингиз йўқми?

Шунда унинг кимлигини дарҳол англадим: бу ўша аксилспиритчи, маймун ва бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳўжайини эди.

– Мен ўз спектаклимни алвон афишалар билан реклама қиламан! – дея давом эттирди у сўзини. – Афишаларни ўқлоғдек-ўқлоғдек ҳарфлар билан ёзиб, уларни ҳаммаёққа ёпиштириб чиқаман. Ҳарфларимнинг катталигини кўрдингизми? Афишаларга ҳайвонларнинг суратиям солинган.

– Менинг маърузам бадий адабиётга бағишланади, – дея эътироз билдирдим мен, – санъатга, демакким, маънавий масалага бағишланади.

– Тупурдим ўшанга! – деганча гапида бетакаллуф давом этди у. – Яхшиси, менга ишга ўтинг. Жониворларим ҳақида томошабинларга сўйлаб берадиган одам керак. Бу ерлик бўлмаган, шаҳарда ҳеч ким танимайдиган одамни топмоқчиман. Агар саҳнага бирор драмменликни чиқарсам, томошабинлар дарров: “Ахир, бу ўзимизнинг Педерсен-ку! Ёввойи ҳайвонлар ҳақида ниманиям биларди!” дейди.

Мен ҳазар қилгандай қаршимдаги одамдан жимгина юз бурдим. Бунақанги сурбетга жавоб беришни ўзимга эп кўрмадим.

– Таклифимни тарозига солиб, бир ўйлаб кўринг! – деди директор пинак бузмай. – Бир кечага беш кронадан тўлайман-а!

Индамай ўрнимдан турдим қовоқхонадан чиқиб кетдим.

Бошқа нимаям қилардим. Директор рақобатдан, бутун шаҳар одамларини ўзимга қаратиб олишимдан қўрқаётгани беш қўлдай аён; у мени сотиб олмоқчи бўляпти, аниқроқ айтганда, ўйиндан чиқариб юбормоқчи. “Ҳеч қачон, – дедим ўзимга ўзим. – Ҳеч ким ҳеч қачон мени санъатга хиёнат қилишга мажбурлолмайди! Бу йўл менинг тақдирим, қисматим, ахир”.

Кун чекиниб, қош қорайди. Костюмимни ҳафсала билан тозалаб, янги кўйлагимни кийдим ва томошабоғ павильони томон йўл олдим. Кечки соат етти. Маърузамни қунт ила тайёрлагандим, миямда ўйлаб қўйганим гўзал сўзлар ғужғон ўйнарди. Телеграф орқали ошиғич овоза қилинажак мислсиз ғалаба, муқаррар муваффақият юрагимни ҳалитдан орзиқтириб юбормоқда эди.

Ёмғир ёғаётир. Ҳавонинг авзойи бузуқ, лекин қандайдир арзимаган ёмғир адабиёт ихлосмандларини йўлдан қолдира олармиди? Кўча-кўйда битта-яримта ўткинчини учратиб қоламан – жуфт-жуфт бўлиб, ёмғирпўш остида ёнимдан ўтиб кетишади. Фақат ҳайрон қолдиргани – улар менга ўхшаб томошабоғ павильони томонга эмас, бошқа ёққа кетаётган эдилар. У ҳолда қаёққа кетишяпти дейсизми? Шаҳарликлар ишчилар залига, маймун томошасига шошаётгани аниқ.

Чиптачи аллақачон жойида ҳозир экан.

– Бирортаси келдими? – деб сўрадим.

– Йўқ. Лекин ҳали яна ярим соатдан ошиқроқ вақт бор.

Залга кирдим. Кенг-ковул бинода қадам товушларим от туёқлариникидай тўқиллади. Худойим-ей, қани эди, игна ташласанг, ерга тушмайдиган даражада лиқ тўла бўлса шу зал, халойиқ воизни бетоқат бўлиб кутса! Ҳайҳотки, павильон бўм-бўш...

Чўзилгандан чўзилиб ўттиз дақиқа ўтди – ҳеч зоғ келмади. Залдан чиқиб, чиптачидан фикр сўрадим. У “ичимдагини топ” хилидан экан, лекин унинг гапидан андак таскин топдим. Айтишича, бугунги оқшом маъруза учун унча боп эмас экан, ёмғир пақирлаб қуйиб турган бир вақтда одамлар иссиқ ўрнини совитгиси келмас эмиш. “Ноумид бўлманг, – дея қўшимча қилди у, – халойиқ кўпинча сўнги дақиқаларда келади”.

Яна-тагин кутмоқдан ўзга чора қолмади.

Ниҳоят, ёмғирда шалаббо бўлганча шахдам қадамлар билан биттаси келди, ярим крона тўлаб, залга кирди.

– Ана, энди оқиб келаверишади, – деди чиптачи боши билан бояги кишига ишора қилиб, – айтдим-ку, охириги дақиқаларда оёғини қўлга олиб келадиган одати бор бу одамларнинг.

Яна кутавердик. Аммо бошқа ҳеч ким келмади. Охирида яккаю ягона тингловчи ичкаридан чиқди-да:

– Об-ҳаво расво-ку! – деб ёзғирди.

Бу адвокат Карлсен эди.

– Бугун бошқа одам келмаса кераг-ов, – деди у. – Пақирлаб қуйишини қаранг! – Тарвuzим қўлтиғимдан тушганини сезиб, қўшиб қўйди: – Кўнглимга келувди ўзи, чунки барометрдан кўргандим, симоб устуни бирдан тушиб кетди. Шунинг учун ҳам маърузани қолдиришни маслаҳат бергандим.

Аммо чиптачи ҳамон юлдузим порлашига ишонарди.

– Ярим соатча кутайлик яна, – деди у. – Зора, йигирма-ўттиз киши келиб қолса...

– Билмадим-да, – деди адвокат плаши тугмаларини қадаб. – Дарвоқе, – дея менга юзланди, – эсимдан чиқмасидан айтиб қўяй, ижара учун тўлов-пўлов шарт эмас.

У шляпасини олиб, таъзим қилдию йўлига равона бўлди.

Чиптачи иккаламиз яна ярим соат кутдик, вазиятни обдон муҳокама қилдик. Ниятларим пучга чиқди. Бундан дилим сиёҳ бўлди. Камига, адвокат тўлаган ярим кронасини ҳам қайтариб олмай кетиб қолди. Пулини қўлига тутқазаман деб ортидан чопмоқчи бўлганимда, чиптачи йўлдан қайтарди.

– Менда қолаверсин, – деди у. – Ана шунда сиз менга яна битта шундай танга қарз бўласиз.

Лекин мен унга нақ бир крона тутқаздим. Менга сидқидилдан суянч бўлди-да. Бу иши мукофотга лойиқ, албатта. У менга чин дилдан миннатдорлик билдирди ва кетар чоғи қўлимни сиқиб қўйди.

Мағлубият юкидан қаддим дол бўлиб, мусофирхонага қараб йўл олдим. Шармандаи шармисорлик ва дилсиёҳликдан руҳим тушиб кетди. Ҳеч кимни ва ҳеч нимани кўрмай-сезмай кўчаларда мақсадсиз тентираб юрдим. Энди ортга, Христианияга қайтишга ҳам пулим қолмагани дард устига чипқон бўлди.

Ёмғир ҳам тина қолмади.

Ногаҳон баланд бир бино ёнига келиб қолибман; кенг-мўл кираве-ришдаги чиптахонанинг ёп-ёруғ даричаси кўчаданок кўринади. Ишчилар зали шу эди. Ҳалигача кеч қолган томошабинлар бинога кирар, ёруғ даричага бош суқиб, чипта сотиб олар, залнинг зил-залвар эшиги ортида кўздан ғойиб бўларди. Чиптачидан қанча одам йиғилганини сўрадим. У зал тўлаёзганини айтди.

Ер ютгур директорнинг қўли баланд келибди-да.

Оёқларимни судраганча қовоқхонага йўл олдим. Оғзимга урвоқ ҳам олмай, жойимга чўзилдим.

Ярим тунда туйқус эшик тақиллаб, ичкарига биров кирди. Қўлида шам. Директор экан.

– Маърузангиз қалай ўтди? – деб сўради у томдан тараша тушгандек.

Бошқа вақт бўлганда ковушини тўғрилаб қўйган бўлардим, аммо шу даражада эзилиб кетган эдимки, бунақанги қатъият кўрсатишга ҳафсалам келмади.

– Маърузани бекор қилдим, – дедим қуруққина оҳангда.

У кулиб қўйди.

– Бундай ҳавода бадий адабиёт мавзусида маъруза ўқиб бўларканми, – дея тушунтирган бўлдим. – Ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

У яна кулиб қўйди.

– Ҳаво совиб кетди, – дея яна ўзимни оқлаган бўлдим.

– Менда эса жамоат жам бўлди, – деди у бунга жавобан. Аммо бу сафар кулмади, аксинча, безовта қилгани учун узр сўради. Менда юмуши бор эмиш.

Яна ўша бемаъни гап: унга конферансьеликка<sup>4</sup> ёлланганим маъқул эмиш.

Орим келди:

– Тинчгина ухлашга қўясизми-йўқми?! – дедим жаҳл билан.

Бироқ чиқиб кетмоқ ўрнига у қўлида шам билан каравотимга бақамти ўтирди.

– Гурунглашамиз, – деди ўртада ҳеч гап ўтмагандек.

“Ҳайвонлар таърифини келтириш” учун ёлланган шу ерлик одам бутун шаҳарга отнинг қашқасидай маълум экан. Директор аксилспиритик томошаси билан зўр муваффақиятга эришибди-ю, аммо анави ёлланма конферансье, ҳаммасини чиппакка чиқарибди. “Ие, анавини қаранглар, – деб бақирармиш халойиқ, – ахир, бу ўзимизнинг Бьёрн Педерсен-ку! Ҳой, Бьёрн, бўрсиқни қаёқдан топа қолдинг?” Бироқ Бьёрн Педерсен дастурга мувофиқ, бу аллақандай бўрсиқ эмас, тропик чангалзорда ҳаёт кечирувчи сиртлон экани, ўз вақтида уч нафар миссионерни еб қўйганини айтиб берибди. Шунда одамлар у аравани яна қуруқ олиб қочаётганидан аччиқланиб, айюҳаннос солишга тушибди.

– Сира тушунмаяпман, – деди директор, – унинг башарасини қоракуя билан шунча ишқалаб-бежаб, бошига қўсқи уламасочни бостириб қўйсам ҳам, барибир, таниб қолишди-я.

Ўзимни деворга ўгириб олдим – бу сафсаталар каминани зиғирча ҳам қизиқтирмасди.

– Таклифимни жиддий ўйлаб кўринг! – деди директор хайрлашаётиб. – Башарти, дастуримни бинойидай шарҳлаб берсангиз, эҳтимолки, бир оқшомга олти кронадан тўларман.

Йўқ, бу хил уятли хунарни қилиб, ҳеч қачон паст кетмайман. Ахир, менинг ҳам ўзимга яраша ғурурим бор!

Эртаси куни директор яна келди, ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги конферансга<sup>5</sup> кўз югуртириб беришимни ўтиниб сўради. “Мабодо, уни таҳрир қилиб, лаб-лунжини тўғрилаб, марҳамат кўрсата олмайдиларми?” Эвазига менга икки крона тўлар эмиш.

Ниҳоят, истагимга хилоф равишда, энг шимариб ишга киришдим. Унибуни қўйинг-у, одамга кўмак бериш ҳам керак-ку; боз устига, иш ҳам адабиётга яқинроқ. Устига-устак, ана шу зормонда икки кронага муҳтож бўлиб турибман. Барибир, ҳамкорлигимни ўта пинҳон тутишини талаб қилдим.

<sup>4</sup>Конферансье – дастурни олиб борувчи ва ора-сера қизиқ гаплар билан томошабинларнинг кўнглини хушловчи артист.

<sup>5</sup>Конферанс – конферансье ўқиб берадиган матн.

Кунбўйи пешонам тиришиб тер тўқдим, нутқни бошдан-оёқ қайта ёзиб чиқдим. Ҳайвонларни ҳис-туйғу ва ақл-заковат уйғунлигида таъриф-тавсиф этдим, матнни муқоясалар билан бойитдим. Соат сайин ишга берилиб кетавердим. Бунинг турган-битгани чинакам ижод эди – ғарибгина бир неча ҳайвон ҳақида ажойибу ғаройиб нутқ тўқишининг ўзи бўладими! Кечкурун битганларимни директорга ўқиб берганимда, бунақасини умри бино бўлиб эшитмаганини тан олди – нутқим унга қаттиқ таъсир қилганди. Жўшиб кетган директор менга нақ уч крона берди.

Тўлқинланиб кетдим, руҳим кўтарилди. Адабий истеъдодим борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Қани эди шу нутқни рисоладагидек ўқиб берадиган бамаъни одамим бўлса! – деди директор. – Бунақаси анқога шафе.

Ўйлаб қолдим. Бьёрн Педерсен деганлари бундайин гўзал ёзилган нутқни қўлига олса ва нўноқларча валдираб, бузиб қўйса, алам қилмайдими? Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи юракка оғриқ солади.

– Балки шарт эвазига конферансьеликка рози бўларман, – дедим журъатсизгина.

Директор менга яқинроқ сурилди.

– Яна қанақа шарт? Сизга етти крона тўлашга тайёрман, – деди у.

– Маъқул. Лекин асосийси, конферансьенгиз ким эканини бошқа биров билмаслиги керак.

– Сўз бераман.

– Сиз, албатта, яхши биласиз, мендек одамнинг ҳайвонлар ҳақида чўпчак ўқиб юрганини битта-яримтаси билиб қолса... иззат-обрўйимга унча тўғри келмайди.

Секин гапирасизми!

– Агар мана шу конферансни бошидан охиригача ўзим ёзмаганимда эди, бунақа чиқишга ўлсам ҳам рози бўлмасдим.

Ҳа, тушунганда қандоқ!

– У ҳолда мен конферансьенгиз бўлишга розиман, – дедим.

Директор ташаккур билдирди.

Кечки соат еттиларда ишчилар иттифоқи залига йўл олдик. Ҳайвонларни бир кўриб қўйишим, ишнинг моҳиятини, оз-моз бўлса-да, англаб олишим керак эди.

Иккита маймун, тошбақа, айиқ, иккита бўри боласи ва битта бўрсиқ бор экан.

Менинг ёзганларимда бўри болалари ва бўрсиқ ҳақида бирорта ҳам сўз йўқ эди-ю, лекин тропик чангалзордан келтирилган сиртлон ҳақида, номи Инжилда ҳам тилга олинган собол ва сувсар ҳақида, баҳайбат америка қўнғир айиғи ҳақида кў-ўп гаплар бор эди. Тошбақанинг таърифини ҳам роса дўндирдим: у гўё бойвучча бир хониму қушбеги билан шавла емайди.

- Собол билан сувсар қани? – деб сўрадим.
- Мана! – дея бўриваччаларга ишора қилди директор.
- Сиртлон-чи?
- У кўзини лўқ қилганча бўрсиқни кўрсатди:
- Шу-да сиртлон.
- Жаҳлим чиқиб кетди.
- Бунақаси кетмайди, бу қип-қизил ёлғон-ку. Оғзимдан чиқаётган гапга, аввало, ўзим ишонишим керак, унга бутун қалбимни жо этишим керак.
- Арзимаган майда-чуйдани деб ғиди-биди қилишимиз яхшими?! – деди директор ва бурчакдан ароқ шишасини олиб, қадаҳчага қуйди-да, менга узатди.
- Унга шахсий хусуматим йўқлигини, қинғир ишдангина норози эканимни кўрсатиш учун бир сипқориб қадаҳни бўшатдим. Мендан кейин ўзи ҳам отиб олди.
- Мени хароб қилманг! Жониворлар ҳақида зўр гапларни ёздингиз. Уларнинг ўзи ҳам чакки эмас-да; ўзингиз бир қаранг, айиқ қандай баҳайбат-а! Конферансни ўқийверинг, кўрасиз, ҳаммаси зўр бўлади!
- Залда битта-битта томошабинлар пайдо бўла бошлади, директор дақиқа сайин асабийлашмоқда. Унинг тақдири энди менинг қўлимда – инсоф юзасидан айтганда, буни суиистеъмол қилмаслигим керак. Саноқли дақиқалар ичида нутқимга тузатиш киритиб бўлмаслигини ўзим ҳам англаб турардим. Боёқиш бўрсиқ ҳақида гапираётган одамдан йиртқич сиртлоннинг қилиқларини тасвирлаган маҳалидаги ҳиссиётни талаб қилиб бўладими? Бас, шундай экан, ҳозир ҳар қандай тузатиш киритиш ишни пачава қилади. Директорга ҳам ана шундай дедим.
- У дарров ҳамма гапни тушунди. Менга яна битта қуйди, қулт этиб ютдим-қўйдим.
- Одамлар билан лик тўлган залда томоша бошланди. Ҳуққабоз антиқа найрангларни кўрсатишга тушди, бунақаси одамнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди; бурун катакларидан дастрўмол, залда ўтирган кампининг чўнтагидан қарта – таппон саллот чиқарадими-ей; столга қўл теккизмасдан уни полда сирпантирадими-ей. Охирида жаноби директор арвоҳга мурожаат қилди-да, полдаги туйнукка тушиб ер ютгандай лоп этиб кўздан ғойиб бўлди. Аҳли томоша ҳайратда, жон-жаҳди билан ер депсинди. Эндиги навбат ҳайвонларга. Жаноби директор ҳар бир ҳайвонни ўз қўли билан етаклаб чиқиб намойиш қилиши, мен уларга таърифу тавсиф беришим керак эди.
- Икки дунёда ҳам директор каби муваффақият қозона олмаслигимни ўшандаёқ тушундим. Аммо, барибир, одамлар орасида менинг чиқишим баҳосини биладиганлар ҳам бор, дея умидланардим. Ҳарқалай, илинжим пучга чиқмади.

Тошбақа олиб чиқилганда, гапни қуруқликда яшовчи ҳайвонларга бурдим. Сўзни қуруқликда яшовчи паррандаю даррандадан кемасига жуфт-жуфт қилиб олган Нуҳ пайғамбардан бошладим. Ҳайвонлар томошаси суст кетар, одамлар зерикиб қолган эди. Сулаймон пайғамбар ҳузурига ошиққан маликаи Билқис сувсар ва собол каби ноёб ҳайвонлардан қанча-қанчасининг терисини елкасига ташлаб олгани ҳақидаги ҳикоям ҳам олқиш келтирмади. Шундай бўлса-да, иш шу дақиқадан силлиқ кетди: Инжил ривоятлари ҳамда анави исқотидан илҳомланиб, чечанлик ила равон сўзлай кетдим; қўлимдаги қоғозларни бир четга қўйиб, бадиҳагўйликка ўтдим, сўзимни якунлаганимни биламан, “Офарин! Қойил!” деган қичқирдиқлар янгради ва бутун зал қарсақ чалиб юборди.

– Парда ортида сизга аталган шароб турибди! – дея қулоғимга шипшиди директор.

Саҳна ортига ўтиб, қадаҳга кўзим тушди. Ёнида бир шиша исқоти. Стулга чўқдим.

Бу орада директор бошқа бир ҳайвонни саҳнага олиб чиқиб мени кута бошлади. Қадаҳни тўлдириб, стулга қайта ўтирдим. Директорнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, шведчаю норвегча аралаш лаҳжада ғўлдираб, алланималарни тушунтира кетди. Бахтга қарши, у сиртлонни кўрсатаётиб қовун туширди – чалкашиб кетиб, жониворни бўрсик деб юборгани ногоҳ қулоғимга чалинди. Зардам қайнади. Саҳнага югуриб чиқиб, директорни нари итардим-да, ўзим сўз олдим. Сиртлон, таъбир жоиз бўлса, спектаклнинг авжи томошаси эди ва мен сўзамоллик бобидан ўзим кутганимдан ҳам аълороқ нутқ ирод этмоғим лозим эди. Саҳнага чиқиб, директорни четга сурган пайтимдаёқ одамлар менга бўлакча қизиқиш билан боқар эди. Директор нима гапирган бўлса, ҳаммасини йўққа чиқардим-да, у умри бино бўлиб сиртлонни кўрмаганини маълум қилдим ва бу йиртқич махлуқнинг дасисалари тўғрисида сўзлаб бердим. Шароб ўз ишини қилди – ғайратим жўшиб кетди. Тобора ёниқ ва оташин сўзлаётганимни ўзим ҳам сезардим, сиртлон бўлса директорнинг оёғи тагида турар ва митти кўзларини пирпиратарди. “Маҳкамроқ ушланг! – деб бақирдим директорга. – Менга ташланиб, ичак-чавоғимни бошимга салла қилиб қўймасин! Тўппончаниям шайланг, ногоҳ қўлингиздан чиқиб кетса борми!”

Директорнинг ўзи ҳам асабийлашдим, дейман, сиртлонни ўзига тортгани, арқон узилиб жонивор унинг оёқлари орасидан лип этиб ўтиб кетди. Залдан аёллар ва болаларнинг қичқириви эшитилди, томошабинларнинг ярми ўрнидан сапчиб турди. Йиғилганларнинг асаби таранг тортилди. Шу маҳал сиртлон саҳнани бир пилдираб чиқди-да, ғириллаганча қафасига кирди. Директор ўша заҳоти қафас эшигини шақиллатиб ёпди.

Ҳаммамиз енгил тортдик. Икки-уч жумла билан конференсни якунлаб қўяқолдим. “Бу сафар осон қутулдик, – дея маҳобат қилдим. – Бугундан кечикмаёқ бу йиртқичга оғир пўлат занжир топмасак бўлмайди”. Таъзим қилиб, саҳнани тарк этдим.

Гулдурос қарсақлар қулоқни қоматга келтирди, бутун зал гувиллаб, “Конферансье! Конферансье!” деган ҳайқириқлар янгради. Саҳнага қайтиб, бошқатдан таъзим бажо айладим. Гапнинг пўсткалласини айтганда, ақл бовар қилмас ғалабага эришгандим. Бутун бошли халойиқ каминаи камтаринни қарсақлар билан кузатиб қўйди. Залдан чиққандан кейин ҳам аксар томошабинларнинг ҳаяжони тарқамаган эди.

Директор ўзида йўқ шод, ёрдам берганим учун самимий ташаккур билдирди. Эҳтимолки, бундан буёғига у томошаталаб издиҳом кетидан овора бўлиб юрмайди.

Кираверишда – эшик тагида мени бир одам кутиб турган экан. Бу ўша – томошабоғ павильонидаги чиптачи эди. Спектаклни кўриб, ҳайратга тушибди. У нотиклик иқтидоримни кўкка кўтариб, томошабоғдаги тадбирдан асло воз кечмасликни, эндиликда одамлар менинг кимлигимни билиб олгани, маъруза қилишнинг айни пайти эканини айтди. Масалан, павильонга сиртлонни ўзим билан олиб бориб, шу конференсининг ўзини такрорласам, нур устига нур бўлар экан.

Бироқ эртаси куни директор (ноинсоф суллоҳ!) менга пул бергиси келмади. Агар конференсни такрорламаслигим ҳақида тилхат бермасам, бир тийин ҳам бермасмиш, ҳатто судга даъво билан чиқсам ҳам, бир мири тўламасмиш! Вой, муттаҳам-ей! Ниҳоят, муроасага келдик: у менга беш крона тўлайди. Аввал берган уч крона билан ҳисоблаганда, саккиз крона, бемалол Христианияга етиб оламан. Лекин эвазига у мен ижод этган матнни ўзида олиб қоладиган бўлди. Бу борада роса талашиб-тортишдик, нутқимни оёқости қилиш учун унга қолдиргим келмасди. Инсоф юзасидан айтганда, шубҳасиз, матн унинг мулки эди; ахир, ақчасини қуртдай санаб берди-ку. Шу боис ҳам ёзганларимнинг баҳридан ўтдим. Ҳайтовур, директор дурустгина ҳақ тўлаганди.

– Умримда бунақанги нутқни эшитмагандим, – деди у. – Масалан, кечаги оқшомни олайлик, у менга ҳар қандай ваъз-насиҳатдан кўра кучлироқ таъсир қилди.

– Кўрдингизми?! – дедим. – Мана, адабиёт инсон қалбини забт этадиган қандай қудратга эга!

Унга бошқа сўз қотмадим. Чошгоҳ маҳали поездга ўтириб, Христианияга эсон-омон етиб олдим.

Рус тилидан  
Саиджалол САИДМУРОДОВ  
таржимаси



Йўлдош СОЛИЖОНОВ

## **KAMU, ABSURD, SIZIF va O'ZBEK ADABIYOTI**

Сўнги чорак асрда фан ва техниканинг жадал тараққий этиши, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий-ижтимоий, маданий, илмий алоқалар ўрнатилиши тўғрисида тилнинг деярли барча сатҳларида янги сўз ва иборалар, атамалар пайдо бўлди. Миллий адабиётшуносликда ҳам ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, айниқса, кейинги йилларда Ғарбдаги санъатшунослар бир асрдан буён кўллаб келаётган модернизм, постмодернизм, абсурд, экзистенциализм, сюрреализм каби истилоҳлар анча фаоллашди. Туб моҳиятига чуқурроқ кириб борганимиз сари бу истилоҳлар аниқлашган ҳодисаларнинг илдизи Шарқ заминига бориб тақалганига амин бўламиз. Атамалар гарчи Европадан кириб келган бўлса-да, ҳодисаларнинг ўзи моҳиятан Шарқда қадим-қадимдан мавжуд эди. Фақат биз уларни бошқача атаганмиз, холос. Масалан, “модерн” сўзи янги, замонавий деган маъноларни аниқлаштириш барчага маълум. Бу сифат, одатда, сўз санъатини янги шакл ва янги мазмун билан бойитган асарларга нисбатан қўлланади. Шунга кўра, Алишер Навоийни мумтоз

адабиётимиздаги биринчи модернист адиб дейиш мумкин. Зеро, мутафаккир санъаткор асарлари шаклангина эмас, мазмунан ҳам тамомила янги – модернист. Улуғ шоирнинг “Хамса”си ижодий аъъаналар қобиғини ёриб чиққани; сюжет, композиция, баён усули, қаҳрамонларнинг янгилиги; муаллиф муносабатининг ўзига хослиги билан Низомий, Деҳлавий, Жомий дostonларидан тубдан фарқ қилиши аллақачон илмий исботланган. Бизнинг кузатишларимизга кўра, Алишер Навоийнинг Лайли ва Мажнунини том маънодаги абсурд қаҳрамонлар деса бўлади. Бу – ҳозирча дастлабки, умумийроқ хулоса ва у, эҳтимол, кейинги тадқиқотларда батафсил, чуқур илмий таҳлиллар орқали мустаҳкам асосланар.

Умуман, модерн ва абсурд – кенг кўламли мавзу. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, биз фақат абсурд адабиёт, абсурд қаҳрамон, унинг ўзбек адабиётига дахлдорлиги ҳақида сўз юритамиз. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган фикр-мулоҳазалар мутлоқ ҳақиқатдир, деган даъводан йироқмиз; илк кузатувлар ҳосиласи сифатида улар, эҳтимол, ҳали

қиёмига етмагандир. Абсурд ва ўзбек адабиётига оид қарашлар адабий жамоатчилик, мутахассис ҳамкасбларнинг эътибори, саъй-ҳаракати билан такомил топиб боради, деган умиддамиз.

Хўш, абсурд нима?

Абсурд ҳақида гап кетса, у биринчи галда ҳаётнинг маънисизлиги, умидсизликни тарғиб қилувчи адабий-фалсафий таълимот экани айтилади. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, адабиётнинг маънисизлик, мантиқсизликни тасвирлашию тарғиб қилишида не маъно? Ахир, сўз санъати инсонни ҳаётдан завқланишга, орзу-ниятлар йўлида курашга ундаши керак эмасми? Акс ҳолда, унинг инсониятга нима кераги бор? У ҳолда адабиёт инсоншунослик билан тавсифланадиган асл моҳиятидан узоклашиб кетмайдими? Умуман, одамзод умидсиз яшаши мумкинми? Абсурд масаласига қизиққан ҳар бир киши шу каби саволларга дуч келиши тайин. Аммо мавзуга оид илмий манбалар камлиги, борлари ҳам бир-бирини инкор этиши; абсурд ҳақидаги фикр-қарашларнинг хилма-хиллиги ва пухта асосланмагани сабабли юқоридаги каби саволларга тўлақонли жавоб топиш мушкул.

Бизнингча, ўзбек адабиётшунослигида абсурдни тушуниш ва унга муносабатда уч хил ёндашув кўзга ташланади.

Бир гуруҳ ижодкор ва адабиётшунослар абсурдни умуман рад қилади; уларнинг фикрича, абсурд маънисизлик экан, уни миллий адабиёт хазинасидан излаш натижасиз бир ҳаракатдир. Бизда шарқона услуб етакчи, унда инсонни романтик йўсинда, юқори пафос-ла тасвирлашга мойиллик кучли – миллий адабиёт шу тарзда асрлар мобайнида оммани эзгулик руҳида тарбиялаб келган. Бизнингча, бу азалий анъана ҳар доим юксак даражадаги санъат асарлари яратишнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади. Қаҳрамонлари ҳар кўйга солиниб, бири тоғдан, бошқаси боғдан олинган алғовдалғов воқеалар тасвирланган, ўқувчига “модерн” ёки “абсурд” дея тақдим этилган асарларнинг сўз санъатида дахли йўқ.

Иккинчи гуруҳ фикрича, ўзбек ёзувчилари ижодий янгиланиш бошланган XX аср авва-

лидаёқ ўз асарларига абсурд ғоясини сингдиришга интилганлар. Бир қарашда, бу фикрда жон бордек. Агар абсурд ҳаётнинг маънисизлиги сабаб мақсадига етолмаган қаҳрамоннинг узлатга чекиниши тарзида баҳоланса, боя айтганимиздек, у мумтоз меросимизда бўлгани каби замонавий адабиётда ҳам учраши табиий. Масалан, Юсуфбек ҳожи (“Ўткан кунлар”) ва Саидийни (“Сароб”) шу хил образлар сирасига киритиш мумкин (Саидийни абсурд қаҳрамон сифатида дастлаб устоз Умарали Норматов қайд этган). Изланишлар давом эттирилса, яна бошқа топилмалар ҳам чиқса, ажаб эмас.

Бироқ шундай адабиётшунослар, ижодкорлар ҳам борки, мавзу-масала моҳиятини тўлиқ англамай туриб, олди-қочдига асосланган зўрма-зўраки, бўш-саёз қораламаларни абсурд йўналишидаги зўр асар деб кўкларга кўтардилар. Афсуски, бундай ёндашув сабаб абсурд тушунчаси янада мавҳумлашмоқда. Умуман олганда, ўзбек адабиётида бу хил оқимлар талабига тўлиқ жавоб берадиган асар яратилди, дейишга ҳозирча эрта. Масалан, Тўхтамурад Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романи ҳақида яхшигина шов-шув кўтарилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Ҳозирда эса бу асарни биров эсламай қўйди.

\*\*\*

Абсурд таълимоти билан қизиқувчиларнинг аксари биринчи галда француз адиби ва файласуфи Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида афсона” эссесини мутолаа қилади (*Камю А. Миф о Сизифе. В кн.: Ницше Ф., Фрейд З., Фромм Э., Камю А., Сартр Ж. П. Сумерки богов. Москва, Изд-во политической литературы, 1990. — Мақола давомида берилган кўчирмалар мазкур манбадан олинди ва*



саҳифаси қавс ичида кўрсатилди). Мен ҳам абсурдга қизиқиб, дастлаб шу манбага мурожаат қилганман. Уни ўқиб, шундай хулосага келдимки, асарда илгари сурилган жуда кўп қарашлар муқаддас ислом дини, кўҳна Шарқ адабиёти ғояларига мувофиқ экан. Чунончи, Камю ҳам қийинчиликлар олдида ожиз қолиб, инсоннинг ўз жонига қасд қилишини гуноҳ деб ҳисоблайди. Унингча, ўзини ўлдириш билан “абсурд одам ҳамма нарсани бой беради, ҳатто ўзини ҳам йўқликка маҳкум қилади” (*Ўша манба, 261-бет*). Камю абсурдни инсон озодлигини тарғиб қилувчи фалсафий-адабий оқим сифатида тавсифлайди; шу боис умидсизлик абсурд қахрамонга ёт хусусиятдир. Унинг ёзишича, “Ўзини умидсиз деб ҳис қилган одамнинг келажаги йўқ” (*Ўша манба, 243-бет*).

Альбер Камю ҳам адиб, ҳам олим сифатида абсурд назариясини Сизиф образи мисолида асослаб берган. Адибнинг талқинига кўра, абсурд шундай таълимотки, унда инсон – маънисиз ҳаётдан безиб, тушкунликка берилишга маҳкум ожиз жонзот бўлмай, аксинча, маънисиз ҳаётни мазмун билан бойитишга, умр йўлида учрайдиган тўсиқларни ирода билан енгилга қодир экани ҳақидаги ғоя тарғиб қилинади. Бу жиҳатдан Камюнинг ҳаётий қарашини, адабий концепциясини ва ижодий услубини Нитше, Сартр, Кафканикидан фарқ қилади. Мазкур адиблар ижодини чуқур ўрганган ёзувчи Назар Эшонкул шундай деб ёзади: “Камю адабиёт воситасида тушкунлик ва имконсизликни эмас, ундан халос бўлиш йўллари таҳлил қилди. Ижоди “абсурд” деб аталса-да, абсурд мавзусини ижодининг бош мавзуси сифатида танлаган бўлса-да, Камю асарлари ва фалсафий кредоси билан охир-оқибат абсурдни енгиб ўтишни, уни ижод ва санъат завқига айлантиришни, инсонни ўз тақдирининг соҳиби бўлишга рағбатлантиришни бош мавзу сифатида танлади” (*Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача. Тошкент, “Akademnashr”, 2014. 353-354-бетлар*).

Юнон шоири Пиндарнинг (мил. авв. V-IV асрлар) эссега эпиграф қилиб олинган: “Бу дунё мангу деб ўйлама зинҳор, / Аммо уринавер, неки имкон бор!” (*таржима бизники – Й.С.*) сатрлари ҳам Камюнинг абсурд мав-

зуси ва Сизиф афсонасига мурожаат қилишдан кўзлаган мақсадига тўлиқ мос келади.

Эссени ўқиб, Камю руҳий оламига чуқурроқ кириб борган сари кўзингиз ўнгида адиб қахрамонлари – елкасига оғир юк ортган, ҳорғин, толиққан, аммо омонатни манзилга етказмагунча аҳдидан қайтмайдиган ўжар, иродали ва қатъиятли инсонлар беихтиёр намоён бўлаверади. Бинобарин, бу хусусиятлар ёзувчининг ўз табиатига ҳам хос эди. Камю ҳам не-не ноҳақлигу тўсиқларга дуч келган, ҳаёти қаттиқ курашлар ичида кечган; муждалалар асносида гоҳ қолиб чиқса, гоҳ мағлубиятга учраб, руҳан эзилган. Эҳтимол, шу каби шахсий кечмишлар Сизифни курашчан инсон қиёфасида тасаввур этишга олиб келган...

Афсона билан танишган ўқувчи, бир томондан, Сизифнинг охири йўқ мақсадсиз ишга беҳуда уринаётганидан ранжийди. Камюнинг асл мақсади эса “инсон шундай мавжудотки, унинг кўлидан келмайдиган иш йўқ, Яратган унга бежиз онгу тафаккур бермаган; одам бемаънидай туюлган ҳаётга мазмун бағишлаш учун курашмоғи, мақсад сари интилмоғи зарур” деган ғояда мужасамлашган. Шу тариқа Камю абсурднинг муҳим тамойили – мавжудлик фалсафасини асослайди.

Аслида Сизиф ва унинг маънисиз машғулоти мавзуси янгилик эмас. Ҳомер, Эсхил, Софокл, Еврипид, Критий сингари қадим юнон мутафаккирларидан тортиб Сартр, Беккет, Жойс, Кафка, Пруст, Мерль, Никитин каби европалик ўнлаб олиму ижодкор ҳам ушбу мавзуда турли жанрда асар яратган. Масалан, Ҳомернинг талқинича, Сизиф тамагир ва шуҳратпараст кимса, золим қароқчи бўлиб, йўловчиларни тўнаган ва уларни улкан думалоқ харсангтош остида азоблаб ўлдиришдан завқланган. Бошқалар ҳам Сизифни фирибгар, ёлгончи, шаккок ва шаддод кимса қиёфасида тасвирлайди. Камю эса қахрамонининг инсоний сифатларини қаламга олади.

Мазкур эссе ўқувчида абсурд тўғрисида анча кенг тасаввур ҳосил қилса-да, у хийла мураккаб услубда ёзилган. Буни Камю ижодий лабораториясини нозик ҳис қилган адиб Назар Эшонкул ҳам қайд этган: “Камю тили

образ ва метафораларга бой бўлгани сабаб ҳам унинг эсселаридаги фикрни бирдан илғаб олиш анча мушкул" (*Ўша манба, 358-бет*). Айни чоқда, эсседа шу қадар кўп манбалар, олим ва ижодкорлар номи тилга олинадики, улар билан таниш бўлмаган китобхон, шубҳасиз, Камюни охиригача, тўлиқ англай олмайди. Зеро, ана шундай билимдонлиги, теран тафаккури, кенг дунёқараши учун замондошлари уни "Ақллар ҳукмдори" деб атаган (*Қосимов А., Хўжаев С. Фарб адабиётидан амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Akademnashr", 2011. 92-бет*).

Сирасини айтганда, бизнинг маънавий муҳитимизда Камюнинг ғоявий-бадий ниятини тўлиқроқ тушуниш, унинг ҳиссиётларини англашга ёрдам берадиган қўшимча манбага эҳтиёж бор эди. Қани эди, ўзбек адабиётида ҳам Камюнинг мураккаб фалсафаси, абсурд қахрамон Сизифнинг маънисиз хатти-ҳаракатларидан кутган мақсадини шарҳлаб берадиган бирор асар яратилса, деб орзу қилардик. Ўзбек адабиётида ханузгача ҳақиқий маънодаги абсурд қахрамон яратилмаган эди-да. Хайриятки, ана шу маънавий эҳтиёжни қондирадиган китоб пайдо бўлди – истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад "Донишманд Сизиф" романини ёзди.

Бир тарафдан, романни синчковлик билан мутолаа қилган зукко ўқувчи абсурднинг туб маъноси, абсурд қахрамон, абсурд асар ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлади. Иккинчи тарафдан эса, асарнинг моҳияти ва аҳамиятини тўла-тўқис англаб етиш учун китобхоннинг абсурд фалсафасидан маълум даражада хабардор бўлиши ҳам талаб этилади. Негаки, "Донишманд Сизиф" – том маънода интеллектуал-фалсафий роман ва у, бизнингча, кенг китобхонлар оммаси эмас, балки хос ўқувчилар тоифаси учун битилган (*Хуршид Дўстмуҳаммад. Донишманд Сизиф. Романлар. Тошкент, "O'zbekiston" НМИУ, 2016*).

Роман ҳам ғоявий, ҳам услубий жиҳатдан ёзувчининг аввалги асарларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур асардан кишилар ёки гуруҳлар ўртасидаги кескин зиддиятлар, сюжет линиясининг тез-тез алмашиб туриши, муҳаббат изтироблари сингари Хуршид

Дўстмуҳаммад ижодига хос бўлган хусусиятларни излаган ўқувчи адашади. Аввало, роман воқеалари ягона сюжет чизигида кечади. Асар марказида илоҳлар илоҳи Зевснинг қаҳрига учраган Сизиф образи туради ва у афсонадаги каби тақдирга битилган харсангтошни пастдан тепага олиб чиқишдек бемаъни машғулот билангина шуғулланади.

\*\*\*

Ушбу нашрдан ёзувчининг "Бозор" романи ҳам ўрин олган. Икки асарни кетма-кет мутолаа қилган китобхон уларнинг ҳар бирида адиб услубининг ўзига хос қирралари намоён бўлганини кўради. Муаллиф "Бозор"да асарга объект қилиб олинган макон ва замонга мос равишда кўповозли (полифоник) нутқ типидан унумли фойдаланган. Кўпчилик одамлар ақлу фаросати ва қобилиятини маънисиз ишларга сарфлаётган бир пайтда Фозилбек билан Қадриягина ҳаётдан маъно излайди – шу мазмундаги асосий ғоя "Бозор" романида айнан полифоник нутқ усули воситасида тўлиқ воқеланган. "Донишманд Сизиф"да эса муаллиф монологик ва икки овозли нутқдан (муаллиф ва қахрамон овозининг чатишуви) фойдаланиб, биргина қахрамоннинг серзаҳмат фаолияти орқали матонатли инсоннинг монументал қиёфасини яратган. Айни чоқда, икки асар муаммолар ҳамоҳанглиги билан бир-бирини тўлдирди ҳам.

"Донишманд Сизиф" романи, бизнингча, абсурд назариясига оид кўплаб илмий ҳамда адабий манбаларни синчиклаб ўрганиш, уларни ўзаро таққослаш, таҳлил этиш самараси ўлароқ дунёга келган. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам мавзунини Альбер Камю сингари ҳам олим, ҳам ижодкор нигоҳи билан очиб беради. Сизиф образи ва характерига янги-ча чизилар қўшиб бойитади. Сизиф Камюга абсурд таълимоти тўғрисидаги илмий қарашларини илгари суриш учун бир восита бўлган эди. Хуршид Дўстмуҳаммад эса дунё адабиёти ва фалсафасида маълуму машхур бўлган мазкур таълимот ҳақидаги тезисларни янада кенгайтди. Энг муҳими, Сизиф образи воситасида абсурд асар, абсурд қахрамон, абсурдча ҳаёт ҳақидаги ўз илмий қарашларига бадий шакл берди. Асарни ўқиган китоб-

хон абсурд маънисизлик тарғиботи эмаслиги, ҳаётни маъно ва мазмун билан бойитиш инсоннинг ўзига боғлиқ экани, бунинг учун у умид билан яшаши, муҳими, фикрлаши, мушоҳада юритиши лозимлигини билиб олади. Камю бир ўринда *“Аслида афсоналар бизнинг фикримизни уйғотиш учун ўйлаб топилган”*, дейди. Х.Дўстмуҳаммад ҳам аини шу фикрни бадиий талқин этган.

Камю Сизифнинг ижтимоий мақомини аниқ белгиламаган бўлса, Х.Дўстмуҳаммад романида у – шаҳаншоҳ Эол ва малика Энаретнинг суюкли ўғлони, Мероплар сулоласининг арзанда куёвтўраси, Коринф қалъасининг хукмдори. “Донишманд Сизиф”даги талқинга кўра, у шунчаки илоҳлар илоҳи Зевснинг амрига бўйсунмагани учун эмас, балки қурғоқчиликдан азоб чекаётган халқни деб жазога мустаҳиқ этилади. Сув худоси Асопнинг суюкли ва гўзал кизи Эгина тўсатдан ғойиб бўлади. Ташвишга тушган ота бу борада Сизифдан ёрдам сўрайди. Қизни Зевс ўғирлаганидан хабардор бўлган Сизиф жабрдийда отага мадад кўлини чўзади. Бу хизмати эвазига у сув худоси Асопдан юртини қурғоқчилик балосидан қутқаришни сўрайди.

Қилмиши фош бўлганидан ғазабланган Зевс Сизифни оғир жазога хукм қилади. Унга кўра, Сизиф йирик харсангтошни думалатиб, баланд қояга олиб чиқиши лозим. Маъбуднинг фикрича, одамзод учун фойдасиз ва самарасиз машғулотни бажаришдан оғирроқ жазо йўқ. Асар давомида Сизиф маънисиз жазога хукм этилганлар орасида энг доно кимса экани маълум бўлади. Зевс хукмига сўзсиз кўниши эса Сизифнинг ички исёнидир. Бинобарин, Камю ўз эссесидан исён – абсурднинг асосий қирраларидан бири эканини таъкидлаган эди.

Аслида ўжар, қайсар, ҳатто маъбудларга қарши чиқиб, Ўлимни занжирбанд қила олган Сизиф бундай бемаъни хукмга бўйсунмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо унинг итоати замирида “Мен сенларга кимлигимни, қўлимдан нималар келишини кўрсатиб қўяман!” деган ички исён ётади. Хуршид Дўстмуҳаммад Сизифнинг қийинчиликларни ақл билан енгилшига интилганига ургу беради. Романнинг номланишида ҳам шунга ишора бор.

Маълумки, Камю, юнон мутафаккирлари ва Европа олимларидан фарқли ўлароқ, Сизифни биринчи галда инсон сифатида талқин қилди. Адиб тош ортидан пастга энётган Сизифнинг ўй-хаёллари, кечинмаларини тадқиқ этади. Камю талқинича, худолар томонидан мангу хукм этилган маконига қайтар экан, Сизиф ҳар дақиқада ўз қисматидан юқорига кўтарилади. У харсангтошдан ҳам қаттиқроқ иродага эга бўла боради.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам Сизифнинг онгидаги ўзгаришларни, таъбир жоиз бўлса, тафаккури тадрижини қаламга олади. У хукмга бўйсунди, аини чоқда “Мен инсонман! Мени енгиб бўлмайди! Зинҳор енгилмайман!” деган ички овоздан куч олиб ҳаракатланади. Ўзбек адибининг қаҳрамони ўзининг биргина харсангтошга кучи етмай мағлуб бўлишини тасаввурига сиғдиролмайди. “Мана шу бақалоққа кучим етмаса, инсонлигим қайда қолади!” дея ўзига бот-бот далда беради.

Абсурд қаҳрамон маънисиз ҳаётни мазмун билан бойитиш учун қатъий ирода ва юксак ақл-фаросат билан иш тутиши лозим. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Сизифи учун ҳам ўз иродасидан бўлак мададкор, халоскор йўқ. Агар Сизифдан кимдир “Исмим нима?” деб сўраса, ҳеч иккиланмай, “Исмим матонат ёки исмим бардош” деб жавоб берган бўларди. Метин ирода ва сабр-бардоши туфайли у “арслон – изидан, эркак – сўзидан” қайтмайди дея иш кўради ва ғолиб чиқади. Бу фазилят Сизифни ўзбек ўқувчисига янада яқинлаштиради.

Сизифнинг онгу тафаккури харсангтош билан мулоқот жараёнида камолга етади. Унингча, тош ҳам фикр ва руҳга эга. Тош билан суҳбат Сизифга англаш, идрок этиш имконини беради; нурсиз ҳаётига мазмун, қувонч олиб қиради. Тошни тепаликка думалатиб чиқиш, унинг ортидан яна қуйига тушишда “истайдими-йўқми, ўй-хаёли тиним билмайди, ушбу тинимсизликдан таскин топади”. Ана шу тинимсиз машғулот Сизифни ичдан ўзгартиради, у бошқа одамга айланади. Сизиф тафаккури мудом уйғоқ бўлгани сабабидан охир-оқибатда донишмандлик чўққисини забт этади.

Роман, шартли равишда, уч қисмга, қисмлар бобларга бўлинган. Боблар ҳажман кичик бўлса-да, Сизифдаги ички ўзгаришлар изчиллигини кўрсатишга хизмат қилади; уларда қаҳрамоннинг донишмандга айлана бориши босқичма-босқич акс этган. Ҳар бир бобда абсурд фалсафаси ва абсурд қаҳрамон моҳиятини ойдинлаштирувчи мушоҳадалар бор:

– дунёнинг турган-битгани иродадан иборат, дейишган, дарҳақиқат, инсонни ирода тарк этса, Еру осмон ҳам, Қуёшу юлдузлар ҳам бехуда-бефойда;

– ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгилик – янгидан-янги умидга доя;

– озод одамнинг чарчаши билан маҳкум одамнинг чарчаши орасида у дунё билан бу дунё орасича фарқ бор;

– инсон борки, унинг олдида, ёнидаю ортида таъқиб этувчилар бор!..

Ўзбек адабининг абсурд воқелик талқинидан туғилган мушоҳадаларида, бизнингча, Альбер Камюга ҳамоҳанглик сезилади.

Роман Сизифнинг ўз қисматига айланган харсангтош билан “ҳамишадагидек яна ва яна навбатдаги муҳорабага” чоғланиши билан бошланади. Музаффар қаҳрамоннинг “кимсан Зевс томонидан белгиланган жазойи ҳақни ниҳоят шараф билан ўтадим, уддалади-м-м! Харсангтошни чўққига олиб чиқдим, чўққини забт этдим, зафар кучди-им-м!..” деган ҳайқирғи билан хотима топади. Тош эса думалай-вериб-думалайвериб, инсоннинг иродаси ва сабр-тоқати қаршида енгилиб, парчаланиб кетади. Сизиф ана шу парчаларни кўтариб, тепаликка олиб чиқади. Муаллиф таъбири билан айтганда, “Одам енгилмади, тош енгилди, тошга қўшилиб, тоғ енгилди, чўққи енгилди, маъбудларнинг маъбуди енгилди”.

Сизиф чиндан ҳам қаттиқ заҳмат чекди ва ғалаба қозонди. Сизифнинг ғалабасида “тинимсиз машаққатга, жамики укубатга ёлғиз инсонгина чидаши мумкин, аммо на тош, на темир, на метин, на бошқа мавжудот дош бера олади”, деган залворли фалсафа муҳрланган.

“Донишманд Сизиф” романини ўқиб, абсурд фалсафаси “ҳаёт – маънисиз” деган қарашни эмас, балки “умид билан яшаган одам албатта мақсадига эришади” деган қутлуг

ғояни тарғиб этишига ишонч ҳосил қиламиз. Романнинг муҳим тарбиявий аҳамияти ҳам ана шунда.

\* \* \*

Хўш, асосан замонавий мавзуда муваффақиятли ижод қилиб келаётган ўзбек адаби нега дабдурустан халқимиз тарихи, миллий менталитетига дахли йўқдек туюлган, узоқ замон ва олис маконга (мил. авв. VII-VI асрлар, Юнонистон) тааллуқли афсонага мурожат қилди? Умуман, асарнинг замонамиз билан боғлиқ томонлари борми?

Мутолаадан сўнг китобни ёпиб, кўзни юмиб, мушоҳадага берилсак... хаёлдан турфа фикрлар кечади. Масалан, тош образини олайлик. Романдаги асосий рамзий тимсол – ана шу “юм-юмалоқ, яп-япалоқ, бақ-бақалоқ” тошдир. Услубида бадийий ниятни рамзлар воситасида юзага чиқариш усули етакчи бўлган адиб тош образига бир неча вазифа юклаган.

Менинг тасаввуримда бу тош, энг аввало, инсон умиди тимсоли бўлиб гавдаланди. Қолаверса, Сизиф менга умид тошини севиб, ардоқлаб, асраб-авайлаб, ўзи орзу қилган тепаликка олиб чиқиш истаги билан ёнган буюк аждодларимизни эслатди. Ахир, тинимсиз саъй-ҳаракатларимизга қарамай, умидларимиз асрлар мобайнида неча марталаб парчаланиб кетмадими? Шу парчаларни ҳам асраб-авайлаб манзилга олиб бориб, бир бутун ҳолатга келтириш учун интилмадикми?

Хаёлларга эрк берсак, тошни мустамлака қуроли каби тасаввур қилиш ҳам мумкин. Ахир, халқимиз етмиш тўрт йил давомида шўронинг сип-силлиқ мафкура тошини думалатишдек бемаъни, бесамар иш билан шуғулланмадими?! Ахир, чорак кам бир аср мобайнида нима қилаётганимизу қаёққа бораётганимизни англай олмай ўтмадикми?! Ўзини англаган, фикрчан, сизифтабиат инсонлар зевсмонанд арбоблар қурбонига айланмадими?!

Хуллас, истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад янги романи билан жаҳон адабиёти хазинасига ўзбекона Сизиф образини олиб кирди. Бундан сўнг абсурд ва Сизиф тўғрисида гап кетса, ўзбек адабиёти ҳам албатта эсга олинади.



ОТАУЛИ

## BILGAMISHLIK

**Ёзувчи ва мунаққид Отаули 70 ёш остонасида халқимизнинг севимли қаҳрамони Хўжа Насриддинга бағишланган “Афандининг йўриғи” бадилар туркумини ёзди. Унда Афандининг инсоний қиёфаси, чунончи, топқирлик, тўғрилик, пишиқлик, қувноқлик, оқкўнгиллик, билгамишлик ва бошқа фазилатлари таҳлил этилган. Мазкур туркумга кирган бадилардан бирини сиз, азиз журналхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.**

Билгамиш инсонларга араблар *жаноб*, инглизлар *сэр*, испанлар *дон*, французлар *де*, руслар *господин*, поляклар *пан*, ҳиндлар *пандит*, туркийлар эса *афанди* деб мурожаат қилади. Аслида ҳам, Афандини билгамиш деса дегудек. Зотан, у – Луқмони ҳақимдек доно, Хизр алайҳиссаломдек умрбоқий ва юрткезар зот-да, ахир! Афанди ҳақидаги латифаларда унинг нафақат топқир, қувноқ ва оқкўнгил, балки билгамиш экани ҳам яққол намоийш этилади.

“Билган топиб гапирар” ибораси айнан Афандига хос, яъни у гапини ҳам топиб айтади, ишини ҳам билиб қилади. Масалан, “Сомон қўшилган” латифасида билгамишлик билан берилган жавобни кўринг:

“Афандидан бир содда одам сўради:

– Афанди, одам тупроқдан ясалган деган гап ростми?

– Рост!

– Тупроқдан ясалган бўлса, лойига сомон қўшилганми, йўқми?

– Сомон қўшилган! Сомон қўшилмаганида одам бу дунёнинг қайғу-ҳасратига тоб беролмай, минг бир жойидан ёрилиб кетмасмиди!” (Афанди латифалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Баҳодир Саримсоқов, Фарида Йўлдошева. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. Кейинги латифалар ҳам шу китобдан олинган).

Маълумки, одам жисмида табиатдаги аксар кимёвий элементлар, ҳатто жуда кам миқдорда бўлса-да, заҳарли моддалар ҳам бор. Одам вужудида тўрт суюқлик – сафро (олов), балғам (сув), қон (ҳаво) ва савдонинг (тупроқ) ўзаро нисбатига қараб унинг саломатлигию феъли намоён бўлади. Жумладан, сафро кўпайса, одам баджаҳл бўлиб қолади, бу илмий тилда “холерик” деб аталади. Соғлом бўлиш учун инсон ўз вужудидаги суюқликларни ўзаро мутаносиб сақлаши зарур. Акс ҳолда, витамин етишмаслиги ёки кўпайиб кетишидан азият чекади. Афсуски, турмуш ташвишлари ва экологик муаммолар туфайли ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаймиз. Шунга қарамай, Тангри вужудимизни шу қадар чидамли ва мукаммал қилиб яратганки, инсон унча-мунча ҳаёт зарбаларига дош бера олади. Латифада ана шу чўнг ҳақиқатга ҳамма тушунадиган соддагина тилда ишора қилинмоқда. Биламизки, палахса-палахса бўлиб ёрилиб кетадиган пахса девор сомонсувоқ билан мустаҳкамланган. Уйнинг лой томини ёпишда ҳам ёғоч устига аввал шох-шабба, хас-хашак ва тупроқ солиниб, сўнг устидан сомонсувоқ қилинган. Бу усул девор ва томларни мустаҳкам ушлаб турган ҳамда совуқ ўтказмай уйни иссиқ сақлаган. Бунда сомонли лой бириктирувчи, ёрилиб-ажраб кетишдан сақловчи восита бўлиб хизмат қилган. Одам боласининг лойига қўшилган сомонни ҳар ким ҳар хил талқин этишга ҳақли. Биров учун у ирода, яна биров учун ақл, бошқа биров учун туйғу... Муҳими, Афанди саволга ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода жавоб бериб, тингловчини ўйлашга ундаб турибди.

Унутилмас санъаткор Ҳожибой Тожибоев кўп нарса ниятга боғлиқлигини айтиб, олтамишга тўлиб-тўлмай ўлим тадоригини кўра бошлаган инсонларга қарата бандаи ожиз узоқ марраларни мўлжаллаши лозимлиги, масалан, олтамиш йил яшамоқчи бўлган одам саксон ёшни, саксон йил яшамоқчи бўлган одам юз ёшни кўзлаши зарурлигини таъкидлаганди. Невара, чевара, ҳатто эвараю дуварларнинг бобо ва момолари панд-насихати, эртагу ривоятларини эшитиб улғайишига нима етсин! Афанди яхши ниятли ва умрзоқ инсон. Буни “Қарғанинг умри” латифасини ўқиб биламиз:

“Афанди овчидан қарға сотиб олди. Йўлда бир ошнаси учраб:

– Афанди, қарға нимага керак бўлиб қолди? – деб сўради. Афанди жавоб берди:

– Қарға минг йил яшайди дейдилар, ростмикан, синаб кўрмоқчиман”.

Афанди минг йил яшамоқчимиз, бу ғирт хомхаёл-ку, деб ўйлашингиз мумкин. Такрор айтамыз, кўп нарса ниятга боғлиқ. Ибн Сино “Агар чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшар эди” дея бежиз ёзмаган. Қуръони каримнинг “Анкабут” сураси 14-оятда Нуҳ алайҳиссалом қавмини эллик йил кам минг йил ҳидоятга чорлагани хабар қилинган. Ибн Сино “чанг” деб табиатдаги микроб ва бактерияларни, “ғубор” деб инсон кўнглидаги иллатларни назарда тутган. Дарҳақиқат, агар инсон соғлом муҳитда яшаса, жисмию кўнглини гард-ғуборлардан тоза тутса, асабини асраса, узоқ умр кечиради. Айниқса, Афандидек қувноқ ва оқкўнгилик бўлса. У шунинг учун ҳам умрбоқий қахрамон-да. Қарғанинг эса минг йил яшаши муболаға, унинг умри юз йилдан ошмаслиги зоология фанидан маълум.



Афанди суҳбатдошларининг феъли-хўйига қараб муомала қилади: бирини ширин сўз билан хушнуд этса, бошқасига қиличдек кескир гаплар билан сабоқ беради. “Таъзия-да ейилган ош” латифасида ҳам шундай:

*“Афандининг ҳамшаҳарларидан бири бошқа бир шаҳарга ҳоким қилиб тайинланиб, ўша ерда узоқ туриб қолган эди. Афанди бир кун у дўстини кўргани борди. Дўсти Афандининг олдига овқат кўйдирди, аммо уни таом егани кўймасдан, устма-уст савол бера бошлади:*

- Ўғлим қалай?
- Кутганингиздан ортиқ яхши.
- Онаси саломатми?
- Ўз номусини сақлаш билан овора.
- Ола кўппагим юрибдимми?
- Уйингизга ҳеч кимни киргизмайдми.
- Жийрон отим-чи?
- Унга ҳамманинг ҳаваси келади.

*Ҳоким Афандини савол билан банд қилди. Афанди овқатдан бир луқма емай туриб хизматкорга уни олиб кетишга буюрди. Аммо Афанди товоқнинг йўлини тўсиб, уни кўтариб кетишга халақит бериб турган эди, ҳоким яна сўрай бошлади:*

- Ола кўппагим ориқлаб қолмадимми?
- Келар вақтимида ўлди.
- Нега? Нима бўлиб ўлди?
- Бўғзига жийрон отингизнинг суяги тикилиб қолди.

*– Ҳали от ҳам ўлди денг! У нима бўлиб ўлди?*

*– Хотинингизнинг сағанасига тош ташиганда зўриқиб ўлди.*

*– Ҳали хотиним ҳам ўлдими?! Нима бўлиб ўлди у?*

- Ўғлингизнинг доғида ўлди.
- Войдод! Ҳали кўзимнинг нури, жигарпорам ҳам ўлдими? У нима бўлиб ўлди?
- Уйингизнинг томи босиб қолди.

*– Ҳали хонавайрон ҳам бўлдимми?! Войдод! – деб ҳоким ўзини ерга уриб йиғлай бошлади. Афанди пайтдан фойдаланиб, овқатни еб, қорнини тўйғазди ва ўрнидан туриб бундай деди:*

*– Хурсандчилигингизда еёлмаган ошингизни таъзиянгизда едик”.*

Юзаки қараганда, мезбон кетма-кет савол ёғдириб, овқат едирмагани учун Афандининг қувлиги-шумлиги тутгандек. Сувга олиб бориб, суғорма олиб келди, деганларидек, ҳоким Афандини алдаб чув туширмакчи-ю, аммо Афанди уни бошлаб таъзирини беряпти, дея талқин қилиш мумкин. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, латифада долзарб ижтимоий муаммо кўтарилганини кўрамыз. Англашиладики, Афандининг таниши бошқа шаҳарга ҳоким бўлиб кўтарилиб кетган ва анча вақт юртига қайтмаган, оиласини ўз ҳолига ташлаб қўйган, дўст-биродарларини унутган. Дўстини истаб-излаб борган Афанди уни оқибатсизлиги учун аввалига енгил танбех беради, тушунмагач эса, кескинроқ йўл тутади. Бизнингча, латифадаги овқат рамзий маънога эга бўлиб, у ҳокимнинг Афандига беришни истамаётган жавобидир. Афанди эса шаҳрига қуруқ қўл билан қайтишни истамайди, албатта. Ҳокимнинг ўз оиласини қаровсиз ташлаб қўйгани уйининг пароканда бўлишига сабаб бўлиши мумкин-да. “Қўй, дўстим, эсинг борида этагингни ёп, йўқса, пушаймон бўласан” демоқчи Афанди.

Ушбу латифа сизга Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги энг таъсирчан бир лавҳани эслатмаяптими? Ноинсоф бой “иннайкейин, иннайкейин” дея Қоровойнинг қулоғини қоқиб қўлига бергач, боланинг шумлиги тутуди-да, бир ёлғондан қирқ ёлғонни тўқиб бойнинг бошлаб адабини беради. Эҳтимол, Ғафур Ғулом ўша лавҳани ана шу латифага асосланиб яратгандир? Ҳарқалай, мазкур латифа, “Бир ёлғондан қирқ ёлғон” эртаги ва “Шум бола” қиссаси қиёсий таҳлил этилса, халқчил адиб Ғафур Ғуломнинг латифалар билан эртақларни қанчалик пухта билгани ва улардан ижодий фойдалана олганига амин бўламыз.

“Олимнинг олдида тилингни тий, валийнинг олдида дилингни тий” деган гап бор. Негаки, олим айтилган хато гапни, валий эса, одамнинг дилидан ўтган хато ўйни ҳам

илғай олади. “Афанди ва авлиё” латифасида эса аксинча, Афанди авлиёнинг дилидагини топа билганини кўрамиз:

*“Далада деҳқонлар ишлаб турган вақтда бир авлиё келиб, савол бера бошлабди:*

*– Саволларимни ишора билан кўрсатаман, жавобини сизлар ҳам ишора билан кўрсатинглар, – дебди у.*

*Шу пайт Афанди келиб қолибди. Авлиё ҳаммага қарата ишорали саволларини бера бошлабди. Бир бармоғини бигиз қилиб, Афандига кўрсатибди. Афанди унга икки бармоғини бигиз қилиб жавоб берибди. Авлиё саволнинг жавобидан мамнун бўлиб, унга таъзини қилибди. Бунга жавобан Афанди муштумини қисиб қўйибди. Авлиё яна Афандига эгилиб таъзим қилибди. Саволлар тугагач, деҳқонлар авлиёдан саволларининг мазмунини сўрабдилар. Авлиё айтиб бера бошлабди:*

*– Бир бармоғимни бигиз қилиб кўрсатишим – Худо битта деганим эди. Афанди икки бармоғини кўрсатиб, Худо йўлида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам борлигини кўрсатди. Мен панжамни ёзиб: “Беш вақт намоз ўқийсанми?” деган ишорани кўрсатсам, Афанди: “Бунга қаттиқ риоя қиламан”, деб жавоб берди. Афанди ғоят билимдон экан.*

*Шундан сўнг деҳқонлар Афандидан ҳам савол-жавобнинг мазмунини сўрабдилар. Афанди:*

*– Авлиё бир бармоғим билан кўзингни ўяман деган эди, мен икки бармоғим билан икки кўзингни ўяман, дедим. Сўнгга у беш панжасини ёзиб, шاپалоқ билан ураман деди, мен эса муштим билан уриб, янчиб ташлайман деб ишора қилдим, – дебди”.*

Ўқувчи Афанди авлиёнинг кўнглидагини тополмади, унинг шунчаки омади келди, дея эътироз билдириши мумкин. Чуқурроқ ўйлаб қараган киши эса тасодиф билан қонуниятни фарқлай олади. Авлиёдек зот Афандининг ғоят билимдонлигини тан оляптими, демак, бунда жон бор. Йўқса, авлиё алданган бўладими? Йўқ, боя авлиёлар одамларнинг дилидагини ҳам илғай олиши ҳақида таъкидлагандик. У ҳолда нега Афандининг талқини

авлиёнинг талқинидан фарқ қилди, деган савол туғилади. Биринчидан, Афанди одамига қараб муомала қилади. Содда деҳқонларга содда тилда гап қилди-қўйди. Иккинчидан, у жуда эҳтиёткор бўлиб, айниқса, диний масаладек қалтис мавзуларда ҳуда-бехудага кўнглини ёравермайди. Учинчидан, деҳқонларга “ҳар ким авлиёман деб келиб бошларингни қотирса, лаққа ишонаверманглар, ғаразгўйлар кўп, кўзларингни шамғалат қилиб, бор-будингизни шилиб кетиши мумкин”, демоқчи. Аслида, айти шу фикрини ўша авлиёга ҳам уқтириб турибди: “Сиз овора бўлманг, бу ерларнинг мендек ўз авлиёси бор!” Бошқа маъноларни ўзингиз чиқариб олаверасиз. Айтишларича, буюк шоир Бедилнинг шеърлари кўпмаъноли бўлиб, унинг юза маъносини оддий одамлар, тағмаъноларини алломалар англай олар, туб маъносини эса шоирнинг ўзигина билар экан. Пурмаънолилик, пурҳикматлилик бобида Афанди латифалари ҳам шоҳбайтлар ва мақоллардан қолишмайди.

Имтиҳон дунёси, ўткинчи дунё, алдамчи дунё деган иборалар бор. Ҳозирги саноат тараққиёти ва ахборот асрида одамнинг кўзини ўйнатиб, ўзига маҳлиё қилувчи нарсая ҳодисалар тўлиб-тошиб ётибди. Бундай шиддатли-товланма замонда кимга қийин – билимсиз ва анқов одамларга қийин. Сабаби, уларни истаган киши лақиллатиши, чув тушириши мумкин. Бироқ Афандини ҳатто шайтонунинг малайлари ҳам лақиллатолмайди.

Содда одамларни алдовчи яна бир тоифа – фолбинлар. Ҳеч кимнинг инсон тақдиридан, келажагидан фол очишга ҳақи йўқ, бунга қурби ҳам етмайди. Бу ҳолни “Фолбин ва Афанди” латифасида аниқ-равшан кўришимиз мумкин:

*“Бир фолбин йўл устида ўтириб олиб, ўтган-кетганларни алдаб-фириб бериб тентиратмоқчи бўлди. Афанди унинг олдига бориб:*

*– Сиз нима учун бу ерда жимгина ўтирибсиз? Уйингиз куйиб, бор нарсангиз ёниб кетяпти-ку, – деди.*

Фолчи Афандидан бу сўзни эшитиб уйи-га қараб додлаб югуриб кетди”.

Агар фолчи фирибгар эмас, чинаками-га башоратгўй бўлганида, айна лаҳзаларда уйига ўт кетдими ё Афанди алдаяптими – билиши лозим эди. Афанди ҳам уни “Сен фирибгарсан!” қабилидаги гаплар билан қуруқ маломат қилмайди, яъни қошиб гапирмайди, балки биттагина гап билан фирибгарлигини кўрсатади-кўяди!

“Камбағални туянинг устида ит қопади”, “Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмайди” деган ҳикматли гаплар бор. Лекин бу оламда баланд туя тугул эшакнинг устида ит қополмайдиган ва ови ҳам, дови ҳам юрадиган камбағал бор бўлса, бу Хўжа Насриддин Афандидир. Мана, “Дўқ” латифаси бунинг исботи:

“Афанди подшонинг саройида хуржунини йўқотиб қўйди ва одамларни тўплаб:

– Хуржунимни яхшиликча топиб бермасангиз, қўлимдан келганини қиламан! – деди. Афандининг дўқидан ҳеч ким кўрқмаган бўлса ҳам, уни хафа қилишни истамай, ҳаммаёқни яхшилаб қидиришди, хуржунни топиб беришди. Афанди хурсанд бўлиб, хуржунни эшагига ортиб турганда бир киши сўради:

– Афанди, хуржунингиз топилмаганда қўлингиздан нима келарди?

– Қўлимдан нима келар эди? – деди Афанди. – Уйда бир эски гиламча бор, шунга бузиб, яна бир хуржун қилдириб олар эдим”.

Бу латифанинг бир неча варианты бўлиб, бирида воқеа саройда эмас, бозорда кечади, бошқасида хуржунини эмас, эшагини йўқотади, яна бошқасида “Қўлимдан келганини қиламан”нинг ўрнида “Билганимни қиламан” ва ё “Нақ отам қилган ишни қиламан!” деб “кўрқитади” у.

Ўйлаб қарасангиз, Афандининг билгани отаси қилган ишни қилишгина эмас. Унинг яхши биладигани – одам боласининг феъл-атвори. Хўжа Насриддин одамнинг феълига яраша муомала қилиб, ҳар қандай кўнгилга йўл топа олади. “Дам остидан, дам

устидан” деганларидек, гоҳ “паст келади”, гоҳ “осмондан келади”. Ҳар икки ҳолатда ҳам ниятига етмай қўймайди. Афанди подшо саройи ва ё бозорда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш, жумладан, ўғри-каззоб ва юлғич-мутаҳамларнинг танобини тортиш йўлларини ҳам, табиийки, яхши билади. Лекин у ўғрилиқ авж олиб, ўзи хуржундан ажраган саройдаги саройбонларга “*Ҳали қараб турларинг, сен ўғриларни тавбаларингга таянтираман!*” қабилида ошкора ва кўпол эмас, балки эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада силлиқ ва сирли, тагдор ва маъноли тарзда дов сўқади. “Кўрққанга қўша кўринади”, “Сезиги бор секиради” ва “Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан” деган истеҳзоли гаплар бежиз айтилмаган. Саройда ва ё бозорда ўғрига эрк бериб қўйган, демакки, аслида, унга шерик бўлган нопок кимсалар, табиийки, қарға-қузгундек бир чўқиб атрофга ўн қарайдилар. Улар, айниқса, Афандининг “ҳар балони биладиган билагон” эканидан ҳам яхши хабардор. Шунинг учун “*Қўй, тинчлик керак, шунга хуржунини қайтариб қутулайлик!*” дея, ўғирланган хуржунни топиб берадилар ва, табиийки, Афандининг айнан нимани билишини ўсмоқчилаб сўрайдилар. Лекин Афанди сир бой бермайди. Азбаройи қизиқчилик учунгина ўз билганининг мингдан бирини маълум қилади, холос.

Афандининг нақадар билгамиш-донииш-мандлиги қуйидаги латифада “бор бўйи билан” намоён бўлади:

“*Подшонинг ўрдасига учта савдогар меҳмон бўлиб тушди. Улар ўрдада бир неча кун тургач, подшога биттадан саволлари борлигини билдирдилар. Подшо уларнинг саволларини тинглаб, жавоб беролмади ва юртидаги уламою фузалони чақиртириб келди. Меҳмонларнинг саволига улар ҳам жавоб беролмадилар. Подшо шу савдогарларнинг саволига жавоб берадиган ақлли одам юртимда қуриб кетдими, деб ғазабини сочган эди, бир киши ўрндан туриб унга арз этди:*

– Буларнинг саволига Насриддин Афандидан бўлак ҳеч ким жавоб беролмайди. Мумкин бўлса, Афанди чақиртириб келинса.

Подшо ясовулга Афандини дарҳол топиб келишни буюрди. Афанди эшагини тўқимлаб, қўлига таёғини олиб, ўрдага келди ва эшагидан тушмай, тўғри подшонинг олди-га кириб борди:

– Хўш, подшо, йўқлатмоқдан не муддао?

– Мана шу меҳмонларнинг саволларига жавоб топасиз, – деди подшо.

Афанди саволларга қулоқ тутди. Меҳмонлардан бири савол берди:

– Ер юзининг ўртаси қаерда?

Афанди дарҳол ўрнидан туриб, таёғи билан кўрсатди:

– Мана шу эшагимнинг олдинги ўнг оёғи турган жойда.

Саросимага тушган меҳмон яна савол берди:

– Қаердан биласиз бу ердалигини?

– Ишонмасанг, ўлчаб кўр. Агар бир газ ортиқ бўлса, кейин сўзлашамиз.

Савол берувчи меҳмон бу жавобга нима дейишини билмай, индамасдан қолди. Афанди иккинчи меҳмондан савол беришни сўради.

– Осмондаги юлдузлар қанча?

– Эшагимнинг баданидаги жуни қанча бўлса, юлдузлар сони ўшанча.

– Нима билан исбот қиласиз? – деб жаҳлланди меҳмон.

– Ишонмасанг, эшагимнинг жунини биттадан юлиб санагин. Кейин кечаси юлдузлар чиққанда уларни ҳам санаб кўр. Битта ортиқ ёки кам чиқса, кейин сўзлашамиз.

– Эшакнинг жунини ҳам санаб бўладими?

– Эй нодон! Осмондаги юлдузларни ҳам санаб бўладими?

Бу гапни эшитиб иккинчи меҳмон ҳам дамани чиқаролмай қолди. Афанди учинчи меҳмондан савол кутди.

– Соқолим неча тола? – деб сўради учинчи меҳмон.

– Эшагимнинг думида нечта жун бўлса, соқолинг толаси ҳам ўшанча.

Учинчи меҳмон ҳам мот бўлиб, шериклари каби Афандига тан берди.

Мураккаб саволларга ёшу қари оппа-осон тушунадиган даражада содда ва лўнда жавоб беришни катта-катта олимлар ҳам уддалаёлмайдилар. Ҳозирги вақтда илм-фанни оммавийлаштириш, яъни кенг оммага тушунарли тарзда тақдим этиш мақсадида “оммабол фан” (“популярная наука”) туркумида китоблар нашр қилинаётгани бежиз эмас. Хўш, Афанди биринчи савдогарнинг саволига нимага асосланиб “Ер юзининг ўртаси эшагимнинг олдинги ўнг оёғи турган жойда!” демоқда? Гап шундаки, ҳамма уламою фузало ечолмаган муаммони Афанди ҳал этишидан умидвор бўлиб кўз тикиб турган экан, демак, Хўжа Насриддин Ер юзидаги энг ақлли-билгамиш зотлардан бири экан-да! Бинобарин, Афанди минган эшакнинг олдинги ўнг оёғи босилган жой ўз-ўзидан Ер юзининг ўртасига айланади-да, шундай эмасми? Достонларда “тақа отни асрайди, от ботирни асрайди, ботир элини асрайди” деган ҳикматли гап учрайди. Бир замонлар “Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро куббати исломи дин аст” дейишган. Чунки етти иқлимнинг фозил зотлари Самарқанду Бухорога баайни сувдек оқиб келиб, ўрнашиб-ўтроқлашиб, бу шаҳарларни оламнинг сайқали ва ислом илмининг куббаси, яъни чўққисига айлантирганлар. Худди шундай бир вақтлар Европада “Барча йўллар Римга элтади” деган нақл кенг тарқалган. Қадимги Рим империяси маданият ва илм-фан бўйича дунё марказига айлангач, ўз-ўзидан Ер юзидаги барча йўллар унинг бош кентига олиб борган-да. Демак, Афандининг жавоби – буюк жаҳонгашта алломанинг, йигирмадан ортиқ эллар қахрамонининг дунё кеза-кеза чиқарган мантиқий хулосаси! Қани эди, бугун ҳам Афанди маркабининг ўнг оёғи жонажон Ўзбекистонимиз заминини босиб турган бўлсаю нафақат Самарқанду Бухородек қадимий шаҳарларимиз, балки бутун мамлакатимиз тагин оламнинг марказига айланса! Оққан дарё оқмай қолмас, дейдилар, иншооллох, шундай бўлади!



## AQL va NAQL

ёхудо

### илми калом тарихи ва тадрижи хусусида

Одам алайҳиссаломдан бошлаб туширилган самовий динларда ибодат ва муомалотга доир ҳукмлар инсонларнинг эҳтиёж ва зарурати юзасидан ўзгариб турган. Лекин Оллоҳнинг бирлиги, фаришталар, пайғамбарлар, жаннат ва дўзах каби эътиқодий қарашлар собит ҳолда етиб келган. Эътиқод – ақида барча илоҳий динларнинг маъзи саналади. Хусусан, ислом динида ушбу билим соҳаси “калом илми” деб аталади.

**ТАРИХ** Дунёда бахтли ҳаёт кечириш ва охиратда жаннатга ноил бўлиш – ҳар бир мусулмоннинг орзуси. Бунга эришмоқ учун эса Яратувчини таниш ва Унинг буйруқларини адо этиш талаб этилади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай хабар берилган: “Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (*Зорийёт сураси, 56-оят*). Оллоҳ таолога ибодат қилишнинг моҳияти ҳам, Уни танишнинг асоси ҳам ақоид илмида баён қилинган-

ни боис, у билимларнинг олийси саналади. Алломаларнинг таъкидича, ушбу илми ўрганиш ва унда баён этилган қоидаларга риоя этиш саодат келтирса, ундан йироқлашув дунёю охиратни бой беришга сабаб бўлади.

Сўфи Оллоёр илми каломнинг мўмин учун сув билан ҳаводек зарурлигини бундай ифодалайди:

*Ақида билмаган шайтону элдур,  
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.*

Яъни, мўмин тўғри эътиқодда бўлмас экан, минг йил ибодат қилса-да, фойдасиздир. Демак, нотўғри эътиқоддаги кишининг ибодати қабул бўлмайди, соф эътиқоддаги кишининг эса озгина амали ҳам кўпдан-кўп савоб келтиради. Энг асосийси, ақида яқдиллиги инсонларнинг бирлигига сабаб бўлади, уларни тафриқаю фитналардан асрайди.

Оллоҳ таоло Ер юзини ислом нури билан мунаввар қилгунга қадар одамлар тур-

ли-туман ақидалар билан яшаган. Минтақа бўйлаб кенг тарқалган йирик динлар ҳам ақл бовар қилмас афсоналар билан тўлиб-тошган. Арабистон яриморотида эса асосан ширк ақидаси ҳукм суради. Одамлар ўз қўли билан ясаган буту санамларга “худо” деб топинади.

Ислом дини ботил эътиқодларнинг ба-рини ислоҳ эта бошлайди. Муслмонлар ўз ақидасини Пайғамбаримиз Муҳаммад сол-лаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилина-ётган оятлар ва у зотнинг ҳадислари асоси-да мустаҳкамлаб боради. Илк ислом даври-да Қуръоний билимлар ҳали алоҳида илм соҳаси сифатида шаклланмаган. Саҳобалар маъносини тушуниш мушкул бўлган мута-шобиҳ оятлар борасида Расулulloҳга (с.а.в.) кўплаб саволлар берар эканлар. Жалолид-дин Суютий “Савн ул-мантиқ вал-калом ан-фанн ил-мантиқ вал-калом” асарида ёзиши-ча, исломнинг илк даврида ихтилофлар авж ола бошлагач, Расулulloҳ (с.а.в.) мўминлар қалбига шак-шубҳа тушишига сабаб бўла-ётган муташобиҳ оятлар ҳақида баҳс юри-тишни тақиқлаб қўйганлар. Аммо манбалар-да айрим ақидавий ихтилофлар сабаб ўша даврданоқ калом илмига эҳтиёж пайдо бўла бошлагани қайд этилган.

Расулulloҳ (с.а.в.) вафотидан кейин му-слмонлар орасидаги илк ақидавий торти-шувлар ҳазрати Али розияллоҳу анҳу даври-да кузатилган. Баҳслар хаворижлар фирқа-си билан ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ва у кишининг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу каби яқин сафдошлари ўртасида кеч-ган. Яъни катта саҳобалар давридаёқ ақи-давий баҳслар олиб бориш зарурати пайдо бўлган. Гап шундаки, бу даврда турли ақида ва фалсафа эгалари ислом динига киргани туфайли уларга бирор масалани фақат оят ёки ҳадис асосида тушунтириш мушкул бў-либ, ўзига хос тарзда муомала қилинган.

Тобеинлар (саҳобаларнинг издошлари) даврига келиб ҳолат янада мураккаблаша-ди. Имом Ҳасан Басрий ақида борасида дарслар ўтар экан. У зотдан сабоқ олган шогирдларидан бири Восил ибн Ато узози

билан гуноҳи кабира қилган кишининг ҳукми юзасидан тортишиб беадаблик қилади ва кейинчалик мўътазилийлар мазҳабига асос солади (*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. Тошкент, “Hilol-nashr”, 2013. 12-13-бетлар*).

Жаъд ибн Дирҳам (ваф. 743 й.) “Қуръон яратилган – махлуқ” деган фикрни ҳамда инсонда ирода эркинлиги каби масалалар-ни илгари суради. Унинг фикр-қарашларини шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 йил Марвда Ҳорис ибн Сурайж бошчилигидаги кўзғолон-да иштирок этгани учун қатл қилинган) давом эттиради. Ибн Сафвон кейинчалик “жаҳмия” фирқасини шакллантиради.

Ўша даврда мўътазилийлар ўз қарашла-рини баён этувчи китоблар ёзиб, Аббосий-лар давлати уларни ҳимоясига олгач, ўз ғоя-ларини одамларга сиёсий босим ва куч би-лан ўткази бошлайдилар. Уларнинг Қуръони карим махлуқ экани ҳақидаги даъвоси катта жанжалларга сабаб бўлади. Бошқа фирқа ва тоифалар ҳам соф исломий ақидага путур етказиш йўлига ўтиб олади.

Ислом динида турли фирқа ва оқимлар-нинг пайдо бўлиши ҳадиси шарифда ҳам хабар қилинган. Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: “Яҳудийлар етмиш бир фирқага, насронийлар етмиш икки фирқага бўлиниб кетган эди. Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Улардан битта-сигина нажот топиб, омон қолур, қолганлари эса дўзах аҳлидир”.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда баён этилишича, Пайғамбар (с.а.в.) “Умматим асло залолат устида жам-ланмайди. Шунинг учун қачон (умматим ўрта-сида) ихтилофни кўрсангиз, савод ул-аъзам (катта жамоат) билан бирга бўлинглар”, деганлар. Уламолар ушбу ҳадисда ёдга олин-ган савод ул-аъзам жамоаси бу аҳли сунна вал-жамоадир, дея хулоса қилганлар.

## ТАҒСИЛОТ

Саҳиҳ эътиқодда бўлмоқ учун тўғри йўлдан озган фирқа ва оқимлар ҳамда уларнинг хато қарашларини билиш лозим. Шу боис калом илми устозлари ўз китобларида адашган

фирқа ва оқимларни алоҳида зикр қилганлар. Калом илмига ихтисослашган диний уламолар “мутакаллимлар” деб аталган. Мутакаллимлар ақидавий масалаларни ечишда нақлий (Қуръон ва ҳадис) далиллар билан бир қаторда ўз тафаккури, яъни ақл-идрокига ҳам суяниб иш тутган. Шу тариқа улар илмий масалаларни ақлий ва нақлий далиллар уйғунлигида ҳал этганлар.

Ислом уммати ичида юзага келган ақидавий ихтилофларнинг бир неча сабаби бор. Аввало, ғаразғўй кимсалар мудом уммат бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва осойишталигига раҳна солиш мақсадида зиддиятлар келтириб чиқарган. Масалан, Усмон розияллоху анху даврида асли яманлик яҳудий Абдуллох ибн Саба зоҳиран исломни қабул қилиб, динга соф ақидага зид қарашларни олиб киришга уринади. У “Пайғамбар ўзидан кейин мусулмонларга бошлиқ бўлишни ҳазрати Алига васият қилган, ундан олдинги учта халифа раҳбарликни ноҳақ қўлга киритган. Барча мусулмонлар ушбу ҳақни ўз эгасига қайтаришга ёрдам бериши вожибдир”, деб даъво қилган. Шу каби бўҳтонларни ёйишга уринган Ибн Саба мусулмонлар яшайдиган вилоят ва шаҳарларга сафар қилиб, Миср, Куфа ва Басрадан тарафдор йиққан. Ушбу фитна оқибатида Усмон розияллоху анху шаҳид этилган, мусулмонлар ўртасида илк Жамал (туя) уруши рўй берган (*Доктор Мустафо Шакъа. Ислам била мазоҳиб. Қоҳира, “Дор ал-мисрия ал-лубнания”, 1987. 115-121-бетлар*).

Динда ғулувга кетиш, мўътадилликдан чекиниш ва билимсизлик ҳам ихтилоф сабабларидан саналади. Ўтмишда хаворижлар гуноҳи кабира қилган кишини кофирга чиқариб, унинг қонию молини ҳалол санаганлар (таассуфки, бундай адашган тоифалар ҳозир ҳам мавжуд). Оқибатда кўплаб беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилган, мулки талон-торож этилган. Фатҳлар даврида мусулмон ерларининг беҳад кенгайиб кетгани ҳамда олис-яқин ўлкалар аҳолиси исломга киргани ҳам эътиқодий масалаларда турли зиддиятлар юзага келишига сабаб бўлган.


Ана шундай оғир паллада соф ислом ақидасини сақлаб қолишга бел боғлаган алломалар етишиб чиқади. Улар Қуръони карим ва суннат таълимоти асосида ҳамда саҳобалар услубида ақида масалаларини ҳал эта бошлайдилар. Уларга “аҳли сунна вал-жамоа” номи берилади. Кейинроқ аҳли сунна вал-жамоанинг ақида бобидаги таълимоти тўплаб, тартибга солинади. Шу тариқа ақидавий мазҳаблар шаклланади. Абу Мансур Мотуридий (875–999) ва Абул Ҳасан Ашъарий (ваф. 955) аҳли сунна вал-жамоанинг ақида бўйича имомлари дея тан олинади.

### ТАЪРИФ

“Ақида” арабча сўздан олинган бўлиб, “ақд” – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш маъносини билдиради. Мазкур калима истилоҳ сифатида ислом динидаги ишониш ва қалб билан тасдиқланадиган муҳим масалаларни англатади. Ақида – ислом динининг асос-тамалидир. У илм соҳаси сифатида имон масаласининг асосий ҳукмларини тушунтириб беради. Қисқа қилиб айтганда, ақоид – Қуръони карим ва суннати шариф доирасида имон асосларидан сўз юритувчи, эътиқодий ҳукмларни баён этувчи таълимот. Ушбу илмни ўрганишдан кўзланган мақсад эса эътиқодий масалаларни қатъий далиллар билан исботлаш ва шубҳаларни рад қилиш, мўминни тақлид қилишдан далил келтира олиш даражасига кўтариш, соф эътиқодни залолат аҳлининг янглиш ғояларидан муҳофаза қилишдан иборат.

Мусулмон киши шариат ҳукмларини эътиқодига кўра ҳаётга татбиқ қилади. Бу жиҳатдан ислом уч қисмдан ташкил топади: эътиқодий ҳукмлар; амалий ҳукмлар; ғўзал хулқлар.

Эътиқодий ҳукмлар – мусулмон кишининг ишониши, қалбини уларга мустаҳкам боғлаши лозим бўлган тушунчалардир. Бу ҳукмлар аввалида Оллоҳ таолонинг биру борлигига, комил сифатлар билан мавсуф эканига имон келтириш туради. Қолаверса, Оллоҳнинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшилиғу ёмонлик Ундан эканига ва қайта тирилишга имон келтириш ҳам ислом ақоидининг асоси ҳисобланади.



*Ақида имоми Абу Мансур ал-Мотуридий мақбараси*

Амалий ҳукмлар деганда мусулмон кишининг ўзига нима фойдали ва нима зарарли эканини билиб бажариши лозим бўлган ҳукмлар тушунилади. Эътиқодий ва амалий ҳукмлар пойдевор ҳамда унинг устига қурилган иморатдек бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Эътиқодий ҳукмларда банданинг Оллоҳ таоло билан робитаси тартибга солинса, амалий ҳукмларда унинг жамият вакиллари ва бутун борлиқ билан бўладиган алоқаси акс этади. Таъкидлаш жоизки, эътиқодий ҳукмларни ўрганмасдан амалий ҳукмларни ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Мусулмон кишининг покиза эътиқод ва собит амалларда экани эса унинг гўзал хулқида намоён бўлади.

**ТАВСИФ** Ақоид илми тарихда турлича аталган. “*Фиқҳ ул-акбар*” (катта фиқҳ) ушбу илм соҳасининг дастлабки номларидандир. Ҳанафий мазҳаби имоми Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ (ваф. 767 й.) ақоидга бағишланган асарини “*Ал-Фиқҳ ал-акбар*” деб номлаган. Бу ақоид илми бўйича ёзилган дастлабки китоб дея эътироф этилади.

Ақоид илми барча диний илмларнинг пойдевори экани боис у “*усул уд-дин илми*” деб ҳам аталган. Ушбу атамани биринчи бўлиб ашъария таълимотининг асосчиси имом Абул Ҳасан Ашъарий истифода этган. Бу зот ақоидга оид китобини “*Ибанату фи усул ид-дияна*” (“Эътиқод асослари баёни”) деб номлаган.

Мўътабар манбаларда ушбу илм соҳаси “*тавҳид ва сифатлар илми*”, “*тавҳид илми*”, “*назар ва истидлол илми*” (“*фикр юритиш ва далил излаш илми*”), “*калом илми*” номлари билан ҳам зикр этилган.

**ТАДРИЖ** Ҳижрий иккинчи (милодий VIII) аср бошларида мусулмонлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар янги босқичга чиқади. Турли фирқалар ўртасида “*Фалон масала ҳақида калом*” деган ном остида тортишувлар авж олади. Шу боис аҳли сунна вал-жамоа уламолари дастлаб “калом” билан шуғулланмоқдан қайтарганлар. “*Шаръий масалаларни ечишда нақлий далиллар (Қуръон ва ҳадис) кифоя*” деб ҳисоблаган уламолар нақл билан бир қаторда ақлий тафаккурга ҳам ўрин ажратган калом илмини ёқламаганлар.

Калом илмига дастлаб қуйидаги уламо-лар салбий муносабат билдирганлар. Абу Ҳанифа: “Амр ибн Убайдни Худо урсин. Чунки калом илмига эшикни айнан у очиб берди”. Абу Юсуф: “Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни тарк этиш эса илмдир”. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон саодатга эришмас”. Абул Лайс Ҳофиз: “Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташлансин”.

Калом илмига қарши чиқиб, уни ўрганишни ман қилган уламолар шундай далил келтирганлар: Оллоҳ ва унинг Расули тортишувдан қайтарган. Хусусан, Қуръони каримда муташобих оятларга эргашиб чуқур кетувчилар “дилларида оғиши борлар” деб қораланган.

Бу далилга калом илми уламолари қуйидагича жавоб берганлар: Тўғри, шариат муташобих оятларга эргашиш ёки инсон идроки ожизлик қиладиган масалаларда ақлий баҳс юритишдан қайтарган. Аммо булардан бошқа эътиқодий масалалар тўғрисида муҳкам (маъноси очиқ-равшан) оятлар, саҳиҳ суннат ва соғлом ақл билан баҳс юритиш асло ман қилинган эмас. Аслида, ҳақ йўлдаги тортишув вожиб ёки мустаҳаб иш ҳисобланади. Қуръони каримда ҳам Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми билан узоқ баҳс-мунозара қилгани баён этилган.

Имом ул-Ҳарамайн, Ҳулаймий, Байҳақий, Ғаззолий, Нававий ва Ибн Асокир каби уламолар бу илми ўрганиш фарзи кифоя ҳукмида бўлишини айтганлар. Абул Ҳасан Ашъарий ушбу масалага бағишлаб “Истаҳсан ул-ҳавзи фи илм ил-калам” (“Калом илми билан шуғулланишни дуруст деб ҳисоблаш”) номли асарида калом илмига қарши чиққанларнинг далилларига жавоб берган.

Ушбу баҳслардан аён бўлмоқдаки, “калом илми” деганда иккала тараф ҳам битта нарсани назарда тутмаган. Шунга кўра, табиий равишда бир-бирига зид ҳукмлар айтилган. Аслида, калом илмига бўлган салбий муносабат замирида мусулмон ола-

мида пайдо бўлган мўътазила таълимотига қарши кураш ётади.

Кейинчалик ғулувга кетишнинг хатари баён этилгани ҳолда, Қуръон ва суннатга асосланиб калом илми билан шуғулланишга изн берилган. Яъни энди мазкур илми буткул рад этишдан уни жоиз ва ножоиз турларга ажратишга ўтилган.

Калом уламолари ақлий далиллар дин асосларининг саҳиҳлиги ва ҳақлигини билимсизларга тушунтириш учун зарурлиги; ислом ақл юритиш эмас, фақат тақлид қилиш, эргашиш дини дея даъво қилиш Қуръони каримга зид эканини исботлаб берадилар.

Шу тариқа ушбу илм соҳасига муносабат ўзгаради. Мотуридия таълимотининг машҳур вакили Абул Юср Паздавий шундай деган: “Калом илми фарзи айн бўлган усул уд-диннинг (дин асослари) шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқодлилардан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир”. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий эса: “Ҳаж зиёратига борувчиларни йўлтўсар қароқчилардан ҳимоя қилиш учун кўриқлаб борувчи соқчилар зарур бўлгани каби, чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодини турли бидъат ва янглиш ғоялардан муҳофиза этмоқ учун калом илмини ўрганиш вожибдир”, деб ёзган. Саъдиддин Тафтазоний “Мақосид ут-толибин” (“Талабалар мақсадлари”) номли асарида бундай шарҳ берган: “Калом илми – диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-уқубатдан халос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир” (Оқилов С. *Калом илми. Тошкент, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. 7-11-бетлар*).

Ақида ўта ишончли илмга асосланган бўлиши лозим. Хурофот, хаёл, илҳом ва саёз илм билан ақида собит бўлмайди. Мусулмон

уламолари илми “ҳақиқатни худди воқеликдаги каби идрок этиш” деб таърифлайдилар. Исломда ҳар бир нарсанинг илмий асосда бўлиши таъкидланган. Зеро, ислом – илм динидир. Илмий асосга урғу берилишининг бош сабаби эса диний ақида саналади. Агар ақида бўлмаганда, мусулмонлар илмга бунчалар эътибор бермаган бўлардилар. Бунга Қуръони каримнинг кўплаб оятларидан далил келтириш мумкин. Оллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшаларнинг барчаси сўралажак нарсалардир” (*Исро сураси, 36-оят*).

### ТАРАҚҚИЁТ


Манбалардан маълумки, ислом дини Мовароуннаҳрга кириб келган илк даврда аҳли сунна вал-жамоа билан бирга турли фирқа ва мазҳаб вакиллари ҳам мавжуд бўлган. IX асрга келиб эса, ўлкамизнинг асосий шаҳарлари ҳанафий мазҳабида эди. Шу тариқа кейинги асрларда Мовароуннаҳрда ҳам фикҳий, ҳам ақидавий таълимотда Абу Ҳанифанинг йўлини тутган забардаст уламолар етишиб чиқади.

Ўша давр ҳукмдорларидан Исмоил Сомоний Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари олимларини ҳузурига чорлаб, исломнинг ақидавий таълимотини яхлит тизимга келтиришни буюради. Шу тариқа аллома Ҳаким ас-Самарқандий “Ас-Савод ал-аъзам” номли асар ёзади. Диримизда калом илми ривожига Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (IX аср), Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр Жузжоний, Абу

Наср Иёдий, Абу Мансур Мотуридий каби олимлар катта ҳисса қўшадилар.

Оққан дарё оқмай қолмас, дейишади. Бугун ҳам юртимизда ислом илмларини ўрганиш, аллома боболаримиз битган мўътабар манбаларни чуқур тадқиқ этиш, халқимизда соф ва покиза эътиқодни шакллантириш борасида эзгу ишлар давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида ақида мактаби, Самарқанд вилоятида ҳадис ва калом мактаблари, Бухорода тасаввуф мактаби, Марғилонда фикҳ мактаблари ташкил этилди. Хусусан, ақида ва калом илми мактабларида юртимиздан етишиб чиққан мутакаллим алломаларнинг асарларидан сабоқ берилмоқда, долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

2017 йили Вазирлар Маҳкамасининг калом илми намоёндаси, бобокалонимиз Абул Муин Насафийнинг бой меросини чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишга оид қарори чиқди. Алломанинг “Табсират ул-адилла” асари таржима қилиниб, тўрт жилдда нашр этилди. Бундан аввалроқ илм толиблари қўлига Насафийнинг “Китоб ут-тамҳид ли қа-воид ит-тавҳид” (2006) ва “Баҳр ул-калом” (2013) асарлари таржимаси ҳам етиб борган эди. Юртимизда ақида илми тадқиқиға алоҳида эътибор берилмаётгани бежиз эмас. Зеро, ақл ва нақл мунозаралари ҳали-ҳамон давом этмоқда. Ғоявий курашлар тобора кучайиб бораётган бугунги даврда ақида софлигини сақлаш илм аҳлининг муҳим вазифаси бўлиб қолаётир.



# Bir Bayt Balog'ati

## Ҳазрати факт

Сенга таъзим қиламан, ҳазрати факт!

Ҳақиқатга етаман, деган ҳар бир чин олимнинг чин шиори шу бўлиши керак. Чунки фан факт билан тирик. Илмда ҳамма нарсани у ҳал қилади. Факт эса аниқлик талаб этади. Аниқликка эришиш учун изланиш зарур. Аммо баъзан, ҳар қанча изланганингиз билан, калаванинг учини тополмай, доғда қоласиз. Шундай бўлди ҳам...

Ғайбулла Ҳожиёв деган таниқли актёри-миз бор. Боболари шоир ўтгани учунми, ишқилиб, бу кишичалик ўзбекча-тожикча кўп шеър ёд биладиган, уларни завқ-шавқ билан, кифтини келтириб, вазнига тушириб айтадиган актёр кам топилади. Ширали, устоз Олим Хўжаёвни ёдга соладиган мунаввар овози бор эди. Кутилмаганда инсулт деган дард илашдию ўзини ҳам қийнади, шундай ноёб товушидан ҳам қарийб маҳрум этди.

Камина бу дардга чалинганини негадир жуда кеч эшитдим (беморлар ҳолидан хабар олиш борасида мақтанадиган даражада бартариб ҳам эмасман). Уйига кўнғироқ қилсам, Бухорога – опасиникига ҳаво алмаштиргани кетганини айтишди. Телефон орқали бўлса

ҳам ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Орада яна бир-икки боғланиб турилди.

Тошкентга қайтганини эшитиб, уйига бордим. Узр сўраган бўлдим. "Йўқ, ака, узр сўрашга ҳожат йўқ, сиз кўнғироқ қилиб, кўнглимни кўтариб турдингиз-ку. Бобомдан эшитган бир шеърни айтайми?" деди-да, бир байт ўқиди:

*Ту бо манӣ, дар Яманӣ – пеши манӣ,  
Ту бе манӣ, пеши манӣ – дар Яманӣ.*

Минг йиллик туркий-форсий шеърятда учрайдиган кўплаб шоҳбайтлардан озми-кўпми бохабар мухлис сифатида ростини айтаманки, бу қадар жарангдор, сероҳанг, қолаверса, драматик ҳолат кескин қарма-қаршилиқ билан ифодаланган байтни кам эшитганман.

Таржимаси: "Сен (руҳан) мен билан (бирга) бўлсанг, Яманда юрсанг-да, (сени худди) ёнимда юрган дея ҳис қиламан. Сен (руҳан) мен билан (бирга) бўлмасанг, ёнимда юрсанг-да, (сени худди) Яман(дек узоқ мамлакат)да юрган дея ҳис қиламан".

Боз устига, Ғайбулла Ҳожиёв уни айни мавридида, икки биродар ўртасидаги муно-

сабатни ифодалаб айтдики, ҳазрат Навоий таъриф этганидек, бундай шеър ўқимоқ минг мисра янги шеър айтмоқдан устундек эди.

### **“Айтмоқ” – бошқа, “ўқимоқ” – бошқа**

Шарқда шеър битиш қадимдан улуғ ша- раф ҳисобланган. Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида назмнинг насрдан устунлиги- ни асослай туриб, бундай ёзади: *“Бўлмас эъжоз мақомида назм, / Бўлмас эди Тенгри каломиди назм”*.

Демак, мўъжиза саналган Қуръони карим- даки назм борми, билинги, у буюк санъат экан.

Шунинг учун ҳам бобокалон шоиримиз яшаган теурийлар замониди шеърни идрок этиш ва шеър битиш юксак маданият бел- гиси ҳисобланган. Теурийзодалар орасиди шоирлар кўп эди. “Мажолис ун-нафоис” таз- кирасининг еттинчи мажлиси – айнан ана шу амирзода шоирлар ҳақида.

Навоий рўйхат бошига Соҳибқирон Амир Темур номини битади. Бу улуғ ҳукмдорнинг шеърий таъби ҳақида ул зот бундай дейди: *“Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмай- дурлар, аммо назму насрни андоқ хўб маҳалу макъеъда ўқубтурларким, анингдек бир байт ўқуғани минг яхши байт айтқонча бор”*.

Сўнг Амир Темурнинг эсига келиб қолиб, вазиятга мос тушгани учун ўқиб юборгани бир мисра воқеаси баён қилинади. Соҳибқирон- нинг ўғли – Мироншоҳ Мирзо Табризда ички- ликка берилиб кетади. Отасига бунга унинг уч надими, яъни маслаҳатчиси – Хожа Абдулқо- дир, Мавлоно Коҳий ва устод Қутб Ноий са- бабчи экани етказилади. Ҳукмдор иккиланиб ўтирмай шаҳзодани Шайтон йўлига ундаган бу мулозимларнинг бошини келтиришни бую- ради. Аммо “Қирқ йил қирон келса, ажали ет- ган ўлади”, деганларидек, Хожа Абдулқодир жазодан қочиб, қаландар қиёфасиди юрт- ма-юрт кезиб, жон сақлаб юради. Соҳибқи- рон Ироққа юриш қилганида қочоқ мулозимни тутиб, унинг ҳузурига келтиришади.

Воқеанинг давомини Навоий қуйидагича ҳикоя қилади: “Ул ҳазрат тахтда эрдилар- ким, Хожайи фақирни девоналикқа қўймай, судраб, тахт иллайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг

камолотидин бири Қуръон ҳифзи эди ва Қуръон ўқимоқ бунёд қилди- ким, ул ҳаз- ратнинг ғаз- би лутфқа му- баддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мис- рани ба вақт ўқудиким:

Абдол зи бим чанг бар Мусҳаф зад”  
(Алишер Навоий. *Мукаммал асарлар тўп- ламиди. 20 томлик. 13-том. Тошкент, “Фан”, 1997. 163-164-бетлар*).

Демак, Хожа Абдулқодир Амир Темур ға- забга миниб, уни қатл эттиришга ҳозир турган бир маҳалда Қуръон тиловат қилиб, ҳукмдор- нинг ғазабини лутфга айлантиришга эришади. Шундан сўнг Соҳибқирон бу маҳқумнинг гуно- ҳидан ўтиб, унга илтифот ва тарбиятлар кўр- сатиб, “мажлисида надим ва мулозим қилади”.

Аввало, бу воқеа – Амир Темурнинг бағо- ят марҳаматли зот эканига ёрқин бир ми- сол. Лекин бу ерда асосий гап – Навоийнинг “ўқуған” билан “айтқан” сўзларини бир-би- ридан ажратиб қўллаётганида. Баъзилар шу нозик лисоний фарқни инобатга олмай, Темур ўқиган мисрани, бадиҳа йўли билан тўқилган шеърий сатр, деб тушунтиряпти. Ҳолбуки, Навоий тилида “ўқимоқ” фақат би- ровнинг шеърини ёддан айтмоқни, “айтмоқ” эса янгидан шеър тўқимоқ – ижод қилмоқни билдиради. Навоий бу ўринда Амир Темур бошқа бировнинг шеърини ҳаётий воқеага жуда мос тарзда ишлатганига ишора қилган.

Ҳўш, унда Соҳибқирон ўқиган мисра ким- нинг қаламига мансуб? Марҳум академик Бо- тирхон Валихўжаевнинг аниқлашича, у мис- ра – Абу Али ибн Синога замондош бўлган, яъни милодий 967–1049 йилларда яшаган хуросонлик Абусаид Абулхайр деган шайх қаламига мансуб рубоийнинг сўнгги сатри. Мазкур рубоийнинг шухрати шунчалар эди- ки, Хожа Аҳрор Валийга нисбат бериладиган “Рисолаи ҳавроия” асари тўлиқ ана шу тўрт



мисрали шеър шарҳига бағишланган. Бу рубоийга шарҳ битиш шу қадар расм бўлиб кетган эдики, Саййид Неъматуллоҳ Валий бу ҳақда уч, Амир Саййид Қосим Анвор ва Шайх Озарий эса биттадан рисола ёзган эди (Қаранг: *Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрор тарихи. Тошкент, 1994. 75-бет*).

### Бу болиғ байт муаллифи ким?

...Ўз-ўзидан, Ғайбулла Ҳожиёв ўқиган болиғ байтни ким битгани кишини қизиқтиради. Камина актёримиздан унинг муаллифини сўрадим. “Билмадим, бобом раҳматли кўп айтар эди. У киши шоир эди, лекин бу ўзларининг шеъри эмас. Ўтмишда ўтган қайсидир машҳур соҳиби қалам битган бўлса керак”, деди суҳбатдошим.

Ўрни келгани учун қистириб ўтай: Муҳаммад Сафо Махсум (1893–1975) – Ғайбулла Ҳожиёвнинг она тарафдан бобоси. 17 йил Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Кўп шеърлар ёзган бўлса ҳам, аммо шоирлик даъво қилмаган. “Шоирлик орқасидан қозон қайнатмайман”, деган экан у киши. Шўро сиёсатидан қўрққанидан ўзини саводсиз-омига солиб, Бухородаги Лаби Ҳовузда қирқ йил сомсапазлик қилган. “Махсуми самбўсапаз” ҳам деб аташган. “Ҳаётлигимда шеърларимни чиқарманглар, шеъримни бефаҳм одамлар олдида ўқиманглар”, деб айтган экан. Тожик ва ўзбек тилида ёзган шеърлари Ғайбулла Ҳожиёвнинг қўлида қолган.

Кўп асрлик форсий шеърят намуналари ичидан мазкур байт топилмади. Адабиёт билимдонларидан ҳам имкон қадар суриштирилди, улар ҳам мазкур сатрларни эшитмаганини айтди. Уринишлар бефойда кетди. Шундай шохбайтларни сўзларга мисол сифатида келтирган “Тожик тилининг изоҳли луғати”да ҳам айна байтни учратмадик.

Байтда биттагина калит калима бор. Бу – “Яман” сўзи. У “Яман” тарзда келган. Лекин фақат “ман” сўзига оҳангдошлиги учунгина келтирилмаган кўринади. Нима бўлганда ҳам, бу ерда гап Яман билан, бирор яманлик киши билан боғлиқ бўлиши керак.

Байт ҳақида фикрлашилганда, таниқли адабиётшунос ва таржимашунос Зухриддин Исомиддинов уни ўзбек тилига “Ироқда” ва “йироқда” сўзлари оҳангдошлигидан фойдалан-

ган ҳолда ўгириш мумкинлигини айтди. Аммо масала айнан Яман билан боғлиқ бўлса-чи?

### Калаванинг учи

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Қадам Бухорои шарифга борганда Мир Араб мадрасаси зиёрати ҳам ният қилинди. Остона ҳатлаб, дарвозахонанинг чап қўлдаги эшигидан гўрхонага кирсангиз, бир неча қабр бор. Мадраса қурилишида ташаббускор бўлган, ундан бор бисотини аямаган Мир Арабнинг ўзи ҳам – шу ерда мадфун.

Тиловати Қуръон, дуойи фотиҳадан кейин мадраса мударрисларидан бири Абдулғафур Раззоқ Бухорий бундай ҳикоя сўзлаб берди: “Шайхнинг оёқларида шу мадраса қурилишида бош-қош бўлган, унинг бир қисм маблағини кўтарган Бухоро хони Убайдуллоҳон ётибди. Асли яманлик Мир Араб ўз юртининг амирзодаларидан бўлган экан. Йигитлик кезлари нақшбандия тариқатига меҳр кўйиб, уни ўрганиб, бу борада камол истаб, тариқатнинг XV асрдаги буюк раҳнамоси Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийнинг ҳузурига – Самарқандга келган экан. Қисқа фурсатда у кишидан олган таълиму таҳсили ҳосил кўрсатиб, пир бу муридига иршод хати ёзиб берган экан. Ўттиз-қирқ йилдан бери Ҳазрати Эшоннинг хизматида бўлиб юрган бошқа муридлар кўнглида қизганиш ва ғайирлик пайдо бўлибди. Хожа Аҳрор буни сезиб қолиб, уларга қарата:

*Ту бо манӣ, дар Яманӣ – пеши манӣ,  
Ту бе манӣ, пеши манӣ – дар Яманӣ, –*

деган экан. Бу билан улуғ зот “Билим олиш учун масофа бирламчи эмас, иштиёқ, ният, мақсад, интилиш, меҳнат, истеъдод – бирламчи, Мир Араб Яманда юрган бўлса ҳам, илман ва руҳан менга яқин бўлган, сизлар ёнимда юрган бўлсангизлар ҳам, илман, руҳан Мир Араб даражасида менга яқинлашолмадингизлар”, демоқчи бўлган”.

Домла бу сўзларни айтиб турибди-ю, камина бир хум тилло топган гадойдек сим-сих қотдим-қолдим. Ахир, калаванинг учи топилган эди-да!

Мударрис бу байтни шариату тариқатдан таълим берган устози Сулаймонхўжа Мухтор ўғлидан (марҳум шоиримиз Омон Мухторнинг отаси), у киши эса устози ва пири

Ҳазрат Эшон Ҳабибуллоҳ Ахсавийдан (асли Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳудудидаги қадимий Ахсикент қалъасидан бўлган бу зотни Бухорода кўпроқ “Шоҳ Ахси” деб эслашади) эшитган экан.

Беш юз йилдан ошибдики, халқ шу икки сатрни ёдида сақлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб келаётганига қойил қолмай илож йўқ. Бир шоирнинг неварасига айтгани, бир олим-мударриснинг устозидан эшитганини эслаб қолгани шарофати билан биз бу байт-ни мулк эгасига, яъни халққа “қайтариш”да воситачи бўлдик.

### **Шариат – суврат, тариқат – сийрат**

Сухбатимиз бир байт таҳлили билангина тугамайди.

Масжид ва мадраса – шариатдан таълим берадиган масканлар. Хонақоҳларда эса тасаввуфий таълим-тарбия олинган. Масжид ва мадраса – ҳамма учун очик, хонақоҳ эса фақат тасаввуф йўлига кирган хос кишиларга мўлжалланган. Аммо тасаввуфнинг илғор сулуқлари, хусусан, нақшбандия “Аввал – шариат, кейин – тариқат, сўнг эса – ҳақиқат” деган қондани қаттиқ тутган. Мир Арабдек нақшбандий зотнинг маблагини айнан шариат ривожига, Бухоройи шарифда улуғ мадраса қуришга сарфлагани бизда тарихан шариатга амал қилишнинг аҳамияти нақадар буюк бўлганини исботлайди.

Мадраса қисман Бухоро хони Убайдуллохон (шоир Убайдий) инъом этган маблағ ҳисобига Шайх Саййид Абдуллох, яъни Мир Араб томонидан 1530-36 йилларда қурилган. Мир Араб мадраса битишидан сал олдин – 1536 йил бошида вафот этган, қурилиш ишини куёви Закарийё охирига етказган. 1537 йили Убайдуллохон ҳам вафот этган. Васиятига кўра, у пирнинг оёқ томонига дафн қилинган.

Боболаримиз шариатни – суврат, тариқатни – сийрат билишган. Аммо улар сийрат бе-суврат қўлга кирмаслигини яхши англаган.

### **Мир Арабнинг нури**

1945 йили Бухорода диний таълим муас-сасаси очиш учун шаҳардаги мадрасалардан бирини танлаш керак эди. Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон шариф шаҳарга келиб,

барча мадрасаларни айланиб чиқади. У киши бу ҳақда бундай деган: “Бухоронинг барча мадрасаларида бўлдим, аммо Мир Арабга кирганимда вужудимни қандайдир титроқ қуршаб олди, қалбимда бир илохий нур, ёруғлики ҳис этдим. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Ахир, бу ерга нақшбандия тариқати-нинг буюк вакили Саййид Абдуллох Яманий ҳазратлари туфайли илохий файз ёғилиб туриши – шубҳасиз” (Усмонхўжаев А. *Динимиз фидойилари. Бобохоновлар сулоласи. Тошкент ислом университети, 2011. 102-бет*).

Тадқиқотчи Амирсаидхон Усмонхўжаев-нинг яна ёзишича, Зиёуддинхон оталари – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Эшон Бобохонга бу таклифини айтади ва таклиф у зоти шарифга ҳам маъқул тушади. “Шундай қилиб, неча асрлардан буён илм нурини ёйиб-таратиб келган машхур мадраса гўё иккинчи умрини бошлагандек бўлади – у ерда таълим-тарбия жараёни қайта тикланади” (*ўша асар, 103-бет*).

Шарқ фалсафаси, бутун борлиқни бир-бутунлиқда кўр, деб таълим беради. Чиндан ҳам, жами олам – узвийлик ва вобасталикдан иборат.

Мухаммад Сафо Махсум – Ғайбулла Ҳо-жиев; Эшон Ҳабибуллоҳ Ахсавий – Сулай-монхўжа Мухтор ўғли – Абдулғафур Раззоқ Бухорий...

Хуллас, бир байт муаллифини беш улуғ зот вобасталигида аниқладик.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий – Мир Араб – Убайдуллохон – Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон...

Бир байт муаллифи ва унга асос бўлган шахс ҳақида ана шу зотлар вобасталиги орқали янада аниқроқ маълумотга эга бўлдик.

Боғистон – Тошкент – Самарқанд – Яман – Бухоро...

Бир байт баҳонасида хаёлан буюк Шарқ-нинг ана шу беш муқаддас маконига сайру саёҳат айладик.

Хулоса қилиш учун ана шу муштаракликларнинг ўзи ҳам етарли.

Рух яқинлиги жисм яқинлигидан минг чан-дон устун туради.

Рух – масофа билмас бир қудрат.

Ҳамма нарсани мақсад бирлиги ҳал қилади.

Мақсад бирлигигина икки шахс руҳий яқинлигига олиб келади.

## **TOSINI TESHGAN TOMCHILAR**

*Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан қувват олган “Адаб уд-дунё ва дин”, “Сеҳр ул-балоға ва сирр ул-бароъа”, “Хизанат ул-адаб” сингари арабий манбалар мутолаасидан туғилган таассуротларни ёндафтарга қайд этиб борар эдим. Улардан айримларини “Тафаккур” муштарийлари ҳукмига ҳавола этаётирман.*

Сиз келажагингизни ўзгартиришга қодир эмассиз, лекин одатларингизни ислоҳ эта оласиз. Бу эса келажакни ўзгартирмоқ йўлидаги илк қадамдир.

\*\*\*

Душманни мағлуб этишнинг энг осон йўли – уни дўст тутиш.

\*\*\*

Доим эсда тутинг: бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас, жумладан, бошингизга тушган мусибатлар ҳам.

\*\*\*

Биз ўйнаётган ўйин қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар биримиз машғулотга муҳтожмиз.

\*\*\*

Дунё мендан юз ўгирди деманг, балки  
ўзингиз унга терс ўгирилиб олгандирсиз.

\*\*\*

Ҳақиқий садоқат секин ўсадиган оғочга  
ўхшайди.

\*\*\*

Оллоҳ Ўз ҳикмати билан бандасига бир  
эшикни беркитса, Ўз раҳмати билан унга икки эшикни очади.

\*\*\*

Мағлубиятга сабр қилишдан кўра ғалабага сабр қилиш  
мушкулроқ.

\*\*\*

Душманингиз йўқми, демак... сиз омадсиз инсонсиз.

\*\*\*

Бўронда туғилган одамлар шамол эсишидан кўрқмайди.

\*\*\*

Олов билан олтин, олтин билан аёл, аёл билан эркак синалади.

\*\*\*

Инсоннинг ҳадеб ўзи ҳақида гапириши ўзига ишонмаслигини  
билдиради.

\*\*\*

Тулкининг тишлари ярқираганини кўриб, у табассум қияпти  
деб ўйламанг.



\*\*\*

Бошқаларга маҳзунлигим сабабини тушунтиргандан кўра,  
уларга ўзимни бахтиёр кўрсатиш осонроқ.

\*\*\*

Сўз дорига ўхшайди: меъёрида бўлса – кор қилади,  
кўпайтирсангиз – ҳалок этади.

\*\*\*

Жоҳилга ҳурлик бериш – телбанинг қўлига қурол тутқизиш  
билан баробар.

\*\*\*

Ишонч ўчирғичга ўхшайди – хато кўпайган сари ўчирғич  
кемтиклашиб боради.

\*\*\*

Ҳаётимда йўқотганларимнинг аксарини уларни йўқотишдан  
қаттиқ кўрққаним сабаб йўқотганман.

\*\*\*

Агар оғриқни сезсангиз, демак, тириксиз; агар ўзганинг  
оғриғини сеза билсангиз, демак, сиз инсонсиз.

\*\*\*

Айримлар фикр қашшоқлигини баландпарвоз гаплар билан  
яширишга уринади.

\*\*\*

Хулқ парда кабидир: агар у яхши бўлса, ёмонликларни  
беркитади, ёмон бўлса – яхшиликларни.

\*\*\*

Ўзинг қурт-қумурсқа каби яшашга кўнган экансан, ўзгалар  
оёғи билан босиб ўтса, нега хафа бўласан!

\*\*\*

Қаноат бамисоли кўзойнак, уни тақсангиз, ҳаёт тиниқ ва  
гўзал кўринади.

\*\*\*

Қайғу чўзилиб кетса, ноумид бўлманг. Шодлик она қорнидаги  
ҳомилага ўхшайди. У муддатдан олдин дунёга келса, нобуд  
бўлиши тайин. Бас, шодликнинг вақти соатида дунёга  
келишини кутинг.

\*\*\*

Бу ҳаётда гўдакнинг қалби ва кексанинг ақли билан яшаш  
даркор.

\*\*\*

Одамлар фақат тушунганларинигина гапирсалар, дунёда  
тоқат қилиб бўлмас сукунат вужудга келар эди.

\*\*\*

Қалб қудуқдир, тил эса – челақ. Қудуқда бори челақка чиқади.

\*\*\*

Ишлатилмаган темир занглайди, ҳаракатланмаган сув  
айнийди, истифода этилмаган ақл ҳам худди шундай...

\*\*\*

Шарафсиз яшаган шарафсиз ўлади.

\*\*\*

Дунё сизга тор кўринса, эй Парвардигор, менинг буюк  
ташвишим бор, деманг; балки, эй ташвиш, менинг буюк  
Парвардигорим бор, деб айтинг.

# ГОҲ ЗАВҚ, ГОҲ ИЗТИРОВ



**Karomat MULLAXO'JAYEVA**  
*mutolaa qiladi*

## ҲАҚИҚАТНИ ИЗЛАР ФАҚАТ ЁЛҒИЗЛАР

Борис П а с т е р н а к. Доктор Живаго. Москва, Издательство “Э”, 2017.



Борис Пастернак 1948 йили адабиётшунос Ольга Фрейденберга йўллаган мактубида бундай ёзади: “Мен йиллар давомида худди сургундагидек меҳнат қилаётирман. <...>. Мен ҳаёт билан очик, ўта эркин муносабатда бўлаётганимдан таърифлаб бўлмас даражада бахтиёрман, шундай бўлиши керак эди... Агар ўн саккиз-йигирма ёшда бўлганимда... лекин у кезлар бундай эркин бўлолмасдим... заминнинг тилини ҳозиргидек яхши билмасдим”. Бу ёзувчининг “Доктор Живаго” романи устида ишлаётган кезлардаги иқрори эди.

Муаллиф ўн йиллик машаққатли изланишлар маҳсули бўлган романга 1955 йили сўнгги нуқтани қўяди. Асар ёзиб тугатилади-ю, бироқ чоп этилмайди. Шоирнинг ўғли Евгений Пастернакнинг гувоҳлик беришича, Ёзувчилар уюшмаси вакили италиялик журналист Сержио Д’Анжелони Переделкинога – Пастернакниги олиб келади ва асар билан танишиш учун унга қўлёзма нусха тақдим этилади. Шу тарзда роман италиялик ношир Жанжакомо Фельтринеллининг қўлига тушади. Ношир қўлёзmani ўқибоқ муаллифга уни чоп этиш ниятини етказди. Пастернак эса роман Россияда нашр этилгунга қадар шошмай туришни илтимос қилади.

Афсуски, “Новый мир” журнали ҳам, “Художественная литература” нашриёти ҳам романни чоп этишдан бош тартади. Унга “халққа қарши руҳда ёзилган асар” деган тамға босилади. Италияда эса муаллифга қулоқ солмайдилар. 1957 йили роман ўша ерда илк бор чоп этилади.

Тўғрисиўз адибга ғанимлиқ 1958 йили – унга Нобель мукофоти берилгани маълум бўлганида кучайгандан кучаяди. Москвадаги ижодкор “дўст”лар Борис Пастернакни Ёзувчилар уюммаси аъзолигидан чиқартиради. Ҳатто бу билан чекланмай, уни совет гражданлигидан маҳрум қилиш ва чет элга сургунга жўнатишни сўраб ҳукуматга мурожаат йўллайди.

Ҳаммаёқда Пастернак асари муҳокамаси бошланиб кетади. Завод-фабрикаларда унга қарши шиорлар билан чиқадилар. Энг ачинарлиси, “Доктор Живаго”ни қоралаётганларнинг аксари асар мазмунидан беҳабар, ундан ақалли бирор саҳифа ҳам ўқимаган одамлар эди.

Адибнинг ўзи “ур калтак-сур калтак” мажлисларида қатнашмайди. “Мен сиздан адолат кутмайман. Мени отиб ташлашингиз, сургун қилишингиз мумкин... Ва мен бунинг учун сизларни афв этаман. Бироқ шошилманг. Бу сизга бахт ҳам келтирмайди, шуҳратингизни ҳам оширмайди. Лекин ёдингизда тутингки, ... кун келиб ўзингиз мени оқлайсиз”, деб ёзади Пастернак ҳамкасбларига.

Адиб нуфузли мукофотдан воз кечишга мажбур этилади. У мушкул аҳволда қолган эди:

*Қайга борай? Ўради душман.*

*Қайлардадир одамлару эрк?*

*Таъқиб тинмас – ортимдан тушган,*

*Қутулмоқнинг барча йўли берк.*

(“Нобель мукофоти”. Усмон Азим таржимаси)

XX асрда бутун дунёда шов-шув уйғотган бу роман нега қора рўйхатга киририлди? Унинг муаллифи нега таъқибга учради? Нега асарни ёзувчининг ватанида чоп этишдан қўрқдилар?

Гап шундаки, асарда Пастернак ва у мансуб бўлган авлод тақдири рўй-рост битилган эди. Қўлёзмани пешма-пеш ўқиб бораётган шоир ва таржимон Ариадна Эфрон 1948 йили ноябрь ойида қамоқдан ёзган мактубида роман қаҳрамонлари ҳақидаги таассуротини бундай ифодалайди: “Лара, Юра, Павелнинг образлари юракка оғриқ билан кириб боради, чунки биз уларни сен қандай қаламга олган бўлсанг, шундай билганмиз... Хайриятки, сен шу ишни қилдинг, буни фақат сен урдаладинг – уларнинг номсиз, нишонсиз йўқ бўлиб кетишига йўл қўймадинг...”

Айрим тадқиқотчилар Владимир Маяковский, Александр Блок, Марина Цветаева ва бошқаларнинг қисмати асар қаҳрамонлари тақдири билан туташ эканига ишора қиладилар. Юрий Живагонинг ўзи эса ёзувчи Пастернак руҳияти ифодаланган образ сифатида талқин этилади.

“Доктор Живаго” – муаллиф бутун умр асраб юрган орзунинг рўёби. Пастернак 1918 йилда ўз авлоди тақдири ҳақида катта насрий асар ёзишга киришган, аммо турли сабабларга кўра охирига етказолмаган. Бу орада бутун дунёда, алахусус, Россияда тарихий эврилишлар рўй беради. Шу аснода ёзувчининг



ижодий мўлжал-режалари ҳам таҳрирга учрайди, асарнинг асосий мазмуни, ғояси, қаҳрамонлар ва уларнинг тақдири ҳам ўзгариб кетади.

Романни бошлаш арафасида Пастернак Шекспирнинг “Ҳамлет”и таржимасини тугатаётган эди. “Юрий Живаго дафтари”ни очиб берувчи “Ҳамлет” шеърининг илк варианты 1946 йили ёзилган. Зукко китобхон мазкур шеърда романдаги муҳим ғоялар тажассумини ҳис этади:

*Фовур тинди. Саҳнага чиқдим.  
Тираб эшик тоқига манглай,  
Тинглаяпман мозийни, токим  
Непар кечар асримда – англай.*

(У.Азим таржимаси)

Живаго – бир давр билан кейингиси орасида робита узилиб қолган аросат замонда яшаган инсоннинг тимсоли. У ҳаётни бутун зиддиятлари ила идрок этиши, тириклик ва ўлимга оид фалсафий мушоҳадалари билан Ҳамлетга яқин образ. Бироқ Ҳамлетдан фарқли равишда, унда “ўлмоқ, ухламоқ” истаги йўқ – у ўзини ҳаётнинг бутун машаққатлари, шодлигию қайғусини зиммасига олиши лозим бўлган инсон деб билади. Живаго – шифокор, у одамларнинг руҳию жисмидаги хасталикларга малҳам бўлиши керак. Исми ҳам аъмолига мос.

Анна Ахматова Пастернакка Живагонинг “тарихий воқеалар орасида копток бўлиб қолган”ини таъна қилади. Ҳолбуки, муаллифнинг ўзи Живагони зулмга қарши тура оладиган кучли ирода соҳиби деб билади. Иккита урушни (фуқаролар уруши ва Октябрь инқилоби) кўрган Живаго ахлоқ ва виждон сарҳадларини бузмай улардан омон чиқа олди.

Назаримда, асардаги бош образ Живаго эмас, балки камалакнинг турли рангларида намоён бўладиган, кенгликларга ёйилган, ўрмонларда шовуллаган, денгизларда мавжланган, бахту бахтсизликни ўзида мужассам қилган диёр – Россиядир. Ошиқ учун маъшуқаси қиёфасида ҳам ватани намоён бўлади. Ҳатто Живаго ҳам ўша бош образнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади, уни бутун инсоният тарихи билан боғлиқ ҳолда идрок этишга уринади. Живагонинг “Тўда-тўда бўлиб (онгсиз равишда – К.М.) яшаш – истеъдодсизлар учун паноҳдир... Ҳақиқатни фақат ёлғиз кишилар излайди. Янги тарихда халқларга ўрин йўқ, энди фақат шахслар яшаб қолгуси. Боқийликка садоқатни асраб-авайлаш, Исога содиқ бўлиш керак” деган мазмундаги ўйлари асар моҳиятини ифодалайди.

Живаго кўплаб зиёлилар сингари ўн еттинчи йил октябрда рўй берган инқилобни ёруғ умидлар билан қарши олади. Уни зулму зўравонликни йўқотиш йўлидаги эзгу кураш деб билади. Революция ғалабасини “великолепная хирургия” (қойилмақом жарроҳлик) деб атайди. Бир муддат унинг таъсирида яшайди. Лекин аста-секин қаҳрамоннинг фикри ўзгара боради. Дастлаб инқилобий кайфиятга берилган қаҳрамон кейинроқ куч билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, деган хулосага келади.

Пастернак инқилоб ва фуқаролар урушини “Чапаев”, “Тор-мор” ва яна бошқа асарлардаги каби қизиллар томонида ёки “Тинч Дон”, “Сарсонлик-саргардонлик” каби асарлардагидек оқлар томонида туриб тасвирламайди. “Доктор Живаго” – биродарлари қонини тўкишни рад этган, зулмдан йироқ, одамлар дардига дармон бўлишни истаган инсон ҳикоясидир. Живагонинг шифокор экани замирида адибнинг муҳим ижодий нияти ётибди. Халқаро конвенцияларга

мувофиқ шифокорлар урушда қуролсиз ҳолда иштирок этиши лозим. Живаго ҳам ҳар қандай шароитда руҳан эркин инсон сифатида ўз қиёфасини йўқотиб қўймаслик учун жанг қилаётган ҳар икки лагерга бетараф туради.

Партизанлар қўлида тутқунликда бир йилдан кўп қолиб кетган Юрий бундай хулосага келади: “Мен ҳаётни қайта ўзгартириш ҳақида эшитганимда... умидсизликка тушаман... ҳаёт мудом ўзини ўзи ва ҳамма нарсани қайта ўзгартиради...” Бу билан қаҳрамон ким ҳақ, ким ноҳақ деган саволга тарихнинг ўзи жавоб бериши кераклигига ишора қилади.

Живаго – урушни ўз кўзи билан кўрган истеъдодли шоир. Дунёни идрок этиш, воқелик таҳлилида қаҳрамонда муаллифга хос тафаккур тарзи яққол кўринади. Асарнинг сўнгги боби – Живагонинг шеърлар китоби келгусидаги машаққатлар, улардан қочиб-қутилиб бўлмаслик, иложсизлик ҳақидаги изтиробли ўйлар билан бошланиб, синовларни мардона қабул қилиш ва шу тариқа гуноҳларни ювиш ғояси билан яқунланади. “Ҳефсиман боғи” шеърида Исо Масиҳнинг бундай ўгити бор: “Баҳсни темир билан ҳал қилиб бўлмас... Қиличингни қинига сол, эй одам”. Демак, ҳақиқатни излаш йўлидаги тарихий баҳсни қурол билан ҳал қилиб бўлмайди. Ана шу курашда қанча-қанча истеъдодлар хазон бўлди. Кимдир отилди, кимдир қамалди, кимдир ватанини ташлаб кетди. Кимлардир ўзини ўзига қамаб яшади. Живаго врач сифатида бу ҳолни шундай изоҳлайди: “Бизнинг давримизда юракка қон қуйилишининг турли кўринишлари кўп учрайдиган бўлиб қолди... Бу – янги замон касали. Унинг сабаблари ахлоқ билан боғлиқ, назаримда. Кўпчилигимиздан мудом мунофиқлик (виждонга тупуриш) талаб қилинади... ўзинг яхши кўрмаган нарса учун жон куйдиришинг, сенга бахтсизлик келтирадиган нарсадан қувонишинг – буларнинг бари соғлиққа таъсир этмай қўймайди”.

Не тонги, докторнинг ўзи ҳам ана шундай қисматга дучор бўлади. Маънавий биқиклик, руҳий изтироблар сабаб Юрий борган сари тушқунлик домига ботади, илм, ижодни ташлаб қўяди, аҳволи танг эканини англайди-ю, лекин ўзини ўнглолмайди. Кунларнинг бирида трамвайда ишга кетаётиб аҳволи оғирлашади ва юрак хуружидан вафот этади. Ўз вақтида Александр Блок “Пушкин Дантеснинг ўқидан эмас, ҳаво етишмаслигидан ўлим топган”, деб ёзади. Кейинчалик Блок ўзи ҳақида ҳам “Шоир ўлади, чунки у нафас олмоғи учун тоза ҳаво қолмаган, ҳаёт ўз маъносини йўқотган”, дейди. Живагонинг трамвайда кетаётган чоғи вафот этишида ҳам рамзий маъно бор. Зотан, трамвай изи сизни фақат яқкайўлдан олиб кетади, ундан четга чиқмоқнинг эса имкони йўқ...

Пастернак романи ўзи гувоҳ бўлган воқеалардан анча ўтиб қоғозга туширади. Пешонасига инқилобнинг ўзинигина эмас, балки унинг оқибати – коллективлаштириш, Сталин қатағони, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги ўзликдан чекиниш азобларини кўриш ҳам ёзилган эди. Живаго инқилобдан кейинги давр ҳақида гап кетганда, “...Рус ерига ноҳақлик кириб келди. Бўлғуси ёвузликлар келтирган энг катта бало – шахсий фикр қадр-қимматининг йўқолиши эди”, дейди. Бу Пастернакнинг кўнглидаги гап эди.

Шундай китоблар борки, уларни имкон қадар шошилмай, керак бўлса, қайта-қайта ўқиш керак. Чунки бундай китоблар ҳар бир жумла устида ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди, ҳар бир саҳифа устида гоҳ завқланиб, гоҳ ўртаниб ўтиришга мажбур қилади. Бундай китобларда ўзига хос руҳ бор, бундай китобларда ҳеч кимнигина ўхшамайдиган юрак яширинган. Ватан тарихи бадиий талқин этилган “Доктор Живаго” романи ана шундай китоблардандир.



## ИШҚ ШУНДАЙ КИМЁКИ...

**Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.**

Юсуф ва Зулайхо ҳикояти Шарқ адабиётида ўнлаб асарларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бу кўҳна мавзуда битилган қиссаю дostonлар ичида энг гўзали Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” сидир.

Нима учун ўз севгиси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган Зулайхонинг кечмиши ҳақида кўп асарлар ёзилган? Нима сабабдан Абдурахмон Жомийдек мутафаккир “Хусрав ва Ширин”га татаббу битиш ўрнига “Юсуф ва Зулайхо” дostonини ёзишни афзал кўрди? Нега Навоий бу мавзуда гўзал дoston ёзиш орзусида бўлди?

Бу дoston, аслида, Юсуф алайҳиссалом ҳақида. Унинг комил хулқи, гўзал хусни ва муҳаббатини васф этиш иштиёқида битилган бебаҳо хазина. Зотан хусн (гўзал хулқ) ва ишқ – инсоннинг энг олий сифати, руҳоний олами учун энг зарур манбалардир. Зулайхо эса унга юборилган улуг синовлардан эди.

Дoston ҳайратомуз саргузаштлар, кўнгилни тўлқинлантирадиган воқеаларга ниҳоятда бой.

Юсуф икки яшарлигида онаси вафот этади. Бу унинг бошига тушган илк синов эди. Уни аммаси парвариш қила бошлайди. Отаси Яъқуб ўз тарбиясига олишни истаганида, аммаси қайтариб бермайди, ҳийла билан ўз ёнида олиб қолади. Бу Юсуф бошига тушган иккинчи синов эди. Биродарлари уни чоҳга ташлаб кетганларида учинчи синовга рўбарў келади. Зулайхо уни сотиб олган кундан бошлаб эса унинг бошига тушган синовларнинг адоғи бўлмайди: тухмат балоси, зиндон... Тангри ўз суйган бандасини синовлар ичига ташлайди. Уларнинг машаққат ва азоблари Юсуф имонини мустаҳкамлаб боради.

Жомий талқинича, Зулайхо – Мағриб мулки шоҳи Таймуснинг қизи. У Юсуфни тушида кўриб севиб қолади. Ошиқнинг ёрини тушда кўриши ва уни излаб йўлга тушиши халқ дostonларида, фольклордан ёзма адабиётга кўчган сюжетларда кўп учрайди. Бундай тушлар – тизгинсиз, баъзан ҳамма нарсани вайрон қилиб кетадиган ишқнинг рамзи. Туш – мисоли тақдир. Шу маънода Зулайхонинг Юсуфни бир неча бор тушида кўриши ва уни деб Миср Азизининг уйига келиб яшаши ва бошқа кечмишлар ҳам тақдирида битилган бўлади.

Юсуф эса тушида Қуёш, Ой ва ўн бир юлдузнинг ўзига сажда қилаётганини кўради. Бу унинг пайғамбар бўлишига ишора эди. Умуман, асарда хушнинг тушда аён бўлиши етакчи ўрин тутади.

Акалари Юсуфдан халос бўлиш ниятида уни қудуққа ташлаб кетган эдилар. Йўлда келаётган карвон аҳли қудуқдан сув олмоқчи бўлиб, ўрнига уни тортиб олади. Юсуфнинг жамоли борлиқни ёритиб юборади. Юсуф ҳақидаги хабарни эшитган Миср подшоҳи ўз аъёни Азизни унинг истиқболига юборади. Зулайхо подшо даргоҳига келиб, тўпланиб турганлар олдида Юсуфни кўриб, танийди. Нола-фарёд чекиб, хушидан кетади... Кейин уни эл сўраганидан икки карра ортиқ баҳога сотиб олади.

Юсуфнинг жамолини кўрган борки лолу ҳайрон қолади. Шу ўринда муаллиф Од қавмидан бўлган Бозға исмли қизнинг Юсуфга ғойибона ошиқ бўлгани ҳақида ҳикоя қилади. У Юсуф алайҳиссалом жамоли ойинасида жамол ҳақиқатини кўриб, мажоздан чиқиб, ҳақиқатга етишди, дейди шоир. Бозға ишқи Зулайхо ишқидан фарқ қилади. Жомий гўзалликни идрок этиш бобида ҳамманинг бир

хил даражада бўлмаслигига ишора қилади. Зулайхонинг эса ҳақиқат мақомига етиши учун олдинда уни жуда кўп ва улкан синовлар кутади.

Жомий кириш бобларидан бирида нақшбандийлик тариқати пири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни васф этган. Бу Жомийнинг ушбу тариқатга муносабати ва мансублигини ҳам ифодалайди. Демак, “Юсуф ва Зулайхо” достонини тушунишда шоирнинг сўфийликка оид фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Достон ишқ-муҳаббат туркумидаги бошқа асарлардан тасаввуф ғояларига уйғунлиги билан яққол ажралиб туради.

Зулайхо мажознинг – Юсуфдаги зоҳирий гўзаллик ошиғи. Шу боис эҳтирос билан унга талпинади. Унга етишиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Фақат баъзи андишасизликларини ўзи сиғинадиган бут кўриб қолишдан кўрқади. Зулайхо – бутпараст. Унда яхшилик билан ёмонлик, поклик билан нопоклик аралаш – имони сустлиги сабаб кўнгли олуца. Юсуфнинг Зулайхога Ҳақни танитиш йўлидаги уринишлари эса бесамар кетади.

Зулайхонинг эҳтиросли кутқуларидан чарчаган Юсуф Худодан ўзига зиндон тилайди... Чунки у зиндонда аёллар макридан кутулиб, фароғат топади, яъни ибодатга берилади.

Уни зиндонга ташлатган Зулайхо хатоларини тушунади, тавба-тазарру қилади. Изтиробда қолиб, аҳволи оғирлашади. Гоҳ зиндонга бориб, Юсуфнинг ҳолини билмоқчи, гоҳ зиндон томидан дийдорини кўрмоқчи бўлади. Ишқ балоси қийноғига чидолмай, қон олдиради. Танидан чиққан қон ерга тушиб, “Юсуф, Юсуф” деган ёзувлар акс этади...

Орадан йиллар ўтади. Юсуф Ҳақ иродаси ва инояти билан мамлакатда юксак мавқега эришади. Зулайхо эса ҳамон ишқдан ранж чекади. Энди макр-ҳийлани кўнглидан чиқариб ташлайди. У дарддан қарийди. Юсуфни ўйлаб сочлари оқаради. Миср Азизи ҳам вафот этиб, ёлғиз қолади.

Ишқ шундай кимёки, Зулайхони йиллар давомида поклаб, тозартириб бораверади. У бутни синдириб, имонга киради. Тавба қилади. Зулайхога Ҳақни таниши учун бир умр керак бўлади.

...Юсуф Зулайхонинг ҳижрондаги қисматидан ҳикоя қилувчи сўзларини эшитиб, ҳушидан кетади. Маъшуқ ошиққа айланади (Алишер Навоий ёзганидек, “Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни”). Комил ишқ бунёд бўлади. Юсуф ҳушига келгач, бу сўз эгасини келтирмакка буюради. Зулайхони Юсуф ҳузурига олиб келадилар. У дуо қилгач, Парвардигор инояти ила Зулайхонинг кўзлари очилади. Жамоли ва ёшлиги қайтариб берилади. Зулайхо ишқи пок ишққа айланмагунча, Юсуфда ошиқлик намоён бўлмайди.

Вақти-соати етгач, Юсуф бу дунёни тарк этади. Юсуфсиз бу рўйи заминда Зулайхо ҳам яшай олмайди. Юсуф қабри устида оху нолалар чекиб оламдан ўтади.

## ҚАҚУС ДОСТОНИ

**Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.**

Ҳар сафар “Лисон ут-тайр” достонини ўқиганимда, унинг яна бир қирраси очилади, ундан янги бир маъно-мазмун бўй кўрсатади. Баъзан бундан ҳайратга тушаман. Баъзан ўз кувваи ҳофизамдан шубҳаланаман. Кейин буни рамзийлик имкониятлари ва кучига боғлайман. Чунки нафақат адабиётимиз тарихида, балки жаҳон адабиётида ҳам



мазмуннинг яхлит рамзий-мажозийлиги жиҳатидан ҳам бундай мукамал асар кам топилади. Рамзларни идрок этиш, ҳис қилиш ва оча билиш инсоннинг ёши, тажрибаси ва албатта, билимига боғлиқ эканлигини тушуна бошлайман.

Навий нима учун бу дostonни умрининг хазон фаслида ёзади? Унинг манбаси – болалик чоғида ёд олгани “Мантиқ ут-тайр” эди-ку!

Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”ини аллақачон ёдлаб олган бола Алишернинг бу дostonни ҳаммадан пинҳон ўқиб юриши, ёддан билиши унинг дунёни идрок этишга анча эрта интила бошлаганидан далолат беради. Шоирнинг йигитлик даврида ёзган бир таржиъбанди бор. “*Харобот аро кирдим ошuftаҳол, / Май истарга илгимда синган сафол*” байти такрорланиб келадиган ушбу шеърда шоирнинг олам ва одам, тирикликнинг мазмун-моҳияти билан алоқадор фикр-мулоҳазалари ифодаланган. У ўзи излаётган ҳақиқат йўлида туғилган саволларга ҳеч кимнинг жавобидан қаноат ҳосил қилмайди. Шу боис “*Назар айла бу коргаҳ ваъзига, / Ки ортар тамошосида ҳайратим*”, деб ёзаркан, куёш у ёқда турсин, бир зарранинг моҳиятини англашга ҳам фикрати ожизлик қилаётганидан, ўзига суҳбатдош бўлган шайх ҳам, донишманд ҳамин ҳам саволларига жавоб беролмаганидан афсус-надомат чекади. Ўша кезлар шоир нафақат ижодий изланиш, балки ўз-ўзини англаш йўлида тинимсиз фаолиятда бўлади. Фақат бу таржиъбанд эмас, балки бошқа асарлари ҳам Навоийнинг бир умр изламли ва англамли масалалар гирдобиди яшаганини кўрсатади.

Навоийга куш тилида ўз дардини айтмоқ учун бутун умр керак бўлади. Чунки бу дoston фанодан, фонийликдан сўзлайди. Ҳатто тахаллусини ҳам Фонийга айлантириши зарур бўлганини таъкидлайди шоирнинг ўзи.

У ғазалларида қўллаган *жон қуши, кўнгул қуши* каби ифодалар энди бу дostonга қушларнинг ўз номи билан кириб келади. Симуруғ, худҳуд, тўти, товус, қумри, булбул, зоғ, кабутар, лочин... Воқеалар ривожланиб – ночор қушлар йўлда қолиб кетади, баъзилари ҳалок бўлади. Парвоз юксала бошлайди. Энди уларни шоир номма-ном эмас, балки умумлаштириб “қушлар” деб атайти. Чунки энди қушлар мақсад нуқтаи назаридан бир-бирига анча яқинлашиб қолади. Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоятдан сўнг эса шоир “бир қуш” деган ифодага ўтади.

Қушлардан мурод – жон қуши, инсоннинг руҳи. Бўлмаса, фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган ҳикоятларнинг барчасига инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳаётий воқеалар танлаб олинармиди? Қушларнинг водийма-водий учиб бориши, аслида, уларнинг юксалишидир, улар жон қуши каби юқорига кўтариладилар. Бу эса покланиб бораётган инсон руҳини ёдга солади. Айни чоқда ҳар бир водий тасвирида фано ва бақо тушунчалари, фонийлик ва боқийлик масаласининг муҳим даражага кўтарилиши асар моҳиятига кириб бориш йўлларини излашга ундайтиди. Ҳар бир водий тавсифидан кейин келган ҳикоятлар эса фано ва бақони англаш учун калит вазифасини ўтайди. Дostonда юзга яқин ҳикоят бор. Уларнинг ҳар бирида алоҳида масала кўтарилади, айни пайтда, ҳар бири “Лисон ут-тайр” умумий мазмунига уйғун. Масалан, истиғно водийси таъриф-тавсифидан кейин шахмат ўйнаётган икки устод ҳақидаги ҳикоя берилган. Унда, умумлаштириб айтганда, бу дунёнинг қадр-қиммати ҳақида сўз боради... Ҳақиқатни излаб кетаётганларга (қушларга) бу дунёнинг равиши шахмат тахтаси устида кечаётган ўйинга қиёслаб тушунтирилади. Ўйин тугагач, ҳамма шахмат доналари қопчага тушади – шоҳ пиёданнинг остида қолиб кетиши ҳам

мумкин. Ҳамма бир тўда, бир жойда. Демак, бутун елиб-югуришлар, жангу жадаллар, салтанат учун кураш... буларнинг бари – ўткинчи истаклардир.

“Мантиқ ут-тайр”га татаббу тарзида битилган бу дoston бошдан-охир инсоннинг инсонлик моҳиятини англашга қаратилган. Шу боис унда инсон умри, ҳаёти, дунё ҳақидаги турли талқинларга дуч келамиз.

Шоир дostonда кушларнинг тилини топган Сулаймон ва ундан таълим олган вазири Осафни эслайди. Аммо улар бу тилдан ҳеч кимни баҳраманд этмаганига эътибор қаратади. Шоирнинг ёзишича, орадан минг йил ўтиб янги куш дунёга келади. У куш эмас, балки Қоф тоғининг анқоси, ҳақиқат сирларини кашф этишда ягона. Унинг нутқидан ҳақиқат аҳли баҳраманд бўлади. Ирфон аҳлига йўл кўрсатувчи бу инсон маърифат бозорининг Атторидир. У форсийда “Мантиқ ут-тайр”ни ёзади.

Навоий туркийларнинг ҳам куш тилида ёзилган бундай асардан баҳраманд бўлишини истаб, Аттор дўконидаги қанду шакардан баҳрамандлик туйиб “Лисон ут-тайр”ни биттади: *“Шайх руҳидин етишти бу мадад, / Ким бу булбул лаҳни бўлди беадад. / Бу таносибқа назар солса киши, / Кўп анга ўхшаш топар қақнус иши”*.

Бизнинг бу ишимизга қақнус тимсол бўла олади, дейди муаллиф ва Қақнус ҳикоясини келтиради.

Ҳиндистонда ғаройиб хислатли бир куш яшайди. Унинг шакли, ранги ҳам ўзига хос, тумшуғида жуда кўп суқба – тешиклари бор ва у куйлаганда ҳар бир тешикдан бир овоз чиқади. Унинг куйини эшитганлар хушини йўқотади. Бу куш ёлғиз, яъни жуфти бўлмайди. Ўрмонда бир дарахтни макон қилиб куйлаётганида Фисоғурс ўша ердан ўтиб кетаётган экан. Унинг оҳангини эшитгач, ўз мусиқий фанини тузади (Пифагорнинг мусиқага оид илмий ишлари назарда тутилмоқда). Қақнус ўрмонда узоқ умр кечиради. Хўлу курук ўтинлардан беҳад катта хирмон йиғади. Умри поёнига етгач, йиллар давомида жамлаган хирмони устига чиқиб, нағма тартади – ҳазин оҳанг билан дилкаш куйлайди. Бу нолани эшитиб, барча куш ва ҳайвонлар йиғилади. Унинг тумшуғидан юз хил наво чиқади. Бу нолани тинглаган дардноклар ҳалок бўлади. Қушнинг ўтли ноласидан хирмонга ўт тўшади. Ўтин тоғи хас-хашақдек ёнади. Унга қўшилиб қушнинг ўзи ҳам ёнади. Ўзи ҳам, ўтинлар ҳам кулга айланади. Шунда кул ичидан бир қақнусбача питирлаб чиқади. У ҳам бутун умр ўтин йиғиб шу тарзда ҳаёт кечиради. Отаси каби охирги дамда ўртаниб куйлайди. Аввалги Қақнус – ота, яъни Аттор бўлса, қақнусбача – мен, дейди Фоний, чунки ундан кейин ҳеч ким мендек ёниб куйламади...

Шоирнинг охирги сўзлари унинг мақсадини ойдинлаштиради: *“Будур умидимки, бу сўзи фано / Барча куйгонга бақо бергай яно”*.

Барча куйганларга абадийлик ато этилиши – фонийликдан кейин боқийлик келиши ҳақидаги ушбу фикрда Шарқ фалсафаси ва адабиётига хос улкан неқбинлик мужассам. Бу – абадий ҳаётга ишончдир.





## Dunyoni o'zgartirayotgan g'oyalar

2018 йилда иқтисодий бўйича Нобель мукофоти америкалик олимлар Уильям Нордхаус ҳамда Пол Ромерга насиб этди. Йель университети профессори Уильям Нордхаус атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, Нью-Йорк университети профессори Пол Ромер эса иқтисодий ўсишга оид илмий ишлари билан танилган.

Икки олим, шунингдек, узоқ муддатли макро-иқтисодий прогнозлаштириш масалалари билан шуғулланиб келади. Прогнозлаштиришнинг мазкур тури ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча тармоқларини қамраб олади. Давлатни ривожлантириш стратегияси, ҳукумат ҳамда бизнес доираларининг ҳамкорлиги ҳам шу асосда йўлга қўйилади.

Нордхаус технологик тараққиёт иқлимга қандай таъсир этиши ҳисобга олинмаган назарияни ишлаб чиқди. Ромер эса технологиялар таъсирида корхона ва тадбиркорлар иқтисодийни юксалтирувчи ва инновацияга йўл очувчи янги ғоялар яратишга интилаётганини асослаб берди. Мазкур иқтисодий модель техник янгиланиш барқарор ўсиш омили эканини тасдиқлади. Ўсиш суръати эса турли параметрларга боғлиқдир. Техник тараққиёт биринчи навбатда (оралиқ) саноат маҳсулотлари турларини кенгайтиришда намоён бўлади. Бу – техник тараққиётнинг горизонтал туридир. Ҳар қандай компания янги маҳсулот турини ишлаб чиқариши учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (research and development) олиб бориши талаб этилади.

Хўш, нега америкалик олимларнинг илмий қарашлари новаторона дея эътироф этилди? Гап шундаки, ҳозиргача амалда бўлган эски иқтисодий назарияда маблағ (капитал), меҳнат, ер ресурслари каби омилларнинг иқтисодийта таъсирига урғу берилар, иқлим ўзгаришлари ва технологик инновацияларга у қадар эътибор қаратилмас эди. Нордхаус ва Ромернинг ғоялари эса макроиқтисодий режалаштиришга нисбатан анъанавий ёндашувни ўзгартирди.

Нобель кўмитаси таъкидлаганидек, Пол Ромер ва Уильям Нордхауснинг изланишлари фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, технологик инновациялар ва иқлим ўзгариши сабаб-оқибатларини англашда ёрдам беради.

Бу олимлар шунчаки назарийчи эмас, уларнинг ғояларини бемалол амалиётда қўлласа бўлади. Масалан, Нордхауснинг иқлим ўзгариши қийматини баҳолаш борасидаги моделидан дунё мамлакатлари ўз экологик сиёсатини шакллантиришда фойдаланиши мумкин. Пол Ромер ҳам фараз ва ғояларини ўзи асос солган таълим компаниясида синовдан ўтказган.

Нобель мукофоти асосан америкалик олимларга берилгани боис Кўмита кўп бора танқидга учраган. Аммо инсоф юзасидан айтиш лозимки, Нобель кўмитаси танлаган тадқиқотчиларнинг ишларида бутун дунё учун муҳим бўлган асосий иқтисодий йўналишлар (трендлар) акс этади.

“Нобел”чи олимларнинг иқтисодий назарияларини Ўзбекистонда амалга татиқ этса бўладими? Бизнингча, мамлакатимиз учун Пол Ромернинг ғоялари алоҳида аҳамият касб этади.

Олимнинг таъкидлашича, барқарор технологик тараққиёт шунчаки тасодиқ туфайли рўй бермайди, соҳа равнақи учун маблағ аялмаслиги лозим. АҚШ, Сингапур, Япония каби мутараққий мамлакатлар тажрибаси ҳам буни тасдиқлаб турибди. Инновация, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига катта сарф-харажат қилаётган компаниялар пировардида улкан даромад ҳам қилади. Фармацевтика соҳасидан бир мисол. Бугунги рақобат шароитида янги дори-дармон яратишга ўнлаб миллион доллар тика оладиган компаниягина муваффақият қозонади. Бир дори-дармон яратилиши учун ўртача 12 йил сарфланади. Тадқиқотлар ва клиник синовлардан кейин маҳсулот сотувга чиқарилади. Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, дори-дармоннинг формуласи ёки таркиби сир тугилиши мумкин эмас.

У ҳолда, компания янги дори ишлаб чиқаришдан қандай наф кўради? Маҳсулот таркибини билиб олган рақобатчи корхоналар уни ўғринча ишлаб чиқариши мумкин-ку! Йўқ, қонун устувор бўлган мамлакатларда бунга йўл қўйилмайди. Патент эгаси бўлган компанияга маълум муддатга ўша дори-дармонни ишлаб чиқариш бўйича монополь ҳуқуқ берилади. Шу тариқа, компания ҳам ўзи ривожланади, ҳам мамлакат тараққиётига ҳисса қўшади.

Ғоялар кашф этиш назариясини нафақат йирик компаниялар, балки кичик корхоналар миқёсида ҳам қўллаш мумкин. Дастгоҳни бошқарувчи ишчига тажриба ўтказиш учун руҳсат бериш лозим. Вақти-соати билан туғилган янги ғоя ёки топилма кичик корхонанинг мақомию нуфузини ошириб юбориши ҳеч гап эмас. Ғоялар ҳеч қачон тугамайди, уларни очиш майдони ҳам чегараланмаган.

“Янги иқтисодийёт предметга эмас, ғояларга асосланади, – дейди Пол Ромер. – Ғоялардан унумли фойдаланиш учун буткул янгича институцион инфратузилма, ўзгача баҳолаш тизими ва бошқа омиллар талаб этилади”. Олимнинг фикри бундай талқин қилиш мумкин: меҳнат унумдорлиги ўсиши, аҳоли турмуш сифати яхшиланиши ҳамда янги технологияларнинг жорий этилиши иқтисодий тараққиёт мезонларидан саналади; бунга эса янги ҳуқуқ ва давлат институтлари орқалигина эришилади. Масалан, 3D принтер, сунъий онг ва блокчейн технологияларнинг жорий қилиниши амалдаги ҳуқуқий меъёрларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Олимнинг хулосасига кўра, ҳозирги технологик тараққиёт босқичида монополь мавқедаги компанияларга зарурат туғилмоқда. Негаки, улар янги технологиялар ишлаб чиқариш ва жорий қилиш имконига эга.

Бироқ иқтисодчи олимлар Йозеф Шумпетер ва Фридрих Хайек тарафдорлари орасида “иқтисодий ўсиш кўпроқ монополия соҳаларида кузатишмоқдами ёки кучли рақобат мавжуд бўлган тармоқлардами” деган масалада баҳс ханузгача тингани йўқ. Аслида, Пол Ромернинг фикрлари илдизи “Капитализм, социализм ва демократия” китобида (Йозеф Шумпетер, 1942) илгари сурилган қарашларга бориб тақалади. Муаллиф капиталистик тизимда хусусий мулкдорлар ва фирма-ларга салбий таъсир ўтказувчи катта бизнес ва монополия пайдо бўлиши муқаррар эканини таъкидлайди. Америкалик олим Кеннет Эрроу “Иқтисодий фаровонлик ва ихтиролар учун ресурсларнинг тақсимланиши” номли мақоласида (1962) инновацион фаолиятни жонлантиришда рақобатнинг ўрни катта эканига урғу берган. Австриялик иқтисодчи Фридрих Хайек тарафдорлари эса инновацион фаолликнинг ўсишини асосан фирма-лар сони ортишига боғлаганлар.

Пол Ромер янги иқтисодийётда аксар ишчи-ходимлар кашфиётлар соҳасида, кам сонли киши-лар эса ишлаб чиқариш жабҳасида банд бўлади, деб башорат қилади. Жаҳон банки тадқиқотларига қараганда, бугун саноатда банд бўлганлар дунёда 22,4 фоизни, Ўзбекистонда эса 37,7 фоизни ташкил этади (<https://data.worldbank.org/indicator/SL.IND.EMPL.ZS>).

Демак, бугун давлат идоралари ҳамда бизнес эгалари технологиялар ривожига жиддий эътибор қаратиши лозим. Чунки барча жабҳаларда тараққиёт янги технологияларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

**Рауф САЛОХЎЖАЕВ,**

*Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети ўқитувчиси*

## Илм – хolislik degani

Толерантлик – лотинча “toleransio” сўзидан олинган, ниҳоятда кенг маънода қўлланиладиган атама бўлиб, шахслар ва гуруҳлараро муносабатлардаги бағрикенгликни англатади. Мазкур атама шахс ўзгаларни ҳам худди ўзи каби шахс сифатида тан олишини билдиради. У ўз ичига вазминлик, ҳурмат ва назокат, тушуниш ва кечириш каби фазилатларни қамраб олади. Унинг негизида ўзинга раво кўрганни ўзгаларга ҳам раво кўриш, ён бериш, рози бўлиш, кечириш, яхшилик қила олиш, бошқалар билан му-

росага тайёрлик, бировнинг ҳақини ҳурмат қилиш каби ахлоқ-одобнинг олтин қоидалари акс этади.

Бағрикенглик – ҳурмат ва тенгликни тан олиш, инсоният маданиятининг тартиб-қоида, ўлчам, миқдор, меъёр, маромларининг кўп ўлчамлилигини, ишонч, эътиқод ҳамда маслақларнинг турли-туманлигини тушунишдир. У инсониятни зулм ва зўравонликдан қайтаради, бошқаларни қандай бўлса, шундай қабул қилиш асосида биргаликда ҳаракат қилмоққа чорлайди.

ЮНЕСКОнинг 1995 йилдаги 28-бош конференциясида тасдиқланган “Толерантлик тамойиллари” Декларациясида барча инсонлар ўз табиатиغا биноан ташқи кўриниши, салоҳияти, мартабаси, нутқи, ахлоқи, феъл-атвори, юриш-туриши ва қадриятлари орқали фарқлигининг эътироф этилиши тантанали эълон қилинади (*БМТ резолюцияси. A/RES/61/271*).

Бағрикенглик тушунчаси маданият, адабиёт, фалсафа, тарих каби кўплаб ижтимоий соҳаларда алоҳида ўрин тутати.

Тарих, тарихшунослик ва тарихнавислик фанларида бағрикенглик мафкураси ёрдамида бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилиш ва объектив хулосалар чиқариш мумкин. Шундай муаммолардан бири – Амир Темурнинг тарихдаги ўрнини баҳолашдир.

Ҳозирда бу борада нотўғри, ҳатто хусуматли қарашлар ҳам учраб туради.

Бағрикенглик мафкураси ва амалиёти орқали шу каби нуктаи назар ва баҳоларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш ва уларга муносиб жавоб бериш мумкин. Шундай бир томонлама ва салбий қарашлар баъзи тарихий ва адабий манбалар, оммабоп нашрларда учрайди.

Хусусан, айрим Ғарб ва Осиё мамлакатлари, жумладан, Россиянинг тарихий, адабий ва оммабоп манбаларида Амир Темур шахсига нисбатан такаббуруна, ҳатто истеъзо ва хусуматли муносабатни кузатиш мумкин. Масалан, қуйидагилар: “Тамерлан”, “железный хромец”, “аксак хан”, “бағритош истилочи”, “босқинчи” ва ҳоказолар. Шунингдек, рус ёзувчиси И.А.Буниннинг (1870-1953) “Темир – аксак хан” номли ҳикоясини, баталист-рассом В.В.Верещагиннинг (1842-1904) “Апофеоз войны” картинасини, Испания элчиси Руи Гонсалес Клавихонинг кундалиқларини; Амир Темур замондошлари – араб олими Ибн Халдун, Ибн Арабшоҳ ва бошқаларнинг асарларини ҳам мисол келтириш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, фаолиятига нисбатан танқидий ва салбий муносабатларнинг сабабларини англаш ва тушунтиришда қуйидаги муҳим омилларга аҳамият бериш лозим.

Тарихдан маълумки, барча зиддиятлар, урушлар муайян манфаатлардан келиб чиққан. Ўз юртини ҳимоялаш, мамлакат ҳамда халқнинг маданий ва тарихий салоҳиятини юксалтириш, сарҳадларни кенгайтириш каби мақсадларда азалдан давлатлар уруш, сиёсат, қаттиққўллик, раҳмдиллик, бағрикенглик кабиларни қўллашган.

Хукмдор ва саркардалар тарихда кўпроқ ушбу омилларга қараб салбий ёки ижобий баҳо олган.

Ижобий баҳолар унутилиб кетгани ҳолда салбийлари, аксинча, сақланиб қолганига бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Герострат диний обидага ўт қўйиб, ўзи ҳақида асрлар давомида салбий ном қолдирган. Александр Македонский, Чингизхон каби турли замонларнинг баъзи машҳур шахслари ҳам шундай. Ҳар қандай босқинчи каби Чингизхон ҳам Ўрта Осиё шаҳарларини вайрон қилиб ёмон ном қолдирган.

Амир Темур эса шаҳарларни тобе қилар экан, уларнинг қалъа, маданий-меъморий ёдгорлик ва зиёратгоҳларини тиклаш ва равнақ топтиришда мисли кўрилмаган бунёдкорликларга бош-қош бўлган. Шаҳрисабз, Самарқанд, Ҳирот, Бухоро каби йирик шаҳарларда мухташам ёдгорликлар – масжид, мадраса, сарой, расадхона, канал ва боғлар барпо этган.

Тарихий ва адабий манбаларда Амир Темур ва темурийлар бошқа юртлардан кўчириб келтирилган халқларга ўз халқи каби муносабатда бўлгани, уларга яшаш ва ишлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб бергани тўғрисида маълумотлар кўп. Айниқса, илм аҳли, хунармандлар ва уста-меъморлар доимо Соҳибқироннинг ҳимматидан баҳраманд бўлишган.

Амир Темур ва темурийлар истеъдодли талабаларни қайси халқдан эканига қарамай, ётоқжой, озиқ-овқат билан таъминлаб уларга махсус нафақалар тайин этгани маълум. Шунингдек, Амир Темур Мовароуннаҳрда яшовчи турли қавм ва элатларнинг аҳил яшаши учун барча шарт-шароитларни яратган, этник низоларга йўл қўймаган.

Темурийлар даври Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим босқич саналади. Бу турли халқлар ва этнослар тарихида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўзаро яқинлашиш даври ҳисобланади. Буюк Ипак йўли ва Лаъл йўллари чорраҳасида жойлашган мамлакатимизда VIII асргача буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, шомонийлик, моний ҳамда маздак ақидаларига эътиқод қилувчи қавмлар ўзаро тинч-тотув яшагани миллатлараро бағрикенглик ифодасидир. Амир Темур шахсини бағрикенглик тамойили асосида баҳолаш унга нисбатан берилган баъзи адолатсиз баҳоларнинг хато эканлигини исботлаб беради ҳамда салбий қарашларнинг асл моҳияти, пайдо бўлиш тарихи ва сабабларини (бехабарлик, бефарқлик, маърифатсизлик, хусумат ва ҳ.к.) аён кўрсатади.

Бағрикенглик ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, ҳиссиёти, фикри, ғояси ва эътиқодига бир томонлама тор ёндашувни эмас, ҳар томонлама кенг ёндашувни талаб қилади.

Ижобий баҳолаш тизими очиқ-ошкора ҳамда ранг-баранг тизим бўлиб, ижтимоий билим ошгани сари кенгайиб, объективлиги ва ҳаққонийлиги кучайиб, салбий тизимдан устун келади. Аммо бу салбий баҳоларни мутлақо йўқ қилиш дегани ҳам эмас, балки бағрикенглик, тафаккур орқали ўз жойига қўйишдир.

Биз азалдан бағрикенг миллатмиз, одамларимизнинг қалби – дарё, саховати – тенгсиз. Бу олижаноб фазилатлар ҳаммавақт, ҳатто энг қийин даврларда ҳам намоён бўлиб келган. Бағрикенглик давлатимиз таянчи бўлиб, юрт равнақига хизмат қилади ва жаҳон миқёсидаги нуфузимизни ҳаммиша баланд тутлади.

**Саодат АКБАРОВА,**  
Тошкент Кимё-технология  
институтини ўқитувчиси

## Zamonaviy istilo

Бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм инсонларнинг эътиқодига, турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигига раҳна солаётгани сиёсий таъсир доирасига олишнинг қулай воситасига айланиб, мафкуравий экспанциянинг янги кўриниши сифатида намоён бўлаётир.

“Миссия” сўзи латинча “missio”дан олинган. Ундан ясалган “миссион” ўзбек тилида “вазифа”, “хуқуқ”, “юбориш”, “вазифа топшириш”, “жўнатмоқ” деган маъноларни англатади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Тошкент, ЎМЭ, 2003. 26-бет).

Хорижлик олимларнинг изоҳларида эса “миссия” сўзи, “вазифа”, “топшириқ”, “аниқ мақсадга йўналтирилган”, “кимгадир ва нимагадир жавобгарлик бурчини адо этиш”, “доимий дипломатик вакил”, “бир давлатнинг махсус мақсад ва вазифалари юзасидан ўзга давлатга юборилган вакили” деган маънолари билан бирга, “черков ва диний уюшмага тегишли бўлган миссионерлик ташкилотини” каби тушунчаларни ҳам англатади (Фёдоров В. Православная миссиология на пороге третьего тысячелетия. azbyka.ru // fedorov pravoslavnaia missiologiya\_na\_poroge\_tretiego\_tysyacheletiya-all.shtml).

Прозелитизм миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади. У юнунча “proselitizm” сўзидан олинган бўлиб, “келгинди”, “бир жойдан бошқа жойга кўчувчи”, “ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи”, шунингдек, “тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечиб, бошқа динни қабул қилишга мажбур этиш” деган маъноларни англатади.

Бугун миссионерлик ва прозелитизм баъзи геосиёсий кучларнинг хавфли куралига айланган. У сиёсий ва иқтисодий таъсир ўтказиш, янги мус-

тамлакачилик ёки вассалликни юзага келтириш воситасидир. Миссионерлик ташкилотлари иқтисодий ёрдам кўрсатиш баҳонасида йирик капитал ва ер мулкларини ўз тасарруфига олишга, шу тариқа ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишда бе-восита иштирок этишга уринади. Бу ҳақда Жеймс Гэлбрейт шундай ёзади: “Осиё ва Океания давлатлари иқтисодий танглик туфайли шундай даврларни бошидан кечирдики, улар АҚШ ҳукумати томонидан кўрсатилган “беғараз” ёрдам эвазига АҚШнинг савдо-иқтисодий таъсирини тушиб қолди” (Джеймс Гэлбрейт. Интервью. – <http://rusref.narod.ru/gelbreit.htm>).

Бугунги кунда ўттиз учта давлатда прозелитизм ҳаракати ман этилган, саксон битта давлатда эса хорижий миссионерлар фаолияти чекланган.

Миссионерлик ва прозелитизм пухта ўйланган режалар асосида ўз фаолиятини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланади. У мазкур ҳаракатлар стратегиясида муайян мамлакатларда “очарчилик, қашшоқликка қарши кураш”, “инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўймастик”, “миллий низоларни бартараф этиш”, “гуманитар ҳалокатнинг олдини олиш”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “илғор маданий одатларга ўргатиш” каби шиорларни дастак қилиб олади. Миссионер юзлаб инсонларни ўз динига жалб этса, прозелит қисқа давр мобайнида кўплаб кишиларнинг ўз динидан воз кечиб, бошқа динни қабул қилишига эришади. Улар ўз мақсадига эришиш учун турли усул ва воситалардан, айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали жамоат жойларида, концерт заллари ва стадионларда тадбирлар уюштириб, диний адабиётларни тарқатиб тарғибот ва ташвиқот олиб боради.

Миссионерлик ва прозелитизм аввал “маънавий”, кейин сиёсий таъсир ўтказди. Глобаллашув жараёнлари миссионерлик ҳаракатлари учун ғоятда қулай вазиятларни яратиб берди. Ушбу шароитда мазкур ҳаракатлар миллий, диний, динлараро зиддиятларни пайдо қилиши, тинч ва осуда ҳаётга таҳдид солиши, нафақат жамиятда, балки мамлакат миқёсида сепаратизмни келтириб чиқариши мумкинлиги улардан ҳимояланиш ҳамда бартараф этиш учун доимо огоҳ ва тайёр туришни тақозо этади.

Миссионерлар муҳтож оилалар, мактаб-интернат, мактабгача тарбия муассасалари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ногиронлар, ўрта, ўрта-маҳсус ҳамда олий таълим муассасаларига “ижтимоий ёрдам кўрсатиш” баҳонасида ўз режаларини амалга оширишга уринади.

Миссионерликнинг асосий мақсади – жамиятда ўзларига хайрихоҳ тарафдорлар гуруҳини шакллантириш орқали мамлакатда назорат ўрнатишдан иборат. Айниқса, бир динга эътиқод қилувчилар орасига низо ва нифоқ солиш орқали фуқароларни бошқа динга ўтказиш ҳаракати тобора кучаймоқда. Хусусан, мусулмонларни христианликка, христианларни эса кришначиликка, проваславларни протестантликка “даъват этиш” шулар жумласидандир. Миссионерлик тарафдорлари ҳали дунёқарашни шаклланмаган, миссионерлик тўғрисида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлмаган инсонларнинг онг ва қалбини забт этиб уларни ўз тузоғига илтиради. Ташкилотга кириб, кейин ундан чиқиб кетишга интилаётган аъзоларни доимий равишда: “Агар сен кетсанг, ҳаётинг чилпарчин бўлади”, “Юрагинг қийма-қийма бўлади”, “Сен дўзахга тушасан”, “Қариндошларинг ташвиш чекади”, “Ҳаётинг хавф остида қолади” каби ёлғонлар билан кўрқитишади.

Шу тарихқа миссионерликда инсон иродасини синдириш, унинг фикрлари, ҳиссиёт ва хулқини назорат қилишга қаратилган психологик таъсир воситаларидан фойдаланилади. Миссионерлар иродаси бўш, онги, тафаккури шаклланмаган инсонларни сафларига жалб этиш учун ўз раҳнамоларини улуғлаб, миссионерликни тарғиб этувчи “асар”ларнинг беназирлигини таъкидлашади. Миссионерлар найрангига учиб, ўз диний эътиқодидан воз кечган кишиларнинг пайдо бўлиши диндорлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тотувликка раҳна солади. Миссионерлар, айниқса, “Тарихни бошқариш – бугунни бошқариш, бугунни бошқариш – келажакни бошқариш” деган “шиор”дан кўп фойдаланади.

Кениянинг биринчи бош вазири Жомо Кенята (1889-1978): “Христианлик Африкага келганида африкаликларнинг ерлари, христианларнинг эса “Инжил”лари бор эди. Христианлар бизга кўзларимизни юмиб дуо-ибодат қилишимиз кераклигини ўргатишди. Кўзларимизни очганимизда улар бизнинг ерларимизни, биз эса уларнинг “Инжил”ларини олган эдик” (*Гундуз Шиносий. Миссионерлик. – Анкара, 2007. 100-бет*), дея таъкидлаган. Франция императори Наполеон I эса 1804 йили давлат мажлисидаги чиқишида очиқданочиқ миссионерлик фаолиятини кучайтиришга буйруқ бериб: “*Черков ходимлари давлатимиз учун Осие, Африка ва Америкадан ғоят катта фойда келтиради. Роҳиблик кийими уларни ҳимоя қилади, сиёсат ва савдо эса асл вазифаларини ниқоблайди. Варварлар роҳибларга лаққа ишонади, уларнинг фаолияти эса биз учун жудаям арзонга тушади*” (*Сюрэ-Каналь Ж. Африка Западная и Центральная. – Москва, 1961. Стр. 140*), дейди.

Миссионерларнинг руҳонийлик мақоми доимий равишда давлат ва сиёсий доира вакилларининг топшириқ ва вазифаларини бажаришда асосий ўрин тутган. Шу тарзда христиан миссионерлари Осие, Африка ва Америка минтақасида ўзлари мансуб бўлган давлат сиёсатини ўтказишда муҳим роль ўйнаган.

Миссионерлик ва прозелитизм айрим мамлакатлардаги давлат суверенитети, конституцион тузумга қарши тажовузларни ташкил этиб, уларда қатнашаётганларни мафкуравий қўллаб-қувватлаб, моддий ва молиявий таъминлаётгани жуда катта хавф туғдирмоқда.

Буюк Британия собиқ бош вазири Винстон Черчилль: “Миссионерлик фаолияти учун сарфланадиган ҳар бир пена яхши бошқарув ва омонат маблағларини келтириши – муқаррар” (*Уинстон Черчилль: интеллектуальный портрет. – Москва, Форум, 2011. Стр. 206*) деган фикрни айтган.

Бугунги кунда ёшлар онги ва қалбига маърифатни синдириш орқали соғлом дунёқарашни шакллантириш билан четдан жуда катта мафкуравий хуруж сифатида кириб келаётган миссионерлик ва прозелитизмга қарши туриш мумкин. Шунинг учун миссионерликдан доимо огоҳ бўлиш, уни ўз вақтида англаш, бартараф этиш – бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

**Мансур МУСАЕВ,**  
сиёсий фанлар бўйича  
фалсафа доктори

# “Go‘zallik – manglayni terlatish”

Назму насрда баракали ижод қилган Ғафур Ғулом асарлари тасвирнинг ҳаққонийлиги ва самимийлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Адиб ижодида яратувчанлик, муҳаббат, эзгулик, гўзаллик, соф ва беғубор кулги, улугворлик каби ахлоқий-эстетик тушунчалар ўзига хос тарзда талқин қилинган.

Яратувчанлик замирида инсоннинг эзгуликка интилиши ётади. Инсон меҳнати орқали гўзаллик яратади. Буни Ғафур Ғулом “*Гўзаллик қизларда, / у қора кўзларда, / соз каби сўзларда, / деганлар янглишар. / Гўзаллик – ишлайиш, / манглайни терлатиш. / Гўзалдир унган иш / мақтанса ярашар*” дея таърифлайди.

Инсон меҳнат туфайли ижодий куч ва қобилиятини юзага чиқаради, ривожлантиради. Катта зоҳирий ва ботиний қувват уйғунлашиб, инсонга завқ берадиган меҳнат юзага келади, у ҳалоллик билан бирлашса, меҳнат нафосати пайдо бўлади. Ғафур Ғулом фалсафасида гўзаллик омили – меҳнат. Адибнинг меҳнатни улуғлаши бежиз эмас – у ўсмирлик давридаёқ ота-онасидан айрилган ва меҳнат туфайли ҳаётдан мазмун топган; машаққатли меҳнат ҳаётни таниш ҳамда севишга ўргатган.

Инсонга, табиатга, борлиққа бўлган муҳаббат кишини гўзал ҳаёт кечиришга ундайди. У нафақат ўзига оройиш беради, балки атроф-муҳитни ҳам кўркем қилишга интилади. Ғафур Ғуломнинг машҳур қаҳрамони Ҳасан Кайфий ҳам эскигина, қулай деб қолган бошпанасига чирой бағишлаш йўлини топади. “Катта ҳовуз ўртасида бир палла ёнгоқпўчоқдай турган бу лой томли кулба тўрт томондан тирговчулар билан тиралган, қари байталдай аранг турган, эски эшиги юзига ёпиқ, ойна ўрнига ёлланган қоғоз ёпиштирилган дарчасига ичкарида ёқилган сўник шамнинг қизғиш, бемадор шуъласи тушиб турарди” (Ғафур Ғулом. *Танланган асарлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. 310-323-бетлар*). Ҳасан Кайфий анорни эзиб сувини косачага солади ва ўртасига шам қўяди. Хонадан қизил нур таралади. Шу нур Кайфий кўнглига завқ беради ва у шоир Ҳофизнинг байтини хиргойи қилади (“Хизр”ни таажжубга солган хижат ҳам асли кулбадан таралаётган қизғиш нур

ва қўшиқ бўлса ажаб эмас). “Хизр” билан суҳбатда Кайфий “Анор сувининг қизил шуъласи менга ёқади, тақсиргинам”, дейди. Қизил ранг гўзалликни англлатувчи зоҳирий белги бўлса, қўшиқ, гарчи адиб уни “хумга ари қамалгандай гўнғирлаган ялла” деб тасвирласа-да, Кайфийнинг гўзалликка бўлган муҳаббати ифодасидир. Гўзаллик ҳар ерда, ҳар кўнгилга манзур. У барчада хуш кайфият ва қувонч уйғотади. Ҳасан Кайфий ҳам гўзалликка ошиқ, у гўзаллик ва яратувчанликни уйғун ҳолда кўради. “Хизр”, яъни подшоҳ бошига солган турфа синовларга ақл ва меҳнат билан ечим топади.

Кайфийнинг “Хизр” саволларида ҳазиломуз жавобларида эстетик категориялардан бири – кулги ўзига хос талқин қилинади. Ҳазил жуда мураккаб эстетик туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади. Ҳасан Кайфий образи ҳам бунга ёрқин далил. Унинг топқирлиғу тадбиркорлиғи, мураккаб ҳолатдан устомонлик билан чиқиб кетиши ўқувчини ҳам лол қолдиради, ҳам завқини келтиради. Ҳасан Кайфий подшоҳнинг найрангларига қарамай, ўз эътиқоди ва ишончидан қайтмайди. Меҳнати ва ақли соясида кун кечиришни афзал билади.

Ғафур Ғулом асарларида бундай гўзал манзаралар, кулгили ҳолатларнинг чиройли ва самимий тасвири кўплаб учрайди. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад “Нажот муҳаббатдами ё... нафратда?” мақоласида Рюноске Акутагаванинг “Расёмон дарвозаси” ва Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоялари ҳақида муқояса фикр билдирар экан, Ғафур Ғулом қаҳрамонлари энг қаттол укубатлар остида ҳам ўзлигини сақлаб қолганини таъкидлайди (*Хуршид Дўстмуҳаммад. Озод изтироб қувончлари. Тошкент, “Маънавият”, 2000. 35-41-бетлар*).

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом асарларида инсонпарварлик, меҳнатга муҳаббат, ҳалоллик, сабртоқат каби фазилатлар шарафланади. Адиб асарлари умрбоқийлигининг сири эса халқчиллиги, фалсафийлиги ҳамда умуминсонийлигидадир.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**  
фалсафа фанлари доктори

# Sadr Ziyo maxzani

XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Buxoro amirligida madaniyat va ilm-fan taraqqiy etgan. Buni Buxoroda jamoat va шахсий кутубхоналар кенг ривожланганидан ҳам билса бўлади. Мазкур кутубхоналар келажак авлодларга аждодларимиз маънавий меросининг етиб келиши учун хизмат қилган.

Муҳаммад Шарифжон Махдум Садр Зиё ана шундай бой кутубхона соҳибларидан бири бўлган. У Бухоро амирлиги маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган шахслардан биридир.

Садр Зиё диний, бадиий, тарихий, жуғрофий асарлар қўлэмаларидан иборат жуда катта хазина яратган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурдаги Шарқ қўлэмалари марказида Садр Зиёнинг ўзи кўчириб, 9 та жилдга жамлаган рисола, тазира ва тарихий асарлар қўлэмалари 1304, 2241, 2193, 2277, 2367, 2374 ва 2460 инвентарь рақамлари остида сақланмоқда. Бухоро вилояти кутубхонасида 1681 инвентарь рақамли ва Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида 230 ва 938 инвентарь рақамлари остида ҳам шу хаттот кўчирган қўлэмалар мавжуд.

Садр Зиёнинг илмий ва адабий мероси ҳақида Садриддин Айинининг “Эсдаликлар”ида қимматли маълумотлар баён этилган бўлса, адабиётшунос Расул Ҳодизода илмий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилган. Аммо унинг илмий ва адабий мероси ҳали тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилмаган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Садр Зиё илмий ва адабий мероси Ш.Воҳидов ва З.Чориевлар томонидан тадқиқ этилиб, ҳозирги кунда 70 дан ортиқ асарлари аниқланди. Булар сирасига Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлэмалари марказида 2460 инвентарь рақами билан сақланаётган “Феҳрист” ҳам киради. Бу асар тўлиқ ҳолда “Асоми ул-кутуби кутубхонаи хусусии Шарифжон Махдум” (“Шарифжон Махдумнинг шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхати”) деб номланган.

Китобхонлардан бири қўлэманинг 2<sup>а</sup>-варағига, асар мазмунидан келиб чиқиб, “Феҳрист” (яъни “Каталог”) деб ёзиб қўйган. Назаримизда, мазкур асарга “Феҳрист” номи жуда мос келади.

Бу каталог ўтган асрнинг 20-йиллари ўртала-рида тузилган. Унда Садр Зиё ҳаётининг сўнгги йилларигача йиққан 278 жилдли араб алифбосида битилган қўлэмалардан иборат шахсий кутубхонаси ҳақида муҳим библиографик ва кодикологик маълумотлар берилди.

Бу феҳристни тузишда шарқона усул ва қодаларга қатъий риоя қилиниб, кўп асрлик анъаналар давом эттирилган. Ҳар бир қўлэманинг маънавий аҳамияти, бадиий-эстетик фазилатлари, илмий мазмуни, адабиёт ҳамда фан тарихида турган ўрнини тузувчи ўзи учун бош мезон қилиб белгилаган.

Садр Зиё феҳристини кутубхонасидаги турли хаттотлар томонидан кўчирилган Қуръони карим қўлэмалари тавсифидан бошлайди. Етти нусхадан иборат бу муқаддас китоб ҳақида батафсил маълумотлар келтиради.

Қуръони каримнинг икки нусхаси ўз даври хаттотларининг устози, бухоролик машҳур хаттот Қори Аҳмад (XX аср) томонидан кўчирилган.

Садр Зиё Қори Аҳмад Бухорийни *бехато ва нозик ёзишда ўз асрида Бухорода тенги йўқ*, деб таърифлайди. У ҳам худди Мир Убайд каби хусниҳатнинг нозик қодаларини билиш ва тўғри-тиник ёзиш бобида улўғ мартабага етишганини ёзади. Котиб камбағаллик туфайли гоҳида айрим ҳокимлар идорасида мирзолик ва нависандалик қилганга қарамай, китобот ишлари сони 400 жилддан зиёд эканини қайд этади.

Қори Аҳмад Бухорий хати билан ёзилган Ка-ломи шарифнинг бир нусхаси – саккиз, иккинчи нусхаси эса – ўн саккиз варақдан иборат. Иккинчи нусхани хаттот манғит амирларининг хос надими бўлган Абдурахим Махдум табиб буюртмасига би-ноан ўта диққат ва жуда чиroyли равишда китобат қилган. Котиб мазкур қўлэмани яратишда энг машаққатли йўлдан бориб, қоғоз юзига бирор нуқта тушиб қолса ҳам саҳифани қайта кўчириб чиққан. Шу сабабли китобнинг бошидан то охиригача хато устига қайта қалам теккизиб тузатилган жойни уч-ратмайсиз. Тузувчи хаттот саккиз варақли нусхани – 30 минг, ўн саккиз варақли нусхани – 50 минг тангага кўчирганини ҳам қайд этади.

Қуръоннинг учинчи нусхасини машҳур хаттот, Мир Убайднинг шоғирди Муҳаммадқули Туркмон (XX асрнинг бoshлари) кўчирган. У ўз замонаси-

да хатосиз ва чиройли ёзишда тенги йўқ котиблардан бири бўлган. Бу хаттот шундай чиройли ёзганки, феҳрист тузувчисининг таъкидича, Қуръон хаттотларининг устози ҳисобланган домудла Абдурахим Қурро (XX асрнинг бошлари) ҳам: “Бу хатни Мир Убайд ёзган”, деб хулоса берган.

Тўртинчи Қуръонни Ёқути Мустаъсимий (ҳижрий 697, милодий 1297/98 йили вафот этган) тахаллуси билан танилган Жалолиддин исмли хаттот кўчирган. Унинг олти шогирди бўлган. Улардан бири Қуръоннинг феҳристдаги бешинчи нусхасини кўчирган. Аммо Садр Зиё: “Бу хаттотнинг ўша шогирдларидан қайси бири эканини аниқлай олмадим”, деб ёзади.

Бешинчи Қуръон нусхаси машхур хаттот Ёқутнинг шогирдларидан бири томонидан кўчирилган.

Олтинчи нусха Ҳазрат Усмон ибн Аффон қўли билан кўчирилган.

Еттинчи нусха Садр Зиё “олимлар пешвоси ва ҳофиси Калом” деб таърифлаган Қори Абдурахим Қурройи Бухорийнинг муборак хати билан кўчирилган.

Тузувчи бу нусхалар ва уларнинг котиблари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтган.

Ушбу табаррук феҳристни ҳар тарафлама илмий таҳлил этиш эса юртимиз олимларининг кечиктириб бўлмайдиган галдаги вазифалари сирасига киради.

**Дилноза ЯНГИБОЕВА,**

*Термиз давлат университети  
тадқиқотчиси*

## “Ohimdin jahong‘a tushti o‘t”

Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девонида инсон умрини Қуёшнинг доиравий ҳаракати қонуниятига боғлиқ баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларига ўхшатиб, одамзод ҳаётини коинот ҳаёти билан бирбунглиқда тасвирлайди.

Чордевон таркибидаги илк ғазалдаёқ табиат рамзан идрок этилган куйидаги байтга дуч келамиз:

*Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботди булбули шайдо*

(Алишер Навоий. *Йигирма жилдли мукаммал асарлар тўплами. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Фаройиш ус-сиғар. Дебоча. Тошкент, “Фан”, 1988. 26-бет*).

Мазкур байтдаги табиат билан боғлиқ тасвирлар Навоийнинг тасаввуфий қарашларини акс эттиришда восита сифатида хизмат қилган. Бу дунё чаманидаги гулларга булбул каби кўп шайдо бўлавермайлик, чунки бу гулларга берилиш инсонни охиратда ўтга солиши мумкин. Яъни бу дунёдан мурод Оллоҳ ҳаёли билан яшамокдир. Аммо бунга шоир “чаман оташгаҳи” деб атаган дунё чиройи халал беради. Иккинчи мисрада биринчи мисра тўлақонли асосланади. “Чаман оташгаҳи” деганда кўз олдингизда қип-қизил гулзор намоён бўлади. Бу шунчаки чаман эмас – оташгоҳ. Қизил гуллардан ўт қўйилгандек гўё. Мусаввир нигоҳи билан чизилган тасвир кўз олдингизда бир қанча ассоциатив манзараларни ҳосил қилади. Булбул асосан қизил рангли гулларга ошиқ бўлади дейишади. Шунинг учун шеърят

ва тасвирий санъатда булбул кўпроқ алвон гуллар ёнида тасвирланади. Уни чўгдай ёниб турган атиргуллар ичида пайқамай ҳам қоласиз. Чунки булбул кулранг бўлади. Ушбу ранг эса кўзга кўп ҳам ташланавермайди. Навоий кулранг булбулдан ўзгача хулоса чиқаради. Яъни у оддий булбул эмас – у қизил гул ҳажрида ёниб кулга айланган самандар кабидир.

*Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,  
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро*

(*ўша асар, 41-бет*).

Ошиқ учун ҳажр, ёрдан узоқлик юз минг тикан жисмига ботганидай азобли. Лекин ошиқ кўнгли ҳижронда ёр ҳаёли билан яшаб, чекаётган азоб-изтироблардан гуллар аро юргандай роҳатланади. Чунки ёр ҳақида ҳаёл суриш ширин ва фараҳли. Ҳижрон азобидаги ошиқ тасаввурида жонланган маъшуқанинг ёруғ ва оппоқ сиймоси тиканлар орасида муаттар бўй таратиб турган суман гулига ўхшайди. Ёр ҳаёлидан маст ошиқ эса ҳижронда тиканли гулзор узра сайр қилаётиб суман ифоридан тамоман ўзини йўқотиб, гўёки беҳуш бўлиб гул устига йиқилади.

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт*

(*ўша асар, 88-бет*).

Шоир тонг шабадаси – насимга мурожаат қилиб, севгилисига ўзининг руҳий ҳолатларини

билдиради. Ошиқ ёрининг лаъл-ёқут лабини орзулайди, унга етишолмаганидан қон ютади. Қон қизил – ёқут, лаъл рангидадир. Аммо ёр парвосиз, у базмда бода ичиб, айшини суради. Ошиқнинг коми (оғзи) талх-аччиқ, ёрсиз ичган бодаси – захар, кўзёши рангин, яъни қонли. Лаъли лаби ширин ёрнинг эса лафзи рангин, яъни турли ваъдалар беради-ю, аҳдига вафо қилмайди.

*Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиг даме дилдорсиз.*

Агар дилдорсиз, яъни ишқсиз, ёнишсиз жаннатда бир дам туриш мумкин бўлса, жаннат дарахтлари ўтиндай, гуллари эса оловдек жонимни куйдиради.

*Оташин гул баргидин хилъатки жонимдадур,  
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур,*

Шоирнинг севгилиси гулбаргдек нафис ва алвон либосда, аммо шоир учун бу либос эмас, жонига туташган ўтдир.

*Жон куши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,  
Ё либоси полагун сарви хиромонимдадур.*

Шу оловда куяётган жон қушининг қонли кўзёшидан ёрнинг ниҳолдек нозик қомати яшнаб, ранг олмоқда.

Лолазорни кўриб, шоирнинг дарди янгиланади:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт...*

(*ўша асар, 89-бет*).

Шоир бир ғазалнинг ўзиде ташбеҳ, тафреъ, тазод, ийҳом, ғулув санъатларини қўллаб, ло-

лазордан турли руҳий ҳолатларини ифодаловчи янги-янги маъноларни кашф этади. Тафреъ санъати га кўра, аввал бир ажойиб фикр айтади, аммо бу фикридан қайтиб, ундан ҳам юксакроғини айтади. Ғулув (ўта муболага) санъати воситасида, қуёш ботаётганда уфқдаги ранго-ранг шафақ кўринишини, йўқ, бу шафақ эмас, осмон бир қирғоғидан ёна бошлади деб таърифлайди. “Оразинг ламъаси” – дунё жамолининг нури шуъласи олов каби барча сабрим – шукр, қаноат ҳамда хотиржамлигимни ёндириб юборди. Офат чақмоғи чақилиб, сабрим карвони олов ичида қолди. Кўнглимга ўт тушгач, кўзим ва таним ҳам бирга ёндики, гўё найсани – қамишзорга ўт кетганда ҳўлу қуруқ бирга ёнгани каби. Қуюн кўтарилиб, гулдай умрим, хонумонимни елга совургани учун ҳам рангин бўлди...

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен полалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур паргопалар.*

Севимли ёрдан айро яшаш шу қадар қайғулики, ошиқ юзи сариқ касалига учраган одамдай саргаяди, заъфаргул рангига киради. Қонли ёш тўкканида эса заъфаргул устига лолалар тўкилганга ўхшайди. Шоир маҳбубасининг гўзал тишларини дурга ва дўлга, сабр экинзорини бебар – мевасиз қолдирувчи қаттиқ жалага ўхшатади.

Хуллас, Алишер Навоий ўз асарлари орқали инсон руҳий оламини кашф этишда табиат ҳодисаларидан ижодий фойдаланиб ўзининг бетакрор бадиий фалсафасини ярата олган.

**Раҳматилла ҲАЙДАРОВ,**  
*Анджон давлат университети*  
*ўқитувчиси*

## Navoiyning ozarboyjonlik shogirdi

Алишер Навоийнинг доврўғи ёшлик чоғлариданоқ Шарққа ёйилган. Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз ижодий ютуқларидан ҳақли равишда фахрланиб, Хитойдан Хуросонгача, Шероздан Табризгача бўлган ҳудудларни кўшин тортмай бўйсундирганини ёзади.

Дарҳақиқат, Шарқий Туркистондан то Эроннинг ғарбий қисмигача бўлган ҳудудда яшаган халқлар Навоий ижодидан баҳраманд бўлган. Эрон, Озар-

бойжон, Арманистон, Гуржистон, Ироқ сингари мамлакатлар, хусусан, шоирнинг ўзи санаб ўтган шаҳарлар Оққўюнлилар давлати (1378-1508) таркибига кирган. Ушбу сулола ҳам теурийлар сингари адабиёт ва санъат равнақиға катта эътибор қаратган (*Петрушевский И. Государства Азербайджана в XV веке // Сб. ст. по ист. Азербайджана. Вып. 1. Баку, Изд-во АН АЗССР, 1949. Стр. 86*).

Навоий билан бир ўлкада яшаб, унинг эътиборига тушган ёш шоирлар қатори ғойибона ихлос қўйиб, изидан борган қаламкашлар ҳам кўп бўлган. Улардан бири XVI асрда Оққўнлилар давлатида яшаган шоир Неъматуллох Кишварийдир. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Манбаларга кўра, Неъматуллох Кишварий Эрон Озарбойжонига қарашли Солмос шаҳрида туғилиб ўсган.

Бизгача унинг тўлиқ бўлмаган девони, форсий ва туркийда битилган ғазал, мухаммас, мурабба, мустаҳзод ва бошқа шеърлари етиб келган. Гарчи Кишварий яшаган адабий муҳит тили бугунги Озарбойжон туркчасига яқин бўлса-да, шоир мумтоз ўзбек тилига, Навоий услубига яқин лафзда ёзган.

Оққўнлилар сулоласининг таниқли вакили Султон Ёқуб (1478-90) ижод аҳлига иззат кўрсатган, ўзи ҳам девон тузган. Шу боис у кўплаб шоирлар қатори Кишварийни ҳам пойтахт Табризга чорлаб, ўз ҳимоясига олади.

Оққўнлилар даврида мухлислари томонидан Навоийнинг девони тузилган. Султон Ёқуб Алишер Навоий ижодига ҳам айрича ихлос қўйган. Навоий ҳам Султон Ёқубга илтифот кўрсатган, унга китоблар жўнатиб турган. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳам уни алоҳида зикр этиб ўтган.

Кишварий Султон Ёқубдан кейин тахтга ўтирган ўғли Султон Бойсунқур замонасида эътибордан четда қолган. Буни Кишварий ҳасби ҳол кўринишидаги бир шеърида қаламга олган. Унда шоир Ёқубхоннинг даври яна қайтишини орзулайди (*Eyvazova R. Kışvəri “Divan”ının dili (morfoloji xüsusiyyətləri). Bakı, “Elm”, 2005.*

Кишварий Алишер Навоийга юксак ихлос қўйиб улуғ шоир ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Хусусан, Навоийнинг “топмадим” радифли ғазалига боғлаган мухаммасида муаллиф буюк салафининг услуги ва ижодий анъаналарига изчил амал қилган (*Nağyeva S. Azerbaycanda Nevai.*

*Bakı, “Tural-E”, 2001).* У ўз ижодий камолотида Навоийнинг ўрни жуда юқори эканини эътироф этган:

*Навоий Ҳимматидин Кишварий аҳли назар бўлди,  
Жаҳон мулкин тутар шеъри назар бўлса Навоийнинг*

(*Eyvazova R. Kışvəri “Divan”ının dili (morfoloji xüsusiyyətləri). Bakı, “Elm”, 2005.*

Байтада Кишварий айнан Навоий Ҳиммати туйфайли эл назарига тушгани, улуғ шоир қўллаб-қувватласагина унинг шеъри бутун дунёга машхур бўлишини ёзади. Бундан Кишварий Навоийнинг Ҳиммати ва олижаноблигидан ғойибона манфаат кўргани, унинг ижодидан баҳралангани, бироқ шахсан учрашмаганини тахмин қилиш мумкин.

Навоийнинг бирор асарига ҳам Кишварий номи учрамайди. Ҳолбуки, мутафаккир ўз асарларида туркий тилда ижод қилган деярли барча шоирлар номини, ҳатто бир байти бўлса ҳам, келтириб ўтган. Бизнингча, Навоий Кишварий ижодидан хабардор бўлганда бу ҳақда албатта маълумот берар эди.

Кишварий эса Навоий ижодини муттасил кузатиб борган. У Шарқ шеъриятида кенг тарқалган фахрия жанрида ёзган бир шеърида ўзининг Навоийдан кам эмаслигини ёзиб, Ҳусайн Бойқародек ҳомийси бўлишини истайди:

*Кишварий шеъри Навоий шеъридан ўқсик эмас,  
Бахтина тушсайди бир султон Ҳусайни Бойқаро*

(*Nağyeva S. Azerbaycanda Nevai. Bakı, “Tural-E”, 2001.*

Бугунги кунгача Кишварийнинг ўлиmidан бир неча аср кейин кўчирилган иккита қўлёзмаси етиб келган бўлиб, улардан бири Боқуда, иккинчиси эса Тошкентдаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланмоқда. Бу Кишварий ижоди асрлар давомида адабиёт ихлосмандлари томонидан қадрланиб келингани исботидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
*тадқиқотчи*

## Moziy va kinotalqin

Миллий кинематографиямиз тарихий мавзудаги фильмларга бой эмас. Сабаб шуки, бу хил фильмлар узоқ муддатли илмий тадқиқотларни, кўплаб мутахассис ва турли муассаса-ташкилотларнинг уюшган ҳолда ишлашини, бир қанча таш-

килий масалаларнинг қисқа вақтдаги ечими ҳамда, энг асосийси, катта маблағни талаб қилади. Хўш, бу борада жаҳон киночилиги тажрибаси қандай?

Тарихий фильм кўп жанр ва йўналишларни ўз ичига олади; ҳар бир киномактаб уларни ўзига

хос тарзда таснифлайди. Асосийлари – тарихий кинопублицистика, биография, баталия, тарихий-саргузашт фильм, пеплум, тарихий драма ва муаллифлик фильмлари бўлиб, улар ҳам тасвирланаётган макон ва замон хусусиятларига кўра турли тагжанрлар, йўналиш ва оқимларга бўлинади. Чет эл киношунослари буларни соф тарихий фильм деб атаб, костюмли драмани унга қарши кўядилар.

Соф тарихий фильмда аниқ давр, реал шахслар ва воқеалар тасвирланади, ҳужжатлаштирилган маълумотлар ва илмий далилларга таянилади. Реквизит ва костюмлар иконографик материаллар тўлиқ ўрганилиб, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, аслига мос равишда тайёрланади. Ижодкор сценарийни тарихий ҳақиқатга зид келмаслик шarti билан воқеа ва эпизодлар, бадиий тўқима образлар билан тўлдириши мумкин. Баҳсли вазиятларда ижодкор воқеалар ечимини ўзича талқин этиши мумкин. Соф ҳужжатли фильмга таниқли актёрлар, киноюлдузлар кенг жалб қилинмайди; бундай лойиҳаларда юқори рейтингли актёрлар баъзида ўз ижодий имкониятини намойиш қилиш учун иштирок этади. Бунга мисол сифатида National Geographic телеканали “Даҳолар” туркумида намойиш этаётган Альберт Эйнштейн, Пабло Пикассо каби тарихий шахслар ҳақидаги ҳужжатли драмаларни; шунингдек, СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Италия киноижодкорлари ҳамкорлигида Сергей Бондарчук режиссёрлигида яратилган “Ватерлоо” (1970) фильмини келтириш мумкин.

Соф тарихий фильмда илмийлик қизиқарликдан устун туради, асар доим ҳам ўз бюджетини қоплай олмайди. Одатда, бундай фильмлар ижтимоий буюртма асосида, шунингдек, турли фестиваллар учун яратилади. Сўнги йилларда ҳужжатли ва тарихий драмалар телевидение орқали намойиш қилиш учун суратга олинмоқда. Бундай фильмларнинг асосий аудиторияси аҳолининг ўрта ва катта ёшли қатлами бўлиб, улар кинотеатрдан кўра телевидениени фаолроқ кузатиб борадилар.

МДҲ мамлакатларида соф тарихий фильмлар давлат буюртмасига асосан ишланади.

Костюмли драмалар продюсерлик фильмлари бўлиб, асосан, фойда олиш мақсадида яратилади. Турли жанр ва йўналишда ишланиб, кўпроқ ёшларни жалб қилишга мўлжалланган “попкорн” фильмларда сюжет ўта кескин, турли

бурилишларга бой бўлиб, баъзида интригани кучайтириш учун тарихий ҳақиқатдан чекиниш ҳоллари ҳам кузатилади. Фильмга таниқли актёрлар таклиф этилади, PR менежерлар, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали овоза қилинади. Реквизит ва костюмлар, тарихий шартлиликни сақлаб қолган ҳолда, ҳозирги замон эстетик меъёрларига мос равишда тайёрланади. Жангари саҳналар, пиротехника, махсус эффект ва компьютер графикасидан кенг фойдаланилади.

Костюмли драмада реал тарихий давр муҳити тасвирланади, бош қаҳрамонлар эса бадиий тўқима асосида яратилади. Продюсер ва режиссёрлар томошабинни жалб қилиш учун реал шахс бўлган қаҳрамонлар таржимаи ҳолига уйдирма элементларини кўшадилар. Шу боис улар тарихчи ва турли соҳа мутахассисларининг эътирозига ҳам сабаб бўлади. Мана ёрқин бир мисол: ҳарбий тарихшунос ва журналист Михаил Диунов россиялик киноижодкорлар томонидан 2018 йилда яратилган “Скиф” фильмининг тарихий ҳақиқатга зид эканини исботлаб берди.

Ғарб киноижодкорлари мазкур жанр имкониятларидан унумли фойдаланиб, кўплаб муваффақиятли лойиҳаларни амалга оширган. АҚШ кинематографиясида замонлар оша тарихга сажат мотиви асосида фильмлар ишланган.

Тарихий фильмлар ажодларнинг ибратли ҳаёти воситасида ватанпарварлик туйғуси ва миллий руҳни ўстиришга ёрдам беради. Унутмаслик керакки, ундаги воқеалар кўпинча ўтмиш ҳақиқати сифатида қабул қилинади. Шунинг учун режиссёр фақат ўз фильми ва томошабинлар олдида эмас, балки бутун тарих олдида жавобгардир. Тарихий фильм яратиш алоҳида тайёргарлик, машаққатли меҳнат ва, айниқса, чуқур масъулиятни талаб қилади. Бу жанрга қўл урган ижодкор таҳлил этиб ўтилган икки йўналишнинг ўзига хос жиҳатлари, имконият ва чегараларини ўрганиб, муайян фильмда уларнинг фақат биттасидан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон кинобозорига чиқиш ва рақобатни енгилш учун хориж томошабинларининг ҳам эътиборини торта оладиган фильмлар зарур. Шарқона муҳит ва умуминсоний ғоялар уйғунлигини жаҳон кинокартиналарининг сифат кўрсаткичи даражасида воқелантирган фильмгина дунё кинотеатрларидан жой олиши мумкин. Миллий тарихимиз ҳамда маданиятимиз, шак-шубҳасиз,

хорижлик томошабинлар эътиборини жалб эта оладиган жозиб кучга эга.

Бугун бизга ўтмиш давр муҳити, тарихий шахслар характерини Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи даражасида ҳаққоний очиб берадиган пухта бадиий-тарихий асарлар зарур. Негаки, кино ва театр санъати адабиёт заминиди тараққий этади. Мозий аниқ-равшан, қизиқарли

акс эттирилган бадиий асарлар яратилиши билан миллий кинематографияда тарихий фильм яратишнинг дастлабки асосий муаммоси ҳал этилади.

**Жаҳонгир ҚОСИМОВ,**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, кинорежиссёр*

**Сардор МАҲМУДОВ,**

*ЎЗДСМИ магистранти*

## So'nmas yog'du

Операторлик санъати синчков нигоҳ, ёруғлик билан ишлаш ва уни бошқариш маҳорати, турли шакл ва объектни ҳис қилиш салоҳиятига эга бўлишни талаб қилади. Оператор Хотам Файзиёвнинг салкам ярим асрлик ижодий фаолияти унда юқоридида эслатилган барча хислатлар жамланганини кўрсатади.

Бутунроссия давлат кинематография институтининг (ВГИК) фотокомпозиция бўлими профессори Лидия Диконинг “Фотокомпозиция” китобига Х.Файзиёв фототасвирларидан учтаси кирилган унинг оддий буюмларга бадиий мазмун юклай оладиган истеъдодли талаба бўлганини тасдиқлайди.

Александр Митта раҳбарлиги остида режиссёр Даврон Салимов билан ҳамкорликда “Қуёш ўлкаси” деб номланган битирув диплом ишини тасвирга туширади. Фильм юқори баҳоланиб, Х.Файзиёв Украинага – “Довженко” киностудиясига жўнатилади. Ёш кинооператорнинг истеъдодини ўз вақтида пайқаган устоз Малик Қаюмов “Бу бола Ўзбекистонга керак” деб йўллангани Тошкентга ўзгартиради (“Х.Файзиёв”, *видеолаваҳа*, 2012).

Хотам Файзиёвнинг ижодий фаолияти ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Бу даврда ўзбек кинематографияси овозсиз фильмлардан овозлига, оқ-қорадан рангли фильмларга, оддий форматдан кенг экранли форматга ўтиш каби техник ва ижодий босқични бошдан кечириётган эди. Ўзбек кинематографияси ютуқлари саналган “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддин Бухорода”, “Насриддин саргузаштлари” фильмлари халқнинг ҳам маданий меросига айланган эди. Х.Файзиёв “Сен етим эмассан”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Муҳаббат можароси”, “Абу Райҳон Беруний” кинокартиналарида операторлик маҳорати янада юксак поғонага кўтарилганини намойиш

этади. “Актёрнинг психологик ҳолатини очиб бериш учун жуда кўп чироқ кўярди, – деб хотирлаган эди атоқли режиссёр Шуҳрат Аббосов. – Лекин чироқлар тўғри қўйилмагунча, операторлик ишини маромига етказмагунча, виждони ва санъат олдидаги бурчини тўлақонли бажармагунча тинчимасди. Икки-уч соатлаб натурада актёрларнинг йирик планига чироқ кўяр, катта-катта ДИГларни (юқори қувватли ёритиш мосламаси) қўйиб актёрларни қийнайверарди. Съёмка жараёнида тасвирга олиш гуруҳи қийналиб кетарди. Бироқ монтаж пайти экрандаги Х.Файзиёв олган кадрларни кўриб, “Воҳ” деб кўлларини ўпгим келарди.

Бу инсон – ранглари теран ҳис этадиган катта рассом эди. “Тошкент – нон шаҳри” фильми оқ-қора рангдаги плёнкага туширилган, лекин уни экранда кўрганимизда рангсизлиги билинмайди. Худди рангли фильм кўргандай бўламиз” (*ўша манба*).

Кинооператор учун яхлит ижодий концепцияни чуқур идрок этиш, экранда акс эттириладиган аниқ, жонли образларни чинакам ҳис қилиш жудаям зарур. Фильмнинг тасвирий талқинини аниқлаш, фильм ҳақидаги умумий таассурот оператор учун ҳал қилувчи роль ўйнайди.

“Аёллар салтанати” (2000), “Дилхирож”, (2001), “Ўртоқ Бойкенжаев” (2002), “Дард” (2003), “Эркак” (2004) кинокартиналарини Х.Файзиёв билан ҳамкорликда тасвирга олган атоқли режиссёр Юсуф Розиков Америка Қўшма Штатлари Миннесота халқаро кинофестивали бадиий раҳбари Альфред Милграм билан ўтказилган ижодий учрашувни эслаб: “Жаноб Милграм “Аёллар салтанати” кинокартинасини кўргач, “Америка киноакадемиясида таҳсил олаётган талабаран ушбу фильмнинг ҳар бир кадрини диққат билан кўриб, асар бадиий ғоясидан келиб чиқиб яратилган содда, лекин пишиқ

композицияни, ёруғлик жилодорлиги, поэтик муҳит яратиш услуги ва воситаларини ўрганиши керак”, деб таъкидлаган эди”, дейди бир суҳбатда.

Х.Файзиев томонидан “Дилхирож” кинокартинасида бош ғояни экранда таъсирчан ифодалаш ҳамда худудга хос жиҳатни намоён этиш учун рассом Бобур Исмоилов билан ҳамкорликда кўча деворларини қизғиш рангга бўяб, ушбу ранглари бўрттириш учун кинокамера объективига махсус филтер таққан. Бу эса жилодор ва ранг-баранг Бойсун муҳитини экранда акс эттириш мақсадида оператор ўйлаб топган ижодий услуб эди. Бош қахрамонлар – йигит ва қизнинг қишлоқдаги учрашув эпизодини тасвирга тушириш учун тол дарахтининг яхлит шохини олиб келиб ўрнатилгани эса кадрга нафосат ва сокинлик бағишлаган.

Операторлар иш тажрибасида ёруғлик туси билан урғу бериш (светотональный акцент) тушунчаси мавжуд. Бу усул томошабин диққатини сюжетга ёруғлик воситасида қаратиш учун қўлланади.

Фильмдаги болаларнинг тераклар орқасидан чиқиб, югуриб кетиш эпизодини суратга олишда ёритиш гуруҳи ҳамда баъзи ижодкорлар операторга эътироз билдирди. Кундуз кунни тасвирга туширилган майдонга улкан ёритиш ускунасини ўрнатиш ўрнига ёруғликни қайтарувчи енгил фонерлардан фойдаланишни маслаҳат беришди. Замонавий плёнкаларнинг ёруғликка сезувчанлиги анча ортганини таъкидлашди. Бироқ Х.Файзиев катта чироқлардан ўз ўрнида фойдалангани экранда исботини топди. Ана шу эпизодда бош қахрамон – бола қолган тенгдошлари ва атрофдаги тераклардан юзидаги ёруғлик туфайли ажралиб турганини кўриш мумкин.

Умуман, ёруғликни тўғри бошқариш, у экранда қай даражада намоён бўлишини олдиндан кўра олиш операторнинг энг муҳим хислати саналади. Чунки плёнка кимёвий усулда чайилиб, тасвирлар кўринмагунча оператордан бошқа ижодий гуруҳ аъзолари кадрлар борасида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмайди.

“Дилхирож” фильми қахрамони – Санамнинг (актриса Севинч Мўминова) йигит кетидан тома-том югуриш эпизоди 11 та алоҳида ва турли жойларда тасвирга туширилган. Лекин экранда бу хилма-хиллик умуман сезилмайди. Режиссёр турли хил объектларнинг яхлит бўлиб кўриниши, ягона экспонетрик ҳолатга Х.Файзиев таклифи бўйича кадрларни ҳафта давомида аниқ белгиланган вақтда тасвирга тушириш орқали эришган.

“Дилхирож” кинокартинасида кадрлар тез-тез алмашгани кузатилса, “Эркак” фильмида узун-узун метражли кадрлар кетма-кетлигига гувоҳ бўламиз. Иккала кинокартина бир географик худудга алоқадор бўлса-да, лекин улар ғоясидан келиб чиққан ҳолда икки хил тасвирга олиш услугига мурожаат қилинган.

Фильм тасвирий ифодасини яратаётган оператор съёмка пайти киноасарни тадқиқ қилади ҳамда онгида пайдо бўлган таассуротни тасвир объектига кўчиради. Асл бадиийликка яратилаётган фильмдаги образ ва ғояни чуқур англаш орқали эришилади (*Нильсон В. Изобразительное построение фильма. Москва, “Кинофотоиздат”, 1939. Стр. 219*).

Х.Файзиев кинокартиналарида ҳам юқорида келтирилган жиҳатлар билан бирга ҳар бир кадр композициясидаги тасвирий ифоданинг таъсирчанлиги, ёруғлик товланиши, операторнинг чуқур билими ва тажрибаси яққол сезилади.

Ярим асрлик ижодий фаолияти даврида Х.Файзиев бир неча давлат мукофоти билан тақдирланди. У меҳнатсеварлиги, касбига садоқати, ўзига хос йўналиши ва инсоний хислатлари билан ўзбек кино оламида сермазмун из қолдирди.

Ҳозирда Х.Файзиев тарбия қилган кўплаб шогирдлар республика ҳамда халқаро кинематография олами чироқларини ёқиб келмоқдалар.

**Беҳзод ҚОДИРОВ,**

ЎЗР ФА Санъатшунослик институти  
таянч докторанти

## Qopchi savdogarlar qismati

Собиқ совет ҳокимияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ўзига хос “услуб”ни ҳаётга татбиқ этиб, асрлар давомида шакл-

ланган тизимни издан чиқаради. Октябрь (1917) тўнтаришидан кўп ўтмай, большевиклар озиқ-овқат тақсимотига масъулият билан ёндашиб,

кундалик эҳтиёж моллари ва дўконлар, тегирмонларнинг назоратига қаратилган декрет қабул қилган. Аммо ушбу декретда мавжуд мураккаб аҳвол ҳолис ва ҳаққоний баҳоланган деб бўлмади. Масалан, ушбу ҳужжатда Туркистон шаҳарларига озиқ-овқат маҳсулотларининг етиб келмаслигига марказ билан алоқанинг узилгани сабаб қилиб кўрсатилган.

Большевиклар мурожаатлар чоп этиб, озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ечимида “чайковчилар”, “таловчилар”, “давлат бойлигини талон-торож қилувчилар” ва “аксилнқилобчи-амалдорлар” ҳибсга олиниб қамалишини уқтирганлар. Аммо ҳар қандай тазйиқ ва кўрқитишларга қарамадан, озиқ-овқат муаммоси долзарблигича қолаверган. Мазкур муаммо ечимида 1917 йил охиридан бошлаб пайдо бўлган қопчи савдогарлар (*озиқ-овқат тақчиллиги даврида дон сероб жойлардан ғалла келтириб сотиш билан шуғулланувчи*) фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш керак. Айнан қопчи савдогарлар қишлоқма-қишлоқ изгиб юриб, деҳқоннинг кундалик эҳтиёжига зарур маҳсулотларни топиб, уларни деҳқоннинг ғалласига, озиқ-овқат маҳсулотига алмаштирганлар ёки деҳқонлардан мазкур маҳсулотларини арзон-гаров харид қилиб, кейин уларни шаҳарга олиб келиб, бир неча баробар ортиқ нархда сотганлар.

Россия подшолиги даврида ҳам товар алмаштириш, ўғрилиқ, қароқчилик, қопчи савдогарлик ҳолатлари бўлган. Аммо юқорида қайд этилган, анъанавий озиқ-овқат таъминоти турлари 1917 йил Февраль инқилоби, айниқса, Октябрь давлат тўнтаришидан кейин янада авж олибгина қолмай, уларнинг янгидан-янги турлари вужудга келган. Чунки урушнинг давом этиши, ҳокимият учун кураш, бошқарув тизимидаги бошбошдоқлик, аҳоли таъминотида синфий ёндашув, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг издан чиқиб кетгани охир-оқибатда аҳолининг маълум бир қисмини, кўп ҳолларда шаҳар аҳолисини, ўзини-ўзи бошқаришда ноанъанавий усуллардан фойдаланишга олиб келган. Шу тариқа озиқ-овқат таъминотида давлат мулкни ўғирлаш, қопчи савдогарликни кучайтириш, меъёрий таъминотга қаратилган нон карточкалари сонини ўлик жонлар ҳисобига кўпайтириш каби қонунбузарликлар юзага келган.

Туркистонда озиқ-овқат таъминотидаги муаммолар кундан-кунга авж олган. Сиёсий ўзгаришлар иктисодий зиддият ҳамда бошбошдоқликлар, эски тузум билан янги инқилобий тузум

ўртасида кураш, таъминотдаги узилишларни вужудга келтирган. Бундай ҳолат Россияда ҳам, унинг чекка ўлкаларида, айниқса, Туркистонда яққол кўзга ташланган.

1917 йилда Туркистонга Россиянинг марказий ҳудудларидан озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ғалла келтиришнинг камайиб кетишига ҳарбий қопчи савдогарлар фаолияти ҳам сабаб бўлган. Уларнинг фаолияти ғалла нархи кундан-кун ортиб кетишига, ғаллани очарчилик ҳудудларига юбориш ўрнига, яқин-атрофга олиб бориб қимматроқ нархда сотилишига олиб келган. Қопчи савдогарликни, кўпинча, ҳарбийлар ўз хотини билан амалга оширган. Улар хизматдан бўш вақтларида темир йўлда бепул қатнов ҳуқуқидан фойдаланиб, шаҳарма-шаҳар юриб ғалла сотган. Бу ҳол жойларда ғалланинг нарх-навосига таъсир қилиб, меъёрдан ташқари олди-сотди операциясининг кучайиб кетишига олиб келган (*ЎзР МДА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 9-варақ орқаси*). Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳарбий қопчи савдогарларнинг фаоллиги натижасида бир пуд ғалла нархи 20 рублга кўтарилган. Боз устига эндиликда деҳқонлар учун ғаллани тегишли озиқ-овқат омборхоналарига келтиришдан кўра, ҳарбий қопчи савдогарларга сотиш афзалроқ эди. Албатта, ҳарбий қопчи савдогарлар фаолияти давлат манфаатларига, хусусан, Россиянинг Туркистондаги стратегик манфаатларига зид бўлган. Тегишли чоралар кўрилиб, ҳарбий қопчи савдогарлар фаолиятига қарши кураш кучлардан фойдаланилган бўлса-да, қутилган натижага эришилмаган (*ЎзР МДА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 9-варақ орқаси*).

Бу ҳол ҳукуматни қўшимча чоралар кўришга мажбур қилган. Масалан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги тизимнинг издан чиқа бошлаганлиги натижасида 1917 йил 7 июлда темирйўл ва сув йўли орқали озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш тартиб-қоидалари тасдиқланган. Унга кўра, хусусий шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини қопларда ташишга озиқ-овқат вазири, губерния, вилоятлардаги озиқ-овқат бошқарма-қўмиталари рухсат бериши лозим эди. Мазкур буйруқда айбдорлар олти ойга қамоқ жазоси, уч ойгача 300 рублдан жаримага тортилиши, озиқ-овқат қопларининг мусодара қилиниши қайд этилган (*Самарқанд вилоят давлат архиви, Р-12-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 7-варақ*).

Қопчи савдогарлик билан шуғулланишга мажбур қилган омиллардан яна бири – шаҳар аҳоли-

сини анъанавий тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг издан чиққанидир. Деярли барча ижтимоий қатламлар озиқ-овқат тақчиллиги туфайли турли йўллар билан ўзини ўзи таъминлашда давом этади. Вужудга келган шарт-шароитдан келиб чиқиб, ғалланинг эркин савдосини тақиқлаш совет ҳокимиятининг ҳарбий коммунизм сиёсати оқибати эди.

1918 йил 16 февралда РСФСР ХКК томонидан қопчи савдогарларга қарши кескин кураш эълон қилиниб, маҳаллий кенгаш ва барча темирйўл ташкилотларига уларни ҳибсга олиш, қуролли қаршилик кўрсатилган тақдирда жойидаёқ отиб ташлаш бўйича кўрсатма берилади. Мазкур кўрсатмадан икки ҳафта ўтиб, РСФСР ХКК раиси В.И.Ленин темирйўлларни қопчи савдогарлар ва безорилардан озод этиш кераклигини талаб қилиб, бош ички душманмиз чайқовчи, савдо-сотиқни талон-торож қилувчи, савдо монополиясини издан чиқарувчилар, деб қайд этади (*Карр Эдвард. История советской России. Большевицкая революция 1917–1923. Том I. Москва, Издательство "Прогресс", 1990. Стр. 498*).

Аммо раҳбариятнинг озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ расмий қарорлари ҳаётга татбиқ этилмай, ҳукумат озиқ-овқат таъминотини изга сола олмагани сабабли жойларда ва марказда озиқ-овқат захираларининг йўқлиги “қора бозор”-нинг яшаб қолишига имкон берган. Таъкидлаш жоизки, жазога тортишга йўналтирилган ҳар қандай буйруқлар ҳам ҳаётий зарурат олдида ожизлик қилади. Боз устига Туркистонда озиқ-овқатнинг кундан-кунга тақчиллашиб бориши, 1918-1919 йилларда Туркистон ва Оренбург ўртасидаги темирйўл алоқаларининг узилиб қолиши ўлкада қопчи савдогарлар фаолиятининг куча-

йишига сабаб бўлади. Архив манбаларига кўра, Фарғона вилоятида очарчилик кундан-кунга авж олаётган бир пайтда большевиклар мазкур муаммони ҳал қилиш ўрнига, фаолияти тўғри ташкил этилса, бозор мўл-кўллиги таъминотида ижобий роль ўйнайдиган қопчи савдогарларга қарши кураш эълон қилади. Қопчи савдогарлар фаолиятининг ижобий томони шундаки, улар қаерда ғалла бўлса, олиб ғалла етишмайдиган ҳудудларга етказиб, албатта, қимматроқ нархда сотган. Аммо улар фақат Туркистон билан чекланмай, ғаллани Россияга олиб чиқиб кетишга ҳам ҳаракат қилади. Боз устига қопчи савдогарлик билан нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки ишнинг кўзини биладиган, Россиядан Туркистонга келиб, шундоқ ҳам озиқ-овқат муаммосига дучор бўлган Туркистон вилоятларидаги бозорларни шип-шийдон қилиб юрган русийзабон тадбиркорлар ҳам шуғулланишган. Бу ҳолга чек қўймаслик очарчиликнинг янада авж олиб, ўлимнинг кўпайиб кетишига сабаб бўларди. Шунинг учун ҳам, жойлардаги раҳбарлар Туркистондан ғаллани қопчи савдогарлар орқали чиқиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Большевикларнинг узоқни ўйламай амалга оширган маъмурий чора-тадбирлари эса жойларда озиқ-овқат таъминотига қарши ишлайди. Халқ фаровонлиги, очларни тўйдириш, нарх-навони тушириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар тескари натижа беради. Бу эса большевикларнинг амалда эркин олди-сотди ишларини олиб боришга қарши бўлганини кўрсатади.

**Нурилло РЕЖАББОЕВ,**

*Наманган давлат университети  
тадқиқотчиси*

## SUMMARY

**Maybe, we should think. Interview with poet and philosopher Abdulla Sher. pp. 4-21.**

The interlocutor believes the current state of philosophical thinking and philosophical education in Uzbekistan is unsatisfactory. Particularly, he has criticized that, none of the academician has been discovered in the whole system of philosophical science, no any name of Uzbek philosophers has been acknowledged in the modern world philosophy in the last quarter century, also he critically mentioned the closure of the Philosophy and Law Research Institute. In the interview, he has suggested the reform of philosophical subjects on the basis of foreign experience and he has emphasized that it was necessary to abandon the path of the adherence of philosophy to the ideology that has been going on since the Soviet times.

**Victor Alimasov. Are we ready for the scientific revolution? pp. 26-32.**

Today's world is experiencing unprecedented innovations in science and technology. The fourth scientific and technological revolution radically changed not only the way of life, but also the ideology and mentality of humanity. What kind of novelty has the new scientific revolution brought to Uzbekistan? How does this phenomenon affect the national ideology, traditions and va-

lues? Is the Uzbek society ready for the fourth scientific and technological revolution? This article discusses similar issues.

**Abdulla Azam. National alphabet: details and analysis. pp. 38-49.**

There is an acrimonious debate among the intellectual society of Uzbekistan on the question of how should be the national alphabet based on the Latin alphabet. There are those who offer simplification of the alphabet (minimalists), those who offer complications (maximalists) and proponents of a moderate approach. The author shows pros and cons of these three approaches and presents a new draft of the alphabet.

**Nodira Ofokova. A Citizen of the World. pp. 52-61.**

A letter to the famous Japanese philosopher Daisaku Ikeda, who received the United Nations Peace Medal. In 2018, Daisaku Ikeda's book "The World is Yours to Change" was published in Japanese, Uzbek, Russian and English in Tashkent. After reading, the poetess Nodira Ofokova wrote to the author her impressions of this book in the form of a letter. The letter outlines thoughts of war and peace, evil and good, ignorance and enlightenment, as well as observations about the future of mankind.




Дилором МАМЕДОВА. "Бахт эшиги"

Таф. 13529с.

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нарҳда

# TAFAKKUR

ТАФАККУР 1/2019



ISSN 2010-6491



9 772010 649005